

Х. ДОНИЁРОВ  
Б. ЙҰЛДОШЕВ

Агадай  
тил ва  
бадиай  
стиль



УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ  
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ МИНИСТРИЛIGИ  
АЛИШЕР НАВОИИ НОМИДАГИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ  
ОРДЕНЛИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Х. ДОНИЁРОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ

АДАБИЙ ТИЛ  
ВА  
БАДИЙ СТИЛЬ

Масъул мұхаррир:  
Ўзбекистон ССР ФА академиги  
Ш. ШОАБДУРАҲМОНОВ

ТОШКЕНТ  
УЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ  
1988

Мазкур китобда адабий тилнинг миллый тил ва маҳаллий диалекtlар билан муносабати, ўзбек адабий тилининг ривожланиш манбалари, адабий тил стиллари ва уларнинг бир-бирига таъсири, бадий асар тилини ўрганишнинг назарий масалалари ёритилган. Шунингдек, ишда Алишер Навоий, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Парда Турсун, Ҳамид Ғулом, Саид Аҳмад сингари шоир ва адилларнинг адабий тил тараққиётiga қўшган ва қўшаётган улушлари таҳлил қилинган, адабий тилнинг бадий таржима билан муносабатига доир фикр-мулоҳазалар юри-тилган.

Китоб ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослиги билан шугусланувчи ўқитувчилар, аспирантлар ва студентларга мўлжалланган.

Тақризчилар:

филология фанлари докторлари, Ж. МУХТОРОВ, Б. УРИНБОЕВ

Д 460300000—4018  
М 355(04)—88 161—88  
ISBN 5—648—00156—8

© Ўзбекистон ССР  
«Фан» нашриёти, 1988 й.

## СУЗ БОШИ

Маълумки, ўзбек адабий тили ва бадиий стилининг айрим муаммоларини ишлаш процесси анча илгари бошланган бўлиб, бу соҳада А. К.Боровков, Е. Д. Поливанов, К. К. Юдахин, Ғози Олим Юнусов, В. В. Решетов, У. Турсунов, Ш. Шоабдураҳмонов, Ф. Абдураҳмонов, Ф. Абдуллаев, А. Ғуломов, М. Асқарова, А. Ҳожиев, А. Рустамов, И. Расулов, Р. Қўнғуров, Б. Ӯринбоев, И. Қўчқортөев, Э. Бегматов ва бошқа бир қанча олимларимиз каттā хизмат қилганлар. Лекин шу вақтга қадар қилинган ишларнинг ҳар қайсиси адабий тилни тилшуносликнинг муайян аспекти бўйича тадқиқ қилишга бағишиланган. Масалан, бу ишларнинг бир қисми адабий тилни грамматик жиҳатдан характерлаган бўлса, иккинчи қисми адабий тилнинг тарихини ёритган, учинчи қисми эса стилистикага (грамматик стилистика, лексик-грамматик ёки амалий стилистикага) бағишиланган.

Дарвоқе, ўзбек адабий тилининг шаклланиши, унинг тараққиёт босқичлари, адабий тилининг таърифи, унинг нормалари, адабий тилнинг умумхалқ тилининг бошқа функционал кўринишлари ва формалари билан муносабати, хусусан, адабий тилнинг бадиий тил билан алоқаси ҳақида яхлит ва умумлаштирувчи характерга эга бўлган алоҳида тадқиқот ишлари ёки монографиялар йўқ. Ҳолбуки, ҳаётимизда сўнгги вақтларда юз бераётган қайта қуриш, ошкоралик ва демократия сиёсати билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар ва, хусусан, миллий тиллар тараққиётига бўлаётган эътибор тилшунослигимизда шу вақтгача қўлга киритилган ютуқларни янги имкониятлар билан боғлиқ равишда қайта кўриб чиқиш зарурлигини тақозо этади.

Ушбу монография ана шундай талабларга маълум даражада хизмат қилишга қаратилган бўлиб, у адабий тил ва бадиий стилни ўрганиш соҳасида шу вақтгача

йўл қўйиб келинган айрим камчиликларни тўлдиришга қаратилган дастлабки уриниш, биринчи тажрибадир. Ушбу монографияни ёзишда машҳур тилшунос олимларнинг эълон қилинган асарларидан умумий тарзда фойдаланиш билан бир қаторда авторлар қўйидаги асарларга материал сифатида таяниб иш кўрдилар: Х. Дониёров, С. Мирзаев. Сўз санъати (маҳорат ва тил ҳақида мулоҳазалар), ЎзССР давлат бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1962; Х. Дониёров. Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили,Faфур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент 1972; Х. Дониёров. Эски ўзбек адабий тили ва қипчоқ диалектлари (лекциялар тексти), Тошкент, 1976; Х. Дониёров. Қипчоқ диалектларининг лексикаси, Тошкент, 1979; Ш. Шоабдураҳмонов, М. Асқарова; А. Ҳожиев, И. Расулов, Х. Дониёров. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1-қисм, Тошкент, 1980; Ў. Турсунов, Б. Үринбоев. Ўзбек адабий тили тарихи, Тошкент, 1982; Б. Йўлдошев. Бадиий нутқ стилистикаси, Самарқанд, 1982 ва бошқалар.

Ҳеч шубҳа йўқки, бу монография биринчи тажриба бўлгани учун унда айрим камчиликлар, янада тўлдирилиши ва бойитилиши зарур бўлган ўринлар бўлиши табиий. Шунинг учун ҳам мазкур иш ҳақида фикр айтиб, маслаҳат билдирган кишиларга авторлар олдиндан миннатдорчилик билдирадилар.

## **АДАБИЙ ТИЛ ВА БАДИЙ СТИЛНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ**

### **МИЛЛИЙ ТИЛ, АДАБИЙ ТИЛ ВА МАҲАЛЛИЙ ДИАЛЕКТЛАРНИНГ ҮЗАРО МУНОСАБАТИ**

Миллий тил, умумхалқ тили ва адабий тил тушунчалари тилнинг қирралари (аспектлари)га оид тушунчалар бўлиб, улар ўзаро умумийликка эга ва бир-бирлари билан узвий боғлангандир, лекин улар орасида ўзаро маълум даражадаги фарқ ва ўзига хос томонлар ҳам мавжуд. Бироқ бу ўзига хос томонларни кўпгина мутахассис бўлмаган кишилар, баъзан эса ҳатто айрим мутахассислар ҳам аниқ фарқламайдилар, бу терминлардан бири ўринда иккинчисини қўллаб, уларни бир-бири билан аралаштириб юборадилар.

Биз бу ўринда миллий тил, адабий тил, умумхалқ тили ва маҳаллий диалект тушунчаларининг қўлланиш доираси, бир-бирига муносабати ва ўзаро фарқлари ҳақида, уларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирига таъсири ҳақида қисқача фикр юритамиз.

Миллий тил тушунчалик умумхалқ тили тушунчасига баравардир. У ҳозирги даврнинг умумхалқ тилидир. Уларнинг фарқи шундаки, умумхалқ тили тушунчалик тараққиётининг ҳамма даврларига хос тушунча бўлса, миллий тил маълум даврга хосдир, яъни миллий тил капиталистик муносабатларнинг пайдо бўлиши ва миллатларнинг ташкил топиши даврида миллатнинг асосий бирлигини ташкил қилувчи тушунча сифатида юзага келган ва ҳозирги даврда ҳам ўз қиммати ва актуаллигини тўлиқ сақлаб келмоқда.

Демак, миллий тил тушунчалик юзага келишининг асосий шарти капиталистик муносабатларнинг юзага келиши ва миллат тушунчаликни пайдо бўлишидир. Бошқача қилиб айтганда, миллий тил тушунчалик капитализм даврида юзага келади. Умумхалқ тили тушунчаликни эса, «қадимдан» мавжуд бўлиб, у ҳозирги вақтда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган (йўқотмайди ҳам) ва у ҳозирги вақтда миллий тил тушунчаликни билан баравар қўлланилади. «Ўзбек тили» тушунчалик умумхалқ ўзбек

тили ёки ўзбек миллий тили тушунчаси билан тенг туради. Ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда юз берадиган муҳим ўзгаришлар адабий тил тараққиётига ҳам таъсир этади. Бунинг сабаби шундаки, «тил маълум маънода ижтимоий тараққиётнинг барометри бўлиб хизмат қиласди, чунки унда жамият ҳаётидаги асосий тўлқинлар, ўзгаришлар акс этиб туради»<sup>1</sup>. Лекин шуни унутмаслик зарурки, жамият ҳаётида юз берган у ёки бу ўзгариш тилнинг барча ярусларига бир хилда таъсир кўрсатмайди. Айниқса, тилнинг грамматик қурилиши унинг бошқа ярусларига нисбатан жуда секинлик билан ўзгаради. Грамматикадаги бундай ўзгаришни муайян бир хил тараққиётининг барча этапларини изчил ўрганиш асосида аниқлаш мумкин бўлади<sup>2</sup>.

Юқорида қайд қилинганидек, миллий тил тушунчаси ҳозирги вақтда умумхалқ тили тушунчасига тенг келади ва кўпинча унинг синоними сифатида қўлланади. Бу тушунчанинг чегараси кенг бўлиб, шу тилда гаплашувчи жамият аъзолари фаолиятининг ҳамма томонларини ўзида акс эттиради. Миллий тил тушунчасига адабий тил ҳам киради, чунки адабий тил тушунчаси миллий тил ёки умумхалқ тили тушунчасига нисбатан анча торроқдир.

Шунингдек, миллий тил тушунчаси доирасига маҳаллий диалектлар, шевалар ва ҳатто социал жаргонлар, арголар, вульгар сўзлар ҳам киради. Фақат бу ерда шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, адабий тил миллий тил ёки умумхалқ тилининг қайта ишланган, силлиқлаштирилган ва муайян нормага солинган қисми. Шунга кўра, у миллий тил ёки умумхалқ тилининг юқори формаси бўлса, маҳаллий диалект ва шевалар шу умумхалқ тили ва миллий тилнинг қуий формалари бўлиб ҳисобланади. Социал жаргон ёки арголарни умумхалқ тилининг инқирозга юз тутган ёки бузилган формаси, дейиш мумкин.

Миллий тил билан адабий тил тушунчалари орасидаги учинчи фарқ шундан иборатки, миллий тилнинг юзага келиши капиталистик муносабатлар ёки капитализм формацияси билан боғлиқ бўлса, адабий тил тушунчасининг юзага келиши (ёзма адабий тил назарда тутилади). ёки унинг шаклланиши, одатда, кўпинча

<sup>1</sup> Демериеv Ю. Д. Проблема функционального развития языка и задачи социолингвистики//Язык и общество. М.: 1968. С. 55—56.

<sup>2</sup> Будагов Р. А. Проблемы развития языка. М.—Л., 1965, С. 53.

ривожланган ёзув ва ёзма адабиётнинг мавжудлиги билан, умуман олганда, ривожланган ёзма адабиёт, маданият ва традицияга эга бўлган ёзувнинг юзага келиши, аниқроғи, унинг мавжудлиги билан боғлиқдир. Шу билан боғлиқ равишда миллий тил билан адабий тил тушунчаларининг яна бир фарқи бор. У ҳам бўлса шундан иборатки, адабий тил, одатда капиталистик формация мавжуд бўлган давргача, яъни феодализм даврида ҳам ва баъзан ундан олдинги даврда ҳам юзага келаверади. Шу билан бирга, юқоридаги шартлар илгари мавжуд бўлмаган тақдирда капиталистик формациядан кейинги даврда, яъни ҳамма миллат ва элаторнинг ривожланиши учун чинакам шароит яратувчи социализм даврида ҳам юзага келади ва шаклланади.

Социализм даврида миллий тил тушунчасининг мазмуни шу миллатларнинг муносабати ва тараққиёти характеристига мос равишда қисман ўзгаради, холос.

Маълумки, адабий тилнинг одатда икки формаси бўлади, яъни бу унинг оғзаки ва ёзма формаларидир. Адабий тилнинг оғзаки формаси унинг ёзма формасига нисбатан кўпинча эскироқ ва қадимириrok бўлади. Шу оғзаки форма асосида тегишли шароит мавжуд бўлган тақдирда ёзма форма юзага келади. Адабий тилнинг ёзма формаси юзага келмаган, шаклланмаган халқларда кўпинча унинг оғзаки формаси ана шу ёзма форманинг вазифасини ҳам бажаради. Бу баъзан уст диалект форма (наддиалектная форма) ёки диалектлараро форма деб ҳам аталади<sup>3</sup>.

Бу ерда шу нарсани ҳам алоҳида айтиш керакки, адабий тилнинг ёзма формаси мавжуд бўлган жойда ҳам айни бир вақтда унинг оғзаки формаси ёки шу оғзаки форманинг турли кўринишлари унинг ёзма формаси билан параллел равишда мавжуд бўлиши ва параллел яшаши мумкин. Октябрь революциясига қадар эски ўзбек адабий тили билац бир қаторда ўзбек адабий тилининг ана шундай оғзаки ва диалектлараро формаси бўлган ва у ёзма адабий тил билан бир қаторда давом этиб келган. Революциядан кейин эски ўзбек адабий тили нормаларини қайта ишлаб, адабий тилни халқ ишлаб, адабий тилни халқ тилига яқинлаштиришда адабий тилнинг ана шу оғзаки формалари муҳим роль ўйнаган.

<sup>3</sup> Деницкая А. В. Наддиалектные формы устной речи и их роль в истории языка, М., 1970. С. 8—9.

Адабий тилнинг оғзаки формаси унинг ёзма формасига нисбатан ўзгарувчанроқ ва прогрессивроқ ҳисобланади. Унинг ёзма формаси эса, аксинча, унинг оғзаки формасига нисбатан маълум даражада консервативдир.

Бу ҳол, хусусан, Улуғ Октябрь социалистик революциясиға қадар бўлган даврда кўзга аниқ ташланган ва у даврда адабий тилнинг ёзма формаси маълум сабабларга кўра ва матбуот органлари ҳозиргидек алоқа воситаларининг йўқлиги, мактабларнинг жуда камлиги, аҳолининг тарқоқ яшаганлиги, кўпчилик қисмининг саводсизлиги, иқтисодий турмушнинг қолоқлиги ва бошқа шунга ўхшаш сабабларга кўра кенг ҳалқ оммасига етарли даражада таниш бўлмаган ва шу сабабларга кўра у кенг ҳалқ оммаси орасида етарли даражада қўлланмаган. Шу боисдан унда консерватив томонлар ҳам вақт ўтиши билан кўпая борган. Буларнинг ҳаммаси адабий тилнинг оғзаки формаси билан унинг ёзма формаси ўртасида алоқанинг бўшашувига, ёзма адабий тилнинг сезиларли даражада эскиришига сабабчи бўлган.

Шунинг учун ҳам Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин эски ўзбек адабий тилининг нормалари жонли ҳалқ тили ва маҳаллий диалектлар асосида қайтадан ишлаб чиқилди ва адабий тилнинг жонли ҳалқ тили билан алоқаси, унинг ички базасини ташкил этувчи маҳаллий диалектлар билан алоқаси, адабий тил ёзма формасининг оғзаки формаси билан муносабати беқиёс даражада мустаҳкамланди, натижада улар бирбирларига яқинлашди, улар орасидағи фарқлар камая борди.

Лекин баъзилар ўйлаганидек, эски ўзбек адабий тилининг Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейинги қайта ишланиш ва янги ўзбек адабий тилини шакллантириш жараёни эски ўзбек адабий тилининг иштирокисиз ёки ундан ташқарида юзага келган эмас. Аксинча, эски ўзбек адабий тилининг ҳалқ тили асосида қайта ишлаб чиқилишида ва шаклланишида биринчички манба шу эски ўзбек адабий тилининг ўзи бўлиб ҳисобланади. Йиккинчи ички манба ҳалқ оғзаки сўзлашув тили ва ҳалқ шеваларининг материалларидир. Учинчи қўшимча ички манба эса ҳалқ оғзаки ижодининг тил хусусиятлари бўлиб ҳисобланади.

Ҳар бир адабий тилнинг тараққий этишида ташқи фактор ҳам муҳим роль ўйнайди. Масалан, Улӯғ Октябрь социалистик революциясиға қадар ўзбек адабий тилининг ривожланишида араб, форс-тожик тиллари

муҳим ташқи фактор бўлиб хизмат қилди. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг ва бошқа СССР ҳалқлари тилларининг тараққиётида асосий манба сифатида улўф рус тилининг ҳам беқиёс даражада катта хизмати бор.

Демак, ҳозирги ўзбек адабий тилини эски ўзбек адабий тилидан бутунлай фарқ қиласи деб ҳисоблаш ва уни эски ўзбек адабий тилига бутунлай қарама-қарши қўйиш илмий жиҳатдан асоссиз ва нотўғри бўлиб, у тилнинг, жумладан, адабий тилнинг ижтимоий категория сифатидаги характеристерини яхши тушунмасликнинг оқибатидир. Чунки тил, бир томондан, адабиётга ўхшаб ижтимоий ҳодисалар қаторига кирса-да, адабиётга жуда яқин турса-да, лекин у ўзининг алоқа воситаси сифатидаги характеристери билан устқурма категориясига кирувчи адабиётдан кескин фарқ қиласи. Бу фарқ, биринчидан, тилнинг синфий эмаслигига ва синфларга баравар хизмат қилишида кўринади. Иккинчидан, бу фарқ тилдаги сифат ўзгаришларнинг эскини инкор қилиш йўли билан эмас, балки эскини аста-секин тўлдира бориш ва шу орқали янги сифатга ўтиш йўли билан содир бўлишида кўринади. Қиёслант: Улуг Октябрь социалистик революциясидан кейин том маънодаги янги социалистик адабиёт яратилди, унинг характеристери томоман ўзгарди. Лекин тамоман янги тил юзага келган эмас, тилнинг характеристери бутунлай ўзгартган эмас. Уни бутунлай ўзгартириш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган, чунки бундай қилиш Дон кихотчилик, аниқроғи, пролёткультчилик билан тенг ҳисобланарди. Шундай экан, эски ўзбек адабий тилининг, жумладан, А. Навоий асарлари тилининг ҳозирги адабий тилимиздаги ўрни ва хизматини кўрмаслик мумкин эмас.

Тўғри, Улуг Октябрь социалистик революциясидан кейин эски адабий тилимизнинг айrim аспектлари ҳалқ тили асосида қайта ишлаб чиқилди, унинг айrim эскирган сўз ва формалари янгилари билан алмаштирилди, янги терминология билан бойиди. Хизмат доираси ва стилистик системаси кенгайди ва ҳоказо. Лекин бу даврда бир адабий тил ўрнига тубдан сифат жиҳатдан фарқ қилувчи янги адабий тил юзага келиб қолмади, эски ўзбек адабий тилининг характеристери бутунлай ўзгариб кетмади. Қолаверса, тилимизнинг асосий хусусиятлари, унинг табиати ва системаси шу ҳолда давом этиб келмоқда. Масалан, тилнинг грамматик системасида силлиқлашиш юз берган бўлса-да, лекин у система сифатида бутунлай ўзгариб кетмаган, масалан, келишик категорияси, сўз ясаш усувлари от ва феълнинг категориал

формалари ва тилнинг фонетик системаси эски ўзбек адабий тилига қандай хизмат қилган бўлса, ҳозирги адабий тилимизга ҳам шундай хизмат қилиб келмоқда.

Миллий тил тушунчаси билан адабий тил тушунчанинг яна бир фарқи шундан иборатки, миллий тилларнинг айрим асосчилари бўлмайди. Миллий тилнинг асосчиси шу тилнинг эгаси бўлган халқdir.

Адабий тилнинг эса (тўғрироғи, капиталистик формациягача бўлган адабий тилнинг) ўз асосчиси бўлиши мумкин ва кўпинча шундай бўлади ҳам. Масалан, эски ўзбек адабий тилининг асосчиси ўзбек халқининг улуғ шоири ва мутафаккири Алишер Навоий бўлганидек, рус адабий тилининг асосчиси А. С. Пушкинди<sup>4</sup>.

Шундай қилиб, адабий тил умумхалқ тилининг ёки миллий тилнинг шоирлар, адиллар ва сўз устайлари томонидан қайта ишланган, маълум нормага солинган ва стандартлаштирилган қисмидир. А. М. Горький адабий тилни қайта ишланган тил (язык обработанный) деб баҳолаганда худди ана шу ҳолни назарда тутган. Бошқача қилиб айтганда, адабий тил бу умумхалқ тилининг силлиқлаштирилган, сайқал берилган ва амалда, хусусан, ёзувода кўпроқ қўлланиладиган қисми ёки формасидир. Шу жиҳатдан қараганда, адабий тил тушунчасига бадиий адабиёт ва матбуотнинг стиллари ҳамда бошқа функционал стиллар ва уларнинг турли хил кўринишлари ҳам киради.

Бадиий тил ҳам адабий тилнинг бир кўринишидан иборат ва у адабий тил тушунчаси доирасига киради. Аслини олганда, бадиий тил деган категория йўқ. Бадиий тил дейишимиз адабий тилнинг бадиий стилдаги кўриниши ёки бадиий стилга тўғри келади. Шунга кўра бадиий тил ибораси, шу жумладан, Навоий тили, Пушкин тили, Чехов тили, Л. Толстой тили, А. Қаҳҳор тили деган иборалар аслида Навоий стили, Пушкин стили каби тушунчаларга тенгдир, лекин юқоридаги иборалар узоқ вақтдан буён анъанага айланиб, одат тусига кириб қолгани учун улар ҳозирги адабий тилимизда ҳам шу ҳолда қўлланаверади.

Адабий тил баъзи кишиларнинг назарида гўё миллий тил ва умумхалқ тилига нисбатан юқорироқ, дабдабалироқдай ва ҳатто кенгроқдай бўлиб туюлади. Бунинг сабаби адабий тилнинг қайта ишланганлигига, силлиқ-

<sup>4</sup> Бу ҳақда мазкур китобнинг «Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили» ва, хусусан, «Ҳамзанинг ўзбек адабий тилини ривожлантириш соҳасидаги хизматлари ҳақида» деган темаларига қаранг.

лашганлиги туфайли товланиб кўринишида, унинг кўпроқ қўлланишида ва ҳамма функционал стилларнинг хусусиятларини ўзида акс эттиришидадир. Лекин миллый тил билан адабий тил орасида, шунингдек, адабий тил билан бадиий тил орасида Хитой девори даражасидаги ажралиш йўқ. Аксинча, улар орасида узвий боғлиқлик ва доимий ўзаро муносабат мавжуд. Чунки миллый тилнинг бу қисмида унинг қандайдир хусусиятлари доимо ишланиб ва қайта ишланиб, ўз имкониятларидан баъзи томонларини адабий тилга ўtkаза боради, шу йўл билан адабий тилнинг эскирган ёки эскира бошлаган элементлари янгилана боради, адабий тил тўлдирилади, ривожланади, унинг имкониятлари ошиб, мукаммаллаша боради. Бошқача қилиб айтганда, адабий тилнинг ўзи миллый тил базасида қурилади ва унинг базасида ривожланиб такомиллаша боради. Демак, миллый тил адабий тилнинг мустаҳкам пойдевори, таянчи бўлиб ҳисобланади. Масалага шу нуқтаи назардан қараганда миллый тилсиз адабий тилнинг ўзи ҳам бўлмайди. Чунки миллый тил адабий тилда йўқ нарсани унга беради.

Қисқаси, миллый тил ёки умумхалқ тили билан адабий тил ўртасида узвий боғлиқлик бўлиши билан бир қаторда уларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирига муносабати, бир-бирига таъсири доимий тўхтовсиз жараён сифатида давом этади.

Миллый тилнинг қуёй формалари бўлган маҳаллий диалектлар ва халқ шевалариининг ҳам адабий тил билан боғлиқлий жараёни ва ўзаро алоқаси доимий ҳодиса сифатида давом этиб туради. Маҳаллий диалектлар ва халқ шеваларидан қандайдир формалар доимо аста-секинлик билан адабий тилга ўта боради, уни тўлдиради ва бойита боради.

Ўз навбатида ҳар бир адабий тил ҳам миллый тилнинг бошқа томонларига, хусусан, унинг қуёй формалари ҳисобланган маҳаллий диалект ва шеваларига кучли таъсир кўрсатиб, улардан бир қисмини ўзига мослаштиради, бўйсундиради ва ўзига сингдириш йўли билан ўз ихтиёрига ола боради. Лекин шу билан бирга, айни вақтда, адабий тилдаги қандайдир сўзлар, қандайдир ибора ва формалар замонлар ўтиши билан аста-секин эскириб, истеъмолдан (қўлланишдан) чиқа бошлайди ва уларнинг ўрни халқнинг жонли тили ҳамда шу жонли тилнинг турли кўринишларидан иборат бўлган маҳаллий диалектлар ва халқ шевалари томонидан, уларнинг янги-янги имкониятлари ёки ташқи омил томонидан тўлдирила боради.

Шундай қилиб, маҳаллий диалект ва халқ шевалари миллий тилнинг қуи формалари бўлиб ҳисобланиши билан бир қаторда, айни вақтда, улар адабий тилнинг ички ривожланиш имкониятларини ташкил қиласди, адабий тилнинг ёки миллий адабий тилнинг тараққиётiga хизмат қилувчи ички манба, таянч ҳисобланади. Шунинг учун ҳам маҳаллий диалект ва халқ шеваларига миллий адабий тилнинг ички манбаи, ички тараққиёт ресурси ва таянчи сифатида авайлаб муносабатда бўлиш талаб қилинади.

Демак, диалектизмларга қарши курашаман деб, диалект ва шеваларга қарши ўт очмаслик керак. Акс ҳолда, биз миллий тил ва адабий тилга заарар етказган, унинг ривожланиш имкониятини бирмунча қисқартирган, илдизига болта урган бўламиз.

Тил тўғрисидаги маркса-ленинча таълимотдан маълумки, маҳаллий диалектлар ва халқ шевалари ҳар бири ўзига яраша грамматик қурилиши, ўзига хос лексик состави ва ички имкониятига эга бўлади. Улар ана шу имкониятлар асосида тараққий этади ва миллий адабий тилига база бўлиб хизмат қиласди. Вақти келгандан ана шундай хусусиятларига кўра маҳаллий диалект ёки халқ шеваларидан бирортаси ёки бир группаси алоҳида ривожлана бориб, ҳатто миллий адабий тилнинг юқори формаси даражасига кўтарилиши, яъни адабий тилга асос бўлиши ҳам мумкин.

Лекин ўзбек адабий тилининг ташкил топиши ва шаклланиши маълум бир диалект ёки группа шевалар асосида бўлган эмас, балки у ўзбек миллий тилининг составидаги учта компонент, учта катта лаҳжанинг бирлашуви асосида юзага келган. Бу ҳақда Е. Д. Поливанов биринчи бўлиб қуидаги фикрни айтган эди: «Ўзбек тили (ўзбек диалектларининг бир бўтун йиғиндиси сифатида) ягона системанинг, ҳеч қачон амалда бўлмаган ўзбек бобо тилининг диалектологик парчаланиши йўли билан эмас, балки тил системаларининг бирлашуви йўли билан пайдо бўлган»<sup>5</sup>. Е. Д. Поливанов томонидан бундан яром асрдан кўпроқ вақт илгари айтилган бу фикр вақт ўтган сари кўпроқ аҳамият касб эта бормоқда.

Шундай қилиб, сўнгги вақтларда ўзбек адабий тилининг таянч диалектлари деб Тошкент ва Фарғона шевалари тез-тез тилга олингаётганга қарамасдан, аслида ўзбек адабий тилини ривожлантиришда ўзбек тили сос-

<sup>5</sup> Ҳозирги ўзбек адабий тили. 11-қисм. Тошкент. 1980. 19-бет.

тавидаги кўзга кўринган диалект ва шеваларнинг деярли ҳаммаси ҳам ўз имкониятларига қараб қатнашиб келмоқда. Бошқача қилиб айтганда, проф. Е. Д. Поливанов ва проф. Ғози Олим Юнусовлар томонидан кўрсатилган ўзбек тилининг учта катта лаҗжаси (қорлуқчигил ёки турк-барлос, қипчоқ ва ўғиз) асосида ўзбек адабий тили тез суръатлар билан ривожланиб келмоқда, бойиб бормоқда ва тараққий этмоқда. Айниқса, сўнгги вақтларда қипчоқ шеваларининг ҳозирги ўзбек адабий тилини ҳам, эски ўзбек адабий тилини ҳам ривожлантиришда актив қатнашганлиги ва муҳим роль ўйнаганлиги исботланди.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш керакки, ҳозирги ўзбек адабий тилига юқорида санаб ўтилган учта катта лаҗжанинг ҳаммасини ҳам маълум даражада асос бўлган деб ҳисоблашимиз ва, хусусан, ҳозирги ўзбек адабий тилини ривожлантиришда ўзбек миллий тили составидаги кўзга кўринарли маҳаллий диалект ва шеваларнинг ўзига яраша иштироки борлигини эътироф қилишимиз Тошкент — Фарғона — Андижон шеваларининг ҳозирги ўзбек адабий тилига таянч диалект бўлиб хизмат қилишини инкор қилмаганидек, ҳозирги ўзбек адабий тилимизга эски ўзбек адабий тилининг бевосита асос бўлиб хизмат қилганлигини ҳам инкор этмайди.

Ҳолбуки, кейинги вақтларда баъзи бир кишиларнинг тушунчаларида ана шундай ҳол юз бераётганга ўхшаб кўринадики<sup>6</sup>, бундай ҳолга кенг йўл қўйиб берилса, биринчидан, у ўзбек адабий тилининг шаклланиши, ривожланиши ва унинг ички манбалари тўғрисида кўпчиликда нотўғри тасаввур уйғонишига сабабчи бўлади. Иккинчидан, бундай ҳол ўзбек адабий тилининг бундан кейинги даврда шевалар ҳисобига ривожланишининг йўлини боғлаб қўйишга олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, адабий тилимизнинг потенциал ривожланишидаги имкониятлардан бир қисмини йўққа чиқаради. Оқибатда ўзбек адабий тилининг келгуси ривожланишига салбий таъсир кўрсатади, уни кучсизлантиради, шунинг учун ҳам бундай тушунчанинг тарқалишига йўл қўймаслик керак.

Дарвоқе, замонамизнинг машҳур адиби Ч. Айтматов тўғри қайд қилганидек, «Халқнинг агадийлиги унинг тилидир. Биз ҳеч қайси тилни, у қай халқники бўлишидан қатъий назар, ҳеч вақт камситмаслигимиз керак, бундай қилишга ҳаққимиз йўқ. Ҳар биримиз бизни

<sup>6</sup> Ўзбек тили ва адабиёти. 1987. 2-сон. 3—9-бетлар.

дунёга келтирган ва бизга ўзининг энг муқаддас бойлиги — тилини ҳадя қилган халқимиздан бир умрга қарздор эканлигимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз шарт. Агар биз ўз она тилимиз, унинг ривожи ҳақида жиддийроқ ўйламасак, бора-бора унинг йўқолиб кетиши ҳеч гап эмас. Тарихдан шу нарса маълумки, тилнинг йўқолиши осон, йўқолган тилнинг эса қайта пайдо бўлиши амримаҳол. Янги тиллар вужудга келадиган замонлар аллақачоноқ ўтиб кетган. Шунинг учун ҳам мавжуд тилимизни асраб авайлашимиз, уни ривожлантиришимиз керак. Тил экологияси худди табиат экологияси сингари мўрт ва мураккабдир»<sup>7</sup>.

Демак, адабий тил ҳам парваришга муҳтоҷ. Яхши боғбон боғини, яхши чавандоз отини ва яхши инженер (механик-ҳайдовчи) машинасини парваришлаб турганидек, адабий тилни ҳам парваришлаб туриш керак.

Ўзбек тили туркий тиллар ичидагина эмас, дунё тиллари орасида ҳам энг кўп диалектли тиллардан ҳисобланади. Шундай экан, табиий равишда шу кўп диалектлилик хусусияти ўзбек тилининг мусбат томоними ёки манфий, деган савол туғилади. Бизнингча, бу хусусият ўзбек тилининг ижобий томонидир.

Тўғри, кўп диалектлилик баъзан бошқаларнинггина эмас, шу миллат аъзоларининг ўзаро муносабати сўзлашуvida ҳам баъзи бир қийинчиликлар туғдиради. Шундай қийинчиликлар бу тилнинг хусусан луғат составини ўрганишда кўринади. Кўп диалектлилик, биринчи навбатда, миллий тилнинг ўзи ва айниқса унинг адабий формасининг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратади. Кўп диалектлилик баъзи ҳолларда шу миллат аъзоларига тил жиҳатдан қариндош бўлган бошқа миллат аъзолари тилларини ўрганиш ва ўзлаштиришга ёрдам беради. Масалан, шаҳарлик ўзбекларнинг уйғур тилини, қипчоқ ўзбекларининг қозоқ ва қорақалпоқ, нўғай, балқор тилларини, Хоразм ўзбекларининг туркман ва озарбайжон тилларини нисбатан тез ўзлаштириши фикримизнинг далилидир.

Масалага бу жиҳатдан қараганда, тилимиздаги кўп диалектлилик бошқа қариндош тилларни қиёсий планда ўрганиш ишини ҳам осонлаштиради ва унга ёрдам беради. Шу айтилганларни назарда тутиб, ўзбек тилини унинг ички имкониятлари билан бирга тил тарихи ва ҳозирги барча туркий тилларни қиёсий жиҳатдан ўрганишнинг ижодий лабораторияси дейиш мумкин.

<sup>7</sup> Совет Ўзбекистони санъати. 1987. 7-сон. 22-бет.

Демак, тилимиздаги кўп диалектлиликдан нолимаслик, уларни ўрганиш, уларнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш лозим.

Яна шуни ҳам алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, адабий тил билан маҳаллий диалектларнинг ҳозирги вақтдаги ўзаро муносабати ва алоқасини тушунишда олимлар ўртасида икки-уч хил қарааш бор. Баъзи олимлар (бу ерда кўпроқ рус олимларининг фикри назарда тутилади) ҳозирги рус адабий тилининг табиатидан келиб чиқиб, ҳозирги вақтда маҳаллий диалектларнинг адабий тилни лексик-грамматик жиҳатдан бойитиш ривожлантиришдаги роли умуман тугаган. Шунга кўра, ҳозирги вақтда маҳаллий диалектлардан адабий тилни ривожлантириш учун фақатгина стилистик планда, яъни маҳаллий колоритни акс эттирувчи диалектизмлар сифатида ёки персонажлар тилини индивидуаллаштирувчи восита сифатида фойдаланиш мумкин, деб ҳисоблайдилар.

Бошқа бир группа олимлар фикрича эса, маҳаллий диалект ва шевалардан адабий тилни, хусусан, унинг лексикасини бойитиш учун ҳам фойдаланиш мумкин, бироқ бу жараён адабий тил билан маҳаллий диалектлар орасида бевосита юз бермайди, у фақат хусусий жонли халқ сўзлашув тили ёки умумий койне орқали ёки унинг воситасидагина рӯёбга чиқади, деб ҳисоблайдилар. Биз шу фикрга кўпроқ қўшиламиз.

Учинчи группа олимлар адабий тил билан маҳаллий диалектлар, халқ шевалари ўртасидаги алоқа бевосита йўл билан ҳам юз беришини тан оладилар. Биз ҳам шу фикрдамиш.

Дарҳақиқат, республикамиздаги кўп сонли тилшунос-диалектолог олимларнинг узоқ йиллар мобайнида олиб борган кузатишлари ва хулосалари маҳаллий диалект ва халқ шеваларининг адабий тил билан алоқаси кўпинча бевосита юз беришидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, миллий тил, адабий тил ва маҳаллий диалектлар орасида доимий ўзаро муносабат ва боғлилик бўлиши билан бир қаторда, улар орасида маълум фарқлар ва ўзига хос чегаралар ҳам мавжудки, бундай фарқ ва чегаралар ҳақида ҳар бир филолог аниқ тасаввурга эга бўлиши керак.

Учинчидан, маҳаллий диалект ва халқ шевалари адабий тил билан ҳозирги вақтда ҳам бевосита алоқада бўлиши, ўзининг ички имкониятлари билан адабий тилнинг базаси сифатида унинг бойиши, ривожланиши ва мукаммаллашувида муҳим роль ўйнаши мумкин. Шун-

дай жараён ҳозирги ўзбек ва бошқа туркий тилларда кўпроқ учрамоқда.

Биз бундай процесснинг қадрига етмоғимиз ва адабий тилимизнинг келгусида ўз ички имкониятлари асосида ривожланишида ундан тўлароқ фойдаланмоғимиз лозим.

## АДАБИЙ ТИЛИМИЗНИНГ ҲАЁТБАХШ МАНБАЛАРИ

Маълумки, тил тараққиётининг ҳозирги босқичида СССРдаги миллий адабий тилларни ривожлантиришнинг иккита муҳим манбаи мавжуд. Шулардан бири, улуғ рус тили бўлса, иккинчиси ҳар бир миллий тилнинг ўз ички имкониятларидир. Миллий адабий тилни ривожлантирувчи ички имконияларга, биринчи навбатда, унинг ички резервлари бўлган халқ тили — халқ шева ва диалектлари киради. Адабий тил билан халқ тили ва шевалари ўзаро доимий алоқада бўлиб туради ва бирбирига таъсир кўрсатади.

Халқ шевалари ва маҳаллий диалектларни адабий тилимиз билан боғлаб ўрганиш соҳасида кейинги вақтларда анчагина жиддий ишлар қилинди. Тилшунослигимиз учун ана шундай ишлар бениҳоя зарур. Чунки у ёки бу диалектнинг, у ёки бу группа шеваларининг адабий тилимизга қўшган ҳиссаси ва унга берадиган имкониятларини ўрганмасдан туриб, шу шеваларнинг ёки адабий тилимизнинг истиқболини белгилаш, унинг келажагини таъминлаш соҳасида бирор жиддий иш қилиш қийин. Масалага шу нуқтаи назардан қараганда бир қатор тилшунос олимларимизнинг халқ шеваларини классификация қилиш ва уларни адабий тилимиз билан боғлаб ўрганиш соҳасида қилган ишларининг аҳамияти тилшунослигимиз учун бекиёс даражада каттадир. Бироқ бу ишларни ҳали амалий стилистик, стиль ва бошқа функционал стиллар ҳамда нутқ маданиятини бойитиш аспектида ва янги-янги шевалар, диалектлар ва халқ оғзаки ижодининг тил хусусиятлари билан боғлаб ўрганишини давом эттиromoқ лозим. Масалага шу нуқтаи назардан қараганда, қилинган ишлар ҳали жуда оз. Лекин ўрганилиши лозим бўлган материаллар ва адабий тилимизни бойитишга хизмат қилувчи ҳаётбахш манбалар жуда кўп. Ана шундай манбалардан бир қисми ўзбек тилининг ҳали кам ўрганилган қипчоқ диалектлари билан боғлиқ бўлиб, бу соҳадаги материаллар фақат адабий тилимиз учунгина эмас, бадий нутқ стили учун ҳам қимматли манба бўлиб хизмат қиласи.

Ўзбек тилининг қипчоқ диалектлари деганда биз, Улуф Октябрь социалистик революциясига қадар, ўзларини ўзбек номи билан атаб келган кўп сонли аҳолининг шева ва диалектларини назарда тутамиз. Маълумки, улар ҳозирги ўзбекларнинг катта асосий қисмини ташкил этади, революциядан олдин улар ўзларини «92 бовли ўзбек» деб атаганлар ва шу жумлага ўзбекларнинг минг, юз, қирқ, қиёт, қўнғирот, марқа, найман, манғит, ўймовит, боёвут, қорабчи, қатағон, куччи, кенагас, қипчоқ, қангли, сарой, туркманжуз, чайит, сартжузи, жалойир, керайит, бешюз, туёқли, ўроқли, сўлоқли, парча юз, ўюзли, очамойли, баҳрин, лоқай сингари уруғлари киритилган<sup>1</sup>.

Бу шеваларнинг вакиллари ҳозирги вақтда Самарқанд, Жиззах, Сурхондарё ва Қашқадарё областларининг асосий қисмида, Тошкент, Сирдарё областларининг катта бир қисмида, Фарғона водийсида, Хоразм областининг шимолий қисмида ва ҚҚАССРнинг бир қисмида, шунингдек, Тожикистон ССРнинг кўргина районларида, Қозоғистон ССР ва Қирғизистон ССРнинг жанубий қисмида, Туркманистон ССРнинг бир қисми ва Афғонистоннинг шимолида яшайдилар.

«Ўзбек» номи Улуф Октябрь социалистик революциясидан кейин ҳозирги ўзбек миллатининг ҳамма аъзолари учун умумий ном бўлиб қолгач, баъзи олимлар, жумладан, академиклар А. Н. Самойлович В. М. Жирмунский, А. Н. Кононов, М. Ш. Шералиев, Ш. Шоабдураҳмонов, профессорлар Н. А. Баскаков, В. В. Решетов, Э. Н. Нажип, Ф. А. Абдуллаев, А. М. Шчербак, У. Т. Турсунов, С. Иброҳимов ва бошқалар илгари «ўзбек» номи билан аталиб келган бу аҳолининг шевалари ни қипчоқ шевалари деб атай бошладилар ва бу номни муомалага киритдилар. Биз ҳам шуларга қўшилиб, кейинги вақтларда бу шевалар группасини қипчоқ шевалари ёки қипчоқ диалектлари деб атай бошладик. Уларнинг вакилларини эса, баъзан ўтмишга нисбатан, қипчоқ ўзбеклари деб юрита бошладик. Аслида, Улуф Октябрь социалистик революциясига қадар, бу шеваларнинг ҳамма вакиллари бир бутун ҳолда ўзбеклар деб аталган, қипчоқлар эса, ўша «ўзбек» бирлашмасига киритилган 92 уруғ ёки қабиладан биттасининг номи бўлган, холос.

<sup>1</sup> Дониёр ов X. Ўзбек тилининг шажара ва шевалари. Тошкент. 1968.

тилининг қипчоқ диалектлари ўзбек адабий тилининг ва унинг стилистикасининг ривожланиши, такомиллашви ва бойишида катта роль ўйнаган. Қипчоқ диалектларининг бу роли Октябрь инқилобидан кейин айниқса сезиларли даражада кенгайди ва орта борди. Далиллар келтирамиз.

1. Ҳозирги ўзбек адабий тилида, равишлар қиёсий даражасининг *-дай* ва *-дек* аффиксли икки параллел шакли мавжуд. Булардан *-дек* адабий тилимизга шаҳар шеваларидан олинган. Шаҳар шеваларида бунинг *-дақ*, *доқ*, *дағ-доғ* каби вариантлари ҳам бор. *-дай* аффикси эса қипчоқ диалектларидан олинган. Қипчоқ диалектларида унинг *-дай* ва *-дой* каби икки варианти бор. Шуниси ҳам борки, ҳозирги адабий тилимизда *-дай* аффикси *-дек* аффиксига нисбатан кўпроқ қўлланилади. Шунинг учун ҳам бу ўзаро синонимик муносабатга эга бўлган аффикслар маълум қўлланиш чегараси билан характерланади. Масалан, *шундай* ва *шундай қилиб* сўзларида ҳам доимо *-дай* аффикси ишлатилади. *Шу олмоши* қаратқич келишигига келгандা эса, фақат *-дек* аффикси билан бирлашади: *шунингдек*.

Шундай қилиб, *-дай* ва *-дек* адабий тилда морфологик вариантларгина бўлиб қолмасдан, балки маълум даражада дифференциаллашган грамматик-стилистик синонимлар ҳамdir<sup>3</sup>. Шунга кўра, улар адабий тилимизда параллел равища кенг қўлланади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бадиий адабиётда *-дай* аффикси *-дек* ка нисбатан кўп қўлланади. Бу Абдулла Қодирий,Faфур Фулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Миртемир, Уйғун, Ҳамид Фулом, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Пиримқул Қодиров, Суннатилла Анорбоев, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева, Хуршид Даврон ва бошқаларнинг асарлари тили орқали тасдиқланган.

2. Ҳаракат номларининг уч формаси (*-моқ*, *-ов*), (*-ув*), *-иши* (*-ииши*)дан фақат *-моқ* шаҳар шеваларидан ўзбек адабий тилига кирган. Қолган иккитаси қипчоқ лаҗжасидан олинган. Бу уч форма адабий тилда бирдай қўлланади. Аммо булар учови ҳам дастлаб турли диалект ва лаҗжаларда бир вазифани бажарганлиги, деярли бир маъноли бўлганлиги туфайли бу шакллардан ё бири қўлланishi ёки уларнинг семантик-стилистик та-

<sup>3</sup> Қўйнуроғ Р. Ўзбек тили грамматик стилистикасидан очерклар. Самарқанд. 1975; Шу автор. Стилистика имени существительного в узбекском языке. Ташкент. 1983.

бақаланиши зарур эди. Масалан, *моқ* аффиксли феъл шакли кўпроқ инфинитив маъносига эга бўлса, *-ув* (*-иши*) аффиксли формалар ҳаракат номлари ва отлашган сўзларни билдиради. Лекин бу ерда масаланинг асосий томони шундаки, улар тилда параллел мавжуд бўлиб, ўзбек адабий тилининг грамматик-стилистик системасини бойитади. Ана шундай стилистик табақаланиш ривожлана бориб, баъзи ҳолларда бу формаларни бир-бирига нисбатан инкор қилиш даражасига олиб келган.

Масалан, *бориши-келиши*, *қўлмоқ* фразеологизмидаги жуфт ҳаракат номи *бориши-келиши* факат *-иши* (-*иши*) шаклида ишлатилади: бунда *бориши-келишини бормоқ-кељмоқ*, *борув-кељув* каби формалар билан алмаштириб бўлмайди. Акс ҳолда, ҳозирги ўзбек адабий тилининг грамматик-стилистик системасига фразеологизмларнинг қўлланиш нормативлигига путур етади. Лекин бу ҳаммаси тилдаги салбий ҳодисалар эмас, балки ижобий томонлардир, тилимизнинг услубий ранг-баранглигини кўрсатувчи томонлардир. Шунинг учун ҳам бундай ҳодисалардан бадиий нутқ жараёнида кенгроқ фойдаланиш лозим бўлади.

*Ҳайдамоқ*, *ҳайдаш керак*, *ҳайдов бермоқ керак* каби грамматик-стилистик формаларни ҳам ўзаро алмаштириб бўлмайди. Таъкидлаш керакки, *-в* (-*ув*) аффиксли феъл шакллари бошқалардан фарқ қилиб, семантик силжиши билан аста-секин отга ўтишга мойилдир. Бу ўринда *ҳайдов*, *кечув* (синоними кечик), *оқлов*, *қишлоғ*, *судлов* каби кўплаб отлар пайдо бўлади ва улар ҳозирги адабий тилимизда кенг хизмат доирасини ўтамоқда<sup>4</sup>. Қизиги шундаки, шаҳар шеваларида *қишлоқ* сўзи ва қипчоқ диалектларида худди шу маънодаги *қишлоғ* сўзи адабий тилга параллел кирган. Лекин улар ҳозирги вактда адабий тилда фарқли маънода қўлланади: *қишлоқ* — аҳоли пункти, *қишлоғ* — чорва қишлови. Худди шунингдек, *сўроқ* сўзи ҳозирги адабий тилимизда савол маъносига қўллансанса, *сўров* талабнома (опрос) маъносига қўлланмоқда.

Ўзбек адабий тилида *в/ув* нинг қўлланиши билан боғлиқ бўлган юқорида келтирилган бир неча далилнинг ўзиёқ шуни кўрсатиб турибдики, қипчоқ диалектлари совет даврида ўзбек адабий тили стилистик системасининг тараққиёти ва юксалиши учун жуда кўп нарса берди ва бермоқда.

<sup>4</sup> Ўзбек тили грамматикаси. 1-том. Тошкент. 1975. 258-бет.; Шоабдураҳмонов Ш., ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм. Тошкент. 1980. 250-бет.

3. Қипчоқ диалектларида сифатдош формаларнинг адабий тилдаги *-маслик* ва *-маган* шакллари ўрнида *-мав/-мов* инкор шакли тез-тез учраб туради. Бир қарангандың қипчоқ диалектларига хос бўлган бу шакл адабий тил шаклидан жуда узоқ тургандай ва адабий тил грамматикаси ёки стилистикаси учун деярли ҳеч нарса бермайдигандек туюлади. Ҳақиқатда эса, бундай эмас. Гарчи қипчоқ лајжаларига хос бўлган бу форма адабий тилда турғун ҳолатда ва кам учраса ҳам, адабий тил стилистик системасини бойитади. Масалан, *бўйсунмовчилар, етишмовчилек мавжуд, англашмовчилек юз бердими* ёки *хоҳламовчилар* кетиши мумкин каби.

Шу аффикснинг бўлишли шакли эса, масалан, *борувчи, келувчи, ҳайдовчи* ва бошқалар ҳозирги ўзбек адабий тилида тез-тез учраб туради. Шунингдек, сўнгги вақтларда адабий тилимизда *-диган* сифатдоши шаклиниң ўрнини кўпроқ *-увчи, -вчи* аффикси эгалламоқда. Сабаби, бу аффикс кўпроқ стилистик имкониятларга эга. Масалан, *бўйсунмаганлар* деганда фақат ўтган замон тушунилса, *бўйсунмовчилар* формаси ҳамма замон учун бирдай хизмат қилиши мумкин. Шунга ўхшаш ...рейс билан учадиган иборасида асосан келажак замон тушунилса ...рейс билан учувчи иборасида ҳам ҳозирги замон, ҳам келаси замон тушунилади: *45-рейс билан учувчи пассажирлар 3- йўлга чиқишларингизни сўраймиз* (Аэропортдаги диктор нутқидан).

Шундай қилиб, *-в/-ув* аффикси қипчоқ диалектларидан ўзбек адабий тилига яқинда (асосан совет даврида) ўтган бўлишига қарамасдан, ҳозирги ўзбек адабий тилдаги энг маҳсулдор сўз ясовчи (форма ясовчи) аффикслардан бири бўлиб қолди.

4. *-япти, -ётир, -моқда* шаклидаги ҳозирги замон феъл формаларининг қўлланишида ҳам қизиқ жараён рўй бермоқда. Бу формаларнинг биринчиси Андижон, Фарғона шеваларига, кейинги иккитаси эса қипчоқ диалектларига мансубdir (учинчисини умумий деб аташ ҳам мумкин). Дастлаб булар ҳам адабий тилда тенг қўлланилар эди<sup>5</sup>. Лекин кейинчалик уларнинг маъно ва қўлланишида айrim ўзгаришлар юз берди. *-япти* аффикси ҳозирги замоннинг умумий маъносига билан бирга, худди шу нутқ сўзлананаётган пайт маъносига ҳам эгадир:

<sup>5</sup> Адабий тилимиздаги замон формалари ҳақида проф. А. Ҳожиевнинг «Феъл» (Тошкент, 1973) китобида батафсил фикр юритилган.

-келяпти, сенга гапирияпман, яъни ҳаракат нутқ момента да юз берәётир. -ётир аффикси эса -яптига нисбатан бирмунча узоқроқ вақтни англатади: узоқдан келаётир, бу ҳодиса күп вақтдан бери давом этиб келаётир, -моқда шакли эса ҳаракат ёки вақт мавсумининг яна узоқроқ муддатинй ёки давомлигини кўрсатиш учун қўлланади: пахта топшириши давом этмоқда, суръат кундан-кунга ошиб бормоқда. Бу ҳодиса неча вақтлардан бери давом этиб келмоқда кабилар.

Демак, -япти формаси асосан ҳозирги вақтда бўлаётган ҳодисани билдиrsa, -моқда асосан давомли ва сурункали иш-ҳаракатни ифодалайди.

Шуни алоҳида таъкидлаб кўрсатиш керакки, ҳозирги замон давом феълининг кўрсатилган уч шакли адабий тилимизда ҳали тамоман фарқланиб, расмий тус олган эмас. Лекин бу замон формаларидан бирининг ҳозирги ўзбек адабий тили стилистик системасида ўзига хос маъно бўёғи ва ўрни бор. Шунинг учун уларни ўз ўрнида қўллаш ва уларнинг стилистик имкониятларидан бадиий адабиётда, матбуотда кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

5. Кузатишлар шуни кўрсатадики, адабий тилнинг лексик-стилистик воситалари орасида қипчоқ диалектларининг лексик-фразеологик бирликлари кўп учрайди.

Масалан, ҳозирги ўзбек адабий тилида параллел равища да кенг қўлланилаётган қўйидаги фразеологизмларнинг иккинчи компоненти очиқ сўзи билан, биринчи эса юз сўзининг синонимлари билан ифодаланган: 1. юзи очиқ, 2. бети очиқ, 3. чеҳраси очиқ. Умумий маънога эга бўлган бу иборалар бир-биридан стилистик жиҳатдан фарқ қиласиди. Масалан, юзи очиқ ибораси кўпинча стилистик бетарафдир, бети очиқ ибораси эса сўзловчининг бошқа шахсга нисбатан салбий муносабати (уятсиз маъноси)ни ифодалайди, чеҳраси очиқ фразеологизми эса сўзловчининг ўша кишига нисбатан хайрихоҳлик муносабатини ёки ўша объектнинг яхши кайфијитини ифодалайди.

6. Ҳозирги адабий тилимизда ота маъносини английш учун учта синоним сўз ишлатилади. Булар: а) ота, б) дада, в) ада. Булардан ота сўзи илгари кўпчилик диалект ва шеваларда, жумладан, қипчоқ лаҳжасида ҳам ишлатилар эди. Шунинг учун ҳозир адабий тилда ота маъносини ифодалашда бу сўз етакчи роль ўйнайди. Ҳозирги адабий тилда худди шу маънода дада сўзи ҳам тез-тез ишлатилиб туради. Бу сўз адабий тилга шаҳар ёки шаҳар тип шеваларидан кирган. Ҳозирги

адабий тилда *ада* сўзи ҳам мавжуд бўлиб, Тошкент шаҳар шевасидан кирган<sup>6</sup>. Бу сўз стилистик жиҳатдан отани эркалаб аташ ёки болаларнинг отага мурожаат қилиши маъно оттенкасини ифодалаб келмоқда.

7. Ҳозирги ўзбек адабий саломлашишнинг *ассалому-алайкум, салом алайкум, ассалом, салом, келинг ва ҳорманг* каби шакллари мавжуд.

Дастлабки тўрт сўз келиб чиқиши жиҳатидан арабча бир сўзниң турли вариантлари дидир<sup>7</sup>. Лекин уларнинг ҳар бири ўз стилистик оттенкасига эга. Кўпроқ кексаларга ва ҳурматли кишиларга салом беришда ана шу биринчи ибора ишлатилади, чунки бунда кўпроқ ҳурмат ва эҳтиром бўёғи мавжуд: *салом алайкум* — оддий, одатдаги саломлашиш, шу билан бирга, ҳурмат маъно бўёғига эга бўлган бетараф стилистик йўналишни ифолайди: *ассалом* — умумий саломлашишнинг қисқарган шакли. Илгари бу сўз билан асосан Самарқанд шаҳри атрофидаги аёллар эркакларга салом берилган (ислом дини ақидаларига кўра, аёлларнинг эркаклар билан тўлиқ шаклда саломлашишига руҳсат этилмаган), ҳозирги вақтда бадий адабиётда ва хусусан поэзияда *ассалом* формаси қисқа саломлашишнинг янги усули. Масалан, *ассалом рус ҳалқи, буюк оғамиз* ёки *ҳурматли пахтакорлар сўзи, салом-ассалом* ёки *ассалом, навқирон авлод!* Ҳозирги вақтда *салом* ҳамма учун саломлашишнинг ихчам шакли сифатида қабул қилинган. Шу билан бирга, бунда иш услубига хос маъно бўёғи ҳам бор. Масалан, ўқитувчилар студентларга, офицерлар солдатларга, муаллимлар ўқувчиларга шундай салом беради ва шундай жавоб олади:

Саломлашишнинг *келинг* шакли қизиқ семантик-стилистик ўзгаришга учраган ва бизнинг кунларимизда ҳам айrim регионларда қўлланади. Бу сўз адабий тилга асосан қипчоқ диалектларининг вакиллари бўлмиш аёллар нутқидан ва Андижон шаҳар шеваси вакиллари нутқидан кирган. Кўпроқ аёллар томонидан эркакларга салом бериш учун қўлланилган.

*Келинг* сўзи аёллар томонидан кўпроқ саломлашиш формаси сифатида қўлланилиши билан бирга, эркаклар томонидан ҳам таклиф ва тавозе маъносида тез-тез ишлатилади. Одатдаги саломлашишдан сўнг (баъзан олдин ҳам) қўшимча равишда, қаттиқроқ туриб таклиф

<sup>6</sup> Тошкент область шевалари. Тошкент. 1976.

<sup>7</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-том. М., 1981. 15-бет.

қилганда, умумадабий формадаги марҳамат, марҳабо ёки марҳамат, келинг ўрида келинг дейишади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, саломлашишнинг араб тилидан олинган марҳабо шакли<sup>8</sup> кейинги йилларда янги стилистик мазмун касб этмоқда. У бир кишидан кўра кўпроқ кўпчиликка юқори пафос билан ёки бадиий поэтик услугуб билан (риторик) мурожаат ва таклиф қилиш шаклига айланиб бормоқда: *Марҳабо, азиз меҳмонлар, республикамизнинг ардоқли олимлари, марҳабо! ёки марҳабо, талантлар!* каби.

8. Қипчоқ диалектларидан адабий тилга чорвачилик, пахтачилик ва ғаллачилик соҳаларида пайдо бўлган жуда кўплаб лексик-фразеологик бирикмалар кириб келган. Шулардан чорвачиликка оидлари, айниқса характерлидир. Масалан, ҳозир адабий тилимизда ва айниқса вақтли матбуот саҳифаларида дастлаб фақат чорвачилик ёки от чопиш ҳолати билан боғлиқ бўлган шундай барқарор бирикмалар учрайди: *отни қамчиламоқ, отга қамчи босмоқ, улоқни олиб чиқмоқ, совринни эгалламоқ, маррага етмоқ, от айланиб қозигини топар, от солмоқ, қоралаб бормоқ, бостириб ўтмоқ, ўзиб кетмоқ, жиловни бўши қўймоқ, от изини той босади, от йигитнинг қаноти, қўй келади қўзи билан, семизликни қўй кўтаради, чилвири бўшатмоқ, қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, тушов бўлмоқ, отлиққа бор, яёвга йўқ ва бошқалар.*

9. Маълумки, ўзбек тилининг қипчоқ диалектлари олти келишикни кўрсаткичлари билан сақлаб қолган. Шаҳар шеваларида эса қаратқич ва тушум келишиклари қориширилади. Кейингиларида бу икки келишик бир аффикс — тушум келишиги кўрсаткичи (-ни) билан ифодаланади. Демак, келишикларнинг олти кўрсаткичли формаси ҳозирги адабий тилимизга бевосита қипчоқ диалектларидан олинган. Шу билан адабий тilda келишикларнинг маъно ва моҳиятини бутун нозикликлари билан аниқ фарқлаш таъмин этилган.

Ўзбек адабий тилини янада бойитиш ва ривожлантириш соҳасида миллӣ тилнинг қуи формаси бўлган, баъзан эса тадқиқотчиларнинг назаридан бирмунча четда турган маҳаллий диалектларнинг ички имкониятлари қанчалик кенг даражада эканлигини биз юқорида биргина қипчоқ диалектлари мисолида кўриб чиқдик. Бундай имкониятлар ўзбек тилининг бошқа лаҷжа, диалект ва шеваларида ҳам етарли миқдорда топилади.

<sup>8</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-том. 449-бет.

Уларни авайлаб тўплаш, илмий ва ижодий муомалага киритиш ва уларнинг ҳаммасини адабий тилимизнинг ҳақиқий мулкига айлантириш тилшунос ва адабиётшунос олимларимизнинг, бадиий сўз усталарининг муқаддас бурчидир.

Дарҳақиқат, адабий тилимизнинг ҳаётбахш ички манбалари кўп. Лекин улардан тўғри ва тўла фойдаланмаслик натижасида юзага келган муаммолари ҳам кўп. Масалан, алфавит ва ёзувимизда жуфт унлиларни фарқламаслик билан боғлиқ бўлган бир камчилик борки, унинг аста-секинлик билан ўз таъсирини оғзаки адабий тилимизга ўтказиб бораётганлиги натижасида оғзаки ва ёзма нутқнинг бир-бирига таъсири сўнгги вақтларда адабий тилимизда умуман сусайиб бораётганлиги ҳам сезилмоқда. Натижада сўнгги вақтларда адабий тилимизда умуман мувозанатнинг (симметриянинг) бузилиши ва чап қанотга оғиш ҳолати юз бермоқда. Жумладан, ҳозирги адабий тилимизда «бўлғон» сўзини маъинлаштирмастан, ўзининг табиий ҳолатига мос равишда қаттиқ талаффуз билан айтишнинг ҳеч имконияти йўқ. Чунки ҳозирги имломизда -ғон аффикси йўқ, у грамматик қоидага киритилмаган, амалдаги -ған аффикси эса ўзунисини қаттиқ қилиб айтишга имкон бермайди. Шунинг учун ҳам бу сўзни кўпинча тил олдида чучуроқ қилиб бўлған (майдаланган) тарзида талаффуз қиладилар ва ўз-ўзидан маъно чалкашлигининг келиб чиқишига йўл очилади. Аслини олганда, бу биргина нутқ жараёнининг ўзида бирданига учта нуқсон юз беради: унли товушнинг талаффузи бузилади, яъни оҳангидеки ранги ўзгаради, маъно чалкашлиги содир бўлади ва аффикснинг бир қанотга оғиши кўзга ташланади.

Ёзма адабий тилимизда юз бераётган бундай чалкашликларнинг яна бир ёмон томони шундан иборатки, улар Алишер Навоий даврининг ва Навоий тилининг талаффузидан бизни бутунлай узоклаштириб қўймоқда ва, умуман, адабий талаффуз нормасини тобора тор рамкага солиб қўймоқда.

Бу каби камчиликлар айниқса тарихий ўтмишга бағишилаб ёзилган бадиий асарларнинг тилидаги айрим сўзлар талаффузида кўзга яққол ташланмоқда, бу эса уларнинг эстетик таъсир кучини маълум даражада камайтиришгача бориб етмоқда, шу йўсинда адабий тилимизда кўпроқ заарли из қолдирмоқда.

Масалан, бундан бир неча йил бурун Ойбекнинг «Навоий» романи асосида намойиш қилинган тўққиз серияли видеофильмда кўзга кўринган санъаткорлари

мизнинг талаффузида юз берган хилма-хил чалкашликлар асосан тилимизнинг ҳозиргина юқорида айтиб ўтилган жуфт унлилар талаффузи билан боғлиқ қонуниятини яхши билмасликлари ва унлиларни пала-партиш талаффуз қилишлари билан изоҳланади. Чунки сингармонизм қонуни бўйича «кўз», «ўз», «кел» сўзларидан кейин -га ёки -гай аффикслари қўшилиши керак. Булар эса шундай сўзлардан кейин ҳам -га ёки -гай аффиксни қўшиб гапирадилар. Бундан гўё Алишер Навоийнинг тили фақат қаттиқ товушлардан иборат экан-да, деган тушунча пайдо бўлади. Ҳолбуки, бундай ҳол Навоий тилини соҳталашибди.

Дарҳақиқат, биз филологлар (тилшунос ва адабиётшунослар), журналистлар ва, шу жумладан, қалам аҳллари ҳам халқ тилининг қонунларини чуқур ўрганишимиз, ардоқлашимиз ва унинг имкониятларидан тўғри фойдаланишимиз, унга доимо амал ва риоя қилишимиз зарур.

Масалага шу нуқтаи назардан қараганда, баъзи вақтда айрим танқидчилар ва адабиётшунослар орасида юз бера бошлаган бир кайфиятга жиддий эътиroz билдириб ўтишга тўғри келади. У ҳам бўлса шундан иборатки, айрим танқидчи ва адабиётшуносларимиз сўнгги вақтларда «адабиёт — сўз санъати» деган қоида кейинти йилларда бироз эътибордан четда қола бошлади»,— деган ҳолосага келиб, ўзларининг танқидий асарларида ва таҳлилларида тил анализига эътиборни бирмунча сусайтира бошладилар. Ҳолбуки, адабий тилга ёки бадиий асар тилига нисбатан бундай кайфиятда бўлиш бутунлай потўғри ва зааралидир (Биз бундай қарашларнинг аччиқ мевасини ҳозирнинг ўзидаёқ татиб кўра бошладик).

Аслини олганда, бадиий асар тилига совет адабиётининг асосчиси М. Горький томонидан ўз вақтида «Тил — адабиётнинг биринчи элементидир»,— деб берилган классик таъриф ҳамма давр учун бирдай бўлиб қолади, чунки тилнинг бадиий адабиёт олдидаги, қолаверса, инсоният олдидаги хизмати ҳамма давр учун бирдай бебаҳо ва ҳал қилувчи хизматdir. Ана шунинг учун ҳам адабий тил ҳақида қайғуриш, унинг қонун-қоидаларини тўла рўёбга чиқариш, уни жонли халқ тилининг манба ва имкониятлари ҳисобига бойита бориш ва адабий тил қонун-қоидаларига риоя қилиш фақат тилшуносларнинггина эмас, танқидчи, адабиётшуносларнинг ҳам, адилларнинг ҳам, журналистларнинг ҳам ва маданият

ходимларининг ҳам муқаддас бурчи бўлиб ҳисобланмоғи лозим.

Масалан, биз Алишер Навоий асарлари тилида, жонли халқ тилининг қўпчилик қисмида ва бошқа туркий тилларнинг ҳаммасида кенг қўлланилувчи сингармонизм қонунини ҳозирги адабий тилимизда инкор қилиш билан охир-оқибатда нимага эришдик? Бир қараганда, маълум ютуқларга эришилгандек бўлиб туюлади, чунки жуфт унлиларнинг талаффузини фарқлашдан озод бўлдик, 9 та унли ўрнига ёзувда 6 та унлини қўллай бошладик. Шунингдек, жуфт аффиксларни йўқотиб, уларнинг ўрнига ёзувда бир хил аффиксларни қўллай бошладик, гўё бу билан грамматик қоидаларимиз осонлашгандек туюлди. Лекин кейинчалик аниқ бўла бошладики, биз сингармонизмдан воз кечиш билан тилимизнинг товушларига хос бўлган жуфтлик мувозанатини йўқота бошладик. Икки хил талаффуз ўрнига бир хил талаффуз қилиниши натижасида кўпгина сўз маъноларининг чалкашлиги юзага келди. Тилимиз унли товушларининг бўёқдорлиги ва оҳангдорлиги 9 тадан 6 тага келиб қолди. Бу эса тилимизнинг товуш табиатига катта хавф туғдирди.

Қолаверса, унли товушларнинг ҳар хил талаффузи натижасида юзага келувчи аффиксларнинг икки хил кўриниши, икки хил грамматик формасига ҳам жиддий путур етказилди: амалдаги икки хил формадан фақат биттаси қўлланиши натижасида тилимизнинг аффикслар системаси, грамматик имкониятлари қашшоқлашди. Масалан, *-моқ* ва *-мак* ўрнида фақат *-моқ*, *-лик* ва *-лик* ўрнида фақат *-лик*, *-гон* ва *-ган* ўрнида фақат *-ган*, *-га* ва *-ға*, *-қа* ва *-қа* аффикслари ўрнида фақат *-ға* (қисман *-қа* ва *-қа*) аффиксини қўллаш адабий-орфографик нормага айланиб қолди.

Натижада бадий тилимизнинг қофиядошлиқ ва тулоқдошлиқ имкониятлари ва сифатларига ҳам маълум даражада зарар ета бошлади. Дарвоқе, ҳозирги грамматик қоидамизда *-ғо*, *-қа*, *-ған*, *-ғон*, *-ғай* сингари аффикслар бутунлай қўлланилмайди. Ана шунинг учун буни амалда сезган баъзи бир замонавий шоирларимиз (масалан, Ўйғун, Миртемир, Зулфия, Э. Воҳидов, А. Орипов, Омон Матжон, Хуршид Даврон кабилар) ўzlарининг ижодий-услубий изланишларида Навоий тилида ва халқ оғзаки тилида бўлган имкониятларни излаб топмоқдалар ва шу билан қофия системаларини, оҳангдорликни бойитмоқдалар, юқорида қайд қилинган аффикс-

ларнинг ҳозирги ёзма адабий тилимизда ҳам яшаш ҳуқуқига эга эканлигини исботламоқдалар.

Ўзбекистон ССР халқ артисти Шерали Жўраевнинг шоир Эркин Воҳидов сўзи билан ижро этиладиган «Яхшидир аччиқ ҳақиқат, лек ширин ёлғон ёмон» деб бошланувчи қўшиғи шу жиҳатдан характерлидир. Чунки бу ерда ёлғон сўзига қолган ва олган сўзларини тўлиқ қоғия қилиб бўлмаслиги сабабли шоир ва санъаткор ҳозирги ёзма грамматик нормада бўлмаган, лекин оғзаки адабий тилимизда ва классик адабиётимизда яшаб келаётган -ғон формасидан унумли фойдаланганлар:

*Яхшидир аччиқ ҳақиқат, лек ширин ёлғон ёмон,  
Шу ширин ёлғонга лекин алданиб қолғон ёмон....*

Эркин Воҳидов бошқа бир ғазалида -ғай аффиксидан ҳам унумли фойдаланган:

*Сенингсиз менга ком йўқдир,  
асал ичсам заҳар бўлға ий,  
Сенинг бирлан ширин сўзим,  
заҳар ютсан шакар бўлға ий.*

Энди ўзингиз бир ўйлаб кўринг. Шу мисралардаги бўлғай сўзини бўлгай деб талаффуз этилса нима бўлади? Биринчидан, маъно бузилади, иккинчидан, табиий оҳангдорлик йўқолади, учинчидан, тилимизнинг ички имконияти бора-бора сўнади.

Демак, ҳозирғи адабий тилимизда ҳам сингармонизм қонунидан унумли фойдаланиш мумкин ва лозим. Шунга кўра, жуфт аффикслар ҳам адабий-грамматик қоидалардан ўз ўрнини олиши мақсадга мувофиқдир.

Яна бир мисол. Қуйидаги халқ мақолини олиб кўрайлик: *Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ.* Агар сингармонизм қонунидан воз кечадиган бўлсак, бу мақолдаги оққан сўзини оқган тарзида талаффуз этишга ва ёзишга тўғри келади. Бу эса талаффузда ҳам сунъийликни, ғайри табиийликни вужудга келтиради. Ҳатто бундай талаффуз қилиш ўзбек тилининг товуш табиатини бузади ва бошқа миллат вакилларининг ўзбекча гапиришига ўхшаб кетади. *Тўғри гап туққанингга ёқмас мақолидаги туққан сўзининг талаффузида ҳам шундай вазият юзага келади.* Бунга ўхшаш мисоллар тилимизда жуда кўп.

Демак, сингармонизм қонунини адабий тилимизда тўлиқ қайта тикламаган тақдирда ҳам жуфт унлиларнинг маъно бузилишидан сақлаб қолувчи хусусиятларини ва аффиксларнинг энг зарур турларини тўла ўрганиб

чиқиш ва ёзма адабий тил нормасига киритиш лозим. Шунга кўра, тилимизнинг бундай хусусиятини мактаблардан ўргата бориш, олий ўқув юртларида эса студентларда тўла таҳлил қилиш ва фарқлаш малакасини ортириб бориш лозим.

Ҳозирги алфавит ва ёзув қоидаларимизни ҳам ана шу талаблар асосида қайта ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш зарур. Бизнингча, *дж*, *нг* сингари чалкаш ундошлар белгиси тузатилиши билан бир қаторда тилимиздаги 9 та унлиниг ҳар бирига алфавитда алоҳида-алоҳида ўрин (белги) берилиши керак. Ҳеч бўлмаганда, тил олди ва тил орқа *ў* (*о*) унлилари бир-бираидан фарқланиши, алоҳида белги (ҳарф)лар билан берилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, доим шуни ёдда тутишимиз лозим, халқ тили — умумхалқ мулки, халқ бойлигидир. У адабий тилимизнинг ички озиқлантирувчи ҳаётбахш манбаидир. Юқоридаги сингари муаммоларни ҳам халқ тилининг материалларига ва қонуниятларига таянган ҳолда, улар билан боғлиқ ҳолда очиш керак бўлади. Адабий тилимизнинг асосига халқ тили элементларини тобора кўпроқ киритмоғимиз зарур. Чунки халқ тилига асосланган адабий тил қандайдир қотиб қолган механизм эмас. У ҳам ўзгаради, ўсади, бойийди ва такомиллашади.

## АДАБИЙ ТИЛИМИЗНИНГ ШУ ҚУНГИ МУАММОЛАРИ

Ўзбек адабий тили ва унинг функционал стиллари Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин қисқа вақт ичida беқиёс даражада ривожланди ва ўз тараққиёт босқичининг янги юқори погонасига кўтарилди: қисқа вақт ичida янги, том маънодаги халқчил ўзбек адабий тили юзага келди, унинг луфат состави бойиди, грамматик қурилиши янада силлиқлашди, функционал доираси ва стилистик имкониятлари янада кенгайди. Шу билан бир қаторда, эски адабий тилимизда асосан бадиий адабиётда кенг ривожланган стилистиканинг ҳозирги адабий тилимизда жуда кўп янги формалари юзага келди, адабий тилининг халқ тили билан алоқаси кучайди. Натижада совет даврида буюк қардошлик оиласида ривожланаётган ўзбек социалистик миллатининг замонавий баркамол адабий тили юзага келди, улғайди ва тараққий этмоқда. Ўзбек адабий тилининг қисқа вақт ичida бундай катта ютуқларга эришувида унинг ички ресурслари, хусусан, традицияларга эга бўл-

ган эски ўзбек адабий тилининг мавжудлиги, тащқи факторлари билан бир қаторда экстравистик факторлар, хусусан, совет воқелиги ва Коммунистик партияниң ленинча миллый сиёсати муҳим роль ўйнайди.

Лекин, шу билан бирга, адабий тилимизда ва бадиий стиль соҳасида янги-янги муаммолар ҳам пайдо бўлди. Ана шундай муаммолардан бир қисми «Шарқ юлдузи» журналининг 1985 йил 1-сонида эълон қилинган «Бадиий тил муаммолари» номли давра сұхбатида қисман акс этди ва бу сұхбат адабий тилга доир келгуси баҳс ва мунозараларнинг янги босқичини бошлаб бердики, у ҳозир ҳам ҳар хил доирада ва ҳар хил формада давом этмоқда.

Бу «давра сұхбати»да атоқли адибларимиз — Ҳамид Фуломнинг «Давр кўзгуси», Мирмуҳсиннинг «Тил — жа-воҳир» номли мақолалари, хусусан, Саид Аҳмаднинг «Боқимонда жумлалар» деб аталган мақоласи эълон қилиндики, булар китобхонларда катта эътибор ва қизиқиш уйғотди. Ҳақиқатан ҳам, адабий тил масаласига, жумладан, бадиий тил масаласига кейинги вақтларда эътибор анча сусайиб қолган эди. Шу жиҳатдан қараганда «Шарқ юлдузи» журнали редакциясининг бу масалани кўтариб чиқиши ҳаммага ҳам манзур бўлди.

«Давра сұхбати»да берилган материаллар ичida, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг мақоласи масаланинг кўлами билан ҳам, кескин ва очиқласига қўйилиши билан ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Адип ўз мақоласида адабий тил ва бадиий стилга тааллуқли бўлган кўпгина масалалар ҳақида куйиниб, рўйи рост, асосан билиб гапирган. Мақолада жуда муҳим масалалар кўтариб чиқилган. Шунинг учун ҳам бу мақола кўпчиликнинг алоҳида эътиорини қозонди ва қўшимча мунозараларга сабаб бўлди.

Дарҳақиқат, Саид Аҳмад адабий тилимизнинг, жумладан, бадиий асар тилининг сўнгги йилларда юз берадётган кўпгина камчилик ва муаммоларини ошкора айтган ва улардан кўпчилигини ўринли танқид қила билган. Лекин биз атоқли адип Саид Аҳмаднинг адабий тил ҳақидаги кўпгина фикрларига асосан қўшилганимиз ҳолда, улардан айримлари ҳақида мулоҳаза юритмоқчимиз, баъзи бирларига ўз эътиорозларимизни ҳам айтиб ўтмоқчимиз.

Чунки Саид Аҳмад республикамизда ва ундан ташқарида ҳам кенг танилган адибларимиздан, ажойиб сўз усталаридан биридир. Бас, шундай экан, Саид Аҳмаднинг ҳар бир фикрини, қолаверса, ҳар бир сўзини кенг

ўқувчилар оммаси тугал фикр сифатида, қоида сифатида қабул қиласи, унга эргашади, унга тақлид қиласи. Шу боисдан биз адебининг баъзи бир эътиrozли ёки изоҳталаб фикрларининг кенг тарқалиб кетишини ва усиз ҳам муаммоси кўп бўлган адабий тилимизнинг муаммолари ёнига яна бир қанча жумбоқ бўлиб қўшилишини истамаймиз. Қолаверса, биз адеб Сайд Аҳмад билан мунозара қилиш, маслаҳатлашиш ёки унга эътиroz билдириш орқали адабий тилимизда тўпланиб қолган жумбоқлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларимизни айтиш билан ҳақиқатга интилиб, ўз юрагимизда йигилиб юрган тугунларни батафсилоқ баён қилмоқчимиз, бу тугунларнинг ечимлари ҳақида ёзувчи ва шоирлар билан, адабий тилимизнинг бошқа жонкуярлари билан маслаҳатлашиб олмоқчимиз. Биз бу ерда «Давра суҳбати»да эълон қилинган мақолаларнинг ютуқлари ҳақида кенг тўхтаб ўтирмаймиз, балки айрим тортишувли, эътиroz уйғотувчи ўринлар устида тўхтаб, кенгроқ фикр юритамиз.

## I

Сайд Аҳмад «Боқимонда жумлалар» номли мақоласида «Мён бутун умрим давомида бирон ўзбек олимининг адабий тил ёки бирон асарнинг тили тўғрисида ёзган мақола ёхуд бироң кичкинагина китобчасига кўзим тушмади» (178-бет),— деб ёзган эди.

Ҳақиқатан ҳам, Сайд Аҳмад бирор ўзбек олими ёки адебининг адабий тил ҳақидаги мақола ёки китобини ўқимаган бўлиши мумкин. Лекин шундай деб ошкора ёзиши унчалик чиройли чиқмаган, деб ўйлаймиз.

Дарҳақиқат, ҳеч бўлмаганда Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул луғатайн» асарида адабий тил, унда синонимларнинг роли ҳақидаги фикрларни эсга олиш ўринлидир. Шунингдек, Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби улкан сўз усталари ҳам бадиий тил масаласи билан маҳсус шуғулланганлар. Масалан, Абдулла Қодирий бадиий асар тилига оид «Ёзишфувчиларимизга», «Майда ҳикоялар ёзганда сўзни қандай тежаш керак» сингари мақолалар ёзган. Атоқли адебимиз Ойбек эса 1934 йилдаёқ «Ўзбек поэзиясида тил» номли маҳсус мақола билан чиққан. Абдулла Қаҳҳор «Ёшлар билан суҳбат» асарида ёки бошқа чиқишлиарида бадиий тил ва бадиий услугуб масалаларига алоҳида урғу бериб гапирган, тилнинг бадиий асардаги аҳамиятини қайта-қайта уқтириб, шу соҳада эътиборга арзирли фикрлар

айтган. Faфур Fулом ва Ҳамид Олимжонлар «Алпомиш» достонининг тили ҳақида, Faфур Fулом ва Ўйғунлар Машраб ва Муқимийларнинг услуби, тили ҳақида фахрланиб ёзганлар, қимматли фикрлар айтиб чиққанлар. Оқсоқол адидимиз Ўйғун ҳозирги кунда ҳам имломизнинг такомили учун, лугат бойлигимизни ортириш ва унинг ранг-баранглигини сақлаб қолиш учун ҳормайтольмай хизмат қилмоқда.

Таниқли олим ва адид Пиримқул Қодиров бадий тил масалаларига бағищлаб «Тил ва дил» (1972), «Халқ тили ва реалистик проза» (1973) деган асарлар ёзган. Асқад Мухтор «Ёш дўстларимга» (1980) китобининг катта бир қисмини бадий тил масаласига бағищлаб, бадий тилни «ажойиб, сирли гармония» деб атаган.

Таниқидчи ва адабиётшунос олимлардан В. Абдуллаев, И. Султонов, В. Зоҳидов, Ҳ. Зарифов, А. Қаюмов, М. Қўшжонов, Л. Қаюмов, О. Шарафиддинов, С. Мамажонов, Н. Шукров, С. Мирзаев, С. Н. Иванов, А. Ҳайитметов, Б. Валихўжаев, Н. Владимирова, М. Юнусов, П. Шермуҳамедов, У. Норматов, Н. Худойберганов, Ф. Саломов, Э. Каримов, И. Faфуроғ, М. Султонова, Т. Бобоев, Т. Мирзаев, Н. Хотамов, Ф. Насриддинов, А. Раҳимов, И. Ҳаққулов, Й. Солижонов, У. Носиров, Қ. Самадов ва бошқа кўплаб кишилар бадий услуг ва бадий тил масаласига бағищлаб ўнлаб китоб ва мақолалар ёзганилиги маълум.

Булардан ташқари, А. К. Боровков, В. В. Решетов, Ш. Шоабдураҳмонов, Ғ. Абдураҳмонов, А. Fуломов, У. Турсунов, С. Иброҳимов, М. Асқарова, О. Азизов, Ф. Абдуллаев, Ш. Раҳматуллаев, А. Ҳожиев, Э. Нажип, Э. Фозилов, А. Рустамов, Б. Ўринбоев, И. Расулов, И. Қўчқортоев, Р. Қўнғуров, Ш. Шукров, М. Мирзаев, А. Матғозиев, Л. Абдуллаева, А. Шомақсудов, О. Усмонов, Э. Бегматов, Ж. Ҳамдамов, Ҳ. Ҷамолхонов, Н. Маҳмудов, М. Мукаррамов, Э. Қиличев, Б. Жўраев, Ҳ. Шарипов, Ҳ. Рустамов, Б. Турдиалиев, М. Аъламова, С. Каримов, Б. Бафоев, Б. Умрқулов каби тилшунос олимларимиз ҳам ўз соҳаларини бажариш билан бир қаторда адабий тил ёки бадний тил масалалари бўйича ҳам бақадру ҳол хизмат қилиб келмоқдалар.

Дарҳақиқат, тилшуносликнинг бадий тил муаммоси билан бевосита боғлиқ бўлмаган соҳалари ҳам анчагина бор. Ана шулар жумласига морфология ва синтаксис масалаларини, тил ва тилшунослик тарихини, фонетика, орфография, орфоэпия, лексикология, грамматика ёки норматив стилистика масалаларини ишлаш, ҳалқ

шеваларининг миллий адабий тил билан муносабатини ва адабий тилга қўшган ҳиссасини ўрганиш, фольклор асарлари тилини ўрганиш, ўзбек тилининг рус тили ва бошқа тиллар билан муносабатини ўрганиш, тил материалини, жумладан, бадиий асар тилини статистик метод асосида ишлаб чиқиш, миллий адабий тилларнинг шаклланиш жараёни ва тараққиёт этапларини ўрганиш, бир тилли ва кўп тилли луғатлар тузиш, умумий тилшунослик ёки тилшуносликнинг умумназарий проблемаларини ишлаб чиқиш ва шунга ўхшаш кўлгина масалалар киради. Демак, тилшуносларнинг иши зоҳирлан уччалик кўзга кўринарли бўлмаса-да, лекин унинг анчагина заҳмати ва мураккаб томонлари бор. Умуман олганда, бу масалаларнинг ечилиши ва шундай масалалар билан шуғулланган ҳар бир тилшунос олимнинг иши у ёки бу тарзда адабий тилга ёки филология фанини ривожлантиришга маълум даражада ҳисса бўлиб қўшилади.

Дарвоқе, адабий тилнинг ёки унинг бир қисмий бўлган бадиий тилнинг муаммоси шунчалик кўпки, бу масалаларнинг ҳаммасини бир-икки киши ҳал қила олмайди. Кўпчилик деганда биз ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, олимлар ва бадиий тил ёки маданиятнинг бошқа ходимларини назарда тутамиз.

Уларнинг ҳаммасини Саид Аҳмаднинг бир сўз билан йўққа чиқариши адолатдан бўлмаса керак. Лекин ёзувчи бир масалада ҳақ. Адабий тил ва бадиий стиль муаммоларини ўрганишда ҳали камчилик ва нуқсонлар кўп. Масалага шу жиҳатдан қараганда, танқидчи ва адабиётшуносларнинг ишларини бир чеккага қўяйлика, тилшунос олимларимизнинг хизматларини танқидий равишда кўздан кечириб, уларни объектив баҳоламоқчи бўлсак, улар орасида бадиий тил ёки адабий тил масалаларини мукаммал ёритиш у ёқда турсин, баъзан ўзининг бевосита вазифасини ҳам тузукроқ эплаб бажармай келаётганлари ҳам учраб туради. Акс ҳолда, тилшуносликнинг муҳим ва долзарб муаммоларини ташкил қилувчи алфавит ва имломизда йўл қўйилган камчиликларни тузатиш, фонетика, орфография ва орфоэпия масалаларини илмий асосда ишлаб чиқиш, адабий тилимизнинг нормаларини замон талабига кўра қайта ишлаб чиқиш, нутқ маданияти ва амалий стилистика масалаларини тартибга солиш, адабий тилимизнинг шаклланиши процессини ўрганиш ва унда ҳозирги вақтда юз берадиган жараёнларни тадқиқ қилиш каби масалалар ҳанузгача очилмасдан ётмас эди ёки улардан

баъзилари номигагина қайта-қайта кўрилиб, охирига етказилмасдан ташлаб кўйилмас эди.

Ёзувчи Саид Аҳмадни биз яна бир масалада тўлиқ равишда ҳақ деб ҳисоблаймиз. Танқидчи, адабиётшунос ва тилшунос олимларимиз орасида, ҳақиқатан ҳам, адабий тил ёки бадиий тил билан узоқ вақт, доимий равишда, махсус шуғулланган, шу соҳада кўп нарсани эгаллаган олим ёки адабимиз йўқ.

Лекин бу айтилганлардан қобилиятли кишилар филология соҳасида бутунлай йўқ, деган хуроса келиб чиқмаслиги керак. Чунки Фурқат: «...жаҳон ҳоли қолурму ҳеч ақли расолардин»,— деб ёзганидек, бадиий стилистика соҳасида ҳам яқин орада ана шундай кишилар чиқишига ишончимиз комил. Чунки биринчидан, ана шундай типдаги олимларнинг яқин орада чиқиши учун мустаҳкам пойdevор яратилган, бу пойdevор асосан юқорида исми саналган олимларнинг шу соҳада ҳозиргача қилган хизматларидан иборат.

Иккинчидан, бадиий ижод соҳасида ҳам, филология соҳасида ҳам бадиий стилистика билан озми-кўпми шуғулланиб келаётган анчагина талантли ёш авлод етишмоқда.

Учинчидан, «Шарқ юлдузи» томонидан бошлаб берилган «Давра суҳбати» ва бу «Давра суҳбати»нинг доимий мунозарага айлантирилиши, хусусан Саид Аҳмад, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Ҳаким Назирга ўхшаш атоқли адилларнинг ана шундай мунозараларда катта масалаларни кўтариб чиқишилари ва шу йўл билан муҳим аҳамиятга эга бўлган баҳсни бошлаб беришлари бу жараённи, шубҳасиз, тезлаштиради.

Дарҳақиқат, ушбу мунозара ўй-хаёлларда юзага чиқмай ётган жуда кўп фикрларни юзага чиқаришга туртки беради, имкониятларни ҳақиқатга айлантириш учун хизмат қиласи.

## II

Масалага шу нуқтаи назардан қараганда юқорида эслатилган «Давра суҳбати»да Саид Аҳмаднинг: «Талантли ёзувчи бу ҳолатларни дафтарга ёзиб юрмайди...», деган фикри ҳам мунозаралидир. Чунки, биринчидан, ёш ва бошловчи ёзувчилар учун ён дафтар тутиш, луғат ва бошқа хил манбаларни кўришнинг, хусусан, тил манбаларини ўрганишининг аҳамияти катта. Иккинчидан, талантли ёзувчилардан Л. Толстой, М. Шолоховлар ҳам доим луғатдан ёки ён дафтардан фойдаланган ва халқ орасида юриб, халқ тилини синчиклаб ўрганган.

Учинчидан, Саид Аҳмад бир ўринда бадиий ижод ва унда тилдан фойдаланишнинг нақадар мураккаблиги ҳақида «Тилни билиш фақат қайси сўзнинг неча хил маъноси борлигини билиш билангина ўлчаммайди. Шу сўзлардан қаҳрамон кайфиятига мос жумла тузиш, аввалги жумлага уни ҳамоҳанг қилиш, қаҳрамон портретини ўқувчи кўз олдига келтира олиш, унинг қайси касб эгаси эканлигини англатиш, атрофида қандай манзара борлиги ва бошқа жуда кўп шартларни бажариш керак. Шуларнинг ҳаммасини биттагина жумла устига юклай олиши керак»<sup>1</sup>, деб асосан тўғри гапиргани ҳолда, иккинчи бир ўринда ижод жараёнини анча жўн ва ўз-ўзидан бўладиган жараён, ҳодиса тарзида тушунтиришга ҳаракат қилгандек туюлади: «У (ёзувчи — Х. Д., Б. И.) ўз қаҳрамонининг образини аниқ тасаввур қилганда, унинг ички руҳиятига кира олганда бу сўзлар ўз-ўзидан келади ва қофозга тушганини ўзи ҳам билмай қолади»<sup>2</sup>.

Кичик ҳажмдаги маълум бир асарни, айниқса ҳикоя ва новеллани ёзишда шундай ҳодиса юз бериши мумкинdir балки, лекин А. С. Пушкин, Л. Н. Толстой, А. П. Чехов, М. Горький, М. Шолоховлар доимо ўз асарларини қайта-қайта ишлаб, қайта-қайта таҳрир қилганлар. Эҳтимол, айрим ёзувчилар ўз асарлари ёки унинг тилини қайта ишламас, лекин буни ҳамма учун, айниқса ёш ижодкорлар учун тавсия қилиш тўғри келмайди.

Айниқса, Саид Аҳмаднинг «Ахир одам боласи маълум қонун-қоидаларга қараб йиғлаши, кулиши мумкин эмас. Кулги ҳам, йифи ҳам унинг ичидан вулқондек отилиб чиқади. Адабий асар тили ҳам ёзувчи қалбидан тоғ қўйилиб, тоғ портлаб чиқиши керак. Бунинг учун ёзувчи ўз она тилини бутун ранглари билан, оҳанглари билан, нозу назокатлари билан билиши керак» (173-бет), деган фикрлари ҳам мунозаралидир.

Тўғри, ёзувчининг бу сўзларига жўшқин нутқ жараёнида образли қилиб айтилган фикрлар сифатида шартли равишда қўшилса бўлади, лекин уни ёшларга таълим сифатида қабул қилиб бўлмайди. Зотан, ҳеч бир танқидчи, олим, ҳатто ёзувчи ўз она тилисини Саид Аҳмад айтган даражада бирданига ва ҳар тарафлама мукаммал билолмайди, чунки тилни мукаммал билиш учун ҳам маълум даражада машқ керак, ўрганиш керак.

<sup>1</sup> Шарқ ўлдузи. 1985. 1-сон. 173-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

Хусусан, узоқ ўтмиш ҳақида бадий асар ёзишга киришмоқчи бўлган ёзувчи албатта ўша даврнинг тилини бирданига мукаммал билолмайди. Ана шунинг учун ҳам ўша даврга хос бўлган лугатлардан ва бошқа шунга ўхшаш асарлардан, манбалардан фойдаланмай туриб иш кўролмайди. Ҳатто ҳозирги давр бўйича бадий асар ёзганда ҳам образнинг характеристига ёки асарнинг темасига қараб ҳозирги тилимизнинг диалектал хусусиятларини ёки касб-ҳунар сўзларини, илмий-техник терминларни ҳам билиш керак бўладики, буларни ҳам маълум тайёргарликсиз амалга ошириб бўлмайди. Бу жиҳатдан Абдулла Қодирйнинг «Ўтган кунлар»идаги Худоёрхон, Мусулмонқул, Ўзбекойим ва бошқа персоңажларнинг тилини ёки «Меҳробдан чаён»даги лоақал учта бухоролик меҳмоннинг тилини индивидуаллаштириш соҳасидаги маҳоратини эслатиб ўтиш фойдадан ҳоли эмас.

Яна бир кичик деталь ҳақида ушбу ўринда тўхтаб ўтишга тўғри келади. У ҳам бўлса шундан иборатки, Саид Аҳмад ўз мақоласида бадий ижоднинг бир тури бўлган шеърият ҳақида ва унинг тили ҳақида бутунлай гапирмаган. Ҳолбуки, бу соҳа бадий асар тилини қайта-қайта ишламасдан ёзишни бутунлай ёқтирумайди, чунки шеъриятда прозаик асарлардаги талабларга қўшимча равишда яна шоир айтмоқчи бўлган фикрни маълум вазнга-ўлчовга, туроққа ва қофияларга солиб бера билиш ҳам талаб қилинади.

Зотан, Саид Аҳмаднинг ўзи «Назм чорраҳасида» номли ёшлар учун ибратли бўлган китобда қайд қилиб ўтганидек, одатда бир шеърни бир ўтиришда ёзиб ташлайдиган устоз шоир Faфур Fuлом ҳам баъзан ўз асарлари тилини қайта ишлаган, бир мисра учун бир неча мисраларни қурбон қилган.

Қолаверса, Саид Аҳмад юқорида келтирилган парчада ўз моҳияти эътибори билан жамиятнинг энг муҳим алоқа воситаси бўлган тилни физио-психологик ҳодисаси бўлган йиглаш ва кулиш процесси билан тенглаштиromoқда. Ҳолбуки, булар бир-бири билан сира ҳам тенг эмас, чунки йифи ёки кулги бутун ўй-хаёлларни ёки ички кечинмаларни эмас, фақат биргина ҳолатни акс эттиради, холос. Шу нуқтаи назардан қараганда, йиглаш ва кулиш процесси тил функциясини ҳатто мингдан бир даражада ҳам бажара олмайди.

Лекин йифи ва кулгининг сўз билан қўшилган ифодаси бутунлай бошқа гап, чунки бу ерда тил асосий ролни ўйлайди, ўй-хаёллар ҳамда ички кечинмаларни (руҳий ҳолатни) тўлигича юзага чиқаради. Шунинг

учун ҳам Саид Аҳмад мунозарадан кейинроқ бўлиб ўтган ижодий кечада «Сиз поэзияга қандай қарайсиз?» деб берилган саволга «Бизнинг халқимиз йиғини ҳам шеър билан ифодалайди», деб жуда тўғри жавоб берган эди, чунки бу ерда руҳий ички кечинма фақат йиғи орқали эмас, балки шеър орқали, сўз орқали, тил орқали тўлиғинча юзага чиқади ва тил воситасида бадий йўл билан ифода этилади.

Демак, Саид Аҳмад тўғри айтганидек, талантли ёзувчи тилни амалий жиҳатдан мукаммал билиши ва уни амалда, шу жумладан, бадий адабиётда ҳам ўринли кўллай олиши лозим ва шарт. Саид Аҳмадга ўхшаган сўз усталари бу муҳим вазифани деярли бекаму кўст бажаради, улар ўзларининг шу хизматлари эвазига жамиятда, халқ ичиди, жумладан, филолог олимлар орасида ҳам катта обрўга эга бўлади, адабий тилда фойдаланишнинг ёки бадий фикрлашнинг ёки бадий нутқнинг юксак намунасига эришади. Лекин тилни амалда шундай мукаммал дараҷада яхши билган кишилар ҳам бир оз тайёргарлик кўрмасалар, тилнинг таҳлилида ҳар хил камчилик ва хатоликларга йўл қўйишлари мумкин.

Бир томондан олиб қараганда, бу ҳол маълум дараҷада табиий бўлиб чиқади, чунки образли қилиб айтганда, ёзувчиларни учувчиларга қиёсласак, танқидчи, адабиётшунос, хусусан тилшуносларни кўп ҳолларда механик-инженерларга қиёслаш мумкин. Учувчилар парвоз қиласи, тез учади, баланд учади ва учиш жараёнида ҳар хил шакллар, ҳар хил фигуralар яратиб томошибинларда завқ уйғотади, мардлик, жасурлик, чаққонлик ва маҳорат намуналарини кўрсатади. Лекин улар баъзан самолёт моторининг юрак уришини — унинг овозини, унинг ёнилги билан таъминот йўлларини ёки двигателларнинг айланиш қонуниятларини оддий бир механичкалик билмасликлари ҳам мумкин.

Кўринадики, механик-инженер учувчи сингари парвоз қилолмаса ҳам, томошибинларнинг кўнглида завқ уйғота олмаса ҳам, лекин учувчининг парвозини тайёрлашда, бу парвознинг хавф-хатарсиз амалга ошувида, деталларнинг ўз ўрнида бир текис ишлашида хусусан ўзига яраша хизмат қиласиди, бу хизматни баъзан энг уста учувчи ҳам маълум тайёргарликсиз тўлиқ бажарishi қийин бўлади.

Демак, ёзувчиларимизнинг ижодий парвозлари янада юксак, янада серзавқ бўлиши учун биз тилшунослар самолётнинг муруватларини, айрим деталлари ва қисм-

ларини (бадиий асарнинг тили ва услубини) ўз вақтида кўздан кечириб турмоғимиз, ёш ёзувчиларнинг ҳам катта ижодий парвозлар қилишига кўмаклаша бормоғимиз лозим.

Юқоридаги образли қиёслашда бир сезиларли камчилик бор. У ҳам бўлса шундан иборатки, учувчи самолётнинг лойиҳасини ўзи чизмайди, уни ўзи ишлаб тайёрламайди, у фақат тайёр машинани бошқаради, лекин ёзувчи ўз асарининг лойиҳасини ўзи тузади, уни ўзи ёзди ва уни бошқаришни ҳам, мурувват ва деталларни ўз ўрнида ишлатишни ҳам кўп ҳолларда бошқалардан яхшироқ билади. Шунинг учун ҳам ёзувчилар киши руҳининг инженерлари деган ибора бекиз айтилмаган.

Учувчилар катта мэррани асосан машқ билан, меҳнат билан эгалласа, ёзувчилар катта мэррани асосан талант билан, меҳнат билан эгаллади. Шунинг учун ҳам ёзувчининг овози кучлироқ, ўткирроқ ва жарангдорроқ бўлади, унинг сўзи ҳам салмоқлироқ ва таъсирлироқ бўлади. Шунга кўра, ёзувчилар эл орасида, халқ орасида ва Ватан олдида ҳамиша ҳурмат ва иззатга сазовор бўладилар.

Демак, ёш ижодкорларнинг камолга етиши учун ўзига яраша истеъдод бўлиши кераклигини тан олганимиз ҳолда, шу талантнинг юзага чиқиши учун зарур бўлган меҳнат, таълим ва муҳит (шароит) сингари муҳим компонентларнинг бўлиши шарт эканлигини ҳам ҳисобга олишимиз керак.

### III

Баҳсни давом эттирамиз. Сайд Аҳмад бир китобда «ўрик дараҳти гуллади» деб ёзилган жумлани танқид қилиб: «Дараҳт нима? У мевасиз кўчат. Ҳеч қачон мевали дараҳтни ўрик дараҳти, олма дараҳти демайди. Бир туп ўрик ёки бир туп олма дейди. Дараҳтзор бошқа, олмазор, ўрикзор, олчазор бошқа»<sup>3</sup>,— деб ёзди.

Аслида тилда ихчамликка интилиш жараёни доимий равишда юз бериб туради ва бу тилнинг такомили учун жуда катта фойда келтиради. Масалага шу жиҳатдан қараганда Сайд Аҳмаднинг *ўрик дараҳти гуллади* деган жумлагага эътиroz билдириши табиий ва мақсадга мувоғиқ, чунки шу жумлани ёзган одам ўз фикрини ушбу ўринда уч сўз билан эмас, балки икки сўз билан (*ўрик гуллади*) деб ифодаласа яхшироқ бўлар эди. Лекин

<sup>3</sup> Шарқ ўлдузи. 1985. 1-сон. 173-бет.

Саид Аҳмаднинг кейинги жумлаларининг ўзи ҳам эътиrozли, чунки бу ерда адаб, биринчидан, дараҳт сўзини фақат мевасиз дараҳтларга боғлаб қўймоқда, ҳолбуки, дараҳт тушунчаси мевали ва мевасиз дараҳтларга бирдай тааллуқли. Тўғри, дараҳтзор деганда кўпинча мевасиз дараҳтлар назарда тутилади. Агар биз дараҳт сўзини мева берувчи дараҳтлардан бутунлай ажратиб қўйсак, унда тилимизнинг шаклланиб улгурган лексик бойлигининг бир томонига ва маъно имкониятларига анча зарар етказган бўламиз.

Колаверса, олма, ўрик, олча сўzlари аслида дараҳтнинг номидан эмас, унинг мевасининг номидан келиб чиқсан ва кейинчалик уларниң турини англатишга хизмат қилиб кетган.

Демак, ҳар қандай дараҳтнинг умумий номи битта. У мева беришига қараб икки хил аталади: мевали, мевасиз ва ундан кейин ҳар бир дараҳт ўзининг конкрет тури (номи) билан аталади: олма, ўрик, олча ёки тол, терак, чинор, қарагай сингари.

Масалага шу жиҳатдан қараганда олма кўчати ёки чинор кўчати экдим дейиш ҳам мумкин ёки буларни қисқартириб олма экдим, чинор экдим дейиш ҳам мумкин. Бунинг қайси бирини қандай вақтда қўллаш, контекстга, тил ёки стилниң маълум ситуациясига боғлиқ.

Тилдаги ихчамликка интилиш жараёни қонун тусига кирган, муттасил давом этиб турувчи жараёндир. У одатда оғзаки нутқдан бошланади ва бу ҳолат ёзма нутқда, айниқса сарлавҳаларда ва китобларнинг номларида ҳалқ тили ва мақолларида кўп учрайди ҳамда улар бора-бора турғун бирикма ёки қўшма сўzlарга айланиб, тилга табиий равишда сингиб кетади. Оғзаки ва ёзма нутқда бошланган ана шундай қисқартиришлар кўпинча дастлабки пайтларда бирмунча эришроқ, ноқу́лайроқ бўлиб туюлса ҳам, даврлар ўтиши билан тилнинг умумий қонуниятига, умумий мулкига айланиб қолади.

Масалага ана шундай нуқтаи назардан қараганда, Саид Аҳмаднинг Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби етук ёзувчиларимиз асарларининг номларини танқид қилиб бунга сабабчи «адабий танқиднинг сустлиги» деб баҳо бериши ҳам унчалик тўғри эмас. Масалан, Саид Аҳмад ўз мақоласида «Меҳробдан чаён» «Меҳробдан чиқсан чаён» ёки «Меҳроб чаёни» деб аталса тўғри бўлар эди, дейди. «Олтин водийдан шабадалар»ни эса «Олтин водийдан эсган шабадалар» ёки «Олтин водий шабадалари». деб аталишига тарафдор

бўлиб чиқади. «Тобутдан товуш» ёзувчи фикрича «Тобутдан чиққан товуш» деб тузатилиши керак эди.

Тўғри, бу асарлар Саид Аҳмад айтган тарзда аталиши ҳам мумкин эди (контекст ичидаги бўлган тақдирда шундай аталиши лозим эди). Лекин номларни қисқартириб беришининг қулайлиги нуқтаи назардан қараганда ва тилдаги ихчамлашиш қонуниятини ҳисобга олганда ушбу ўринда А. Қодирий, Ойбек, А. Қаҳҳор каби улкан сўз санъаткорлари, ҳақиқатан ҳам, бепарволикка йўл кўйғанмиқанлар?

Бизнингча, ундаига ўхшамайди. Чунки бу адибларнинг қай даражада туғма талант эканлиги ва тилини қай даражада яхши билганлиги аниқ<sup>4</sup>. Шу нуқтаи назардан қараганда, улар тилдаги ихчамликка интилиш қонуниятини ҳам яхши билганлар деб бемалол айта оламиз. Дарҳақиқат «Меҳробдан чаён» даставвал қулоққа бирмунча эришроқ туюлса ҳам, лекин ушбу контекстда энг аҳамиятли ва бир-бири билан қовушмаган сўзларни қовуштириб бериши нуқтаи назаридан ўқувчининг эътиборини ўзига жалб қиласди. Агар уни «Меҳроб чаёни» деб атасак, образлилик, рамзийлик ва экспрессивлик сусайған бўларди. «Олтин водийдан шабадалар» ҳақида ҳам шунга ўхшаш фикри айтиш мумкин.

«Тобутдан товуш» ҳақида шуни айтиш керакки, А. Қаҳҳор шу номни атайлаб, била туриб қисқартирган ва ихчамластирган, чунки у кенг компонентли номни даставвал «Дардақдан чиққан қаҳрамон» повестида берган эди. Демак, адид янги асарида кенг конструкцияли (компонентли) номни такрорлаб ўтиришни хоҳламаган. Қолаверса, юқорида қайд қилингани сингари А. Қаҳҳор ҳам А. Қодирийга ўхшаб ёки ундан таъсирланиб, қовушмаган сўзларни қовуштириб (муносабатга киритиб) ном ясаган. «Тобут» ва «товуш» компонентларини бириттириб ном ясаш асарнинг сатирик характеристини (оҳангини), рамзий-мажозий аҳамиятини (демак, образлилигини ҳам) ва экспрессивлигини кучайтирган. Бу номда ихчамликдан ташқари товушлар такрори (уйғулиги) ҳам маълум аҳамият касб этади.

Тўғри, бундай қисқарган номлар ўзаро гаплашган вақтда шу ҳолда қўлланмайди, контекстда, ёзиш пайтида ҳам бу жумлаларни тўлиқ келтириш керак бўла-

<sup>4</sup> А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар» ва А. Қаҳҳорнинг «Кўшчинор чироқлари» романларининг тил хусусиятлари китобнинг иккичи қисмида маҳсус ўрганилади.

ди, акс ҳолда, жумлалар тұмтоқ чиқади. Лекин асарнинг номи сифатида улар қисқартырған ҳолда жуда үрили танланған. Шу номларни танлаган авторларнинг сөз санъаткори сифатидаги маҳорати ҳам шунда күринағиды, бундай номлар бора-бора қанотли иборага, фразеологизмга айланиб қолышлари ва ҳатто маълум қолипга тушиб өззаки ва ёзма нутқда табиийдек қўллапиб кетишлари мумкин.

Дарҳақиқат, тилимизда дастлабки даврда әришдай туюлган бўлса-да, кейинчалик тилимизга тамоман сингиб, табиийлашиб кетган ана шундай қисқарған компонентли номлар анчагина учрайди. Масалан, *Жарбулоқ* (жар ёқасидаги булоқ ёки жарнинг ичидаги (устидаги) булоқ), *Жартепа* (жар ёнидаги (устидаги) тепа), *симёғоч* (сим уланган) боғланған (ёғоч), олтин соат (олтиндан қилингандык ясалган) соат, олтин суви югуртирилған соат), *Тошкўпrik* (тошнинг ёнидаги кўпrik), *Taxtakўpир* (тахтадан қилингандык кўпrik ёки устига тахта ётқизилған кўпrik), *Kўқон арава* (Кўқондан келган арава ёки Кўқонда ясалған арава ёки Кўқоннинг араваси), *Чуст дўппи* (Чустда тикилған дўппи, Чустдан келған дўппи ёки Чустнинг дўпписи) шулар жумласидандир. Ҳатто ошхона, чойхона, атиргул, карнайгул, чиннигул, қайт, жўнат типидаги сўзлар ҳам ана шундай қисқарған бирикмаларнинг натижасидир. Бундай қисқарған бирикмалар ёки қўшма сўзлар тилимизда шу дараражада табиийлашиб кетганки, ҳатто, уларнинг дастлабки тўлиқ шакли (кенг тўлиқ конструкцияси) қандай бўлғанлигини эндиликда бирданига айтиб бериш қийин. Буларнинг деярли ҳаммаси оғзаки нутқдан бошланиб, кейинчалик тилнинг ҳамма соҳасига сингиб кетган қисқартма ҳисобланади. Ҳолбуки, шу сўзларнинг кўпчилигини талаффуз қилганда биз уларда қисқариш юз берганлигини кўпинча хаёлимизга келтирмаймиз, чунки уларнинг ҳозирги ҳолати бизга тамоман табиийдек туюлади.

Ҳатто тилимизда нисбатан сўнгги вақтларда бирданига ясалиб, бирданига қисқарған ҳолда қўлланиб кетаётған қисқартмалар мавжудки, уларнинг тўла номини айтиш әришдай туюлади. Масалан, *Тошкент—Андижон поезди* (аслида кенг конструкция билан тўлиқ қилиб айтсанак, «Тошкент—Андижон оралиғида қатнайдиган поезд» бўлиши керак) ёки *Андижон поезди* бирикмасини олиб кўрайлик. Буни ҳам кўпчилик Андижонга борадиган поезд деб тўлиқ формада қўлламайди.

Булардан ташқари, тилемизда ҳозир қисқаришга мүлжалланган ёки қисқариш жараёнини бошидан ке-чираётган бирикма, компонентлар ҳам мавжуд. Булар жумласига дўстимдан хат (дўстимдан келган хат). *Танқидчига жавоб* (танқидчига айтилган (ёзилган) жавоб). *Раисга арз* (раисга айтилган арз). *Акамдан совға* (акамдан келган совға). *Онамга хат* (онамга ёзилган хат). *Яхшидан от қолар, ёмондан дод.* *Тўйдан олдин ногора чалмоқ* сингари бирикма ва ибораларни киритиш мумкин. Фараз қиласилик, мана бу бирикма ва иборалардан биттасини бадий асарга сарлавҳа сифатида танламоқчи бўлинганда асосан улардан ҳар бирининг қисқарган ёки ихчамлашган варианти танланган бўларди. Бу бирикма ёки иборалар текст ичида берилган тақдирда, шубҳасиз, уларнинг тўла вариантлари қўлланиларди. Ҳатто текстда уларнинг қисқарган вариантларини бериш адабий тил нормасига тўғри келмайди, чунки бундай ҳол баъзан услубни тўмтоқликка олиб келади. Ўмуман олганда, бу ерда ҳам ҳар бир формани ҳар бир контекстнинг мазмуни билан боғлиқ равишда ёки конкрет ситуация билан боғлиқ ҳолда олиб қараш тўғрироқ бўлади.

#### IV

«Давра суҳбати» асосан бадий тилга багишланган бўлса ҳам, Саид Аҳмад, Ҳамид Ғулом ва бошқа адиллар ўз мақолаларида адабий тилнинг бошқа кўпгина масалаларини, жумладан, амалий стилистика, матбуот тили ёки умуман нутқ маданиятига доир масалаларни ҳақли равища кўтариб чиқсанлар ва уларни кўтариб чиқиши билан жуда тўғри иш қилганлар, чунки бадий тил аслида адабий тилнинг ажралмас бир қисмидан иборатдир. Бас, шундай экан, бадий тил масалаларини адабий тилдан ажралган ҳолда ёки адабий тилнинг бошқа масалаларисиз тугал ҳал қилиб бўлмайди.

Масалага ана шу нуқтаи назардан қарагандা, Саид Аҳмаднинг баъзи бир тажрибасиз журналист ёки ёзувчиларнинг сўз ва ибораларни палапартиш қўллашларига қарши жон куйдириб гапириши ва бонг уриб чиқиши жуда ҳам ўринлидир. Масалан, Саид Аҳмад тилда сиртқи ялтироқликка интилиш натижасида юзага келувчи *барака уруғи*, *шарбат оқизиши*, эъзозлаш каби сўз ва бирикмаларни ўринисиз қўллашларга қарши жуда яхши ва юқори дид билан гапирган. Худди

шунингдек, шоир Эркин Воҳидовнинг «Биз ишлайи-  
миз» шеъри ҳам бадий адабиёт ва матбуот тилидаги  
ана шундай жимжимадорлик, мадҳиябозлиқ, дабдаба-  
бозлиқ ниқобига ўралган ёлғончиликнинг асл башара-  
сини кўрсатиб бериши билан диққатга сазовордир.  
Бу шеър оддий меҳнаткаш дехқон билан гапга тўн-  
кийдириб, аравани қуруқ олиб қочадиган мадҳиябоз  
мухбир — шоир орасидаги сұхбат асосида қурилган.

Мухбир — шоир йигитнинг дехқонни *дала паҳлаво-  
ни, бобо дехқон, чавандоз, жонбоз* деб кўкларга кўта-  
риши, даладаги кундалик, меҳнатни *пахта ишқи*, чопиқ  
гашити, зафар марраси *кучиб жавлон урмоқ, пўлат*  
отни *мағрут сурмоқ* каби чучмал китобий безакларга  
буркаб таъриф этиши оддий меҳнаткаш дехқон учун  
кулгили ва эриш туюлади. Шоир бу шеърида мухбир  
тасаввuri, таърифига қарама-қарши бўлган ҳақиқий  
ҳаёт лавҳаларини оддий дехқон тилидан қўйидагича  
чизади:

«Чопиқ гашти» дединг,  
эҳ, бу не роҳат,  
*Билмоқ бўлсанг*  
сезмоқ бўлсанг, не ҳузур  
Кун бўйи демайман,  
бир-икки соат  
Лолақизғалдоқнинг офтобида тур  
Бу иш  
«пўлат отни мағрут сурши» мас  
Рост гапни айтавер,  
уялтирmas рост.  
Далада чанг ютиши, «жавлон уриши» мас  
Биз ишлаймиз,  
Бу — меҳнат, холос...<sup>5</sup>.

Дарҳақиқат, Сайд Аҳмад, Эркин Воҳидов каби  
адиблар кўрсатиб ўтган ана шундай мисолларнинг  
ёнига яна биз қўйидагиларни қўшиб кўрсатишими  
мумкин. Масалан, *дала маликаси* иборасининг жуда  
кўп қўлланиши асабга тегади. Маълумки, дала мали-  
каси деб маккажўхорини атайдилар. Аслини олганда,  
маккажўхори Ўзбекистон ва Ўрта Осиё шароити учун

<sup>5</sup> Воҳидов Эркин. Сайлланма. Иккى жилдлик, 2-тوم. Тошкент. 1986. 13—14-бетлар.

ҳеч ҳам дала маликаси бўлолмайди, чунки *дала маликаси* деган сўз шу дала шароитидаги энг суюкли, энг қимматли экин демакдир. Демак, Ўзбекистон шароитида пахта дала маликаси деб аталмоғи лозим. Ҳолбуки, маккажӯхорини дала маликаси деб бундан чорак аср илгари атаган кишиларнинг ўzlари ва уларниң таълимотлари ҳаётдан ўчиб кетди-ю, биз бу ноўрин иборани ҳозир ҳам қайта-қайта қўллаб, тилни яхшироқ тушунадиган кишиларнинг асабига тегишдан нарига ўтолмаяпмиз.

Вақтли матбуот саҳифаларида ёки радиода кўпроқ тажрибасиз журналистлар томонидан қайта-қайта қўлланадиган сут *чаимаси*, сут *булоги*, *серқаймоқ сут*, *серёғ сут*, сут *булогини бунёд қилувчилар*, сут *булогини тоширувчилар*, қаҳрабо доң *ижодкорлари*, зангори кема *капитанлари*, *кексалик гашти* каби ибора ёки бирикмалар ҳам шулар жумласидандир.

Умуман олганда, юқорида саналган сўз, ибора ва бирикмаларниң ҳар бири худди эззозлаш, *пўлат от чавандозлари*, *барака уруғи* сингари жуда чиройли, бадий асарбоп, таъсирили, образли иборалардир. Агар улар ўрнини топиб ишлатилса, шубҳасиз, бадий асар тилини безашга, унинг таъсирини оширишга хизмат қилади. Лекин ҳамма бало шундаки, биз бундай сўз ва ибораларни қайта-қайта чайнайвериб, уларнинг охорини ҳам, ширасини ҳам, таъсири қувватини ҳам камайтириб қўймоқдамиз. Лекин афсуски, булардан баъзилари ҳақида аҳён-аҳёнда ёзиб, танқид қилиб турилганига қарамасдан улар тилемизда, нутқимиз ёки услубимизда тез-тез қўлланишда ҳамон давом этиб келмоқда.

Саид Аҳмад ўз мақоласида яна бир нарсани, яъни «Биз Навоийни, Бобуру, Машрабларни ўқиганмиз. Уларнинг достон ва ғазалларидағи услугга маҳлиё бўлиб, уларнинг ўzlари ҳам худди шу услугда гапирганлар деган хulosага келишиниз мутлақо хатодир» (174—175-бетлар),— деб ёзиши билан эски тил услубига берилиб кетишнинг ҳам заарарли оқибатлари борлигини, бизнингча, тўғри кўтариб чиққан. Ҷарҳақиқат, Саид Аҳмад кўрсатиб ўтганидек, маъносини тўлиқ тушунмаган ҳолда *жаннатмакон*, қадам *ранжийда*, *лутфан таклиф қилиши* сингари асосан арабча компонентлардан ташкил топган сўз ва ибораларни бўлар-бўлмасга ҳозирги тилемизнинг амалий муомаласида қўллай бериш ҳам адабий тилемизнинг нормасига унчалик тўғри келмайди.

Бу жиҳатдан биз айниқса бир нарсаны эслатиб ўтмоқчи әдик. У ҳам бўлса шундан иборатки, кўпгина ёш ёзувчи ва журналистларимизгина эмас, ҳатто кўзга кўринган адабиётшунос ва танқидчиларимиз ҳам кейинги вақтларда баъзи бир арабча, форсча терминларни қўллашда меъёрдан бироз четга чиқиб кетмоқдалар. Биргина мисол:

Бундан йигирма-йигирма беш йил бурун *мунаққид* сўзини адабиётшунослик ва танқидчиликда ҳеч ким қўлламас эди. Унинг ўрнида асосан *танқидчи* деган сўз қўлланар эди. Сўнгги пайтларда *мунаққид* сўзи шунчалик кўп қўллана бошладики, у *танқидчи* сўзини бутунлай четга суриб қўйди. Аслини олганда, *танқидчи* сўзи архаик сўзлар жумласига кирмайди, чунки у совет ҳокимияти даврида юзага келган. Қолаверса, уни *мунаққид* сўзига нисбатан кенг халқ оммаси яхши тушунади. Ва ниҳоят, *мунаққид* сўзи тамоман арабча бўлса, *танқидчи* сўзи арабча сўзга ўзбекча кенг оммалашган -чи аффикси қўшилиши ёрдамида ясалган.

Демак, ҳар жиҳатдан *мунаққид* сўзига нисбатан устун бўлган ва ҳар жиҳатдан тушунарли бўлган ҳамда кенг халқ оммаси тили ва муомаласига тамоман сингиб кетган *танқидчи* сўзини бадарға қилиб, унинг ўртига ўрта асрларда зиёлилар томонидан қўлланган, ҳозирги вақтда кенг халқ оммасига тушунарли бўлмаган *мунаққид* сўзига бунчалик сажда қилиб ўтиришнинг нима ҳожати бор?! Ҳозирги тилимизда шу сўзнинг маъносини ифодаловчи бошқа ундан яхшироқ сўз бўлмаганда ҳам майли эди ёки *мунаққид* сўзи тарихий асарларнинг персонажлари тилида қўлланганида ҳам бошқа гап эди.

Ҳудди шунга ўхшаш, *мулоқот* сўзи ҳам ҳозирги матбуот тилида керагидан ортиқ даражада тез-тез учрамоқда. Ҳатто баъзи ҳолларда бу сўз тилимизда аввалдан мавжуд бўлган учта сўзнинг (*суҳбат*, *музокара*, *мунозара* сўзларининг) вазифасини бажаришга киришиб кетди. Ажабланарли жойи шундаки, тилимизда аввалдан мавжуд бўлиб оммалашиб кетган учта арабча сўзнинг ўрнини кейинги вақтларда қайтадан тирилтирилган, кенг халқ оммасига унчалик таниш бўлмаган битта сўз бажармоқчи. Лекин бундай ҳоллар тилимизнинг тараққиётини ҳам, услубимизнинг ранг-баранглигини ҳам яхши йўлга бошқара олмайди.

Шунга ўхшаш масалалар «Давра суҳбати»да, умуман олганда, жуда яхши кўтариб чиқилган.

Дарҳақиқат, «Бадиий тил муаммолари»га оид

«Давра сұхбати»да Бу билан фойдаландынгми?, Йұтадан доринг борми?, Ишлашга берасанми, үйқми? каби тилимизнинг табиатига тұғри келмайдыган ва пала-партиш, тұмтоқ ибора ёки бирикмаларнинг ўшлар нутқида күпроқ құллана бошланғанлыги жуда тұғри танқид қилинганды да бундай камчиликларнинг келиб чиқиши сабаблари ҳам тұғри белгиланған. Бу соҳада «Давра сұхбати»да айтылған мисолларга, яна Мен «Россия» меҳмонхонасида тұхтадим, үирик шохли қорамол, ингичка толали пахта, үтириб чиққан (қамалиб чиққан ёки ётиб чиққан демоқчи), она құй (совлик маъносида), құзилатиш кампанияси (тұл маъносида), жүн қирқиши кампанияси (қирқим маъносида), ёзги спартакиада үйинлари программасыдан жой олған баскетбол мусобақалари каби мисолларни ҳам құшиб айтиш мүмкін.

«Давра сұхбати»да тұғри қайд қилинганидек, меҳмонхонага жойлашдым (үрнашдым, тушдым, құндын) сингари тилимизда аввалдан мавжуд бўлган ажойиб синонимлар турғани ҳолда меҳмонхонада тұхтадим деб үтириш ҳамманиң энсасини қотиради. Шунинг учун ҳам бу ерда ҳеч бўлмаса Мен «Россия» меҳмонхонасида турибман дейилиши керак эди.

Шунингдек, үирик шохли қорамол бирикмаси ҳам калька таржима воситасыда юзага келган бўлиб, ўзбек тилининг табиатига мос эмас (майда шохли қорамол ҳам бўладими?) Демак, бу ерда юқоридаги чўзиқ ва чалкаш бирикманинг үрнида битта қорамол сўзини қўллашнинг ўзи кифоя.

Бундай тұмтоқликлар одатда нотұғри таржима-калькачилик, ҳарфхўрлик натижасыда юзага келади. Масалан, республикамиздаги бир аҳоли пункти марказида фронтда ҳалок бўлган ватандошлар шарафига ёдгорлик қад кўтарған. Унда *Биз эслаймиз* деган ёзув бор. Албатта, бу ёзув авторлари *Мы помним* деган русча иборани ўзбек тилига таржима қилмоқчи бўлганлар. Лекин ўзбекча таржимада, гарчи грамматик хатолар бўлмаса ҳам, жиiddий стилистик чалкашлиқ бор: (тұғри бу стилистик чалкашлиқни ҳамма бирданыга пайқамайды). Гап шундаки, русча *Мы помним* ибораси бир вақтнинг ўзида ҳам ҳозирги замонни, ҳам келаси замонни кўрсатади. Афсуски, ўзбекча текстда асосан келаси замон маъносини мавжуд. Ўзбек тилида текстнинг тўлиқ маъносини *Сиз бизнинг ёдимиздасиз* тексти билан бериш мумкин бўлур эди. Бу маънони қисқартириб *Ёдимиздасиз*, *Эсимиздасиз* ёки *Хотира-*

миздасиз, Кўнглимиздасиз каби бир неча синоним сўзларнинг фақат биттаси билан бериш ҳам мумкин эди. Бу кейинги вариант тилимизнинг табиатини сақлагани ҳолда ихчамлик нуқтаи назаридан ҳам қулай чиқкан бўларди.

Бундан бир неча йил олдин экранларга «Ты — моя жизнь» деб номланган кинофильм чиқди. Фильм номи ўзбекчага калькалаш йўли билан «Сен менинг ҳаётим» деб таржима қилинди. Ўзбекча текстда гарчи сўзлар рус тексти билан шаклан мос келса ҳам, сўзлар стилистик жиҳатдан қовушмаяпти. Ваҳолонки, фильм номини қисқартириб ўзбекчага «Ҳаётимсан» деб бир сўз билан таржима қилиш мумкин ва лозим эди. Агар русча текстдаги барча сўзларни шаклий жиҳатдан сақлаб қолмоқчи бўлсалар, «Сен менинг ҳаётимсан» деб таржима қилиш мумкин эди.

Бир районнинг асфальт йўли ёнида *Ишонмасанг, қувиб ўтма* деган огохлантирувчи ёзув устуни ўрнатилган. Текст авторлари рус тилида кенг қўлланадиган *Не уверен, не обгоняй!* иборасининг мазмунини бермоқчи бўлганлар, лекин бу ибора сўзма-сўз таржима қилинганлиги туфайли кулгили стилистик ғализлик юзага келган, яъни ўзбекча таржимада *Не поверьши, не обгоняй!* деган маъно чиқиб қолган. Бу текстни *Кўзинг етмаса, қувиб ўтма!, Ишончинг бўлмаса, қувиб ўтма!, Ўзингга ишонмасанг, қувиб ўтма!* тарзида таржима қилиш лозим эди.

Бундай стилистик нуқсонлар вивескаларда, плакатларда, эълонларда тез-тез учраб турибдики, булар нутқ маданияти, амалий стилистикага адабий тилимизнинг такомиллашувига зарар келтиради.

Лекин қайд қилинган «Давра суҳбати»да Саид Аҳмаднинг *устимдан кулма* иборасини тилимизнинг табиатига тўғри келмайди деб ҳисоблашига қўшилиб бўлмайди. Ушбу ўринда ёзувчи юқоридаги иборанинг масхара қилма, майна қилма, эрмак қилма, калака қилма, кулги қилма каби синонимлари борлигини жуда тўғри кўрсатган. Лекин «ёнта бўлса ўрни бошқа» деганларидек, тилимиздаги синонимлардан ҳар бирининг ўз ўрни, ўз ранги, ўз оҳангига ва ўз маъно оттенкаси бор. Бу маъно оттенкаларидан бири иккинчисининг ўрнини баъзан тўлиқ қоплай олмайди.

Дарҳақиқат, *устимдан кулма* иборасига нисбатан Саид Аҳмад юқорида санаб келтирган синонимларнинг бирортасида ҳам бу иборага хос бўлганчалик образлилик ва кўчма маъно бериш хислати йўқ (демак,

улардан сўз ўйини қилиш имконияти ҳам камроқ). Қолаверса, бу ибора бошқа тил таъсирида юзага келган эмас, чунки ўзбек тилида бу иборанинг шу қолипда ясалган ва шу қолипда айтилувчи, аввалдан анъана га кириб қолган нусхалари бор. Булар *устингиздан арз қиласан*, *устингиздан шикоят қиласан*, *устидан иш қўзғали* каби иборалардир. Демак, *устимдан кулма* ибораси тилимизнинг ички қонунияти асосида яратилган ўз мулки бўлиб, у тилимизнинг табиатига мос келади. Бу иборани адабий тилимиздан чиқариб ташламоқчи бўлсак, биз адабий тил ва бадиий стилнинг бир ажойиб воситасидан ўзимизни маҳрум қилган бўлиб чиқамиз ва унинг ўрнини бошқа ҳеч бир синоним билан ўзидай қилиб қоплай олмаймиз.

Демак, *устимдан кулма* синоними ўзига хос ранг берувчи ва образли иборалардан бири сифатида тилимизда яшаб қолиши керак.

Сайд Аҳмад «Боқимонда жумлалар» мақоласининг яна бир жойида «Театр ва рассомлик институти»ни бирон китоб ёки газетада тўғри ёзилганини кўрмадим. «Рассомчилик» деб ёзишади. Ахир бу нонвойчи, ошпазчи, заргарчи, шоирчи, дегандек маъносиз бир гапку<sup>6</sup> деб ёзади. Лекин бу ерда ҳам ёзувчи учалик ҳақли эмасдек туюлади. Аслида тилимизнинг табиати ва нонун-қоидаларига кўра *рассомлик институти* деб аташ тўғрироқ бўлади. Чунки «рассомлик» дейиш баъзан «шаҳарлик» деганга ўхшаб кетади. Ҳолбуки, бу икки сўз бутунлай бошқа-бошқа маъно ташийди. Тўғри, «ошпазчи», «заргарчи», «шоирчи» деб бўлмагани сингари «рассомчи» деб ҳам бўлмайди. Лекин шу сўзларнинг ҳар бири охирига «рассомчилик» сўзидағидек «лик» аффиксини қўшиб чиқсак, уларнинг ҳар бири янги, умумий маъно берувчи ажабтовур сўзларга айланади — касб-ҳунарнинг жойини ёки номини билдиради.

Дарвоқе, *рассомчилик институтига ўхшаш -чилик* аффикси ёрдамида ясалиб, касб-ҳунарни ва жойни билдирувчи ясама сўз моделлари тилимизда кўп учрайди. Масалан, *боғдорчилик ва узумчилик совхози, пиллачилик лабораторияси, тажриба ургучилик станцияси, пахтачилик институти* кабилар.

Сайд Аҳмад ўз мақоласининг яна бир жойида *мўл-кўлчилик* ибораси ҳақида гапира туриб, «Мўл-кўл пояфзал чиқарайлик» деган сарлавҳани асосан ўринли

<sup>6</sup> Шарқ юлдузи. 1985. 1-сон. 174-бет.

танқид қиласи ва ўз фикрини давом эттириб: «Халқ хўжалигининг биргина тармоғига бу иборани ишлатиб бўлмайди. «Мўл-кўлчилик» деб умуман юрт маъмурчилигига айтилади. Бунга етиширилган, яратилган хўлу қуруқ маҳсулотнинг ҳаммаси киради»<sup>7</sup>, — деб ёзади. Бу ерда кичкина эътиroz бўлса ҳам шуни айтмоқчимизки, халқимиз одатда мўл-кўлчилик иборасини халқ, юрт маъмурчилиги ўрнида қўллаши билан бир қаторда, кўпинча озиқ-овқатга ёки ейимлик маҳсулотларига, хусусан полиз, меваларга нисбатан ҳам мўл-кўлчилик бўлиб қолди деган бирикмани актив қўллади.

Сайд Аҳмад ўз мақоласининг яна бир жойида айрим ёзувчи ва журналистлар тилида учровчи камчиликлар ҳақида гапира туриб, қўйидагиларни ёзган: «Сўзларнинг маъносини билмай ишлатиш ёзувчини ўз китобхонлари олдида бебурд қилиб қўяди.

— Мен,— деди у қўлини белига тираб, чексиз уфқларга тикиларкан, ўз ҳаётидан мамнун эканлигини англатувчи ажиб бир табассум ила.— Бу йил ҳар гектар оқ олтин даласидан қирқ икки центнердан пахта кўтараман.

Ёзувчи таъкидлаётган пахтакорнинг мен деган сўзи ўн етти сўзнинг орқасида қолиб кетди-ку! Пахтакор айтаётган гапларнинг олдига ўша мен ни қўшиб, кейин унинг қўлини белига тирагани борми, чексиз уфқларга тикилгани борми, ўз ҳаётидан мамнун экани борми, айтақолса, асакаси кетармиди. Ахир, бу сўзларни маъносига қараб, оҳангига қараб, жумла тузиш,— фиштериши эмас-ку»<sup>8</sup>.

Дарҳақиқат, баъзан бир сўзни жумлада ўз ўрнига қўёлмаслик, яъни сўз тартибини бузиб ишлатиш ҳар хил чалкашликлар, ўнгайсизликлар туғдиради, баъзан эса гаплар (жумлаларнинг) маъносининг бутунлай бузилишигача олиб боради (Минг афсуски, шундай ҳоллар матбуот тилида ҳам, радио, телевидение эшиттиришларида ҳам ҳанузгача тез-тез учраб туради). Ҳолбуки, гапдаги биргина сўзнинг ўрнини ўзгартириш билан бундай жумлаларни ёзувчи Сайд Аҳмад айтганидек. аниқ ва равон қилиб тузиш мумкин. Мисоллар келтирамиз: Яқиндагина нашриётдан чиққан адабимизнинг янги асарлар тўплами кенг жамоатчиликка манзур бўлди (яқинда нашриётдан адаб чиққанми, китоб чиққанми?). Бу жумладаги адабимизнинг сўзини

<sup>7</sup> Ўша журнал. 173-бет

<sup>8</sup> Ўша журнал. 174-бет.

тилимиzinинг қонун-қоидасига амал қилиб, биринчи ўринга чиқарилса олам гулистон.

Ёки Ариқ бўйидаги тут дараҳтига боғланган бригадирнинг оти кишинади (тут дараҳтига бригадир боғланганми ёки от боғланганми?) Бу ўринда ҳам бригадирнинг сўзини биринчи ўринга чиқариш керак.

Яна бир мисол: Учрашувда Галабанинг қирқ йиллигига аталган шоиратизнинг янги тўпламидан шеърлар ўқилди (Галабанинг қирқ йиллигига шоира аталганми, тўпламми?) Бу гапда шоиратизнинг сўзини иккинчи ўринга жойлаштириш керак эди.

## V

Сайд Аҳмад биз таҳлил қилаётган «Боқимонда жумлалар» мақоласининг охирроғида «Яна қайтариб айтаман, тилшунос, адабиётшунос олимларимиз адабий асарларимизнинг тилига эътибор берганларида, бу иш билан маҳсус шуғулланганларида, бу кичкина нуқсон аллақачонлар тузатилган бўларди» (174-бет), деб ёzáди. Ёзувчининг масалани шу тартибда қўйиши ва адабий тилимиздаги нуқсонларни бартараф қилишга чақириши яхши. Лекин юқорида айтилганларнинг ўзидан ҳам кўриниб турибдики, умуман, адабий тилимизда, жумладан, бадиий асарларимиз тилида ва оғзаки нутқимизда учровчи бундай камчиликлар бир-икки мақола билан тузалиб кетадиган кичик камчиликлар эмас, балки кўпчиликнинг кучи билан, доимий кузатуви, интилиши ва иродаси билан амалга ошириладиган жиддий ишлардир.

Дарҳақиқат, адабий тилимизнинг муаммоси кўп. Биз бу ўринда шулардан бир қисмини, асосан, сўз ва иборалар доирасида учрайдиган, ўз моҳият-эътибори билан лексик-стилистик воситаларни ташкил қилувчи нуқсон ва камчиликларни кўриб чиқдик, холос. Лекин булардан ташқари тил системасининг бузилишига йўл очувчи тилнинг аниқ грамматик, фонетик, орфографик нормалари билан боғлиқ хато ва нуқсонлар ҳам бор. Энди биз ана шулардан бири — қаратқич келишиги аффикси -ning ни белгили ва белгисиз қўллаш билан боғлиқ муаммо ҳақида ҳам қисқача фикр юритмоқчимиз. Гап шундаки, шаҳар шеваларининг баъзи вакиллари (фақат шаҳарларгина эмас) бошқалар ҳам қаратқич келишигининг қўшимчасини фақат оғзаки нутқда эмас, ёзма нутқда ва матбуот саҳифаларида ҳам тез-тез тушириб қолдирмоқда.

Тўғри, қаратқич келишиги аффиксини тушириб қолдириш айрим ҳолларда ўзини оқлади, сўзловчининг бундай ҳаракати гапнинг маъноси, мазмунига зарар етказмаса, бундай ҳаракат ифодага қулайлик, нутққа ихчамлик ва енгиллик беради. Масалан, Шарқ юлдузи, совет мактаби, ҳалқ ижоди, совет қурилиши, СССР Конституцияси ва ҳоказо. Афсуски, баъзи муаллифлар қаратқич келишиги кўрсаткичини тушириб қолдириш меъёрига риоя қилишни унумтоқда ёки уни сезмай келмоқда. Масалан, улар Ленин номли колхоз колхозчиси, «Коммунизм» колхози сувчиси, совет спортчилари зафари, жаҳон газеталари саҳифаларида, ... газетаси маҳсус мухбири, СССР Фанлар академияси Ер физикаси институти катта илмий ходими ва ҳоказо деб ёзадилар (ваҳолонки, бу ердаги биринчи мисолдан бошқа барча мисоллар битта газетанинг бир сонидан олинган).

Бу ерда тилнинг грамматик қонунларига эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш зарарли тенденцияга айланиб бормоқда, натижада, ҳатто бу қонунларни суиистеъмол қилиш ҳоллари ҳам юз бермоқда. Чунки юқорида қелтирилган мисолларда жиддий стилистик нуқсонларга йўл қўйилган: бу келтирилган бирикмалар грамматик алоқадан деярли маҳрум. Натижада, биринчидан, бундай яланғоч (деярли грамматик алоқаларсиз) сўзлар саводли ўқувчининг энсасини қотиради, қулоғини зада қиласди. Дарҳақиқат, гапнинг ичидаги коммуникатив жараённи оғирлаштиради, ўқувчининг шу гапнинг асосий мазмунини аниқ англашига ҳалал беради, фикрини чалғитади. Бундай гаплар лойсиз гишталар билан терилган ва шувоқсиз тикланган уйларнинг деворини эслатади; иккинчидан, бундай ҳолларда кўпинча атов гапларнинг мазмунини ҳам чалкаштирилади. Масалан, солдат отаси, резидент тақдиди, ота бахти ёки жамиятимиз ифтихори деб ёзганда, текстни ўқиб чиқмасдан туриб, гап ким ҳақида бораётганлигини билиб бўлмайди: солдатнинг отаси ҳақидами ёки солдат бироннинг отасими, шунингдек, бизнинг жамиятимизнинг фахри ҳақида сўз бораяптими ёки бизнинг жамиятимиз кимларнингдир фахрими.

Учинчидан, маълумки, алоқа воситаси бўлган тилимиз ўзаро коммуникация вақтида жуда кўп каналлардан фойдаланиб иш кўради. Ахборотнинг бир меъёрда

текис берилиши ёки қабул қилиниши учун ўша ахборот каналлари ҳам бир текисда ишлаши ва уларга бир текисда юк ортилган бўлиши керак. Юқоридаги ҳолатларда эса, бир неча каналнинг юки (масалан, қаратқичли бирикманинг ҳам, изоҳловчи бирикманинг ҳам ва сифатловчининг ҳам нагруззаси) йигилиб келиб бир -нинг тушириб қолдирилган каналга тўпланиб қолмоқда. Натижада, юқорида қайд қилинганидек, ахборот йўналишининг чалкаштирилиши устига жиддий тил ва ётил ғализликлари ҳам келиб чиқмоқда. Оқибатда бундай ҳолларда аввало тилнинг қонун-қоидаларига, иккинчидан, тилнинг семантикасига (маъносига) ва, қолаверса, тилнинг шаклига (структурасига) ҳам зарар етказилмоқда, яъни тилнинг симметрик ҳолати бузилмоқда, номутаносиблик юз бермоқда, ҳам мазмунга ҳалаллик етмоқда, ҳам жиддий стилистик чалкашликлар келиб чиқмоқда.

Шуниси характерлики, бундай ҳолатлар ёзма адабий тилда, хусусан, матбуот тилида учрайди. Баъзи бир кишилар эса матбуот ходимларининг бундай хатоликларига кўр-кўёна әргашиб, уни оғзаки нутқ жараёнига ҳам татбиқ қилмоқдалар. Демак, тилимизда айниқса публицистик стилда сўнгги вақтларда боргани сари кўпроқ учраётган бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш ҳаммамизнинг ҳам бурчимиздир.

Ваҳолонки, бундай ҳоллар фақат адабий тил нормалариға лоқайд муносабатда бўлиш оқибатида пайдо бўлмоқда. Дарҳақиқат, В. Г. Белинский ўз вақтида адабий тил нормаларига қатъий амал қилиш зарурлигини алоҳида уқтириб ёзган эди:

«Тил яратмоқ мумкин эмас, чунки уни ҳалқ ижод қиласди. Филологлар фақат унинг қонунини очадилар ва уни системага туширадилар, ёзувчилар эса шу қонунлар орқали ўзига хос тарзда унда фақат ижод қиласдилар»<sup>9</sup>.

Демак биз, филологлар (тилшунос ва адабиётшунослар) ҳалқ тилининг қонуњларини чуқур ўрганишимиз, унга амал қилишимиз зарур. Шунга мувофиқ, -нинг аффиксидан адабий норматив жиҳатдан ўринли фойдаланишга доир айrim тавсияномаларни айтишни лозим топдик:

1. Қаратқич белгисини тушириб қолдириш ҳодисасини гапнинг мазмунига ёки сўзнинг мазмунига қараб

<sup>9</sup> Белинский В. Г. Полное собрание сочинений. Т. 1. М., 1953. С. 44.

қўллаш мумкин. Яъни эгалик ҳақиқий маънода бўлса, қаратқич белгисини тушириб қолдириш мумкин эмас. Масалан: *Ақбарнинг китоби, Аҳмедовнинг ўғли*. Эгалик кўчма маънода бўлса, қаратқич белгисини бемалол тушириш мумкин. Масалан: *Шарқ юлдузи, кино юлдузи. Ватан фарзандлари*.

2. Қаратқич белгисини тушириб қолдиришни бириманинг (иборанинг) ёки сўзларнинг таркибига қараб ҳал қилиш мумкин. Масалан: *оқ олтин ўлкаси, Совет Ўзбекистони, санъат юлдузи* каби мисолларда (бирикма) икки қисмдан (сўздан) иборат бўлганлиги учун қаратқичнинг белгисини гап ёки нутқда бемалол тушириб қолдирса бўлади. Лекин шу бирималар уч сўздан (уч компонентдан) иборат бўлиши билан қаратқич белгисини тушириб қолдириш учун йўл бекилади, акс ҳолда, ғализлик пайдо бўлади. Масалан: *оқ олтин ўлкаси шуҳрати деб бўлмайди. Оқ олтин ўлкасининг шуҳрати деб қўллаш керак*. Шунингдек, *Шарқ юлдузининг меваси деб қўллаш, СССР Конституцияси лойиҳаси деб бўлмайди, СССР Конституциясининг лойиҳаси дейиш лозим бўлади*.

Бу ерда шуни ҳам аниқлаб кетиш керакки, баъзан икки компонентли бирикма (ибора) атоқли отдан иборат бўлса, унинг ёнига учинчи компонент қўшилган вақтда ҳам қаратқичнинг белгисини тушириб қўллайвериш мумкин. Масалан: «Совет Ўзбекистони» газетаси, «Шарқ юлдузи» журнали ёки «Ўзбек совет адабиёти» сингари. Қўринадики, уч мисолимизнинг ўзи ҳам икки группага бўлинади. Демак, бундай мисолларни ҳам мукаммал равишда ўрганиб, группа ва группачаларга бўлиб ажратиш, уларнинг ичида нутқда юз бериб туриши мумкин бўлган истисно ҳолатларни ҳам муфассал аниқлаб чиқиши лозим. Ана шундан кейингина бу ҳақда кенг ва узил-кесил тавсиялар тувиш мумкин бўлади.

3. Қаратқич белгисини тушириб қолдириш ҳодисасининг қоидаси қисман тилнинг қурилиши (структураси) билан боғлиқ. Масалан, *Самарқанд қизи дейиш мумкин*, лекин *Самарқандим қизи эмас, Самарқандимнинг қизи дейиш керак*.

Шунингдек, мазмунининг талабига кўра баъзан қаратқич келишигининг кўрсаткичини уста-уст қўллаш ҳам мумкин. Чунки бу маъно ғализлигига йўл қўйишдан кўра афзалроқ. Масалан, *Бизнинг студентлар илмий ишлари деб ёзгандан кўра, Бизнинг студеңтлари-*

мизнинг илмий ишлари деб ёзиш маъқулроқ. Чунки бу вариант Бизнинг студентлар илмий ишлари дейишига нисбатан ҳам тўғрироқдир. Яна Менинг китобим мазмунни дегандан кўра, Менинг китобимнинг мазмунни деган тўғрироқ.

Демак, бу биргина -нинг аффикси билан боғлиқ масалани узил-кесил ҳал қилиш учун тилдаги грамматик фактлар ҳам, эгалик масаласи ҳам, стилистик қонуниятлар ҳам ва, ниҳоят, грамматик-логик категорияларнинг ўзига хос қонуниятлари ҳам ҳисобга олинган ҳолда атрофлича қараб чиқилмоғи лозим. Умуман олганда, бундай ҳолларда кўпинча адабий тилимизнинг табиати ва норматив ҳолатига қараб иш кўриш керак. Бинобарин, умуман, адабий тилимизнинг табиати ва норматив ҳолатига кўра, қаратқич келишигининг кўрсаткичи жуда кам вақтлардагина тушириб қолдирилади, шунда ҳам мазмунга (маънога) зарар етказмайдиган ҳоллардагина бу ҳодиса юз беради. Бизнинг вазифамиз адабий тилимизнинг бу қадимий қонуниятини эътибор билан ўрганиш ва адабий тил стилистикасини янада — такомиллаштириш мақсадида ундан тўғри ва унумли фойдаланишдан иборатdir.

Шундай қилиб, биз «Адабий тилимизнинг шу кунги муаммолари» баҳсига ҳозирча якун ясар эканмиз, ана шу муносабат билан қуйидаги таклиф ва истакларни билдиromoқчимиз.

1. «Шарқ юлдузи» журналининг 1985 йил 1-сонида «Бадиий тил муаммолари» номи билан бошланган «Давра сұхбати» адабий тил ва бадиий стиль ҳақидағи баҳсларни янги босқичга кўтарди, энг муҳими у доимий мунозара майдонига айланиб қолди, дейиш мумкин. Истагимиз шуки, бу мунозара тўхтовсиз давом этиши лозим.

2. Шу мунозарага «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Ўқитувчилар газетаси», «Ўзбек тили ва адабиёти», «Гулистон», «Саодат», «Совет Ўзбекистони санъати», «Совет мактаби», «Ёшлиқ» каби газета ва журналларнинг ҳам ўз саҳифаларидан доимий равишда ўрин бериб туришлари яхши натижалар беради.

3. Адабий тилимиз муаммоларини тўғри, оқилона ҳал этишда радио ва телевидение хизматидан унумли равиша фойдаланиш керак. Улар орқали «Адабий тилимизнинг муаммолари», «Нутқ маданияти», «Ўзбек адабий тилининг талаффуз нормалари», «Тилга эътибор — элга эътибор», «Тил — ақл кўзгуси», «Тил нуқсони — фикрлаш нуқсони» каби циклларда системали

равиша кўрсатувлар уюштириш ва эшиттиришлар бериб бориш лозим.

4. Ўзбекистон ССР Фанлар ақадемияси Тил ва адабиёт институти ходимларининг етакчилигида олий ўқув юртларида хизмат қилаётган мутахассислар билан биргаликда адабий тилимизнинг муаммолари юзасидан, шу жумладан, имло ва алфавит, нутқ маданияти, амалий ва бадиий стилистика масалаларига бағишлиб илмий-назарий конференциялар, амалий семинарлар уюштириш ва ана шундай тадбирларнинг тавсияларини ҳамда материалларини кенг ўқувчилар оммасига етказиш учун китоблар, тўпламлар ҳолида нашр этиш мақсадга мувофиқдир.

5. Бадиий асарнинг тилига доир илмий ишлар ва мақолаларнинг сўнгги йилларда анча камайиб кетганини ҳисобга олиб, янгилари яратилганга қадар, шу соҳада аввал эълон қилинган ва ўз вақтида жамоатчиликка манзур бўлган айрим мақолалар, таҳлиллар ва китобларни (ҳозирги кун талаби асосида қайта ишлаб чиқиши шарти билан) қайтадан нашр қилиш, бизнингча, адабий тилимиз ва бадиий тилимизнинг долзарб муаммоларини тезроқ ҳал этишга ёрдамлашади.

### ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ СТИЛЛАРИ ҲАҚИДА

Стилистика французча *stilus* — стиль (услуг) сўзидан олинган бўлиб, биринчи марта 1840 йилда қўлланган<sup>1</sup>.

Стиль сўзи илмий терминидир. Зеро, терминлар оддий сўзларга нисбатан ўзларининг моносемантик хусусияти билан фарқланиши керак. Лекин стиль термини бошқача характерга эга, яъни стиль фақат лингвистик терминология доирасига эмас, балки адабиётшунослик ва санъатшунослик доирасига ҳам киради, шунингдек, у оддий сўз сифатида ҳам тилда кенг қўлланади. Масалан, «иш стили (услуби)», «Бошқариш услуби», «тарбиялаш услуби», «эркин услубда (усулда) сузиш»,

<sup>1</sup> Стиль сўзининг келиб чиқиши ва маънолари ҳақида қаранг: Михайлов М. М. Стилистика русской речи. Чебоксары 1968. С. 77—87.; Соколов А. Н. Теория стиля. М., 1968.; Розенталь Д. Э. Практическая стилистика русского языка. М., 1974. С. 19—25; Потоцкая Н. П. Стилистика современного французского языка. М., 1974. С. 16—18. Головин Б. Н. Язык и статистика. М., 1971. С. 118—119; Кожина М. Н. Стилистика русского языка. М., 1983. С. 43—55 ва бошқалар.

«барс ёстили (услуби) да сузиш» (спортда), «комбинацион стиль» (шахматда) ва бошқалар.

Бу сўз энг қадимги замонларда ёзиш, ифодалаш услуби маъноларини билдирган. Вильгельм Либкнект ўзининг «Маркс ҳақида хотиралар»ида стиль сўзини худди шу маънода қўллади:

«Ўн саккизинчи брюмер»ни тушуниб бўлмайди, деб айтса бўладими?.. «Ўн саккизинчи брюмер» даги сўзлар — ўқ ва найзалардир; бу шармандаю шармисор қиласидиган ва тор-мор қиласидиган услубдир. Агар нафрат билдириш, лаънат ёғдириш, эркинликка оташин муҳаббат қўйдирувчи, емирувчи, даъват қилувчи сўзлар қачонлар ифодалангандан бўлса, худди «Ўн саккизинчи брюмер» да ифодалангандан, унда Тацитнинг шиддатли ғазаби, Ювеналнинг шармандаю шармисор қиласидиган заҳархандаси, Дантенинг муқаддас қаҳр-ғазаби билан қўшилган. Бундаги услугуб — stilusга, яъни римликлар қўлида бўлганидек, ўткир пўлат ханжарга айланадики, бу ханжар билан ҳам ёзадилар, ҳам санчадилар. Услуб — ҳеч хатосиз, нақ юракка бориб санчиладиган ханжардир»<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, стилда автор ижодий шахснинг хусусиятлари ифодалангани учун бу сўз кенг, метафорик маъноларда қўлланиладиган бўлди. Буни академик В. В. Виноградов ҳам алоҳида таъкидлаган эди<sup>3</sup>. Масалан, В. Либкнект Маркс услубининг улуғ доҳий ижодий шахси билан узвий боғлиқ эканлиги ҳақида сўз юритган: «Маркснинг услуби — Маркснинг худди ўзиdir. Унга таъна қилиб, жуда ҳам оз жойга мумкин қадар кўп мазмун тиқиширишга ҳаракат қилған, деб айтар эдилар, лекин Маркснинг Маркслиги ҳам ана шунда-д»<sup>4</sup>.

Стиль тушунчаси тасвирий воситалар системаси, санъатнинг ўзига хос йўналиши деган маънода санъатшунослик фани томонидан кенг қўлланилмоқда.

Адабиётшуносликда эса бу терминга икки хил ёндашиш сезилади. Стилга нисбатан бундай икки хил қарашнинг сабабини А. Н. Соқолов шундай изоҳлайди: «Бундай ҳолат бадиий адабиётнинг икки томонлама

<sup>2</sup> Либкнект В. Маркс ҳақида хотиралардан//К. Маркс ва Ф. Энгельс санъат тўғрисида. Икки томлик. 2-том. Тошкент, 1977. 582-бет.

<sup>3</sup> Виноградов В. В. Проблема авторства и теория стилей. М., 1961. С. 8.

<sup>4</sup> Либкнект В. Уша жойда.

хусусияти билан белгиланади: бадий адабиёт, бир томондан адабий тил билан, иккинчи томондан санъат билан боғлиқ. Сўз санъати намунаси сифатида бадий адабиёт адабий тил билан ҳам, санъат билан ҳам алоқададир»<sup>5-6</sup>.

Кўпгина адабиётшунослар стиль (услуб)ни санъат ҳодисаси, эстетик категория сифатида кенг тушунадилар, бундай тушунишда бадий асар тили бадий асар стилининг компонентларидан бири ҳисобланади. Масалан, проф. Л. И. Тимофеевнинг фикрича: «Стиль ёзувчининг бутун ижоди давомида кўзга ташланувчи асосий ғоявий-бадий хусусиятлар (ғоя, тема, характерлар, сюжет ва тил) бирлигидан иборат»<sup>7</sup>. Г. Н. Поспелов эса стилни бошқача тушунади. «Бадий асар стили,— дейди олим,— унинг мазмуни эмас, балки формасининг хусусиятидир»<sup>8</sup>. «Адабиёт назарияси»да тўғри таъкидланганидек, «Услуб ёзувчининг ҳаётга ёндошиши, тема танланишидан бошланиб, воқеликни бадий акс эттириш ва талқин қилишдаги барча хусусиятларида кўзга ташланади. Бусиз бадий тафаккур тараққиётини, адабий ижоддаги оригинал юксалишларни асло тўла тасаввур этиш мумкин эмас»<sup>9</sup>.

Шундай қилиб, услуб (стилни) адабиётшунослик нуқтаи назаридан тушуниш бадий асарга ёки конкрет ёзувчига қаратилгандир.

Лингвистик стилистика эса икки асосий обьектга эга: а) стиль (услуб) тил ёки нутқнинг бир кўриниши сифатида; б) бадий асар ёки ёзувчи стили.

Лингвистикистиканинг кейинги обьекти бадий нутқ стили тадқиқ этилаётганда майдонга чиқади. Шунга кўра, лингвистикистиканинг асосий обьекти стилни тил ёки нутқнинг бир кўриниши сифатида ўрганишдир, деган холосага келган.

Олимлар, нотиқлар, ёзувчилар антик даврлардаёқ у ёки бу тил воситасини қўллаш алоқа процессининг характеристи, шароити, темаси ва мақсади билан боғлиқ эканлигига эътибор берган эдилар..

Тил стилларига оид бундай назариялар кейинчалик Европада нотиқлик ва стилистиканинг тараққиётига

<sup>5-6</sup> Соколов А. Н. Теория стиля. М., 1968. С. 14.

<sup>7</sup> Тимофеев Л. И. Основы теории литературы. М., 1976. С. 393.

<sup>8</sup> Поспелов Г. Н. Проблемы литературного стиля. М., 1970. С. 34.

<sup>9</sup> Адабиёт назарияси. Икки томлик. 2-том. Тошкент. 1979. 124-бет.

сезиларли таъсир кўрсатди. Жумладан, француз академияси XVIII асрда стилларнинг қўйидаги классификациясини таклиф этди: юқори стиль — классик трагедиялар, одалар, ораториялар стили; замонавий стиль — роман, повестлар стили; фольклор стили ёки содда стилли комедия, фарс ва масаллар стили<sup>10</sup>.

Ўша пайтларда нутқнинг уч кўриниши (стили) ўзаро фарқланган: паст, ўрта ва юқори стиль<sup>11</sup>.

Шундан бўён миллий тилларнинг стилистик системасида сезиларли ўзгаришлар юз берди, лекин антик олимлар бошлиб берган стиллар классификацияси тил воситаларининг қўлланиш доирасини аниқлашда, уларни группалашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Тил стиллари ёки функционал стиллар ҳозирги даврда стилистика фанининг марказий термини бўлиб қолди. Лекин бу терминнинг аниқ чегаралари ҳали ишлаб чиқилганича йўқ. Ана шу ҳолат тил стилларини классификация қилиш ва ўзаро фарқлаш ишида жиддий қийинчилик туғдирмоқда. Стиль ва стилистик воситалар ҳақидаги билдирилган хилма-хил фикрларни умумлаштириш ва бир системага келтириш учун интилган Е. Ф. Петрищева ҳам буни алоҳида қайд қиласди: «Стиль (услуб) тушунчасининг моҳиятини, мундарижасини аниқлаш стилистиканинг энг мураккаб ва кам ўрганилган проблемаларидан биридир»<sup>12</sup>.

Функционал стиллар тилнинг функциялашуви билан боғлиқ, яъни реал нутқда, текстда ўзига хос «композицион системалар» (акад. В. В. Виноградов термини) сифатида намоён бўладилар ёки бошқача қилиб айтганда, тилнинг турли яруслари (фонетик, лексик, фразеологик, морфологик, синтактик яруслари кабилар)га тааллуқли бўлган бирликлар хилма-хил стилистик бўёқда бўлишларидан қатъи назар алоҳа қилишнинг маълум доирасига хизмат қилиш учун бўйсундирилади. Масалан, сўз тартибининг эркин бўлиши, тўлиқиз гаплар ва бошқа содда гап турларининг кенг қўлла-

<sup>10</sup> Қаранг: Потоцкая Н. П. Стилистика современного французского языка. М., 1975. С. 13.

<sup>11</sup> Бу ҳақда қаранг: Античные теории языка и стиля. М., 1936; Брандес М. Стилистический анализ. М., 1971. С. 14; Скребнев М. Очерк теории стилистики. Горький. 1975.

<sup>12</sup> Петрищева Е. В. Стиль и стилистическое средство (обзор взглядов советских лингвистов)//Стилистические исследования. М., 1972. С. 162.

ниши, хилма-хил такрорлашнинг ишлатилиши оғзаки сўзлашув нутқи учун характерли хусусиятдир<sup>13</sup>.

— Борасанми? Рост айт, борасанми, бормайсанми, а?

— Хўп, майли, бораман (Сайд Аҳмад. Уфқ. 263-бет).

— Юр, деяпман сенга!..

— Қаёққа бораман?

— Уйга!

— Йўқ, бормайман! (Сайд Аҳмад. Уфқ. 454-бет).

Худди шунингдек, инверсиянинг деярли бўлмаслиги, текстнинг дарак — ҳикоя формасида ифодаланиши, таъсирилилк — бадиий тасвир элементларининг учрамаслиги, маънонинг икки хил бўлишига йўл қўймаслик, қўшма гапларни кўпроқ қўллашга мойиллик каби хусусиятлар расмий нутқи стили учун хосдир: «СССР Олий Совети Президиумининг фармони. Совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Асқад Мухтор (Асқад Мухторов) Xалқлар дўстлиги ордени билан мукофотлансин...» («Совет Ўзбекистони», 1980 йил 23 декабрь); Ёки, «64-модда. Бошқа граждандарнинг миллий қадр-қимматини ҳурматлаш, кўп миллатли совет давлати миллатларининг ва элатларининг дўстлигини мустаҳкамлаш ҳар бир СССР гражданинг бурчидир» (СССР Конституциясидан).

Умуман олганда, функционал стилларнинг классификациясига қуйидаги икки фактор асос бўлиб хизмат қилади: а) экстралингвистик факторлар (алоқа қилиш доираси ёки сфералар ҳамда вазифалари кабилар); б) соф лингвистик факторлар (тил бирликларининг стилистик дифференцияси). Шунга мувофиқ, тилнинг функционал стилларига характеристика берадиганда экстралингвистик факторни ҳам, соф лингвистик факторни ҳам тўла ҳисобга олиш зарур.

Тўйишунослик тарихида, жумладан, рус ва ўзбек тилшунослигида жуда ҳам кўп олимлар функционал стилларни классификация қилишга; уларни ўзаро фарқлашга интилганлар. Лекин бу олимларнинг бир группаси функционал стилларни белгилашда экстралингвистик факторларни биринчи планга қўйган бўлсалар, бошқа бир группа олимлар соф лингвистик факторларга таяниб иш кўрганлар.

<sup>13</sup> Бу ҳақда қаранг: Үринбоев Б. Ўзбек сўзлашув нутқи. Тошкент: «Фан». 1982. 64—132-бетлар.

Масалан, совет тильтунослигига функционал стилларни тил функциялари асосида ажратишга дастлабки уриниши проф. А. М. Пешковский қаламига мансубдир<sup>14</sup>. Стилларни тил функцияларига кўра классификация қилишнинг академик В. В. Виноградов томонидан таклиф этилган принципи катта шуҳрат қозонди:

«Тилнинг асосий ижтимоий функциялари (алоқа қилиш, хабар узатиш ва эстетик таъсир кўрсатиш) инобатга олинган ҳолда тилнинг структураси умумий пландаги стилларга бўлинади: оғзаки сўзлашув стили (алоқа қилиш функцияси), расмий муомала, расмий иш қофозлари ва илмий стиллар (хабар узатиш функцияси), публицистик ва бадиий-беллитристик стиллар (эстетик таъсир этиш функцияси)»<sup>15</sup>. Лекин олимнинг қайд қилишича, баъзан стиллар (тил функциялари) билан алоқа қилиш доиралари бир-бирига мос келмаслиги ҳам мумкин, яъни тил функцияларига нисбатан стиллар кўпчиликни ташкил этади. Кўринаники, тилнинг асосий функцияларини бундай группалаш умумий характерга эга.

Р. Г. Пиотровский ва Ю. С. Степановнинг асарларида эса информация назарияси категорияларидан фойдаланиш асосида тил функцияларининг характеристики аниқлашга интилиш сезилади. Бу олимлар тил элементлари асосий ва қўшимча (ёки стилистик) информация ифодалайди<sup>16</sup>, деб ҳисобладилар. И. В. Арнольд ҳам худди шу пландаги тил стиллари классификасини олға суради<sup>17</sup>.

Юқорида таъкидланганидек, бошқа бир гуруҳ совет тильтунослари стилларни фарқлашда тил функцияларини эмас, балки нутқ доираларини (сфераларини) асос қилиб олмоқдалар.

Нутқ доиралари — кенг тушунча, у чексиз даражада хилма-хилдир. Чунки мактабдаги нутқий муносабат болалар боқчасидаги нутқий муносабатдан фарқ қиласди. Ўқитувчи мактабда биринчи синф ўқувчилари

<sup>14</sup> Пешковский А. А. Роль грамматики при обучении стилю. В кн. А. М. Пешковский. Избранные труды. М., 1959. С. 148.

<sup>15</sup> Виноградов В. В. Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. М., 1963. С. 6.

<sup>16</sup> Пиотровский Р. Г. Очерки по стилистике французского языка. Л., 1960. С. 12; Степанов Ю. С. Французская стилистика. М., 1965. С. 21, 218.

<sup>17</sup> Арнольд И. В. Стилистика современного английского языка. Л., 1973. С. 6.

билин бошқача илланда сўзлашса, тўққиз ва ўнинчи синф ўқувчилари ўзгача нутқий муносабатларни талаб қиласидилар. Магазинда харидор билан сотувчининг нутқий муносабати олимларнинг нутқий доирасидан ажралиб туради ва ҳоказо. Худди ана шундай турли-туман нутқий муносабатлар асосида тилнинг функционал стиллари классификацияси ҳақида гапириш мумкинми?

Фикримизча, бу хилма-хил нутқий муносабатлардан энг умумий, принципиал жиҳатдан турли-туман тил воситалари системаларини талаб этувчи, ижтимоий жиҳатдан типиклашганларини ажратиб олиш зарур. Худди шундай умумий ва типиклашган нутқий доиралар (муносабатлар) гина функционал стиллар классификациясига асос бўла олади.

Бу проблемага олимлар икки томондан ёндошмоқдалар. Бир гуруҳ олимлар нутқий муносабатларнинг тарихий жиҳатдан шаклланган икки турини — оғзаки ва ёзма турини ажратадилар, шундан кейин нутқнинг бу икки формаси яна майда типларга бўлинади, типлар эса ўз ички бўлинишларига эга бўлади. Натижада тил стиллари классификацияси кўп босқичли характеркасб этади. Бунинг ёрқин мисоли сифатида проф. Р. А. Будагов томонидан олга сурилган классификацияни кўрсатиш мумкин<sup>18</sup>.

Р. А. Будагов оғзаки ва ёзма стилларни тилнинг бош стиллари деб ҳисоблайди. Бу стиллар ичиде яна илмий ва бадиий стиллар ажратилиди. Қолгац стиллар эса нутқий муносабатлар билан боғлиқ бўлиб нутқ стиллари деб юритилади. Нутқий стилларнинг сони ва ички бўлиниши алоқа муносабатларининг ўзи сингари чексиз ва хилма-хил формаларга эга.

Кўринадики, Р. А. Будагов классификациясида гарчи оғзаки ва ёзма, илмий ва бадиий стиллар орасидаги фарқлар тарихий ва умумтил нуқтай назаридан анча чуқур ёритилган бўлса ҳам, бу классификацияда терминологик изчиллик, нутқий стилларни аниқ чегаралаш етишмайди.

Иккинчи гуруҳ олимлар «нутқий сфера» тушунчасини тилнинг функциялашуви учун ҳам ҳал қилувчи роль ўйнайдиган факторлар билан чегаралаш асосида стилларни классификация қиласидилар. Масалан, М. П. Кожина чехословакиялик олимларнинг ишлари-

<sup>18</sup> Қаранг: Будагов В. А. Литературные языки и языковые стили, М., 1967. С. 77—92; Уша автор. Обоснование языковых стилей//Филология и культура, М., 1980. С. 136—153.

га<sup>19</sup> таяниб, стиль ҳосил қилувчи объектив ва субъектив факторларнинг ўзаро уйғунлашуви ғоясини олға сурди ҳамда бундай факторларнинг уч группасини ажратиб кўрсатди<sup>20</sup>.

М. Н. Кожина ўз асарларида экстравистик факторларни биринчи навбатда ҳисобга олади, чунки бу факторлар тилнинг моҳияти билан, ижтимоий онг формалари ва уларга мос келувчи инсон фаолияти турлари (фан, санъат, хуқуқ, адабиёт, маданият ва ҳоказолар) билан боғлиқ. Бу ижтимоий онг формаларининг ҳар бирига мос умумий ёки конкрет фикрлаш типи ҳамда уларнинг инъикос формаси (илмий тушунча, бадиий образ, хуқуқий норма кабилар) нутқий муносабат доирасини ҳам белгилаб беради.

Стиль ҳосил қилувчи объектив факторларга тилнинг ифодаланиш формалари (офзаки ва ёзма), нутқнинг турлари (монологик, диалогик нутқ), коммуникация усуллари (оммавий ва шахсий), нутқ жанрлари (кенг маънода: очерк, ҳикоя, повесть, монография, дарслар, илмий мақола, лекция, диспут, мажлис кабилар), фаннинг турлари (математика, физика, химия, адабиётшунослик, логика, психология сингарилар), фикрни баён қилиш усуллари (тасвирий, мунозарали, танқидий кабилар) киради. Бу хилма-хил объектив факторлар стилларни ва уларнинг ички бўлинишлари (подстиллар)ни белгилайди.

Учинчи тип факторларга ситуатив — ижтимоий факторлар: нутқ тони (юқори, тантанавор, тушкун); тингловчини ҳисобга олиш; нутқий акт типи (икки томонлама нутқ, бир томонлама нутқ, нутқ предметининг нутқ процессидаги бевосита иштироки ёки «яширингани») кабиларни ўз ичига олади.

Бу факторларнинг ҳаммаси нутқ характеристига бевосита таъсир этади, лекин уларнинг функционал стиль ҳосил қилишдаги иштирок этиш даражаси бир хил эмас.

<sup>19</sup> Бу ўринда Прага функционал лингвистика мактабининг В. Магезиус, Б. Гавранек, Я. Мукаржовский, И. Вахек, И. М. Коржинек, А. Едличка каби вакилларининг ишлари назарда тутилаёт. Бу ҳақда қаранг: Пражский лингвистический кружок (сборник статей). М., 1967.

<sup>20</sup> Кожина М. Н. К основаниям функциональной стилистики. Пермь. 1968. С. 142—154; Уша автор. О речевой системности научного стиля сравнительной некоторыми другими. Пермь. 1972; Уша автор. Стилистика русского языка. М., 1983. С. 66—78.

Жуда кўплаб стилист олимларнинг илмий тадқиқотлари ва бизнинг шахсий кузатишларимиз шундан ҳам далолат берадики, ҳозирги ўзбек адабий тили системасидаги функционал стилларни классификация қилишда, уларнинг ўзаро муносабатини, ўрганишда юқорида таъкидланган экстралингвистик, объектив ва субъектив факторларни тўла ҳисобга олиш муҳим илмий ва амалий жиҳатдан яхши натижаларга олиб келади. Масалага шу нуқтаи назардан қараганда, ҳозирги ўзбек адабий тилида қўйидаги функционал стиллар мавжуд: илмий стиль, расмий иш қофозлари стили, публицистик стиль, оғзаки сўзлашув стили, бадиий стиль. Тилнинг, жумладан, ўзбек адабий тилининг функционал стиллари системасидаги бадиий асар тили (ёки бадиий нутқ стили) алоҳида ўрин тутади<sup>21</sup>.

М. Н. Кожинанинг таъкидлашича, нутқда тил элементларининг функционаллашуви икки қонуниятга амал қиласди, яъни улар тил стилистикасига ҳам, нутқ стилистикасига ҳам таянади. Бир томондан, тил стилистикасида муайян функционал стилга мос келувчи воситалар (сўзлар, грамматик формалар) мавжуд, иккичи томондан, стиль ҳосил қилувчи факторлар таъсири туфайли функционал стиль составида бу тил воситаларининг ўзига хос нутқий трансформациялари вужудга келади. Шунга мувофиқ, тил воситалари қайси функционал стилда қўлланилаётганига қараб ўзига хос функционал—нутқий, окказионал маънолар касб этади<sup>22</sup>.

Масалан, бадиий нутқ стилининг мақсади ўқувчи ёки тингловчига эстетик таъсир этишдир. Шунинг учун бадиий нутқ стилида тил воситаларидан индивидуал—ижодий фойдаланиш, окказионал неологизмлар ҳосил қилиш учун катта имкониятлар мавжуд. Бу имкониятлардан сўз санъаткорлари ўринли фойдаланмоқдалар. Мисол учун, ўзбек тилида *девор урмоқ* конкрет ҳодисани ифодаловчи эркин сўз бирикмаси мавжуд. Сайд

<sup>21</sup> Головин Б. Н. Язык художественной литературы в системе языковых стилей современного русского литературного языка// Вопросы стилистики. Вып. 14. Саратов. 1978. С. 113—221; Булагов Р. А. В защиту понятия стиль художественной литературы// Вестник МГУ. 1962. № 4; Васильев А. Художественная литература и стилистика//Вопросы стилистики. Вып. 15. Саратов. 1980. С. 86—103; Қўчқортоев И. Бадиий нутқ ҳақида мулоҳазалар// Ўзбек филологияси масалалари. ТошДУ асарлари, 362-чиқиши. Тошкент. 1970. 100—107-бетлар; Қўнифуроев Р., Каримов С., Қурбонов Т. Ўзбек тилининг функционал стиллари. Самарқанд. 1985.

<sup>22</sup> Кожина М. Н. Стилистика русского языка. М., 1983. С. 66.

Аҳмад «Уфқ» трилогиясида худди шу бирикмани абстракт тушунчани ифодаловчи сўзлар қуршовида келтириб, бирикманинг қўлланиш имкониятини кенгайтирган ва фразеологик неологизм вужудга келтирган:

— Ҳукуматдан қарзим йўқ, — деб тўнғиллади Аҳзамжон.— Ҳукумат деб қон тўкиб келганман. Ҳукуматни девори ииқилган бўлса, ўзи урсин (Уфқ. 630-бет).

Ёки СССР Давлат мукофотига сазовор бўлган «Мангалик» романнда Ҳамид Гулом қавс очмоқ деган конкрет лингвистик термин маъносини билдирувчи бирикмани янги, стилистик қуршовда қўллаб, фразеологизмга айлантирган:

... *Масъуд Мардонхўжанинг ўйчан ҳолатини кузатиб, мақсадининг қавсларини оча бошлиди...* (Мангалик, 282-бет), ...*Масъуд навбатдаги қавсни очишга киришиди* (Мангалик. 283-бет) ва ҳоқазо.

Функционал стилларнинг ҳар бирин ўз ички бўлинишларига ҳам эга бўлиб, улар подстиллар деб юритилади. Масалан, ўзбек адабий тилининг илмий стилини уч подстилга айратиш мумкин: а) соф илмий подстиль; б) илмий-ўқув подстили; в) илмий-оммабоп подстиль<sup>23</sup>. Худди шунингдек, публицистик стиль ҳам агитацион, расмий, сиёсий-ғоявий (партия ҳужжатлари ва бошқалар), оммавий-сиёсий ва газета-публицистик подстиллардан иборат.

Ўзбек тилшунослигида функционал стилларни ва улар составидаги подстилларни ўрганиш 60-йилларда бошланди. Жумладан, «Ўзбек Совет Энциклопедияси»да стиль (услуб)га қўйидагича таъриф берилади:

«Услуб — тилшуносликда тилнинг алоҳида маъно англатиш ва ифодалаш мақсадларига хизмат қилувчи фонетик, синтактик воситалари. Лингвистик таърифга кўра, тилнинг дифференциал турларидан бири ўлароқ, ўзига хос луғати, фразеологик бирикмалари, жумла ва синтактик қурилмалари билан бўлак турлардан ўз ички унсурларининг, асосан, экспрессив таърифи хусусиятлари билан тафовут қилувчи лисоний системадир»<sup>24</sup>.

Лекин ЎзСЭда стилистика билан функционал стилларни ўзаро фарқламаслик ҳоллари сезилади. Масалан, ЎзСЭнинг 10-томида қўйидагиларни ўқиймиз:

<sup>23</sup> Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. Тошкент: Фан. 1984. 23—27-бетлар.

<sup>24</sup> Ўзбек Совет Энциклопедияси, XI том. Тошкент. 1978, 616-бет.

«Функционал стилистика яна йиккига бўлиниади: сўзлашув нутқи ва китобий нутқ. Сўзлашув нутқига кундалик муносабат ва муомалаларда ишлатиладиган жонли тил ва жайдари иборалар (?), касб-хунар лексикаси, жаргонлар киради. Китобий нутқда бир қанча функционал бўлинишлар бор: Масалан, илмий стиль, расмий — идора стили, газета стили, публицистик стиль, нотиқлик стили, мактуб стили ва ҳоқазо» (346-бет).

«Совет мактаби» журналининг 1964 йилги 6-сонида доц. А. Сулаймоновнинг «Тил стиллари ҳақида» номли мақоласи эълон қилинган эди<sup>25</sup>. «Стилистиканинг вазифаси,— дейилади мазкур мақолада,— у ёки бу стилда ёки нутқ формасида, яъни оғзаки ва ёзма нутқда қандай тил ҳодисалари кўпроқ қўлланилишини аниқлашдан иборатдир» (22-бет).

Шундан кейин мақолада «Стилистикада синонимлар» деган сарлавҳа остида стилистика учун синонимларнинг аҳамияти ғоят катта эканлиги айтилади, ўзбек тилидаги лексик, лексик-фразеологик синонимларга доир характерли мисоллар келтирилди.

Гарчи бу мақола «Тил стиллари ҳақида» деб номланган бўлса ҳам, унда адабий тилнинг китобий ва оғзаки — сўзлашув стиллари, шунингдек, илмий, публицистик, расмий, бадиий стиллар ўртасидаги умумий ва хусусий ҳолатлар ҳақида сўз юритилмаган. А. Сулаймоновнинг бу иши функционал стилларга доир дастлабки илмий мақолалардан бири эканлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

1969 йил 27—29 май кунлари Тошкентда ўзбек тили нутқ маданиятига бағишлиланган I Республика тилшунослик конференцияси бўлиб ўтди. Ф. А. Абдураҳмонов конференция минбаридан туриб: «Вазифа—стилистик қатламлар (функционал стиллар — Ҳ. Д. Б. И.) классификациясини назарий жиҳатдан асослаш, ҳар бир стилистик қатламнинг обьектини, материалларини, воситаларини аниқлаш ва улар устида текшириш ишлари олиб боришдан иборатдир»<sup>26</sup>, деб алоҳида таъкидлади. И. Қўчқортов ҳам ўзбек адабий тилининг стилистик ихтисослашуви, унинг функционал услублари илмда ҳали қатъий чегаралаб берилмаганлигини

<sup>25</sup> Сулаймонов А. Тил стиллари ҳақида//Совет мактаби. 1964. № 6. 21—23-бетлар.

<sup>26</sup> Абдураҳмонов Ф. А. Ўзбек адабий тилининг стилистик нормалари//Нутқ маданиятига оид масалалар. Тошкент. 1973. 53-бет.

уқтиради. Шу билан бирга, олим ўзбек адабий тили доирасида бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий услуг (стиль)ларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларни бир-биридан фарқлайдиган белгилар маълум даражада аниқ сезилиб туришини конкрет мисоллар асосида кўрсатишга интилади<sup>27</sup>. И. Қўчқортов ўзбек бадиий нутқ стилини ўрганишга ҳам ҳисса қўшди<sup>28</sup>.

Умуман олганда, ўзбек адабий тилининг функционал стиллари орасида анчагина ўрганилгани бадиий нутқ стилидир. Бу бадиий нутқ стили анчагина ўрганилган, лекин бу соҳада маҳсус ва яхлит иш қилинмаган<sup>29</sup>.

Мактаб дарсликларида ҳам кейинги йилларда стилистика, ўзбек тилининг функционал стиллари бўйича маълумотлар бериладиган бўлди.

А. Шомақсудовнинг қатор илмий ишларида ўзбек тилининг функционал стиллари масаласи анча кенг ёритилди<sup>30</sup>. Б. Ўринбоевнинг илмий ишлари эса оғзаки сўзлашув стилининг синтактик қурилишини тадқиқ этишга бағишиланган<sup>31</sup>.

<sup>27</sup> Қўчқортов И. Адабий тилининг стилистик табақаланиши ва нутқ маданияти//Нутқ маданиятига оид масалалар. Тошкент. 1983. 110-бет.

<sup>28</sup> Қўчқортов И. Бадний сўз устаси. Тошкент. 1967; Шу автор. Бадиий нутқ стилистикаси. Тошкент. 1975.

<sup>29</sup> Кунгуров Р. Актуальные вопросы узбекской стилистики. Материалы научной сессии АН УзССР и СамГУ, посвященной 50-летию Самарканского государственного университета. им. Алишера Навои (общественные и гуманитарные науки). Самарканд. 1978. С. 106—113. Данияров Х., Юлдашев Б. Некоторые вопросы взаимоотношения лингвистической и художественной стилистики// Языкознание (тезисы докладов и сообщений III Всесоюзной тюркологической конференции). Ташкент. 1980. С. 158—159; Йўлдошев Б. Бадиий асар тили ва услуби ҳамда уларни ўрганиш проблемалари//Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти масалалари 4-чиқиши. Самарқанд, 1980. 51—56-бетлар ва ҳоказо.

<sup>30</sup> Шомақсудов А. Ўзбек адабий тили стиллари ҳақида. Филологик тадқиқотлар//ТошДУ асарлари. 376-чиқарилиши. Тошкент. 1970. 219—241-бетлар; Шу автор. XIX аср охири ва XX аср бошларидағи ўзбек адабий тилида публицистик стилларнинг ривожланиш характеристи. Ўзбек филологияси масалалари. Тошкент. 1970. 63—75-бетлар; Уш а автор. Сўзлашув стили. Ўзбек тили стилистикаси масалалари//ТошДУ асарлари. 427-чиқиши. Тошкент. 1972, 37—60-бетлар; Уш а автор. Илмий стиль ҳақида//Ўзбек тилшунослиги масалалари. Тошкент. 1973. 104—110-бетлар; Уш а автор. Ўзбек тили стилистикаси. Биринчи қисм. Тошкент. 1974. 12—70-бетлар. Уш а автор. Ўзбек тили ва унинг стилистик турларининг тарихий илдизлари масаласига доир. Ўзбек тили стилистикаси масалалари. Тошкент, 1975. 3—17-бетлар.

<sup>31</sup> Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек тилида вокатив категория.

Ашхобод (1966), Олмаота (1976), Тошкент (1980) ва Қозонда (1985) ўтказилган Бутуниттифоқ илмий конференциялар миллий тиллардаги, жумладан, туркий тиллардаги функционал стилларнинг ривожланиши, тараққиёти масалаларини ўрганишда муҳим воқеа бўлди<sup>32</sup>.

Шу конференцияларнинг бирида Р. Қўнғуров «Совет даврида ўзбек тили функционал стилларининг тараққиёти» деган темада доклад қилди<sup>33</sup>. Олимнинг кўплаб илмий ишларида<sup>34</sup> ва докторлик диссертациясида<sup>35</sup> грамматик стилистика масалалари бой фактик далиллар асосида ўрганилган. Ўзбек тили стилистикаси бўйича дарслик<sup>36</sup> ва қўлланмалар<sup>37</sup> нашр этилди. Кейинги йилларда ўзбек тили лексикасининг стилистика билан боғлиқ аспектларини ўрганиш бўйича ҳам баъзи ишлар амалга оширилди. Бу соҳада Р. Қўнғуров<sup>38</sup>,

Тошкент, 1972; Уша автор. Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари. Тошкент. 1974; Уша автор. Синтаксический строй узбекской разговорной речи. Ташкент. 1978; Уша автор. Сўзлашув нутқи. Тошкент. 1979; Уша автор. Ўзбек сўзлашув нутқи. Тошкент, 1982.

<sup>32</sup> Қаранг: Развитие стилистических систем литературных языков народов СССР. Ашхабад, 1968; Проблемы современной тюркологии (материалы II Всесоюзной тюркологической конференции). Алма-Ата, 1980.; Языкознание (тезисы докладов и сообщений III Всесоюзной тюркологической конференции). Ташкент, 1980; Тюркское языкознание (материалы III Всесоюзной тюркологической конференции). Ташкент, 1985.; Теоритические проблемы стилистики текста (тезисы докладов). Казань, 1985.

<sup>33</sup> Қўнғуров Р. Развитие функциональных стилей узбекского языка в советский период//Советская тюркология и развитие тюркских языков СССР. Алма-Ата, 1976. С. 318—319.

<sup>34</sup> Қўнғуров Р. Ўзбек тили стилистикасида очерклар. Самарқанд, 1975; Уша автор. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. Тошкент, 1980; Уша автор. Стилистика имени существительного в узбекском языке. Ташкент, 1983 ва бошқалар.

<sup>35</sup> Кунгиров Р. Семантико-стилистические особенности формообразующих морфем имени существительного узбекском языке. Автореф. дисс. докт. фил. наук. Баку, 1982.

<sup>36</sup> Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. Тошкент, Ўқитувчи, 1983.

<sup>37</sup> Қўчқортов И. Бадий нутқ стилистикаси, Тошкент, 1975.; Йўлдошев Б. Бадий нутқ стилистикаси. Самарқанд, 1982; Самадов Қ. Ойбекнинг тил маҳорати. Тошкент, 1981; Қўнғуров Р., Каримов С., Қурбонов Т. Ўзбек тилининг функционал стиллари. Самарқанд, 1984. Қиличев Э. Ўзбек тилининг практик стилистикаси. Тошкент, 1986.; Тўйчиев М. Шуҳрат прозасининг тили. Самарқанд, 1986.

<sup>38</sup> Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. Тошкент, 1977.

Л. Абдуллаева<sup>39</sup>, Э. Қиличевларнинг<sup>40</sup> ишларини алоҳида таъкидлаш ўринлиди. М. Мукаррамов яқинда ўзбек тилининг илмий стилини ўрганиш бўйича олиб бораётган ишларини якунлади ва докторлик диссертациясини ёқлади<sup>41</sup>. Т. Қурбонов ва Д. Бобохоновалар ўзбек адабий тилида публицистик ва расмий стилларнинг ўзига хос белгилари юзасидан кузатиш ишлари олиб бордилар ва кандидатлик диссертацияларини ёқладилар<sup>42</sup>.

Юқоридаги қисқача обзордан маълум бўладики, ўзбек тилининг функционал стилларини ўрганиш соҳасида тилшунослигимиз катта ютуқларни қўлга киритган. Лекин бу соҳада жиддий илмий тадқиқотлар яратиш, функционал стиллардан ҳар бирининг шаклланиши ва тараққиёт этапларини, лексик, фразеологик, морфологик ва синтактик хусусиятларини махсус монографик планда ўрганиш<sup>43</sup>, функционал стилларнинг ўзаро муносабати ва бошқа қардош тилларнинг функционал стиллари билан алоқаси проблемаларини янада чуқурроқ ўрганиш лозим.

Шундай қилиб, ўзбек адабий тилининг функционал стилларини стилистика фанининг энг сўнгги ютуқларига таянган ҳолда ўрганиш, «Ўзбек тилининг ама-

<sup>39</sup> Абдуллаева Л. Лексическая стилистика узбекской художественной литературы. Ташкент. 1979; Абдуллаева Л. Стилистическая дифференциация лексики узбекской художественной литературы. Автореф. дисс. докт. филол. наук. Ташкент. 1980.

<sup>40</sup> Қиличев Э. Бадий тасвиринг лексик воситалари. Тошкент. 1982.

<sup>41</sup> Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. Тошкент. 1984; Мукаррамов М. Научный стиль современного узбекского литературного языка в семантико-функциональном аспекте. Автореф. дисс. докт. филол. наук. Ташкент. 1985.

<sup>42</sup> Қурбонов Т. Публицистический стиль современного узбекского литературного языка. Автореф. дисс... канд. филол. наук. Ташкент. 1987; Бабаҳанова Д. Официально-деловой стиль современного узбекского литературного языка. Автореф. дисс. канд. филол. наук. Тошкент. 1987.

<sup>43</sup> Туркий тиллар орасида озарбайжон тилининг функционал стиллари кенгроқ ва тўлароқ ўрганилган. Шу кунгача Озарбайжон тилшунослари публицистик, бадий, оғзаки-сўзлашув, илмий, эпистоляр (хат-мактуб стили) стилларини махсус монографик планда ўргандилар. Бу ҳақда қаранг: Адылов В. Научный стиль азербайджанского литературного языка XIX века. Автореф. дисс. канд. филол. наук. Баку. 1980.; Адылов В. Официальный стиль современного азербайджанского литературного языка. Автореф. дисс. канд. филол. наук, Баку, 1980; Салехова И. С. Эпистолярный стиль современного азербайджанского литературного языка. Автореф. дисс. канд. филол. наук. Баку. 1983 ва бошқалар.

лий-норматив стилистикаси», «Ўзбек тилининг бадий стилистикаси», «Ўзбек тилининг тарихий стилистикаси», «Ўзбек тилининг қиёсий стилистикаси», «Ўзбек тилининг лексик стилистикаси» каби мавзуларда умумлашма характердаги илмий тадқиқотлар яратиш, функционал стилларда қўлланилган тил воситаларининг ўзига хос ва умумий белгиларини аниқлаш ўзбек тилшунослигининг муҳим вазифаларидан биридир. Мазкур китобда ўзбек адабий тилини унинг бадий стили ва ёзувчининг маҳорати билан боғлаб ўрганишга асосий эътибор қаратилади.

## ФОНЕТИК СТИЛИСТИКАНИ ЎРГАНИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Республикамизда фонетикани ўрганиш грамматикани ўрганишга нисбатан, умуман олганда, анча орқада қолган. Масалан, тилшунос олимларимизнинг кўпчилиги асосан грамматика билан машғул бўлиб, дарсларнинг таҳлилида ҳам, имтиҳонларнинг саволларида ҳам кўпинча грамматик таҳлилга эътиборни қаратадилар.

Шунга кўра, олий ўқув юртларида таълим олаётган студентларнинг аксарияти, ҳатто сиртдан таълим олувчи студентлар ва мактабни эндигина битириб олий ўқув юртларига кираётган абитуриентлар ҳам одатда грамматик таҳлилни нисбатан яхши билишади-ю, лекин фонетик таҳлилнинг талабларига нисбатан жуда бўш бўлишади. Улар кўпинча товуш билан ҳарфни, фонема билан унинг вариантларини фарқлай олмайдилар ва унлилар классификациясининг оддий схемасини ҳам чизиб бера олмайдилар. Уларнинг баъзилари ҳатто фонетик таҳлилнинг борлиги тўғрисида етарли даражада хабардор ҳам эмаслар. Бу ҳол, бизнингча, биринчидан, алфавитимизнинг белги танлаш соҳасидаги камчилиги билан изоҳланса, иккинчидан, юқорида айтилганидек, республикамизда фонетиканинг, умуман олганда, кам ўрганилганлиги ва унинг нисбатан кам ривожланганлиги билан изоҳланади. Ҳолбуки, фонетиканинг яхши ўзлаштирилиши бевосита саводхонлик билан, орфография қоидаларини яхши ўзлаштириш билан ҳам боғлиқ бўлиб, у тилни яхши ўзлаштиришга асос бўлиб хизмат қиласди.

Бу айтилганларнинг устига фонетик стилистика масаласи ҳам бизда ҳали деярли ўрганилмаган. Ҳолбуки, бизнингча, бу соҳани ҳам ўрганиш ва унинг ривожла-

нишига турткы бериш пайти аллақачонлар етиб келгандир.

Маълумки, «Фоностилистика» термини тилшуносликда биринчи марта Н. С. Трубецкой томонидан таклиф қилинган эди<sup>1</sup>. Кейинроқ бу соҳа, «товуш стилистикаси», «стилистик фонетика» ёки «фонетик стилистика» деб аталадиган бўлди<sup>2</sup>. О. С. Ахманова луғатида фонетик стилистикага қўйидагича изоҳ берилади: «Фоностилистика сўз варианларидағи экспрессив хусусиятларни ўрганувчи стилистиканинг бўлими»<sup>3</sup>. Бизнигча, бу таърифни янада тўлдириш лозим, чунки фонетик стилистика фақат сўз ва сўз бирикмаларининг талаффуз варианларинигина эмас, балки сўз маъноларини фарқлаш ва гап, жумла, абзац, бутун бир текст доирасидаги фоноэкспрессив хусусиятларни ҳам текширади. Масалан, туркий тилларнинг ҳаммаси учун хос бўлган сингармонизм қонуни аслида фонетик ҳодиса бўлишига қарамасдан, у тилга, шу жумладан, адабий тил ва бадиий стилга уч аспект бўйича хизмат қиласди: а) талаффузни аниқлашга, б) маънени фарқлашга, в) аффиксларни ўзакнинг характеристига мослаб тўғри қўллашга ёрдам беради. Биргина ана шу фактнинг ўзи ҳам фонетик стилистикани ўрганишнинг қанчалик аҳамияти борлигини сўсиз тасдиқлайди. Шунга кўра, фонетик стилистикага маълум бир тилдаги барча фонетик воситаларнинг экспрессив томонларини ўрганувчи соҳадир, деб таъриф бериш мақсадга мувофиқ кўринади.

Гарчи, «фонетик стилистика» термини тилшуносликка нисбатан кейинроқ кириб келган бўлса ҳам, товшунинг стилистик имкониятлари жуда қадимдан ўрганиб келинмоқда. Масалан, Аристотель «асосий товуш (бўлинмайдиган маъно берувчи товуш)» ва «бўғин (мустақил маънога эга бўлмаган товуш ёки товушларнинг бирикмаси)» тушунчаларини бир-биридан фарқлайди ҳамда уларнинг поэтик асар яратишдаги хизматларини алоҳида таъкидлайди<sup>4</sup>. Бу эса антик даврданоқ олимлар товуш ва бўғиннинг экспрессив

<sup>1</sup> Трубецкой Н. С. Основы фонологии. М., 1960. С. 35.

<sup>2</sup> Қаранг: Кузнецов М. Д., Скребнев Д. М. Стилистика английского языка. М., 1960. С. 95; Арнольд И. В. Стилистика современного английского языка. М., 1981. С. 208—209.

<sup>3</sup> Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. М., 1969. С. 499.

<sup>4</sup> Аристотель. Поэтика (поэзия санъати ҳақида). Тошкент. 1980. 40-бет.

функцияларидан яхши хабардор эканлигини кўрсатади. Худди шунингдек, А. Навоий, Лутфий, Саккокийлар ҳам тилимизнинг товуш имкониятларидан, хусусан, жуфт унлиларнинг имкониятларидан фойдаланиб, ажойиб сўз ўйинлари яратганлар. Ҳозирги вақтга келиб адабиётшунос ва тилшунос олимларнинг бу масалага доир чуқур илмий тадқиқотлари яратилган<sup>5</sup>.

Бундан ташқари, фоностилистика адабий тилнинг турли функционал стилларидаги, жумладан, оғзаки сўзлашув, нотиқлик, расмий ҳужжат, илмий, публицистик ва бадиий стиллардағи материалларнинг акустик-артикуляцион ва просодик (бўғин билан алоқадор) хусусиятларини ҳам ўрганади. Шу жиҳатдан, «стиль» тушунчаси талаффуз, орфоэпик норма масалалари билан ҳам алоқадор. Талаффуз стили дейилганда турли шарт-шароитларда ўзаро фарқланувчи талаффуз кўринишлари тушунилади. Масалан, академик Л. В. Щерба «Турли талаффуз стиллари ва сўзларнинг идеал фонетик состави ҳақида» (1915) номли ишида қўйидаги икки талаффуз стилини фарқлаган эди: 1) тўлиқ бўлмаган талаффуз стили ёки сўзлашув стили ва 2) тўлиқ талаффуз стили. Биринчиси учун тез сўзлашув, талаффузни қисқартириш каби хусусиятлар характерли бўлса, кейингисига нормал ва аниқ талаффуз (худди радио ва телевидение дикторларининг ўқиши сингари) хосдир<sup>6</sup>. Бу масалаларни ўрганиш ҳам фонетик стилистиканинг объекти саналади.

Тўғри, адабий тилимизнинг юқорида қайд қилинган функционал стиллари бир хил фоноэкспрессив имкониятларга эга эмас. Масалан, расмий ҳужжатлар стили ва илмий стилининг фоноэкспрессив томони анча кучсиз бўлса, бадиий стиль (айниқса унинг шеърий нутқ кўриниши) ва публицистик стиль фоностилистик воситалярга бойлиги билан ажралиб туради. Жўмладан, поэзияда (шеърий нутқда) товуш, бўғин, урғу ва интонациянинг аҳамияти кучлидир<sup>7</sup>.

Умуман олганда, шеъриятда ва баъзи проза асарларида фонемаларнинг оппозициялари, сўз ва сўз би-

<sup>5</sup> Гончаров Б. П. Звуковая организация стиха и проблемы рифмы. М., 1973; Гальперин И. Р. Информативность единиц языка. М., 1974 ва бошқалар.

<sup>6</sup> Щерба Л. В. Языковая система и речевая деятельность. Л., 1974. С. 141—147.

<sup>7</sup> Тўйчиев У. Ўзбек совет поэзиясида бармоқ системаси. Тошкент. 1966; Уша автор. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. Тошкент. 1985 ва бошқалар.

рикмалари оралығидаги чегара сигналлари, товушларнинг бўғин ҳосил қилиш функциялари, кучли эмоционал ва логик ургунинг фафқланиши, интонациянинг турли варианtlарда қўлланиши аниқроқ кўзга ташланади<sup>8</sup>.

Биз ушбу ўринда фонетик стилистиканинг ҳамма масалалари бўйича эмас, балки конкрет бир масала бўйича — тилолди ва тилорқа ў ҳамда қисман о ва ў товушларини ёзиш ва хусусан уларнинг талаффузи билан боғлиқ бўлган конкрет масала устида ўз фикр ва мулоҳазаларимизни баён қилиб, шу йўл билан эътибордан бир оз четда қолиб келаётган фонетик стилистиканинг аҳамияти ва унинг кун тартибиға киритилиши масаласини кўтариб чиқмоқчимиз.

Биз юқорида фонетикамизнинг ва фонетик стилистикамизнинг кам ривожланаётганлигига биринчи сабаб қилиб амалдаги алфавитимизнинг белги танлаш соҳасидаги қамчилиги эканлигини айтдик. Энди ана шудаъвомизни кенгроқ қилиб изоҳлашга ва далиллар билан исботлашга киришамиз.

Маълумки, рус тилида, озарбайжон, туркман, татар, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, балқар, нўғай, тува, уйғур, чуваш, ёқут каби ҳамма туркий тилларда, ҳатто бутун дунё тилларида ҳам лабланмаган тилорқа, кенг унли ҳисобланган о товуши бошқа тилларда лабланмаган кенг унлининг белгиси бўлган *a* шаклида қабул қилингани ҳолда бизда лаблашган ўрта кенг унлининг белгиси бўлган *o* шаклида берилади, натижада бизнинг *a* тарзида ўқилиши лозим бўлган унли товушимиз бошқа туркий бўлмаган халқлар томонидан ў тарзида ўқилади, яъни бизнинг *ой*, *сой*, *олим*, *она*, *нон*, *ок*, *бой*, *тонг* сингари сўзларимизни бошқалар талаффузида *ўй*, *сўй*, *ўлим*, *ўпа*, *қўй*, *ўқ*, *бўй*, *тўнг* деб ўқишга мажбур бўладилар, чунки рус тили орқали кирган сўзларда биз бу товушни, ҳақиқатан ҳам, лабланган ўрта кенг о қилиб ўқиймиз. Масалан, *ток* (энергия), *том* (жилд) каби. Шунинг учун ҳам бу сўзларнинг қайси тилга тааллуқли эканлигини билмаган баъзи кишилар томонидан рус ва бошқа туркий тиллардаги *мода*, *ток*, *бой*, *том*, *оз*, қол каби сўзлар — *муда*, *тўй*, *бўй*, *ўз*, *қўл*, *қўши*, *йўл* тарзида ўқилиши лозим бўлган сўзлар — бизда баъзан аралаштириб (*ота*, *она* сўзларидаги о

<sup>8</sup> Гайдучик С. М. Фонстилистика как один разделов фонетики//Интонация. Киев. 1978. С. 33—41; Абдуазизов А. Фонстилистика воспиталарнинг ўрганилишига доир//Ўзбек тили ва адабиёти, 1985. № 2, 24—28-бетлар.

билин) мода, ток, бой, ов, қол, қош, ёл, том тарзида ўқиладики, бу сўз маъноларини ҳам ўзгартириб юборади. Агар «янги модалар» рекламасини ёки физикадаги «Ом қонуни»ни ҳарфига қараб, тушунмай ўқилса хунук ва вульгар маънолар келиб чиқади. Ҳолбуки, Ом қонуни мактабларда ҳам ўқитилиди ва ўқитувчилар бу қонунни ўқувчиларга тушунтириш учун талаффузни ўзгартиришга мажбур бўладилар. Кўриниб турибдик, шу тарзда ўқилса, юқоридаги оғзаки нутқда тушунилиши осон бўлган сўзлардан ёзма нутқда бутунлай чалкаш маънолар келиб чиқади. Улар ўзбек тилининг бошқалар томонидан, бошқа тилларнинг (жумладан, рус тилининг) ўзбеклар томонидан ўрганиш ишини ҳам қийинлаштиради.

Бундай чалкашликка барҳам бериш учун, албатта, шунга сабаб бўлган нуқсонларни, яъни биринчидан, ўзбек тили алфавитидаги унлиларга тегишли бўлган айрим белгиларни тузатиш керак, иккинчидан, талаффуз ва фонетикани ўрганиш ишини тўғри йўлга солиш керак бўлади. Яъни *a* ни, бу товуш бошқа тилларда қандай бўлса, ўзбек тилида ҳам уни худди шундай белги билан ёзиш керак ва ўзбек тилидаги *a* (*o*) нинг ўзига хос хусусиятини оғзаки нутқ ва орфоэпияда сақлаш керак. Масалан, ўзбек тилидаги *бош*, *қош* каби сўзларни ҳозиргидай қилиб эмас, балки бошқа деярли ҳамма тилларда бўлгани сингари *баш*, *қаш* шаклида ёзиш керак бўлади. Орфографиямиздаги ҳозирги *a* нинг вазифасини лотин графикасидаги *ə* белгиси билан *əка*, *кәрәм тәбәк*, *сәтәнг*, *кәлла*, *сәмән* шакли билан бериш мумкин ва уни ўзбек тилининг фақат ўзига хос бўлган товуш сифатида минимал даражада кам қўллаш ҳам мумкин.

Шунингдек, ҳозирги ўзбек алфавитидаги *у* ўрнида *о* белгисини қўллаш керак бўлади, яъни таклифимизга кўра *бош*, *қош*, *ош* каби сўзлар ҳозиргидай тарзида эмас, балки *бўш*, *қўш*, *ўш* тарзида ўқилади. Ҳозирги *бош*, *қош*, *ош* сўзлари эса ўзгартирилган алфавитда *баш*, *қаш*, *аш* шаклида ёзилади. Ана шунда ўзбек тилидаги *о* товуши ҳам СССРдаги барча туркий тиллар ва рус тилидаги *о* ва *a* га ўхшашибўлади. Шундай қилинган тақдирда ўзбек тилини бошқаларнинг ўрганиши учун ҳам, рус ва бошқа тилларни ўзбекларнинг ўрганиши учун ҳам ва умуман фонетикани яхши ўрганиш учун қулай шароит туғилади.

Ана шундай қилинган тақдирда яна ҳозирги вақтда киши номларини ёзиш, жойларнинг номларини ёзиш

ва хусусан паспортлар бўйича йўл қўйилган чалкашлик ва хилма-хилликларга ҳам барҳам берилган бўлади.

Маълумки, туркий тилларнинг ҳаммасида ўзақда келган олдинги унли товуш ўзининг қаттиқ-юмшоқ характерини сўз охирида келган унли товушга ёки аффиксда келган унли товушга, қисман ундошларга ҳам тўлиқ равишда ўтказади, шунинг учун ҳам туркий тиллар табиатига кўра бир сўзда, хусусан, бир ўзакда унли товушларнинг ҳаммаси ё тил олди қисмида ёки унинг орқа қисмида бир хил қилиб, бир хил артикуляцион асосда талаффуз этилади. Бу эса, нутқ жараёнида артикуляцион қулайлик туғдиради, лекин ҳозирги алфавитимиз ва орфография қоидаларимиз ёзувда бунга йўл бермайди. Натижада, бир томондан, фонетик стилистика билан боғлиқ бўяган кўпгина маъно чалкашликлари юзага келиб чиқмоқда. Иккинчидан, артикуляция жараёни оғирлашмоқда, учинчидан эса, тилимизнинг асл табиатига яратиб берилган ва асрлар давомида хизмат қилиб келаётган имкониятларидан бир қисми аниқ акс этмай, аста-секин четга чиқиб қолиш ҳоллари юз бермоқда.

Бу ҳодисанинг олдини олмоқ учун ва тилимизнинг сўз ўзагидаги унли товушлар имкониятини тўлиқ ишга солиш учун, аввало о (ў) белгисининг ўзини оғзаки адабий тилимиздаги талаффузга мослаштириб, икки хил ўқиш ва икки хил ёзиш керак бўлади. Масалан, тилолди *у* учун о белгисини ((гөзал, өзак, гөдак, өрдак, бөлак) ва тилорқа ў учун о белгисини (орақ, оқ, тоқ, қош, қориқ, қол каби) қўллаш керак бўлади. Амалдаги ў белгисининг ўзини эса орфография ёзув системасидан тамоман чиқариб ташлаш керак бўлади.

Дарҳақиқат, оғзаки адабий тилимизда, жонли халқ тилида, халқ шеваларининг деярли ҳаммасида ва эски адабий тилда фонема (тилолди ва тилорқа фонема) сифатда талаффуз қилинувчи ва кўпгина ўринларда бир хил позицияда ҳам икки хил маъно англатувчи бу товушларни амалдаги алфавитимизда бир бўлги (ў белгиси) билан кўрсатишнинг бир неча камчилиги бор: биринчидан, бу белгининг зоҳираң кўриниши кўпроқ тор лаблашган унли *у* га ўхшаб кетади ва шу ташқи ўхшашибликнинг ўзи ҳам кишини чалғитади. Жумладан, рус ва бошқа тил вакиллари уни, кўпинча, ю деб талаффуз қилишади (Масалан, янги юль, Ленин юли, Юлдаш, Юлчи кабилар). Иккинчидан, ҳозирги вақтда бошқа халқ вакилларигина эмас, кўпинча ўз-

беклар ҳам аслида тилорқа унли товушларидан иборат бўлган бу икки унлини фақат бир товуш сифатида талаффуз қилмоқдалар. Натижада фонетик стилистика билан боғлиқ бўлган жиддий маъно чалкашликлари юзага келиб чиқмоқда.

Маълумки, тилимизда мавжуд бўлган *ўр*, *тўр*, *ўт*, *бўз*, *ўз*, *бўл*, *тўла* сўзларининг ҳар бири тил олди ёки тил орқа қисмида талаффуз қилинишига қараб ҳар хил эшитилади ва камида икки хил маъно беради. Масалан: *ўр* сўзи тил олдида талаффуз қилинса, сочни *ўрмоқ*, *юқориламоқ* ва *ўжар* маъноларини билдиради. Бу сўз тилнинг орқа қисмида талаффуз қилинса, *буғдоӣ* *ўрмоқ*; *чукурлик* маъноларини билдиради. *Тўр* сўзи тил олдида талаффуз қилинса, *уйнинг тўри* маъносини билдиради. Бу сўз тил орқа қисмида талаффуз қилинса, *балиқ* ёки қуш овлайдиган *тўр*; *тўр қовоқнинг тури* каби маъноларни билдиради. *Ўт* сўзи тил олдида талаффуз қилинганда, *ўтмоқ* феълини ва киши организмидаги *ўт халтасини* билдиради. Бу сўз тил орқа қисмида талаффуз қилинганда, *олов*, *майса* маъноларини билдиради. *Бўз* сўзи тил олдида талаффуз қилинганда, газмолнинг бир тури маъносини англатса, бу сўз тилнинг орқа қисмида талаффуз қилинганда *бўз ер*, *бўз от*, *бўз йигит* маъноларини билдиради. *Ўз* сўзи тил олдида талаффуз қилинса, *ўзлик* олмошини ёки *ўзига* тегишлиқни билдиради. Бу сўз тил орқа қисмида талаффуз қилинса, *ўзмоқ* феъли маъносини англатади. *Бўл* сўзи тил олдида талаффуз қилинса, бирор нарсани *майдаламоқ*, *парчаламоқ*, *бўймоқ*, *тақсимламоқ* маъноларини билдиради. Бу сўз тил орқа қисмида талаффуз қилинса, бирор нарсага ёки даражага *эришмоқ* маъносини билдиради. *Тўла* сўзи тилнинг олдида талаффуз қилинса, *ертўла* ёки *тўламоқ* феълини билдиради. Бу сўз тилнинг орқа қисмида талаффуз қилинса, *тўлаликни* (*тўлганликни*) англатади.

Шунингдек, *тўл* сўзи тилнинг олд қисмида талаффуз қилинса, қўзилатиш кампаниясини англатади, у тилнинг орқа қисмида талаффуз қилинса, буйруқ феълини билдиради; *ўтказмоқ* феъли тилнинг олди қисмида айтилиб, бир нарсани бирор жойдан бошқа жойга ёки бирор ҳолатдан бошқа ҳолатга *ўтказишни* англатса, бу феъл тилнинг орқа қисмида айтилиб, кўчатни ёки одамни *ўтказиш* маъносини билдиради.

Юқорида кўрсатиб ўтилган сўзларнинг маъно ўзгариши асосан бир сўзнинггина талаффузига боғлиқ эмас, аксарият ҳолда шу сўз таркибидағи (ўзакдаги

ёки биринчи бўғиндаги) биргина унлиниң талаффузига боғлиқ. Фонетик стилистика ўзбек адабий тили талаффузининг худди ана шундай масалаларини тартибга солишга бевосита иштирок этиши лозим.

Дарҳақиқат, бу ҳол шу унлиниң тил олди ёки тил орқа қисмида айтилишига боғлиқ. Чунки у тил олди қисмида айтилса, юмшоқ, майин бўлиб эшишилади. Шу туфайли бир маънени англатади. Тилниң орқа қисмида айтилса, қаттиқ эшишилади, бошқа бир маънени билдиради. Демак, унинг тил олди ёки тил орқа эканини топаман, деб белгисиз абстракт равишда бош қотириб ўтиргандан ёки уни бузиб талаффуз қилиб юргандан кўра, аслида икки фонемадан иборат бўлган бу унлини икки белги билан бериш маъқул. Бундай қилинган тақдирда саводхонлик ҳам, имлони ўрганиш ҳам ва фонетикани ўзлаштириш ҳам осонлашади. Тилимизниң имкониятлари ҳам тўлиқ равишда амалга ошади, у тўлиқ ривожланади. Акс ҳолда сўзларниң талаффузи ва маъноси бир-бири билан чалкаштириб юрилаверади.

Шундай қилиб, ўзбек оғзаки адабий тилидаги тилолди ў ва тилорқа ў товушлари ҳам мустақил фонемалардир. Чунки улар ҳам ўзига хос айтилиш, ўзига хос эшишилиш ва алоҳида маъно ажратиш хусусиятига эга. Демак, фонетик стилистикани ҳам фан сифатида қанча тез ўргана бошласак, тилимиз учун шунчакатта фойда беради.

## АДАБИЙ ТИЛ ВА БАДИЙ МАҲОРАТ

### БАДИЙ АСАР ТИЛИНИ УРГАНИШ МАСАЛАСИГА ДОИР

Бадиий адабиётда тил жуда катта роль ўйнайди. Шунинг учун социалистик реализм адабиётининг асосчиси М. Горький: «Адабиётнинг биринчи элементи тилдир. Тил адабиётнинг асосий қуролидир, ҳәёт ҳодисалари, фактлари билан бирга унинг материалидир»<sup>1</sup>,— деган эди.

М. Горькийнинг бадиий тил ҳақидаги бу фикрларини давом эттириб К. Федин: «Бадиий адабиёт — тил санъатидир. Ҳатто бадиий форманинг бош бўлакларидан бири бўлган композиция ҳам ёзувчи тилининг ҳал қилувчи аҳамияти олдида кейинда туради. Биз етилмаган ёки ҳатто ёмон композицияли яхши адабий асарларни биламиз. Лекин тиљи ёмон яхши асарнинг бўлиши мумкин эмас»<sup>2</sup>,— деб алоҳида қайд этган эди.

А. П. Чехов эса «Ёш адабнинг, айниқса бошловчи ёзувчининг келажаги ҳақида унинг тилига қараб хукм чиқариш мумкин; агар авторнинг ўз услуби, бадиий тили бўлмаса, ундан ёзувчи чиқмайди»<sup>3</sup>,— дейди ва ёзувчиларни биринчи машқданоқ тил устида жиддий ишлашга даъват этади.

Бадиий асарда тилнинг ҳал қилувчи роль ўйнаши ҳамда асар тилининг гўзал ва сермазмун бўлиши лозимлиги тўғрисида ўзбек совет ёзувчилари Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Ойбек,Faфур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Комил Яшин ва бошқа йирик сўз усталари ҳам қимматли фикрлар айтганлар.

Масалан, Абдулла Қодирий тилга ва унинг бадиий-эстетик ҳамда ижтимоий ролига катта аҳамият берар ва ёш қаламкашлардан ҳам шуни талаб қилар эди:

<sup>1</sup> М. Горький адабиёт ҳақида. Тошкент. 1962. 239-бет.

<sup>2</sup> Федин К. Писатель, искусство, время. М., 1973. С. 416—417.

<sup>4</sup> Русские писатели о языке (XVIII—XX вв.), М., 1954. С. 666.

«Йўсиниз равишда хотирага келган ҳар бир сўздан жумлалар тўқимоқ фазилат саналмайдир. Сўз—қолип, фикр унинг ичига қўйилган фишт бўлсин, кўпчилик хумдонидан пишиб чиққач, янги ҳаёт айвонига асос бўлиб ётсин...»<sup>4</sup>.

Ойбек ҳам ўз адабий-танқидий мақолаларида санъаткорнинг бадиий асар тилидаги маҳорати масаласига алоҳида эътибор беради. Шуниси муҳимки, Ойбек ўзбек совет танқидчилигига биринчи бўлиб, бадиий асар, жумладан, поэзия тили масаласига оид махсус мақола ёди. Бу мақолада у кўпчилик (айниқса ёш) шоир ва ёзувчиларни тил—бадиий асарнинг узвий тўқимаси, уни юзага келтирувчи бош ҳужайралар комплекси эканлигини тушуниб етмасликада айблайди, ўз қаламкаш дўстларини «сўз танлашда жиддий ўйлашга», «ҳар бир сўзни чертиб» ишлатишга чақиради<sup>5</sup>.

Дарҳақиқат, «тирик жонларнинг униб-ўсиши учун тоза ҳавонинг аҳамияти қанчалик катта бўлса, адабиётимизнинг равнақи учун чинакам бадиий тилнинг аҳамияти ҳам шунчалик зўр»<sup>6</sup>, чунки бадиий адабиёт сўзнинг бекиёс товланишлари орқали инсоғнинг барча хусусиятларини санъатнинг рассомлик, ҳайкалтарошлик, музика сингари бошқа турлари тасвирилаганидек ҳам образли, ҳам жонли, «худди қўйл билан ушлаб кўриш мумкин бўлганидек» (М. Горький) қилиб акс этиради. Ёзувчи учун сўз ҳам қурол, ҳам бўёқ, ҳам соз, ҳам товуш, ҳам мўйқалам вазифасини тўла бажаради, яъни сўз моҳир ёзувчилар қўлида образли фикрлаш, гўзал поэтик манзаралар чизиш учун восита бўлиб хизмат қиласди.

Демак, бадиий асарнинг сифати ва қиммати, ёзувчининг индивидуал услуби, биринчи навбатда, унинг мақсад ўқини нишонга бехато урадиган жозибадор тили билан белгиланади. Шунга мувофиқ, бадиий асар тили ва ёзувчининг индивидуал услуби масалалари билан, бадиий нутқ стилистикаси билан шуғулланиш совет ва чет эл олимларининг диққатини жалб этиб келаётган энг муҳим проблемалардан бири бўлиб қолмоқда.

<sup>4</sup> Абдулла Қодирий. Кичик асарлар. Тошкент. 1969. 186—187-бетлар.

<sup>5</sup> Ойбек. Ўзбек поэзиясида тил//Ойбек. Асарлар. Ўн томлик. IX том. Тошкент. 1974. 238—244-бетлар.

<sup>6</sup> Қодиров П. Бадиий тил муаммолари//Инқилоб ва адабиёт (мақолалар тўплами). Тошкент. 1977. 140-бет.

Маълумки, бадий адабиётнинг юзага келиши билан бирга стилистика (услубшунослик), хусусан бадий стилистика ҳам майдонга келди. Бошқача қилиб айтганда, стилистика билан, хусусан, бадий асар тилини ўрганиш билан олимлар қадим замонлардан буён шуғулланиб келгандар<sup>7</sup>. Аристотель фикрича, «Эпопеяниг тили масаласига келсак, айниқса, ҳаракат йўқ бўлган, характерлар ва фикрлар жиҳатидан ҳам ўткир бўлмаган қисмларда тилга алоҳида сайқал бериш керак. Баъзан ҳаддан зиёд ялтироқ сўзлар характерларни ва фикрларни аксинча хиралаштириши мумкин»<sup>8</sup>.

Совет ёзувчилари асарларининг тилини ўрганишга бўлган қизиқиш совет адабиётининг шаклланиши ва тараққий этиши билан чамбарчас боғлиқдир. Совет адабиётининг шаклланиши биланоқ филология фани бадий нутқ стилистикаси билан шуғуллана бошлади. Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, мутахассисларимиз фақат совет ёзувчилари, шоирлари асарларининг тилини тадқиқ қилиш билан чекланмайдилар, классик бадий адабиётнинг ва чет эл адабиётининг тил хусусиятларини текширишга ҳам алоҳида эътибор берадилар.

СССРда бадий асар тилини илмий ўрганишнинг илдизлари А. А. Потебня ва А. В. Веселовский асарлари билан бошланган<sup>9</sup>. Асеримизнинг 20-йилларига келиб акад. Л. В. Шчербанинг «Шеърий асар тилини лингвистик таҳлил қилиш тажрибаси» номли уч қисмдан иборат тадқиқоти пайдо бўлди. «Тажрибалар»га ёзилган сўз бошида автор поэтик асарнинг ғояси билан узвий боғлиқ ҳолда унинг сўз қурилишини, бадий томонини бевосита анализ қилишга даъват этади. Лекин Л. В. Шчерба: «Бундай анализни қандай қилиб, қайси йўлда олиб бориш керак, бу ҳали ҳеч кимга аниқ эмас, чунки бу соҳада ишлар ниҳоятда кам»<sup>10</sup>,— деб эътироф қиласди.

Шундан буён орадан ярим асрдан кўп вақт ўтди. Шу вақт ичида бадий нутқ проблемасини ўрганишга

<sup>7</sup> Қаранг: Античные теории языка и стиля. М.—Л., 1936; Вомерский В. И. Стилистическое учение М. В. Ломоносова и теория трех стилей. М., 1970 ва бошқалар.

<sup>8</sup> Аристотель. Поэтика (поэзия санъати ҳақида). Тошкент. 1980. 52-бет.

<sup>9</sup> Бадий асар тили проблемасининг ўрганилиш тарихи ҳақида қаранг: Виноградов В. В. О теории художественной речи. М., 1971. С. 3—104.

<sup>10</sup> Щерба Л. В. Избранные работы по русскому языку. М., 1957. С. 26—27.

багишиланган кўплаб илмий тадқиқотлар майдонга келди. Улуф Ватан урушидан сўнгги даврда бу соҳа бўйича совет олимлари томонидан айниқса самарали ишлар қилинди.

50—70-йилларда стилистика соҳаси билан шуғулланувчи олимлар бадиий асар тили, унинг бошқа функционал стиллар қаторида тутган ўрни, ўзига хос хусусиятлари сингари проблемаларни ўрганишга катта эътибор бера бошладилар. Кейинги ўн-ўн беш йил ичидаги яратилган стилистик тадқиқотлар асосан бадиий асар тилининг қонун-қоидаларини аниқлаш, сўз санъати оламида бадиийлик компонентларини белгилаш, нутқнинг образли — эмоционал функцияси билан бадиий (поэтик) нутқ ўртасидаги муносабатни, бадиий адабиётдаги тил жараёнларини ўрганиш сингари масалаларга багишиланади. Бундай илмий изланишларнинг активлашувида «Литературная газета», «Вопросы литературы», «Литературная учеба», «Филологические науки» саҳифаларида «Тилнинг ички қонуниятлари», «Сўз ва образ», «Бадиий асар тили», «Тил ва давр» (нормага қарши стихия) масалалари бўйича ўтказилган ва ҳозир ҳам тўхтовсиз давом этаётган мунозаралар, стилистика проблемаларига багишиланган кўплаб илмий конференциялар<sup>11</sup> ва «Бадиий асарни адабий-танқидий анализ қилишда ёзувчи тили ва услуби» деган темада Кишинев шахрида ўтказилган симпозиум<sup>12</sup> катта таъсир кўрсатди.

Стилистиканинг, хусусан, бадиий нутқ стилистикасининг тараққиётида акад. В. В. Виноградовнинг хизмати каттадир, чунки у бадиий асар тили ҳақидаги фанинг асосчиси ҳисобланади<sup>13</sup>. Стилистика ва поэтиканинг қатор умумназарий масалаларини ҳал қилиб берган акад. В. В. Виноградов, А. С. Пушкин, Л. Н. Толстой, Н. В. Гоголь, Н. А. Некрасов, М. Е. Салтиков-Шедрин, К. Федин, Л. Леонов, А. Ахматова, К. Паустовский сингари санъаткор ёзувчилар

<sup>11</sup> Қаранг: Тезисы докладов межвузовской конференции по стилистике художественной литературы. М., 1961; Развитие стилистических систем литературных языков народов СССР (материалы конференции). Ашхабад, 1968; Проблемы лингвистической стилистики. М., 1969.

<sup>12</sup> Язык и стиль писателя в литературно-критическом анализе художественного произведения. Кишинев, 1977. С. 120.

<sup>13</sup> Костомаров В. Г., Бельчиков Ю. А., Виноградов В. В. Проблемы русской стилистики. М., 1981. С. 9.

тили ва услубига оид монографик тадқиқотлар, проблематик мақолаларнинг ҳам авторидир<sup>14</sup>.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда стилистиканинг ўзига хос бир қанча илмий мактаблари пайдо бўлди. Жумладан, Б. А. Ларин (1883—1964)нинг шогирдлари (Ленинград) Рига, Горки, Саратов олимлари билан ҳамкорликда М. Горький асарлари луғатини тузиш устида ишламоқдалар<sup>15—16</sup>. Пермь шаҳри олимлари эса профессор М. Н. Кожина бошчилигига функционал стилистика билан интенсив шуғулланмоқдалар. Бундай фикрларни Москва, Воронеж, Тарту, Киев, Олмаота, Ростов каби илмий марказлар ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Кейинги йилларда чет элларда ҳам бадиий нутқ стилистикаси проблемаларига қизиқиш анча кучайди. Масалан, АҚШда яқинда стилистика масалаларига оид тўртта библиография бирин-кетин нашр қилинди. Кейинги ўн беш йил ичida (1970—1985) АҚШда стилистикага оид докторлик диссертацияларининг сони ўн баравар ортди. Стилистиканинг шаклланиши ва тараққиётида чех олимларининг ҳам муносиб улуси бор<sup>17—18</sup>. «Чет эл тилшунослигида янгилик» номли мақолалар тўпламишининг 9-томи лингвистик стилистика проблемаларига бағищланганлиги, П. Гиро, М. Риффатер, Р. Харвег, С. Ульман, Г. Михель сингари олимларнинг диққатга молик илмий мақолалари тўпламга киритилганлиги ҳам хорижий мамлакатларда стилистиканинг ривожланаётганлигидан далолат беради<sup>19</sup>.

70—80-йилларда стилистика масалалари халқаро миёсда бир неча марта маҳсус муҳокама қилинди. Кейинги икки халқаро лингвистик конгрессда стилистика секциялари мавжуд эди. Шунингдек, 1983 йил 7—12 сентябрь кунлари ўtkазилган IX Халқаро славяншунослар съездиде ҳам «Сўз санъатининг семантик ва формал структураси масалалари», «Бадиий асарни

<sup>14</sup> Чудаков А. П. В. Виноградов и теория художественной речи первой трети XX века//Виноградов В. В. Избранные труды. О языке художественной прозы. М., 1980. С. 285—315.

<sup>15—16</sup> Карпова О. М., Ступин Л. П. Словарь автобиографической трилогии М. Горького//Филологические науки. 1982. № 1. С. 67—70.

<sup>17—18</sup> Кожина М. Н. О некоторых чехословацких работах последних лет по стилистике//Вопросы стилистики. Вып. 4. Саратов. 1972. С. 138—147.

<sup>19</sup> Карап: Новое в зарубежной лингвистике. вып. IX. Лингвостилистика. М., 1980. С. 432.

баҳолашга социолингвистик ёндошиш масалалари» каби секциячалар фаолият кўрсатди<sup>20</sup>.

СССРдаги қардош халқлар филолог олимлари ҳам кейинги йилларда бадий нутқ стилистикасини ўрганишга катта эътибор бермоқдалар. А. Демирчизоданинг «Озарбайжон тилининг услугбияти» (Боку, 1962); В. Хаковнинг «Татар тили стилистикасига кириш» (Қозон, 1963), А. Охундовнинг «Тил ва услуг масалалари» (Боку, 1970), Т. Афандиеванинг «Озарбайжон тилининг лексик услугбияти» (Боку, 1980), Х. Курбатовнинг «Татар лингвистик стилистикаси ва поэтикаси» (М., 1978), М. Балакаев, Е. Жонпейсов, М. Томанов ва Б. Манаасбоевнинг «Қозоқ тили стилистикаси» (Олмата, 1966), Р. Фаффоровнинг «Ёзувчи ва тил» (Душанба, 1977), Ю. Сайдовнинг «Ёзувчи ва тил» (Боку, 1979) сингари қатор дарслик ва монографияларнинг яратилганлиги фикримизнинг далили бўла олади.

Бадий нутқ стилистикасини ўрганиш соҳасида ўзбек филологиясида ҳам муайян ютуқлар қўлга киритилди. Шу кунга қадар бу проблемага оид бир докторлик ва йигирмадан ортиқ кандидатлик диссертациялари ёзилди, ўнлаб монографиялар, ўқув қўлланмалари ва проблематик мақолалар нашр этилди. Бу ишларда Алишер Навоий, Бобур, Муқимий, Фурқат, Гулханий сингари ўзбек классик адабиёти намояндалари ҳамда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Ойбек,Faфур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Мақсад Шайхзода, Комил Яшин, Зулфия, Ойдин Собирова, Асқад Мухтор, Сайд Аҳмад, Шуҳрат каби ўзбек совет адибларининг автор нутқи ва персонаж нутқини индивидуаллаштириш, портрет, пейзаж ва поэтик образ яратишда ифода-тасвир воситаларидан, лексик-фразеологик ресурслар, халқ тили элементларидан унумли фойдаланиш маҳорати, уларнинг ўзбек адабий тили хазинасини бойитишга қўшган муносиб ҳиссалари бой фактик материаллар асосида таҳлил этилди, бадий нутқ, унинг бошқа функционал стиллар қаторида тутган ўрни хусусида айрим илмий-назарий хуносаларга келинди.

Шоназар Шоабдураҳмонов, Алибек Рустамов, Фани Абдураҳмонов, Пиримкул Қодиров, Иристой Қўчқортёев, Анвар Шомаҳсудов, Худойберди Дониёров, Нуриддин Шукуров, Раҳматулла Қўнғуров, Қаршибой Самадов, Баҳром Бафоев, Низомиддин Маҳмудов, Эрнст

<sup>20</sup> Вопросы языкоznания. 1982, № 1. С. 139—140.

Бегматовлар лингвистистика, хусусан, бадий нутқ стилистикасига доир ишлари билан ўзбек филологиясигининг тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Фактларга мурожаат қиласайлик. Маълумки, «миллионлаб, ўн миллионлаб меҳнаткашларга хизмат қиладиган» (В. И. Ленин) бадий адабиётнинг тили биринчи навбатда ана шу оддий меҳнаткашлар тилига—халқ тилига яқин, содда бўлиши зарур, чунки «адабиётнинг халқчиллигини миллий тилдан ҳоли тасаввур қилиш мумкин эмас. Унинг бойлигини ўзлаштириш ва кўпайтириш адабиётчининг энг биринчи бурчидир»<sup>21</sup>. Буни яхши тушунган ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий адабиётимизнинг илк тонгидаёқ бадий асар тили ва стилини оддий халқ тилига, сўзлашув стилига яқинлаштиришга интилди. Академик Қори Ниёзий таъкидлашича, «Ҳамзанинг ажойиб хусусиятларидан бири шунда эдики, у кўп вақт кенг омма орасида бўлар, улар ҳаётини ўрганар ва улар билан суҳбатлашар эди. Унинг чўнтағида доимо маҳсус бир дафтарчаси бўлиб, унга халқ хазинасидан чиққан нодир сўзлар ва мақолларни ёзиб юрарди»<sup>22</sup>.

Дарвоҷе, «Ҳамзагача ва Ҳамза даврида ҳам ҳеч бир ёзувчининг тили Ҳамза тилидек жонли ва ранг-баранг халқ тилига яқин бўлған эмас»<sup>23</sup>, чунки «Ҳамза ўз она тилини ҳимоя қилган, бадий асар тилининг халқчил бўлиш принципида маҳкам турган ва бадий асар мазмуни билан баробар формаси ҳам кенг ўқувчилар оммасига тушунарли бўлиши кераклигини асосий киритерий қилиб олган»<sup>24</sup> эди. Унинг бу соҳадаги ташаббускорлигини, шижоатини ўзбек совет адабиётининг кейинги авлод вакиллари давом эттироқда. Бўнга талантли адабиётшунос олим Пиримқул Қодировнинг «Тил ва дил» (1972), «Халқ тили ва реалистик проза» (1973), «Бадий тил муаммолари» (1977), «Адабий асарнинг тили» (1978) номли илмий ишларини ҳамда филология фанлари кандидати Б. Турдиалиевнинг «Ҳамза ва ўзбек адабий тили» (1981) номли монографик тадқиқотини кўздан кечириш орқали тўла ишонч ҳосил қилиш мум-

<sup>21</sup> Қомил Яшин. Асарлар. Тўрт томлик. 4-том. Тошкент. 1972, 321-бет.

<sup>22</sup> Қори-Ниёзий Т. Н. Танланган асарлар. Саккиз томлик. 8-том. Тошкент. 1970. 138-бет.

<sup>23</sup> Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. Олти томлик. 6-том. Тошкент. 1971. 289-бет.

<sup>24</sup> Қаюмов Л. Аср ва наср. Адабий-танқидий мақолалар. Тошкент. 1975. 50-бет.

кин. Чунки бу ишларда ўзбек совет бадиий прозаси ва поэзиясининг шаклланиш процессида халқ тилининг иштироки масаласи кенг планда тадқиқ этилган, ўзбек адабиётида реализм элементлари миллий тил шакллангандан кейин эмас, балки ўзбек миллий тили нормаларининг вужудга келиши билан бир вақтда пайдо бўлганлиги Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ойбек,Faafur Fулом, Абдулла Қаҳҳор сингари йирик сўз санъаткорлари ижодидан келтирилган фактик далиллар асосида исботланган, ўзбек миллий адабий тилининг шаклланишида Ҳамза асарларининг роли кўрсатилган, Ҳамза асарлари тилидағи русча-интернационал лексик қатлам, революцион гояларга мос ифода-тасвир воситалари ўрганилган.

Ёки адабиётшунос олимаш Машхура Султонованинг «Абдулла Қаҳҳор услуби» (1967), «Ёзувчи услубига доир» (1973) номли асарларида персонаж нутқи, портрет, пейзаж, автор позицияси ва қаҳрамон образи каби масалалар Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор ва қисман Сайд Аҳмаднинг прозаик асарлари асосида илмий таҳдил қилинган, ифода-тасвир воситалари, адабий приёмларнинг прозаик асарлардаги роли ўзбек совет адабиётида социалистик реализмнинг шаклланиш (Абдулла Қодирий), ривожланиш (Абдулла Қаҳҳор) ва янада тараққий этиш (Сайд Аҳмад) жараёни билан узвий боғлиқ ҳолда текширилган. Бу эса олимага ҳар бир ёзувчи ижодидаги айрим услубий хусусиятларни аниқлаш имконини берган.

С. Мамажоновнинг «Услуб жилолари» (1972), А. Шомақсудовнинг «Муқимий сатирасининг тили» (1971), К. Самадовнинг «Ойбек — сўз санъаткори» (1965), И. Қўчқортойевнинг «Бадиий сўз устаси» (1967), «Бадиий нутқ стилистикаси» (1975), М. Ҳакимовнинг «Ёзувчи ва халқ тили» (1971), «Алишер Навоий лирикаси ва халқ оғзаки ижоди» (1979), Л. Абдуллаеванинг «Ўзбек бадиий адабиётининг лексик стилистикаси» (1979), Э. Қиличевнинг «Бадиий тасвирнинг лексик воситалари» (1982) Х. Абдураҳмонов ва Н. Маҳмудовнинг «Сўз эстетикаси» (1981) номли монографик рисолалари ҳақида ҳам ана шундай фикрларни айтиш мумкин.

Бундан ташқари, сўнгги вақтларда йирик сўз санъаткорлари ижодини монографик планда тадқиқ қилишга бағишлиланган илмий ишларда, «Адабиётшуносликка кириш» ва «Адабиёт назарияси»га доир дарсларни

қўлланмаларда<sup>25</sup> икки томлик «Адабиёт назарияси» номли колектив тадқиқотда, шунингдек проблематик мақола ва тақризларда ҳам бадиий асар тили ва услубини ўрганишга катта эътибор берилган. Масалан, танқидчи О. Шарафиддинов яқинда ёзган бир мақоласини «Адабиёт тилдан бошланади» деб номлади ва унда ҳакли равишда «Рангиз тасвирий санъат, оҳангиз музика бўлмаганидек, тилсиз адабиёт ҳам бўлмайди. Адабиётни инсоншунослик дейдилар. Дарҳақиқат, ёзувчи хилма-хил инсоний характерларни тадқиқ қилиб, жамият ривожига ёрдам берадиган салмоқли ҳақиқатларни кашф қиласди. Бироқ буларнинг ҳаммаси адабиётда тил орқали рӯёбга чиқарилади»<sup>26</sup>, деб алоҳида таъкидлари. Буларнинг ҳаммаси ўзбек филологияси бадиий асар тили проблемаларини ўрганиш соҳасида янги босқичга кўтарилаётганлигидан далолат беради.

Шунга қарамай, ўзбек филологиясида бадиий асар тилини ўрганиш бўйича ҳали кўпгина ишлар амалга оширилмаган. Тўғрисини айтганда, «...бадиий тилни ўрганиш ўзбек адабиётшунослигида ҳануз яхши йўлга қўйилган эмас. Бизда адабий асар тилини ўрганиш билан мунтазам шуғулланиб келаётган биронта ҳам йирик олим йўқ; ҳатто йирик ёзувчиларимизнинг тили ҳам ҳали мукаммал ўрганилмаган. Минг йиллардан ортиқ тарихга эга бўлган ўзбек адабиётининг муҳим давралри ва бой ҳалқ оғзаки ижоди тили ҳақида ҳам шундай дейиш керак»<sup>27</sup>. Бундай ҳолдан йирик ёзувчилар, шоирларнинг ўзлари ҳам ташвишланмоқдалар.

Сайд Аҳмад: «Ёзувчини сўз санъаткори дейдилар. Кўпгина китобларимиз ана шу тўзал тилимизнинг оҳангларидан, сержилва бўёқларидан маҳрум бўлиб қолмоқда. Негадир адабиётшуносляримиз ёзувчи тилига ўнчалиқ эътибор бермайдилар»<sup>28</sup>, деса Ҳаким Назир: «Адабий мунозараларда, айрим мақолаларда маҳоратдан сўз юритилганда, сюжет, композиция ва ҳоказолар қамраб олинайпти-ю, жуда муҳим бир маса-

<sup>25</sup> Щукров Н., Хотамов Н., Холматов Ш., Маҳмудов М. Адабиётшуносликка кириш. Тошкент. 1984; Бобоев Т. Адабиётшуносликка кириш. Тошкент. 1979. 117—144-бетлар; Султонов И. Адабиёт назарияси. Тошкент. 1986. 203—230, 298—325-бетлар.

<sup>26</sup> Шарафиддинов О. Адабиёт тилдан бошланади//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1986. 5 сентябрь.

<sup>27</sup> Тўйчиев У. Адабиётшуносликнинг муҳим соҳаси//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1986. 5 сентябрь.

<sup>28</sup> Сайд Аҳмад. Давр нафаси//Ўзбекистон маданияти, 1973 йил. 19 октябрь.

ла четлаб ўтиляпти. У ҳам бўлса—тил масаласи. Союзда ўтказилиб турадиган ижодий баҳсларда неча ўнлаб одамлар сўзгә чиқадилар-у, шулардан биронтаси тил ҳақида тўхталмайдилар. Ваҳоланки, асарнинг тузилиши яхши бўлса-ю, тили ғариб ва ғализ чиқса, бундай асарнинг китобхонга таъсири қанчалик заиф бўлиши аниқ...»<sup>29</sup>, — деган эди.

Дарвоҷе, Алишер Навоий, Бобур, Муқимий, Машраб, Гулханий, Фурқат сингари ўзбек классик адабиётининг йирик намояндалари ҳамда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Ойбек,Faфур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин, Уйғун, Зулфия, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Рамз Бобожон, Мирмуҳсин, Ҳамид Ғулом сингари ўзбек совет адилларининг индивидуал услубини, тил маҳоратини чуқурроқ ўрганиш ва бадиий нутқ стилистикаси бўйича эришилган ютуқларни сарҳисоб қилиб умумлаштириш фурсати аллақачон етган.

Юқорида келтирилган фактлар шундан далолат берадики, совет ва чет эл олимлари бадиий нутқ проблемаларини ўрганиш соҳасида муҳим ютуқларни қўлга киритганлар. Аммо шунга қарамай, бу соҳада ҳали англашилмовчиликлар, ҳал этилиши зарур бўлган масалалар жуда кўп. Шулардан бири бадиий стилистикадаги икки аспект муаммосидир.

Бадиий асар тили ва услубини қайси фан, қандай методда текшириш лозим? Бу саволга олимлар турлича жавоб берадилар, шунинг ўзи ҳам мазкур соҳанинг ҳали етарли даражада ўрганилмаганилигидан далолат беради. Масалан, В. В. Виноградов адабиётшунос ва тилшуноснинг бу соҳадаги вазифаларини қўйидагича характерлайди: «Лингвист ишни асардаги сўз тўқимаси анализидан, адабиётшунос эса характерни ижтимоий-психологик идрок этишдан бошлайди»<sup>30</sup>.

«Вопросы литературы», «Литературная газета» саҳифаларида бадиий нутқ мавзуига бағишлиб ўтказилган мунозаралар шуни кўрсатадики, кўпгина адабиётшунослар, танқидчилар ва ёзувчиларни санъаткор тили ва услубига оид монография ва мақолаларда тилнинг образлилиги, сўзлар, сўз бирикмаси ва гапларнинг бадиий асар тилидаги эстетик функцияси тўғрисида жуда

<sup>29</sup> Ҳаким Назир. Навқирон авлод олдидаги бурчимиз:// Шарқ юлдузи. 1978. № 4. 185-бет.

<sup>30</sup> Виноградов В. В. Проблемы русской стилистики. М., 1981. С. 298.

кам мулодаза юритилгани учун ҳам қониқтирмайды. Бадий нутқни тадқиқ этишдаги бундай камчиликларни акад. В. В. Виноградов ўз вақтида кўрсатиб ўтган эди<sup>31</sup>.

Бадий нутқни фақат тор лингвистик аспектда текшириша бағишлиланган ишларда йўл қўйилган бундай нуқсонлар аввало тилшуносликда тил функциялари проблемасининг етарли ўрганилмагани билан изоҳланади.

Маълумки, ҳар қандай тил бирлигига муносабатларнинг уч асосий типи ифодаланади: а) воқеиликдаги предметлар ва ҳодисаларга муносабат; б) сўзловчи — инсоннинг ўз орзу-интилишлари, ҳис-туйғуси ва фикрларига муносабат; в) муайян тил бирлигининг бошқа тил бирликларига муносабати.

Тилшуносликда узоқ вақт ҳукм суреб келган микролингвистик йўналиш тилни фақат лингвистик бирликларнинг ўзаро муносабати аспектидаги ўрганиб келди. Тил бирликларининг қолган икки муносабати эса тилшунослар эътиборидан четда қолди<sup>32</sup>.

Бадий асарда эса тил худди ана шу уч муносабат бирлиги орқалигина китобхонга эстетик завқ беради. Зотан, бадий сўз муайян предмет, воқеа-ҳодисани номлаш, кўрсатиш ва эстетик баҳолаш хусусиятига эгадир.

Бу ўринда бевосита ёки билвосита бадий асар тили проблемаси қўйилган адабиётшуносликка оид илмий ишлар ҳақида ҳам гапирмай ўтиш мумкин эмас. Адабиёт назарасига доир. дарслик ва қўлланмаларда, бир қанча монография ва илмий мақолаларда бадий асар тили йўл-йўлакай ёки умуман тилга олинади. Бундай асарларда бадий нутқ тўғрисида «образли», «ширали», «жозибали» сингари шаблон эпитетлар ёрдамида фикр юритилади. Лекин булар орасида бадий асар тили чуқур таҳлил этилаётган, ёзувчи услуби, унинг

<sup>31</sup> Виноградов В. В. О теории поэтической речи. Вопросы языкоznания. 1962. № 3. С. 14.

<sup>32</sup> Бундай ҳолни тилшуносларнинг ўзлари ҳам тан оладилар. Қаранг: Ахманова О. С. Очередные проблемы языковедения// Русской язык в школе. 1969, № 3, С. З., Звегинцев В. А. Теоретическая и прикладная лингвистика. М., 1968. С. 37. Умуман, тилшуносликда бадий асар тилини ўрганиш бўйича ҳали ноаниқликлар, чалкашликлар ёритилмаган, лекин ёритилиши зарур бўлган масалалар кўп. Бу ҳақда қаранг, Головин Б. Н. Язык худ. лит. в системе стилей сов. рус. лит. языка. Вопросы стилистики. Вып. 14. Саратов. 1978. С. 113—121.

тил маҳорати юзасидан қизиқарли мулоҳазалар юри-  
тилаётган илмий ишлар ҳам йўқ эмас<sup>33</sup>.

Шуни айтиш керакки, ўзбек филологиясида ҳам ба-  
дий нутқ масалалари айрим олимлар томонидан линг-  
вистик планда, бошқа бир гуруҳ олимлар томонидан  
адабиётшунослик аспектида ўрганилмоқда.

Лингвист олимларимиз бадий асарнинг лексик-  
семантик, морфологик-синтактик хусусиятларини, ба-  
дий нутқда қўлланилган ифода-тасвир воситалари,  
сўзлашув нутқи элементларининг стилистик функцияла-  
рини тадқиқ этмоқдалар. Академик Ш. Шоабдураҳмо-  
новнинг Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғ-  
ли,Faфур Fулом, Ойбек; А. Рустамовнинг Алишер Навоий,  
А. Шомақсудовнинг Муқими; Ф. Исҳоқовнинг Гулхани;  
А. Аҳмедовнинг Фурқат; Х. Назарова ва С. Жамоловнинг Бобур, Ф. Абдуллаев ва Б. Турдиалиев-  
нинг Ҳамза, К. Самадовнинг Ойбек; И. Қўчқорттоевнинг Абдулла Қаҳҳор; У. Носировнинг Асқад Мухтор;  
Б. Ёриевнинг М. Шайхзода; С. Каримовнинг Зулфия  
асарлари тил хусусиятларини ўрганишга бағишиланган  
ишлари; Р. Қўнғуровнинг ифода-тасвир воситалари;  
Б. Үриновнинг сўзлашув нутқи; Л. Абдуллаеванинг лек-  
сик стилистикага доир тадқиқотлари бу жиҳатдан диқ-  
қатга сазовордир.

Сўнгги йилларда тилшунослар Алишер Навоий асар-  
ларининг лексик-семантик, грамматик хусусиятларини  
тадқиқ қилиш асосида тўрт томлик «Алишер Навоий  
асарлари тилининг изоҳли лугати» (1983—1985) ни  
нашр этишга муваффақ бўлдилар. Шунингдек,  
И. А. Киссеннинг «Словарь наиболее употребительных  
слов современного узбекского литературного языка» (1972), Х. Назарованинг «Захриддин Муҳаммад Бобур  
асарлари учун қисқача лугат» (1972), С. Ризаевнинг «Ўзбек совет болалар адабиёти тилининг частотали лу-  
гати» (1980), Р. Қўнғуров ва С. Каримовнинг «Зулфия  
поэзияси тилининг лугати» (1981), С. Ризаев ва Н. Бў-  
роновнинг «Абдулла Қаҳҳор «Синчалак» повести тили-  
нинг частотали лугати» (1986) сингари лексикографик  
ишларнинг бевосита бадий нутқ материалида юзага  
келганлигини таъкидлаш ўринлидир.

<sup>33</sup> Карап, Цейтлин А. Г. Труд писателя. М., 1968. С. 409—463; Храпченко М. Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. М., 1975; Чичерин А. В. Ритм образа. М., 1980; Пустовойт П. Г. И. С. Тургенев — художник слова. М., 1980 ва бошқалар.

Аммо шунга қарамай, бадий асар тилини лингвистик аспектда ўрганишда тил элеменларининг бадий асар структурасидаги ўрни ва ғоявий-эстетик функцияси, санъаткор бадий тафаккурининг эволюциясида тил воситаларининг роли сингари қатор масалалар тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиб келмоқда.

Адабиётшунослар қаламига мансуб ишларда портрет, пейзаж яратишда, ифода-тасвир воситаларидан ўринли фойдаланишдаги ёзувчининг маҳорати, қаҳрамон нутқини индивидуаллаштиришдаги ўзига хослиги каби масалалар тадқиқот обьекти қилиб олинмоқда. Ҳамза (Л. Қаюмов), Абдулла Қодирий (И. Султон, И. Мирзаев, Ф. Насриддинов), Садриддин Айний (Н. Раҳимов), Ойбек (Х. Ёқубов, Б. Назаров), Faфур Гулом (С. Мамажонов, Х. Ёқубов, Н. Шукров, С. Тўрабекова), Ҳамид Олимжон (С. Азимов, Н. Қаримов), Абдулла Қаҳҳор (М. Кўшжонов, И. Боролина, Х. Абдусаматов), Ойдин (С. Мирзаев, Н. Владимирова), Сайд Аҳмад (У. Норматов, Н. Владимирова) каби ёзувчилар ижоди ҳақидаги китобларнинг ёзувчи тилини ёритишга қаратилган боблари бадий нутқни адабиётшунослик аспектида ўрганиш соҳасида олиб борилаётган ишларга мисол бўла олади. Кейинги йилларда адабиётшунос олимларимиз ҳам бадий асар тили масалаларини умумназарий планда қиёсий-стилистик аспектда чуқур тадқиқ этишга киришдилар. Бу жиҳатдан И. Султонов, О. Шарафиддинов, П. Қодиров, Н. Шукров, У. Тўйчиев, ў. Носировларнинг ишлари диққатга сазовордир. Н. Шукров, Faфур Гулом ва Уйғун, Ҳамид Олимжон ва Асқад Мухтор поэзиясидаги ифода-тасвир воситаларини, уларнинг поэтик синтаксисини қиёслаш орқали муайян сўзлар, иборалар уларнинг бир қанча асарларида янги-янги эстетик мақсадларда такрор-такрор ишлатилиб, маълум бир поэтик системани ташкил этишини, индивидуал услугга эга бўлган бундай истеъодли шоирларнинг ўз мажозий образлари, сифатлаш ва истиоралари мавжуд бўлишини исботлашга интилган<sup>34</sup>. О. Шарафиддинов, И. Раҳимнинг «Генерал Равшанов» романни гарчи муҳим мавзуга бағишиланган бўлсада, тил жиҳатдан энг оддий бадиият талабларига жавоб бермаслигини конкрет мисоллар ёрдамида кўрсатади<sup>35</sup>.

<sup>34</sup> Шукров Н. Индивидуал услуг ва бадий тил//Ўзбек тили ва адабиёти. 1972. № 3, 3—9-бетлар; Шукров Н. Бадий услуг ва бадий тил//Ўзбек тили ва адабиёти. 1972. № 4. 16—20-бетлар.

<sup>35</sup> Шарафиддинов О. Адабиёт тилдан бошлигади//Адабиёт

Лекин бадий асар тили адабиётшунослик аспектида тадқиқ этилаётган ишларда ҳамон тил фактлариға минимал диққат қилинмоқда, асарнинг тил хусусиятлари күпинча ишнинг охирида ёзувчининг ғоявий нияти, эстетик идеалидан узиб олиниб баён этилаёттир. Масалан, адабиётшунос Мели Норматовнинг «Ҳаким Назир» (1973) номли иши адабий портрет характерида бўлиб, унинг сўнгги боби «Услуб жилолари» (97—115-бетлар) ёзувчининг тил маҳоратини ўрганишга бағищланган. Бу бобда ёзувчининг автор нутқи, персонаж нутқи, диалог яратиш маҳоратини очиш учун бир неча мисол келтирилади-ю, «ёзувчи... бадий тилни диққат билан ишлаган» (100-бет): «...очерқда автор нутқининг ранг-баранг жилолари билан бирга, қаҳрамонлар нутқини ҳам индивидуаллаштириб, ниҳоят пишиқ ишланганлигини кўрамиз» (103-бет), «ўз нутқида ҳам, персонажлар нутқида ҳам тежамкорликка эришади» (109-бет) сингари умумий хуносалар чиқарилади. Худди шундай нуқсон ёш танқидчи Ёқуб Яқвалхўжаевнинг «Журъат ва истеъод» (1981) номли китобида ҳам кўзга ташланади. Танқидчи ёш прозаик Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Чоллардан бири» қиссаси таҳлили сўнггида «Асар тили жозибали. Китобхонни ўзига мафтун қиласиган фазилат ҳам халқ тилига яқинликда, табиийликда» (57-бет), дейиш билан ҳамда чоллар диалогини келтириш билан чекланади. М. Шариповнинг «Шукур Саъдулла» (1971), М. Маҳмудов, Б. Маҳмудовларнинг «Иброҳим Раҳим» (1974), У. Шокировнинг «Замон нафаси ва образ» (1980), Ҳ. Ҳасанованинг «Нозик қалблар эҳтироси» (1981) номли ва бошқа қатор илмий ишларда ҳам бадий асар тили масаласига юзаки ёндошилган.

Шунга кўра, бизнингча, бадий нутқ муаммолари тилшунослик ва адабиётшунослик аспектларини ўзида бирлаштирувчи ягона стилистик аспектда текширилса, фойдали бўлади. Шу маънода «Сўз санъати» китобида олға сурилган қуйидаги тезисга яна бир марта эътиборни қаратмоқчимиз: «Тилни бундай (стилистик аспектда — Ҳ. Д., Б. Й.) ўрганиш тилшунослик нуқтаи назаридан ҳам фойдалидир. Чунки омоним, синоним, неологизм ва гапда сўзларнинг жойлашиш тартибини ўрганиш аслида тилшунослик фанининг вазифаси бўлса-да, бироқ уларни ёзувчининг қандай мақсадда ишлатганини ўрганиш, шу асосда ёзувчининг маҳорати ҳа-

---

ва санъат (адабий-танқидий мақолалар). Тошкент. 1987. 29—42-бетлар.

қида, унинг услуги ва хизматлари ҳақида муайян хуносалар чиқариш асосан адабиётшуносликнинг вазифасидир»<sup>36</sup>. Стилистиканинг бу аспекти лингвистикадан (стилистиканинг лингвистик аспектидан) фарқ қиласди ва адабий стилистиканинг маълум элементларини (айниқса, маҳорат масаласини) ўзига қўшиб олади. Шунинг учун ҳам уни бадиий стилистика деб аташ тўғрироқ бўлади.

Умуман олганда, услугб ёзувчининг воқеликни индивидуал образли ўзлаштириши, уни эстетик — образли тасвирлаш, индивидуал бадиий талқин қилиш усули бўлиб, уни ўрганиш бир қанча филологик, психологик ва фалсафий соҳаларнинг ўзаро ҳамкорлигини талаб қилувчи мураккаб проблемадир. Бадиий асар тилини ўрганиш эса ёзувчи услуги, индивидуаллиги ва маҳоратини аниқлашнинг муҳим бир томони, холос. Агар «тил — ёзувчи услубининг қалби»<sup>37</sup> эканини ҳисобга оладиган бўлсак, бадиий асарнинг тил хусусиятларини унинг темаси, гояси ва образлари билан боғлиқ ҳолда текшириш ёзувчи услубининг энг муҳим қирраларини аниқлашга олиб келиши муқаррар. Бунда бадиий нутқни ҳам адабиётшунослик, ҳам тилшунослик аспектларини ўзида ифодаловчи ягона бадиий стилистика аспектида ўрганиш, шубҳасиз яхши натижалар беради.

Шундай қилиб, бадиий асар тилини ўрганишга бадиий стилистик аспектда ёндашиб ҳамда бадиий нутқнинг асосий категориялари — персонаж нутқи, автор нутқи, баён (сказ) формаларидан фойдаланишдаги ёзувчининг маҳоратини тадқиқ этиш бадиий стилистиканинг асосий вазифасидир. Бундан ташқари, санъаткорнинг ҳалқ тили бойликларига муносабатини, бу соҳадаги унинг новаторлиги ва адабий тил тараққиётига қўшиган улушини ўрганиш ҳам бадиий стилистиканинг ўрганиш объекти ҳисобланади. Учинчидан, бадиий стилистика тилнинг лексик, грамматик, фонетик воситалари билан бир қаторда жонлантириш, ўхшатиш, муболаға, такрор, сифатлаш каби стилистик воситалар ва бошқа бадиий имкониятлардан ҳам кенг фойдаланади. Чунки бадиий асар тилини ўрганиш унинг фақат лексик-грамматик хусусиятларини ўрганиш билан чегараланмайди, балки биринчи навбатда ёзувчининг бадиий маҳорати билан боғланади. Зотан, бадиий сти-

<sup>36</sup> Дониёр X. Д., Мирзаев С. Сўз санъати. Тошкент. 1962. 174-бет.

<sup>37</sup> Федин К. Писатель, искусство, время., М., 1961. С. 380.

листика ёзувчининг у ёки бу сўзни, грамматик формани нима мақсадда қўллаганлиги билан бир қаторда уни қандай маҳорат билан қўлланганлигини аниқлашга биринчи даражали аҳамият беради. М. Горькийнинг бадий адабиётни сўз орқали ўймакорларча тасвирилаш санъатидир, деб баҳолаши ҳам ана шу билан боғлиқ. Оддий қилиб айтганда, бадий асар тили, бадий стилни ўрганиш ёзувчининг маҳоратини, унинг сўз ва ибораларни қўллаш соҳасидаги санъатини ўрганиш демакдир. Бадий стилнинг адабий тилдаги бошқа функционал стиллардан асосий фарқи ҳам ана шундадир.

## АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ

Ўзбек тилшунослигига эски ўзбек адабий тилининг ким томонидан ёки кимлар томонидан ва қачон асосланганлиги, унинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари ҳамда камолотга қачон эришганлиги ҳақида бирмунча ноаниқ, баъзан бир-бири билан мослашмаган ва ҳатто бир-бирини инкор этувчи фикрлар мавжуд. Масалан, ўзбек олимларидан кўпчилиги эски ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер Навоийдир, деган фикрни тасдиқлайдилар. Шу билан бирга, уларнинг кўпчилиги эски ўзбек адабий тили XII—XIII асрларда шаклланган, деган фикрга ҳам қўшиладилар. Лекин бу икки фикр орасида маълум даражада мантиқий зидлик борлиги, уларнинг бир-бирини маълум даражада инкор қилиши баъзи олимларни бутунлай чўчишиб қўймоқда. Улар ҳатто Алишер Навоий ўзбек адабий тилининг асосчиси, деган тезисга шубҳа билан қарамоқдалар<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, агар биз эски ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий деб тушунсак, у вақтда эски ўзбек адабий тилининг XII—XIII асрларда шаклланганлиги тўғрисидаги фикрни қандай қабул қилишимиз керак? Аксинча, агар биз эски ўзбек адабий тилини XII—XIII асрларда шаклланган, деб қабул қилсак, у вақтда Алишер Навоий эски ўзбек адабий тилининг асосчисидир, деган фикрни қайси маънода ва қандай тушунмоғимиз керак?

Бу икки фикр орасида, бир қараганда, анча катта қарама-қаршилик бордай туюлса-да, аслида улар орасида умумийлик, давомийлик ва босқичлилик бор.

<sup>1</sup> Ҳожиев Азим. Ўзбек миллий адабий тилининг шакллаши ва эски ўзбек адабий тилига муносабати//Ўзбек тили ва адабиёти. 1987. 2сон. 3—9-бетлар.

Қўйида биз шу фикрларни Алишер Навоийнинг адабий тил олдиғаги умумий хизматлари ва қисман «Мұҳокаматул луғатайн» материаллари асосида изоҳлашга ҳаракат қиласиз.

Биринчидан, баъзи кишилар XI асрда яратилган туркий адабий тил намуналари («Қутадру билиг» ва «Девону лугатит турк» сингари ёдгорликлар тили)ни ҳам ўзбек адабий тилининг тарихига қўшиб ҳисоблайдилар. Бу эса XI асрдаги адабий тилни Урта Осиёда яшовчи ҳамма туркий халқларнинг, жумладан, үйғурлар, туркманлар, қозоқлар, қирғизлар ва қорақалпоқларнинг умумий адабий тили деб аташ керак, деган фикрларга қўшиламиз ва ўзбекларни XI асрда яратилган ана шу адабий тилнинг энг яқин меросхўри, деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, эски ўзбек адабий тили XII—XIII асрларда тўлиғича шаклланган, деган фикр ҳам моҳият-эътибори билан тўғри ва бу, бизнингча, эски ўзбек адабий тили шаклланишининг иккинчи босқичини ташкил этади. Чунки ўзининг соддалиги ва тушунилиши осонлиги нуқтаи назаридан Алишер Навоийга қадар, яъни XII—XIV асрларда Туркистон ва Хоразмда яратилган баъзи бир адабий ёдгорликларнинг тили (масалан, Аҳмад Яссавий асарлари тили), шунингдек Лутфий, Дурбек, Саккокий, Отой асарларининг тили Алишер Навоий асарлари тилига нисбатан ҳозирги адабий тилимиз ва жонли халқ тилига бирмунча яқин туришӣ ҳамда тушунилиши бирмунча енгиллиги билан ажralиб туради.

Учинчидан, биз Алишер Навоий эски ўзбек адабий тилининг асосчисидир, деган фикрни ҳам тўла қўллаб-қувватлаймиз. Лекин бу фикрни маълум даражада изоҳ билан айтиш керак, деб ўйлаймиз. Дарҳақиқат, Алишер Навоийнинг тили жуда кенг кўламли тилдир. Шунинг учун ҳам икки адабий муҳитда таълим кўрганлигига қарамасдан Алишер Навоий ғазалларининг тили билан Муҳаммад Шайбонийхон ғазалларининг тили бир-биридан айтарли фарқ қиласиз. Бугина эмас, Алишер Навоий ғазалларининг тили билан ҳатто ундан кейин яшаган Бобур, Муҳаммад Солиҳ, Нишотий, Муҳаммад Хоксор, Оғаҳий сингари шоирларнинг асарлари тили ўртасида ҳам деярли фарқ йўқ. Фақат, Машраб, Турди ва бошқаларнинг асарлари Навоий асарлари тилига нисбатан бирмунча содда ва тушунарлироқ эканлиги билан ажralиб туради. Ҳатто XIX асрнинг охиrlарида яшаган Муқимий, Фурқат,

Махмур, Аваз Ўтар асарларининг тилида ҳам кўп ҳолларда Навоий тилининг мураккаблиги ва грамматик қурилиши асосан сақланиб қолганлиги сезилади.

Лекин Махмур ва Муқимий даврларига келиб, эски ўзбек адабий тилига анчагина янги иборалар киритилган, унда кўпгина замонавий сўзлар пайдо бўлган, талаффузи халқ тили талаффузига кўп жиҳатдан яқинлашган, хуллас, тўлиқ халқ тили асосида қайтадан ишланажак янги адабий тилнинг асоси ва ички имкониятлари юзага кела бошлаган эди.

Демак, бу гаплардан келиб чиқадиган хулоса шуки, эски ўзбек адабий тили, Алишер Навоийга қадар ҳам асосланган ва айрим регионларда маълум даражада шаклланган. Бу тил Алишер Навоийга қадар Ўрта Осиёning шарқида ҳам, шимолида ҳам, жанубида ҳам тарқалган ва шаклланган эди. Лекин у адабий тил сифатида Навоийнинг тили даражасида яхлит ҳолда кўзга ташланмаган ва у даражада ишланмаган эди.

Алишер Навоийнинг буюк хизмати шундан иборатки, у эски ўзбек адабий тилини кенг кўламда шакллантириди, янада сайқаллаштириди ва мукаммаллаштириди, унинг географик доирасини ва хизмат қилиш чегарасини кенгайтириди, бу тилда жаҳон адабиётининг ҳазинасига дурдона бўлиб қўшилган асарлар яратди, бу тилни ўша даврнинг энг баркамол тилларидан бўлган араб ва форс тиллари даражасига кўтарди. Шу билан бирга, Алишер Навоий бу тилнинг имкониятлари араб ва форс тилларининг имкониятларидан ҳеч бир жиҳатдан қолишмаслигини ҳам бадиий, ҳам илмий, ҳам фалсафий, ҳам стилистик ва лингвистик жиҳатдан асослаб берди.

Масалага шу жиҳатдан қараганда, у ўзигача бўлган адабий тил доирасини кенгайтириди. Алишер Навоий эски ўзбек адабий тилида жуда кўп янги шакллар, янги услублар яратди, ундаги айрим тарқоқликларни деярли тамоман тугатди, лаҳжаларни бирлаштириди. У ўз даврининг адабий тил нормасини яратди. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий ўзи яратган адабий тилнинг чегараси ва таркиби ҳақида фахрланиб:

Олибмен таҳти фармонимға осон,  
Черик чекмай Хитодин то Хуросон  
Хуросон демагил, Шерозу Табриз.

Агар бир қавм гар юз, йўқса мингдур,  
Муайян турк улуси худ менингдур.

*Қулоқ бермиши сўзимга турк жон ҳам,  
Нафақат турк балким туркмон ҳам.*

ёки:

*Турк назмида чу мен тортиб алам,  
Айладим ул мамлакатни якқалам,—*

деб ёзганида тамомила ҳақли эди. Чунки бу мисраларда Алишер Навоийнинг ўзбек адабий тилини территориал жиҳатдан ҳам, лаҳжалар жиҳатдан ҳам, этник жиҳатдан ҳам бирлаштириб сайқаллаштириш соҳасидаги хизматлари шоирнинг ўзи томонидан аниқ қилиб айтилган.

Зотан, эски ўзбек адабий тилининг бу даражага кўтарилишида Алишер Навоийдан олдин ҳам, ундан кейин ҳам ҳеч ким Навоийчалик хизмат қилган эмас. Шу маънода биз Алишер Навоийни ўзбек адабий тилининг асосчиси, деб ҳисобловчи олимларнинг фикрларига тўлиқ қўшиламиз. Алишер Навоийдан кейин узоқ вақтгача эски ўзбек адабий тили нормаларининг деярли ўзгармай қолганлиги ҳам шу билан изоҳланади.

Ушбу ўринда биз таниқли тилшунос, ҳозирги ўзбек тили соҳасида меҳнати сингган олим А. Ҳожиевнинг яқинда эълон қилинган «Ўзбек миллий адабий тилининг шаклланиши ва эски ўзбек адабий тилига муносабати» номли мақоласи билан боғлиқ айрим мулоҳазаларни айтиб ўтмоқчимиз. Аввало шуни айтиш лозимки, проф. А. Ҳожиевнинг ўз мақоласининг бошида илмий иш олдига қўйған мақсади ва вазифалари умуман олганда яхши. Лекин тилшунос олимнинг баъзи бир назарий фикрларига қўшилиб бўлмайди.

Биринчидан, у ўзининг ушбу мақоласида айрим тилшунослар орасида анча вақтдан буён давом этиб келаётган бир нотўғри фикрни такрорлайди ва уни янада конкретроқ қилиб «инқилобгача ва ундан кейинги даврнинг дастлабки этапларида ўзбек тилшунослик фани йўқ эди»<sup>2</sup>, деб ёzáди. Шундай бўлса, проф. А. Ҳожиев М. Кошғарийнинг бутун дунёга танилган «Девону лугатит турк» асарини, А. Навоийнинг «Муҳокаматул лугатайн» асарини ва бошқа революцияга қадар ёзилган тилшуносликка доир ўнлаб асарларни қандай баҳолайди? Бизнингча, бу ерда А. Ҳожиев тилшунослик фанининг мавжудлиги (пайдо бўлиши) билан унинг мустақил фан сифатида шаклланиш жараёнини алмаштироқда, холос. Шу кичик бир хатолик нати-

<sup>2</sup> Ўзбек тили ва адабиёти. 1987. 2-сон. 4-бет.

жасида бутун бир анъанага эга бўлган тилшунослик соҳасидаги маданий, илмий меросимиз шубҳа остига олинаётир. Шунингдек, А. Ҳожиев ҳатто Навоийнинг эски ўзбек адабий тилининг асосчиси эканлигини ҳам инкор қилмоқчи, тилшунослик соҳасига «тарихни идеаллаштириш» деган иборани киритмоқчи бўлади.

Иккинчидан, А. Ҳожиев ҳозирги ўзбек адабий тилининг қайта-қайта ишланиш процессини эски ўзбек адабий тилисиз тасаввур қилмоқчи бўлади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида эски ўзбек адабий тилининг айрим элементлари борлигини тан олади, холос (у ҳам бўлса, лексика соҳасидан келтирилган 4 тагина мисол асосида, ҳолбуки, лексика тилнинг энг ўзгарувчан ва беқарор қисмини ташкил қилиши ҳаммага маълум).

Ҳақиқатда эса, эски ўзбек адабий тилининг Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейинги қайта ишланиш ва янгидан шаклланиш процесси эски ўзбек адабий тилининг иштирокисиз юзага келган эмас. Аксинча эски ўзбек адабий тилининг ҳалқ тили асосида қайта ишлаб чиқилишида ва шаклланишида биринчи ички манба эски ўзбек адабий тилининг ўзи бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек, адабий тилимизнинг тарихи ва тараққиётида Аҳмад Яссавийнинг ҳам ўзига хос хизмати бор. Лекин бу масала кўп йиллардан бўён чалкаш муаммолардан бири сифатида қолиб келмоқда.

Маълумки, рус олимлари черков — славян тилини алоҳида қунт билан ўрганиб келмоқдалар, христиан динининг минг йиллигини маданий ҳодиса сифатида нишонлашга тайёргарлик кўрмоқдалар. Биз эса диний-афсонавий ёзма адабиётдан реал ёзма адабиётга илк қадам қўйган шоир Аҳмад Яссавийнинг тилини ўрганишдан негадир тортинамиз ва шу билан адабий тилимиз тараққиётидаги бир босқични бўшлиқ сифатида ташлаб қўйганимиз. Аҳмад Яссавий дунёқарashi ва ғоявий-эстетик позицияси бошқа гап, бунда ўзига яраша мураккаблик, чигаллик мавжуд. Лекин Аҳмад Яссавий асарларининг тилини ўрганмасдан туриб, ўзбек адабий тилининг шаклланиш тарихини тўлиқ ёритиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам, бизнингча, унинг тилини реал ўрганиб, Яссавий ижодига реал баҳо бериш вақти етиб келди.

Кейинги вақтда тилшуносаримизнинг давраси янги, истеъдодли кучлар билан тўлмоқда. Шулар жумласидан Н. Махмудов, А. Нурмонов, М. Мукаррамов, Э. А. Умаров, Й. Иброҳимов, Р. Расулов, А. Жўраев

ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Улар, умуман олгандა, баракали ва сермазмун илмий ишларни давом эттиromoқдалар. Лекин булардан баъзиларининг ишларида ҳам айrim ҳолларда илмий-назарий жиҳатдан шошилинч хуласалар чиқариш ҳоллари учраб қолмоқда. Масалан, Э. Умаров ўзининг мақолаларидан биррида Навоийнинг асарлари тили диалектал асосини Хирот шеваси ташкил этади, деган фикрни баён қиласиди<sup>3</sup>. Ҳолбуки, бу фикр Заҳириддин Бобурнинг фикрига зид келади ва бу фикрни тасдиқловчи тарихий-лингвистик фактлар йўқ ҳисоби. Қолаверса, Хирот шеваси вокализми, бизга маълум бўлишича, жуфт унлиларни фарқ қила олмайди. Навоий асарлари тилида эса жуфт унлилар тўла фарқланади. Шунингдек, Хирот шевасида ўғиз ва қипчоқ элементлари деярли учрамайди. Навоий асарлари тилида эса булар асосий элементлардан бўлиб ҳисобланади. Учинчидан, Навоий яратган эски туркӣ адабий тил бўйича бутун Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Кавказ ҳалқларининг вакиллари гаплашган.

\* \* \*

Маълумки, «Муҳокаматул лугатайн» Алишер Навоийнинг умри давомида қилган ижодий-илмий ишлари ва лингвистик қарашларининг якуни сифатида юзага келган асардир. Ҳақиқатан ҳам, Алишер Навоий ўзининг бу асарида фақат тилга оид фикрларни баён қилмасдан, шу билан бирга, ўзининг умри давомида қилган буюк илмий, фалсафий, адабий-ижодий ишларига ҳам маълум даражада якун ясаган.

Шунга кўра, Навоий ушбу асарига энг муҳим ва энг масъулиятли иш сифатида қараган ва шу ишда унинг тил ҳақидаги фикрлари тўлиқ юзага чиқсан, деб бемалол айта оламиз. Алишер Навоий ўзининг бу илмий ишида эски ўзбек адабий тили нормаларини ишлаб чиқиш ва уни янги поғонага кўтариш ўстида қилган хизматлари ҳамда мукаммал адабий тил яратиш тажрибаларини умумлаштириб берган. Шунга кўра, бу ноёб асарда мутафаккирнинг тилшунослик соҳасидаги қарашлари ҳам, илмий грамматика яратиш соҳасидаги хизматлари ҳам ва шеваларнинг қимматли бойликларидан тўплаб, адабий тилнинг гулдастаси учун яратган тажрибалари ҳам тўла ифодалангандир.

<sup>3</sup> Ўзбек тили ва адабиёти. 1986. 5-сон. 39—41-бетлар.

Дарҳақиқат, Алишер Навоийнинг ўзи ҳам бу ишга узоқ вақт давомида қўл урмай юрганлигини ва, ниҳоят, кўпгина ёшлар туркий тил билан асар ёзиши эплай олмай уни «ё англамай, ё англасалар буюрулғон йўсун билан амал қўлмай ё қила олмай» юрганлари устига, улардан баъзи бирлари бу тилнинг фаҳмига бормасдан ва ундаги бойлик, гўзаллик, теранлик, маъно бўёқларининг кўплиги, ифоданинг аниқлиги, қулайлиги ва хилма-хил бадиий томонларини англа-масдан, унга ҳатто қўпол тил деб тухмат қилишгacha бориб етганларида, Алишер Навоий аввало бутун имкониятларини ишга солиб ижод қиласди. У бу ишга «кўнглимдан ва қўлимдан кёлганча ва қаламим илгимдан қувват фаҳм қилғонча урундим», деб ёзади, туркий тил билан асар яратишнинг ўз ижоди мисолида юксак намунасини кўрсатади. Шу намунанинг мисоли сифатида «лозим кўрилди турк тили шарҳида бир неча варақа зеб оройиш бермақ» деган камтарона сўзлари билан ушбу буюк ва мукаммал илмий-лингвистик асарни ёзганлигини изоҳлади.

Алишер Навоий «Мұҳокаматул-луғатайн»ни тугатар экан, эзгу умид ва камоли ишонч билан қўйидаги сатрларни ёзади: «Хаёлимга мундоқ келурким, турк улуси фасиҳлариға улуғ ҳақ собит қилдимки, ўз алфоз ва иборатлари ҳақиқати ва ўз тил ва луғатлари кайфијатидин воқиф бўлдилар... Алар дағи ранж ва машақ-қатим муқобаласида, чун бу маҳфий илмдинки, зоҳир қилибмен, вуқуф топсалар, умид улким, бу фақирни хайр дуоси била ёд қилғайлар»<sup>4</sup>.

Ўзбек тилининг стилистикаси сингари, ўзбек тилининг илмий грамматикасини ҳам биринчи бўлиб яратган киши Алишер Навоийдир. Чунки биз «Мұҳокаматул-луғатайн»да улуғ олимнинг фонетикага доир ҳам, грамматикага доир ҳам, лексикага ҳам, жумладан, унлиларга (*тўр, тўр* даги ў нинг фарқи), ундошларга (*п м* нинг маъносини кучайтириши *кўм-кўк, оппоқ*), феълларга доир ҳам, отларга, сўз ясалишига, (*сувчи, халвочи*), омонимларга (*туз, кўк*), синонимларга (*кимсанмоқ, қизғанмоқ*), сифат даражаларига (*қип-қизил, чуп-чукур*), феъл даражаларига (*ўшишмак, югурт, қилдурт*), қариндошлик терминларига (*оға, ини, эгачи, сингил*), уй ҳайвонларининг номларига (*қулун, той*), қуш ва қушчиларнинг номларига (*сўна, олмабош*,

<sup>4</sup> Алишер Навоий. 15 томлик, 14-том; Тошкент. 1967. 132-бет. Биз бундан кейин шу асардан көлтирилган мисолларнинг фақат бетини кўрсатиб кетамиз.

қозчи, турначи), уй асбобларига, от абзаллари номларига (ийар, түкүм, түқа), қора уй ёки оқ уй анжомларига (урұғ, чин, бұсаға), рўзғор терминларига, кийим-бош терминларига (түпни, қалпоқ) ва ейимлик терминларига доир ҳам (қатлама, қурут) айтилган мұкаммал илмий фикрлари ўз ифодасини топган.

Алишер Навоийнинг адабий тилимизни асослаш ва такомиллаштириш соҳасидаги хизматлари ҳамда «Мұхқаматул-луғатайн»нинг адабий тилимиз ва, хусусан, тилшунослигимиз учун аҳамияти түғрисида тилнинг фонетика, морфология ва лексика (терминология) қисмлари билан боғлиқ бўлган бир қанча мисоллар келтириб ўтиш ўринлидир.

«Мұхқаматул-луғатайн»нинг фонетика соҳасидаги энг қимматли аҳамияти шундаки, у сингармонизм қонунининг эски ўзбек адабиёти тилида бўлгани түғрисида узил-кесил аниқ фактлар беради. Бинобарин, «Мұхқаматул-луғатайн» асарида бошқа тилларда эквиваленти топилмайдиган сўзлар қаторида берилган машҳур 100 та феълнинг 3—4 тасида (айниқса 2 тасида) Алишер Навоийнинг ўзакдаги бир хил позицияларда ҳам тил олди и билан тил орқа и ни бир-биридан аниқ фарқ қилғанлиги сўнгги вақтларда равшан бўлди. Булар, биринчидан *сийламоқ* (108-бет) ва иккинчидан, *сизғурмоқ* (108-бет) феъллариdir.

Фонетика билан шуғулланувчи олимларга маълумки, тил олди и билан тил орқа и нинг тилимизда ҳар хил позицияда учрашига мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Уларнинг айнан бир позицияда ѝнтуқ артикуляциясининг ҳар хил ўрнида ва ҳар хил маънода қўлланишига эса мисол топиш ҳозирги тилимизда ҳам анча амримаҳолдир.

Алишер Навоий томонидан келтирилган юқоридаги иккита мисол машҳур 100 та феълнинг ичидаги бўлиши эса, Навоий тили вокализмининг 9 та унли фонемадан ва 2 та фонемали аҳамиятга молик бўлмаган вариантдан иборат эканлигини очиқ-ойдин исботлаш билан бирга Навоийнинг сингармонизм қонуниятини ҳам жуда яхши билганлигидан далолат беради.

Ундаи ҳолда машҳур тилшунос профессор А. К. Боровков ва бу соҳани ўрганган бошқа олимлар нега шу хуласага олдинроқ келмади экан, деган табиий савол туғилади.

а) А. К. Боровков ва бошқа олимлар Навоий тилининг сўз ўзагидаги унлилар характеристини аффикслардаги унлилар ва ундошларнинг характеристига қараб аниқлаш мумкинлигини ўйлаб кўрмаганлар.

б) Алишер Навоий «Муҳокаматул луғатайн»да (ёй)нинг характеристи ҳақида гапирганда мисолларни фақат тил олди «и»ларгагина келтирганлиги маълум бўлди. Биз юқорида зикр этган икки мисол эса Навоийнинг (ёй)ни таърифлаган ва тавсифлаган жойда эмас, балки 100 та феълнинг орасида умумий тартибда берилган, холос.

в) А. К. Боровков ва бошқа олимларнинг ихтиёрида қўйилган экспериментнинг натижасини жонли тил воситасида синаб кўриш имконияти бўлмаган. Бизда эса бу имконият мавжуд эди. У ҳам бўлса, ҳозирги қипчоқ, ўғиз ва шимодий ўзбек шеваларида сингармонизм қонуниятининг тўла сақланиб қолганлигидир.

г) шу нарсани алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, ҳозирги натижаларга эришишда А. К. Боровков, А. М. Щербак ва бошқа олимларнинг қўлга киритган ютуқлари муҳим роль ўйнади<sup>5</sup>.

«Муҳокаматул-луғатайн»нинг материаллари (хусусан, Навоийнинг тил олди ва тил орқа «и»ларни бирбиридан аниқ фарқлаганлиги) бу холосанинг тўғри эканлигини тўлиқ тасдиқлади.

Дарҳақиқат, «Муҳокаматул луғатайн» асари тилшунносликка бағишлаб ёзилган маҳсус илмий асар бўлганлиги учун юқоридагига ўхшаш фонетикага оид мисоллар, шунингдек, эски ўзбек адабий тилида сингармонизмнинг қай даражада қўлланганлиги масаласини ечиш ва эски ўзбек адабий тили, жумладан, Алишер Навоий асарларининг вокализмини аниқлаш учун зарур бўлган материаллар жуда кўплаб учрайди. Бу асар тилшунносларимиз учун катта бир илмий-амалий хазина ва дастуриламалдир.

«Муҳокаматул-луғатайн»даги фонетик жиҳатдан эътиборни ўзига жалб қилувчи ҳамда ҳозирги адабий тилимизнинг ички манбаларини тўлароқ очиб беришга бевосита хизмат қилувчи фактлардан яна бири Алишер Навоий томонидан ўша давр адабий тилида маҳсулдор қўшимча бўлган -в(-ув) аффиксининг мавжудлигидир.

Алишер Навоий шу аффикснинг ўша даврда ҳам мавжуд бўлганлигини бор сўзининг омонимлик хусусиятларини тушунтираётганида йўл-йўлакай борувга сўзи мисолида айтиб кетади. Шунга кўра, бу грамма-

<sup>5</sup> Қаранг: Боровков А. К. Алишер Навои как основоположник узбекского литературного языка//Алишер Навои, М.—Л, 1946; Щербак А. М. Грамматика староузбекского языка. М.—Л., 1962.

тик формани ҳам ўша давр адабий тилида мавжуд бўлган деб айтиш мумкин.

«Муҳокаматул-луғатайн»да Навоий томонидан келтирилган бу биргина мисолнинг ҳозирги адабий тилимизнинг шаклланиши ва тараққиёт тарихини фақат фонетик томондан ўрганиш учунгина эмас, морфологик ва генетик жиҳатдан ўрганишда ҳам муҳим аҳамияти бор.

«Муҳокаматул-луғатайн»нинг грамматик хусусиятлари (морфологияси) бўйича бир неча мисоллар келтириб ўтамиз.

Алишер Навоий «Муҳокаматул-луғатайн»да ҳозирги адабий тилимиздаги инфинитивнинг асосий шакли бўлган *-моқ* нинг қипчоқ шеваларидаги сингари *-мак* ва *-моқ* тарзидағи аниқ икки варианти (тил олди ва тил орқа) борлигини кўрсатган ва уларга мисоллар келтирган. Масалан, *инدامак* (10), *бурмак* (108), *инграмак* (110), *синграмак* (110), *тўпламак* (108), *ўпшишмак* (116), *қизғанмоқ* (108), *сийламоқ* (108), *соврулмоқ* (108), *қўзғамоқ* (108), *қистамоқ* (108), *овунмоқ* (108) ва ҳоказо.

Бу факт, биринчидан, эски ўзбек адабий тилида қипчоқ шеваларининг кенг қатнашганлигини кўрсатса, иккинчидан, эски ўзбек адабий тилида сингармонизм ҳодисасининг, ҳақиқатан ҳам, мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди.

Шундай мисоллар «Фарҳод ва Ширин»да ва Навоийнинг бошқа асарларида ҳам кўп учрайди:

*Уқуб ўтмак, уқуб ўтмак шиори,  
Колиб ёдида сафҳа-сафҳа бори<sup>6</sup>.*

Ёки:

*Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,  
Низомий панжасида панжса урмоқ.*

(Фарҳод ва Ширин. 8-бет)

Умуман, эски ўзбек адабий тилида, жумладан, Алишер Навоий асарларида қаратқич келишигининг кўрсаткичи *-нинг* аффикси асосан тўғри қўлланади. Лекин, шу билан бирга, баъзи ҳолларда унинг ўрнида тушум келишигининг кўрсаткичи бўлган *-ни* аффиксининг қўлланилганлигини ҳам учратиш мумкин.

Маълумки, ҳозир адабий тилимизда ва қипчоқ ше-

<sup>6</sup> Алишер Навоий. 15 томлик. 7-том. Фарҳод ва Ширин. Тошкент. 1964. 39-бет.

валарида қаратқич келишигининг күрсаткичи деярли бутунлай аралаштирилмайды, бу ҳол хусусан, шаҳар шеваларининг таъсирига берилмаган қипчоқ шеваларида жуда аниқ қатъиятлик билан қўлланилади. Шаҳар шеваларида эса бу формалар деярли ҳамма вақт аралаштирилади. Тўғрироғи, шаҳар шеваларида бу иккала шаклнинг ўрнига асосан тушум келишигининг формаси қўлланилади, холос. Шунга кўра бу иккала форманинг аралаштирилиши XV асрдаёқ айрим шеваларда бошланган ва адабий тилга ҳам ўта бощлаган эди, деб бемалол айтиш мумкин. Лекин ҳозирги ўзбек адабий тилида бу қонуният асосан тўғри қўлланилади.

Алишер Навоий асарларида ва, хусусан «Муҳокаматул-луғатайн»да инфинитивнинг шакли сифатида асосан -моқ учрайди. Эски ўзбек адабий тилидаги шу шаклнинг ҳозирги адабий тилимиздагидан фарқи шундаки, биринчидан, унинг эски ўзбек адабий тилида ҳам қипчоқ шеваларидаги сингари тил олди ва тил орқа вариантлари мавжуд. (Бу эса унда сингармонизм қонунининг аниқ қўлланишидан дарак беради). Иккинчидан, у эски ўзбек адабий тилида амалдаги ягона шаклдир.

Маълумки, ҳозирги адабий тилимизда ҳам -иши (-иши) -моқ билан бир қаторда инфинитивнинг анча сермаҳсул шаклларидан бири бўлиб ҳисобланади. Лекин -иши (-иши)нинг Навоий асарларида ва умуман эски ўзбек адабий тилида инфинитив ўрнида қўлланишини биз амалда учратмадик. Уни Алишер Навоий ҳам инфинитив сифатида кўрсатган, холос. Алишер Навоий «Муҳокаматул-луғатайн»да -иши (-иши) аффиксининг биргалик феъли сифатида мавжудлигини чопишмоқ, қучишмоқ сингари феъллар мисолида қайд қилиб ўтган эди.

Демак, Алишер Навоий замонида -иши (-иши) ёзма адабий тилда ҳали инфинитив аффикси вазифасини бажаришга киришмаган, деган фикрни айтиш мумкин.

Инфинитивнинг -в (-ув) формаси масаласига келганда шуни айтиш керакки, бу форма билан сўз ясаллиши «Муҳокаматул-луғатайн»даги мисоллар орасида, юқорида қайд қилингани каби, Алишер Навоий томонидан кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга, Навоий асарларида -в (-ув)нинг инфинитив ҳолида қўлланишини биз амалда фақатгина бир жойда «қиз кўчирув» тарзида фразеологик бирикма ҳолида учратдик (268-бет).

Демак, эски ўзбек адабий тилида -в (-ув) шаклнинг инфинитив ҳолида мустақил равишда қўлланиши

деярли учрамайди. Бу форма ёрдамида феъллардан от ясалиши ҳам Алишер Навоий асарларида онда-сонда учрайди, холос.

Шунга кўра, бу форма ҳам ўша давр адабий тилида, мавжуд бўлган-у, лекин кенг қўлланилмаган деб айтиш мумкин. Лекин гап масаланинг бу томонида эмас. Гап шундаки, мабодо Алишер Навоий ушбу форманинг XV аср адабий тилида бўлганлигини қайд қилиб ўтмаганда ва бир-икки жойда унга мисол келтирмагандаги ҳозирги тилшуносларимиз учун бу шаклнинг ўша даврда бўлган-бўлмаганлигини ёки амалда Навоий асарлари тилида қўлланган-қўлланмаганлигини аниқлаш анча амримаҳол бўлар эди.

Қисқаси, Алишер Навоий юқоридаги мисолни «Муҳокаматул-луғатайн»да кўрсатиб, аввало шу шаклнинг эски адабий тилимизда ҳам мавжуд бўлганлигини маҳсус қайд қилиб ўтган. Иккинчидан, Алишер Навоий ўзининг бир мисолида берилган бу кичик бир маълумоти билан тилимизнинг тарихи, унинг тарихий манбалари ва тарихий диалектологиясига оид жуда қимматли маълумот қолдирган. Учинчидан, юқоридаги биргина мисол билан шоир, айни вақтда, қипчоқ шеваларининг эски ўзбек адабий тили ва талафуз нормасида ҳам ўзига яраша ҳиссаси борлигини кўрсатиб кетган.

Бу форма ёрдамида феъллардан от ясалиши масаласига келганда шуни айтиш керакки, бу ҳодиса ҳозирги адабий тилимизда кенг кўламда учрайди.

Алишер Навоий замонида -в (-ув) аффикси ёрдамида адабий тилда феъллардан от ясащ ҳозирги адабий тилимиздаги сингари кенг кўламда бўлмаган. Бу усульнинг асосан қотиб қолган формасигина ора-чорада қўлланган, холос.

Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» асарида -в (-ув) билан сўз ясаш Алишер Навоий асарларининг тилидагига ниёбатан сезиларли даражада кўпроқ учрайди. Мисоллар:

1. Ўлтуруб эрдӣ чериқда бир-икков,  
Бир қўлида уқу бирида эгов (203-бет).
2. Боши устида илов ажабий,  
Ўзи от узра бузов ажабий (205-бет).
3. Хон Бадахшонға сўнгича борди,  
Андин ўзга жиловни қайтарди (242-бет).

Шунга кўра, Алишер Навоий ва йутфий, Отойилар

даврида эски ўзбек адабий тилида -в (-ув) аффикси деярли учрамаган (ёки жуда кам учраган), Бобур, Муҳаммад Солиҳ ва Шайбонийхон даврида, яъни XVI асрдан бошлаб эски ўзбек адабий тилида маълум даражада кўпроқ аффикс қўллана бошлаган, деган хуносага келиш мумкин. Бунга сабаб, эҳтимол, қипчоқ-ўзбекларнинг XVI асрдан Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳаётида ҳал қилувчи роль ўйнашга ўтганликлари-дандир.

Ҳар ҳолда, бизнингча, ҳозирги ўзбек адабий тилида бу форма орқали ясалган отлашган феълларнинг жуда кенг кўламда қўлланилишини қипчоқ шеваларининг ҳозирги адабий тилимизга қўшган мўл ҳиссасининг белгиларидан биридир, деб изоҳлаш тӯғрироқ бўлади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида аффиксларнинг лаблашган варианлари деярли қўлланмайди. Демак, ҳозирги ўзбек адабий тилимизда аффиксларнинг ҳал қилувчи кўпчилик қисми лаблашмаган аффикс формаларидир.

Қипчоқ шеваларида лаблашмаган аффикс формалари деярли бутунлай учрамайди. Фақат баъзан лаб гармониясининг элементи сифатидагина онда-сонда учраб қолиши мумкин. Назаримизда, аффикслар масаласида қипчоқ шеваларида XV асрда ҳам аҳвол эски ўзбек адабий тилидан фарқ қиласроқ, ҳозирги ҳолатига яқин бўлган.

Ҳозирги шаҳар шеваларининг баъзиларида (Самарқанд шаҳар шевасида) аффиксларнинг лаблашган шакли аинча кўп учрайди. Бошқаларида эса камроқ учрайди (Тошкентда бордик ўрнида бордув). Учинчи хил шаҳар шеваларида эса (Андижон) у деярли қўлланмайди. Лекин эски ўзбек адабий тилидаги лаблашган аффикслар сингари ҳозирги шаҳар шеваларидаги лаблашган аффикслар ҳам сингармонизм билан бутунлай боғлиқ бўлмаган равишда юзага қелган формалардир.

Бизнингча, эски ўзбек адабий тилидаги лаблашган аффикслар қадимги уйғур адабий тилининг таъсири ва шаҳар шевалари базасида шаклланган. Ундаги лаблашмаган аффикслар эса Сирдарё бўйича XIV асрда ташкил топган қипчоқ-ўғиз адабий тилининг таъсири натижасида ҳамда хусусан, қипчоқ шевалари базасида юзага қелган ва шаклланган.

Ҳозирги адабий тилимизда эски ўзбек адабий тилидаги лаблашган аффикс формаларининг кескин ка-

майиб кетганинги, бизнингча, қипчоқ шеваларининг адабий тилимизда асосий база бўлиб хизмат қилганидан деб изоҳланмоғи керак.

Эски ўзбек адабий тилида келаси замон феълининг -ғай формаси анча кўп учрайди. Масалан:

*Ким ўзукрати чун жаҳонга тўлғай,  
Турк элига доғи баҳра бўлғай<sup>7</sup>.*

Бу форма ҳозирги Хоразм группасига кирувчи шеваларда тўлиқ ишлатилади. Шарқий группа қипчоқ шеваларида эса фақат онда-сонда қотиб қолган аффикс формаси сифатида учрайди. Ҳозирги адабий тилимизда бу форма кам бўлса-да, баъзан учраб туради.

Бу форма эски ўзбек адабий тилига ва қисман ҳозирги адабий тилимизга Жанубий Хоразм типидаги ўғиз шевалари ёки ўғиз-қипчоқ типидаги фарбий группа шевалари орқали кирган, деб айтиш мумкин.

Эски ўзбек адабий тилида ҳам ўтган замон аниқ феъли формаси қипчоқ шевалари ва адабий тилимизга асосан тўғри келади. Лекин, шу билан бирга, эски ўзбек адабий тилида баъзи ҳолда аниқ ўтган замон феълининг -ибман аффикси ёрдамида ясалувчи модал форма орқали берилиши ҳам учрайди.

Бу форма ҳозир асосан халқ достонлари тилида учрайди:

*Узоқдан келаётубман  
Ғамнинг лойига ботибман.  
Э ёронлар, биродарлар, биродарлар!  
Мен ёримни йўқотибман<sup>8</sup>.*

Юқорида Алишер Навоийдан келтирилган мисол халқ достонлари тилининг ҳам эски адабий тил билан бевосита алоқаси борлигидан дарак беради.

Иккинчидан, ушбу мисол Алишер Навоийнинг халқ ижодидан, унинг тилидаги конструкциялардан ҳам самарали фойдаланганинги кўрсатади.

Адабий тилимиздаги феълининг орттирма даражасини ясовчи -дир аффиксининг маъноси Шарқий группа шеваларда асосан бу аффикснинг қисқарган шакли бўлган -т орқали ифодаланади. Бу нарса халқ достон-

<sup>7</sup> Алишер Навоий. Таинланган асарлар. Ҳамса. II—III том. З-китоб. Лайли ва Мажнун. 1949. 228-бет.

<sup>8</sup> Булбул тароналари. 5 томлик. II том. Тошкент. 1972. 416—417-бетлар.

лари тилида ҳам тез-тез учраб туради. Бошқача қилиб айтганда, қипчоқ шеваларининг, хусусан, шарқий группага кирувчи шеваларнинг хусусиятлари бу жиҳатдан ҳам халқ достонларининг тил хусусиятларига мос тушиди.

Характерлиси шундаки, *-дир* аффиксининг қисқарған бу шакли ҳозирги адабий тилимизда деярли учрамагани ҳолда, эски ўзбек адабий тилида мавжуд бўлган ва Алишер Навоий таърифлашича, туркий тилнинг грамматик бойлиги ва қулайлигини намойиш қилиб кўрсатувчи шакллардан бири бўлиб ҳисобланган.

Бу ҳақда Алишер Навоий (*Мұҳокаматул-луғатайн*) да қўйидагиларни ёзди: *Алар* (турклар — Х. Д., Б. И.) лафзга бир ҳарф орттурғон била мунга ўхшашиб замирни ортурубдурлар, бағоят муҳтасар ва муғифид тушубдур. *Андоқки, югурт ва қилдурут ва яшурт ва чиқарт*» (116-бет).

Сирасини айтганда, бу шакл эски ўзбек адабий тилида кўп учрамайди. Лекин «Фарҳод ва Ширин» достонида бу шаклни Алишер Навоийнинг ўзи қўллаган:

*Бинафиша андаким гарду к ўкортиб,  
Гажак янглиғ хират бўйинни тортиб*

(Фарҳод ва Ширин, 149-бет)

Демак, т га ўхаш формаларнинг ҳозирги адабий тилимизда онда-сонда учровчи баъзи намуналарини парваришлаб, адабий тилимиздаги расмий нормал дарражага етказиш ва унинг имкониятларини тўлиғича юзага чиқариш лозим. Шундай қилинса, адабий тилимиз ҳам бойиган, ҳам мукаммаллашган ҳамда ўзининг ички имкониятларидан озиқланиб турган бўлади.

Маълумки, тилимиздаги ҳозирги замон давом феълининг формаси бўлган *-япти* ёрдамида ясалувчи феъллар адабий тилимизга қипчоқ шевалари ва Хоразм шевалари ѹрқали кирган деб ҳисобланади. *-моқда* эса генетик жиҳатдан аниқ бир группа шевага бориб тақалмайди, лекин қипчоқ шеваларида кўп учрайди. Шуниси характерликни, бу кўрсатилган формалардан бирортаси ҳам эски ўзбек тилида кенг кўламда қўлланмайди.

Биз эски ўзбек адабий тили материалларий орасида, жумладан, Алишер Навоий асарларининг тил материаллари орасида *-япти* ва *-ётир* формаларига мисолларни умуман учратмадик.

Лекин Лутфий асарлари тилида -ётирнинг -ётур тарзида ётибди маъносида қўлланганлигини кўрамиз. Масалан:

*Зихи давлатлик ул икки қошингким,  
Кумуши таҳт узра оғоношиб ётурлар<sup>9</sup>.*

Бу форма Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» асарида ҳам учрайди. Юқоридаги мисол ҳар ҳолда -ётир формасининг Алишер Навоий асарлари тилида бўлмаса ҳам, умумай, эски ўзбек адабий тилида, кам бўлса-да, қўлланганлигини исбот қиласди.

-моқда аффикси ёрдамида ясалувчи феъл формалирини Алишер Навоий асарлари тилида ҳаммаси бўлиб тўрт ўринда учратдик. Булардан ҳам учтаси «Муҳокаматул луғатайн»да қўлланган. Булар қуйидагилар:

1. *Аммо ииғламоқта хой-хой лағзин (адода) ўзларин туркий гўйларга шарик қилибдурлар* (110-бет).

2. *...бовужуди алфоз қасрати ва иборат вусъаси ва маоний гаробати ва адo салосати дилпазир боғламоқда суубат бор ва дил писанд тартиб бермокта табъранж ва уқубат топар* (131-бет).

3. *Ёзмоқта шу ишки жавидона.*

*Мақсадим эмас эди фасона<sup>10</sup>.*

Мисоллардан кўринадики, Алишер Навоий асарларидаги -моқда формаси ҳозирги тилимиздаги шу формалардан фарқли ўлароқ, кўп ҳолларда ўзига хос бошқача маъно ва бошқачароқ бўёқ билан қўлланган. Масалан, сўнгги мисолдаги «ёзмоқта» феъли ҳозирги тилимизда «ёзишдан», «ёзар» экан(ман), «ёзишдай» сўзларининг маъносини беради. Бу форма шу тарзда «Бобурнома»да ҳам учрайди<sup>11</sup>. Бу форманинг Навоий асарларида ҳозирги адабий тилимиздаги функциясига мос келувчи ҳақиқий маънода қўлланганлигига мисол F. Абдураҳмонов ва Ш. Шукуровнинг «Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси» китобида берилган<sup>12</sup>. Ҳар ҳолда, бу формалар ҳали қунт билан синчилаб ўрганишни талаб қиласди.

«Муҳокаматул луғатайн»ни маълум даражада синчилаб кўздан кечирав экансиз, Алишер Навоийнинг

<sup>9</sup> Лутфий. Девон. Гул ва Наврӯз. Тошкент. 1965. 61-бет.

<sup>10</sup> Алишер Навоий. Хамса. II том. З-китоб. Тошкент. 1959. 227-бет.

<sup>11</sup> Бобурнома. Тошкент. 1960. 64-бет.

<sup>12</sup> Абдураҳмонов F., Шукуров Ш: Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Тошкент. 1973. 175-бет.

буюк тиљшунос олим сифатида диапазонининг кенглигига, илмий таъбининг нозиклигига, кузатувчанлигига ва чуқур илмий хулосалар чиқара олиш қобилиятининг юксаклигига тан берамиз.

Алишер Навоий бошқа тилларда, хусусан, форс тилида эквиваленти топилиши қийин бўлган 100 та феълни санаб кўрсатгандан кейин: *Ва түрк алфозда бу навъ лафз кўп топилур. Масалан, бу мазкур бўлғон юз лафздин бир нечаға машғуллук қилиб сабит қиласли, то ҳасм мұқобалада илзом бўлсунки, ўзгаларни мунга қиёс қилсун* (109-бет), — деб ёзади ҳамда биргина майни ичиш маъносида қўлланувчи турли хил синоним сўзларни мисол келтиради: *сипқармоқ, томшанмоқ* (*томшаниб ичмоқ*). Шулардан Алишер Навоийнинг фикрича, майни бирданига кўтариб ичишни англатишда *сипқармоқ* сўзидан ортиқроқ даражада аниқ ва бадиий муболагали сўз топиш қийин. *Бири сипқармоқ лафзидурки, муболага мундини ўтмас. Туркча назмла бу матлаъ бордурким* (108-бет) деб қўйидаги байти мисол келтиради:

*Соқиё, тут бодаким, бир лаҳза ўзумдин борай,  
Шарт буким ҳар неча тутсанг лабо-лаб сипқармоқ ораи.*

Дарҳақиқат, майни бирданига кўтариб, намойишкорона ҳавас билан ичишнинг бадиий ифодаси бундান ортиқ бўлмаса керак.

Алишер Навоий «Муҳокаматул-луғатайн»да ўзи томонидан келтирилган ҳар бир мисолга худди шу ўйсинда ёндашади, уларнинг ҳар бирига аввал таъриф беради, олдинги сўз синонимдан кейинги сўз ёки синонимнинг фарқи нимада эқанини илмий ва бадиий далиллар билан очиқ ва равон қилиб фарқлаб беради. Уларнинг ҳар бирининг бадиий асар ва хусусан, поэзияда ранг-баранг стилистик бўёқларни акс эттиришда қандай аҳамияти борлигини қайд қиласли. Қайси ўринда уларни қўллаш кәраклигини алоҳида уқтиради ва ўз фикрини ўша давр поэзиясининг ноёб намуналаридан келтирилган ёки шоирнинг ўзи ижод этган бадиий мисоллар билан бирма-бир тасдиқлаб ўтади.

Масалан, Алишер Навоийнинг:

*Эрур бас чу ҳусну малоҳат санга,  
Ясанмак, безанмак не ҳожат санга?* (111-бет), —

байти ҳам бадиий-эстетик жиҳатдан, ҳам илмий жиҳатдан ҳам, тарбиявий жиҳатдан бекиёс даражада аҳамиятли эканлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Дарҳақиқат, А. Навоий бадиий воситаларнинг ҳамма турларидан унумли ва моҳирона фойдаланган. Жумладан, А. Навоийнинг юқоридаги байти синонимлардан маҳорат билан фойдаланишнинг намунаси бўлиб хизмат қилса, қуйидаги байлари такрор ва таъкидлаш приёмига намуна бўлади:

*Менгизлари гул-гул, мижалари хор,  
Қабоғлари кенг-кенг, оғизлари тор* (112-бет).

ёки:

*Чун парию хурдур отинг бегим,  
Суръат ичра дев эрур отинг бегим.  
Ҳар хадангиким, улус андин қочар,  
Нотавон жоним сари отинг, бегим.*

Алишер Навоий қуйидаги байтида эса антоним ёки контраст приёмидан моҳирона фойдаланган:

*Узорингни очарға қимсанурмён,  
Вале эл кўрмагига қизғанурмен.*

А. Навоий ўзининг бадиий ижодида айниқса синонимларга кўп мурожаат қилган. Зотан, синонимлар ўтмишда бўлғани сингари ҳозирги пайтда ҳам бадиий стилистиканинг асосий ўзагини, унинг жони ва қонини ташкил қиласди.

Алишер Навоий «Муҳокаматул лугатайн»да *йиғламоқ* феълининг *йиғламсинмок*, *инграмок*, *синграмок*, *сиқтамоқ*, *ўкурмак*, *инчкирмак* каби 7 та синоними борлигини қайд қиласди ва бу синонимларнинг ҳар бирининг маъноларини ва улар орасидаги стилистик фарқларни кўрсатиб ўтади:

*Ул ойки, кула-кула қироғлатти мени  
Йиғлатти мени демайки, сиқтатти мени* (110-бет).

Алишер Навоий томонидан *йиғламоқ* феълининг синонимлари сифатида кўрсатилган 7 та феълдан 4 таси (*инграмак*, *синграмак*, *сиқтамак*, *ўкурмак*) ҳозирги қипчоқ шеваларида ва 3 таси адабий тилимизда учрайди. Биттаси эса (*синграмоқ*) ҳозирги тилимизда мустақил ҳолда қўлланмайди. Фақат *инграб-синграб*

деган маъно бўёғини кашф этувчи феълнинг бир бўлгаги сифатидагина ишлатилади.

Алишер Навоий томонидан «Муҳокаматул-луғатайн»да келтирилган бир қанча синонимлар, масалан: тикон сўзининг тикан ва чўкир сингари, шунингдек, қалпоқ сўзининг дўппи ва қалпоқ сингари синонимлари ҳозирги қипчоқ шеваларида ҳам, адабий тилимизда ҳам сақланиб қолган. Алишер Навоий «Муҳокаматул-луғатайн»да келтирган ҳар бир мисолни илмий ва стилистик жиҳатдан тўлиқ изоҳлайди. Масалан, ясанмоқ ва безанмоқ синонимларининг стилистик бўёқлари ҳақида гапирап экан, эски ўзбек адабий тилида ясанмоқ сўзининг маъносига нисбатан безанмоқ сўзининг стилистик бўёғи кучлироқ эканини қайд қиласди ва безанмоқ сўзини ясанмоқ сўзининг муболағасидан иборат деб тушунтиради.

Алишер Навоий «Муҳокаматул-луғатайн»да омонимлар ҳақида ҳам муфассал тўхтаган. Бу ерда у бор, туш, туз, кўк, тер ва ўт сўзларининг маънолари ҳақида батафсил фикр юритиб, улар орасидаги фарқларни мисоллар билан кўрсатиб ўтган. Бу жиҳатдан айниқса ўт сўзининг турли маъноларига келтирган мисоллари характерлидир. Масалан, у ўт сўзининг 4 та маъносини санаб кўрсатганки, бу маънолар ҳозирги адабий тилимизда ва халқ шеваларида тўлиқ равишда сақланиб қолган. Шу билан бирга, ўт сўзига «Муҳокаматул-луғатайн»да келтирилган мисоллар Алишер Навоийнинг тил орқа ў билан тил олди ў ни бир-биридан жуда яхши фарқлаганлигидан гувоҳлик беради.

Алишер Навоий «Муҳокаматул-луғатайн»да соҳаларнинг терминлари бўйича ҳам жуда катта мерос қолдирган. Масалан, у қариндошлиқ, уй ҳайвонлари, қушлар ва қушчиларнинг номлари, уй асбоблари, от абзаллари, қора уй ёки оқ уй анжомлари, рўзгор кийимбош, ейимлик терминлари ва шу кабиларга ҳам мисоллар келтирдики, буларнинг кўпчилик қисми ҳам адабий тилга, ҳам халқ шеваларининг материалларига мос келади.

Алишер Навоий қариндошлиқ терминлари ҳақида гапирап экан, турклар улугни -оға ва кичигини ини дерлар (114-бет), опа-сингилларни англатувчи қариндошлиқ терминлари ҳақида эса Ва булар улугни -эга-чи ва кичигини сингил дерлар (115-бет) деб ёзади.

Шунингдек, шоир эски ўзбек тилидаги онаға, тағойи кўкалтош, атка, энага, қиз-қардош сингари кўпгина терминлар устида бирма-бир тўхтаб ўтган. Бироқ Али-

шер Навоий эски ўзбек тилидаги қариндошлиқ терминларининг ҳаммаси устида батафсил гапиришни ўз олдига вазифа қилиб қўймаган. Маълумки, у эски ўзбек адабий тилидаги терминларнинг фақат форс тилидан фарқ қилувчи ёки унда эквиваленти учрамайдиганлари ҳақидагина гапириб ўтган, холос. Шунга қарамай, «Муҳокаматул-луғатайн»да бизни қизиқтирган кўпгина қариндошлиқ ва бошқа соҳаларга тегишли бўлган терминлар ҳақида ҳамда бу терминларнинг халқ шевалари билан алоқалари қай тарзда бўлганлиги тўғрисида етарли даражада маълумот мавжуд.

Масалан, юқорида мисол келтирилган *оға, ини, эгачи сингил* терминларнинг кўпчилиги ҳозирги баъзи халқ шеваларида худди эски ўзбек адабий тилида қўлланилгани сингари нормада ва маънода сақланиб қолган.

Алишер Навоий қора уй ва унинг анжомлари ҳақида гапирав экан, бу соҳага тегишли бўлган *оқ уй, тунглук, узуқ, тўрлуғ* (тукурлик), *босрўғ, чиғ, қанот, кўзанак, увуғ, боғиш бўсаға*, эркина кабиларни санаб кўрсатади. Эски ўзбек адабий тилида қўлланган қора уй анжомларига оид бўлган бу терминлардан бир қисми халқ шеваларида ҳозирги вақтда ҳам қўлланиб келмоқда.

Шунингдек, «Муҳокаматул-луғатайн»да қушчиликка, овчиликка, кийим-кечакка ва бошқа соҳаларга оид терминлар ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул-луғатайн» асари унинг умри давомида қилган меҳнатининг самараси, тилшуносликка оид илмий-назарий фикрларнинг якуни ва натижасидир.

Қисқаси, «Муҳокаматул-луғатайн» тилимиз тарихини ўрганишда бебаҳо хазинадир.

## ҲАМЗАНИНГ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДАГИ ХИЗМАТЛАРИ ҲАҚИДА

Маълумки, адабий тил миллий тилнинг, яъни умумхалқ тилининг ёзувчилар ва умуман маданият арбоблари томонидан қайта-қайта ишланиб силлиқлаштирилган, стандартлаштирилган ва маълум нормага солинган формасидир. Шунинг учун ҳам М. Горький адабий тилни «қайта ишланган тил» деб атаган ва адабий тилнинг қайта ишланишида сўз усталарининг муҳим роли борлигини назарда тутган эди.

Ўзбек адабий тилида Улуғ Октябрь социалистик

революциясидан кейинги даврда жуда катта ўзгаришлар рўй берди ва бадиий нутқнинг, бадиий стилнинг янги, мукаммал кўринишлари юзага келди. Шунинг учун у эски ўзбек адабий тилидан анчагина фарқ қиласди, жонли халқ тилига анча яқин туради, бу соҳада Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ҳам ўзига хос хизмати ва ҳиссаси бор, чунки эски ўзбек адабий тили революциядан кейин жонли халқ тили асосида қайтадан ишланди ва унинг архаик формалари, истеъмолдан чиқиб кетган сўзлари янги сўз ва формалар билан алмаштирилди.

Совет ҳокимияти йилларида ўзбек адабий тили ўзининг ички имкониятлари асосида яратилган янги сўзлар ва формалар, неологизмлар ҳамда совет-интернационал сўзлар ва терминлар билан шу қадар бойидики, бу янги сўзларнинг ҳаммаси бирлашиб, тез вақт ичida адабий тилимиз лексикасининг ҳал қилувчи томонини ташкил қилишгача бориб етди, яъни янги адабий тилнинг ҳам, унинг стилистик системаси ҳам бекиёс даражада ўсади ва такомиллашди.

Эски ўзбек адабий тилини қайта ишлаб, уни жонли халқ тилига яқинлаштириш ва шу асосда ҳозирги замон ўзбек адабий тилини шакллантириш иши XIX асрнинг охирларидаёқ бошланган эди. Бунда Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар каби ўзбек демократ ёзувчиларининг ўзларига яраша хизматлари бор.

Бу демократ ёзувчилар, шоирлар биринчилардан бўлиб халқ тили билан адабий тил орасидаги фарқни сездилар, баъзи сўз ва ибораларни ўзгартира бориб ўз асарларига жонли халқ тили, фольклор материаллари элементларини қўша бордилар. Шу йўл билан улар эски ўзбек адабий тилининг жонли халқ тили асосида қайта ишлана боришига йўл очиб бердилар.

Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтарларнинг бу олижаноб ишлари янги даврда Ҳамза томонидан муваффақият билан давом эттирилди ва янги давр талаблари даражасига кўтарили.

Ҳамза ўз ижодининг дастлабки даврлариданоқ шу прогрессив демократ шоирларнинг адабий, услубий ва тил соҳасидаги традицияларини давом эттириб, халқ билан мустаҳкам алоқада бўлди, халқ тилига талпинди, халқ оммасини қизиқтирадиган мавзулар ҳақида ёзиб халқнинг манфаатини кўзлаб иш кўрди. Ҳамза халқ учун ёзар экан, ўз асарларини халқа тушунарли қилиб яратишга алоҳида эътибор берди ва шу мақсадда жонли халқ иборалари, ифодалари, фразеологик

бирикмалари ва халқ ижодига хос ўхшатишлар, сўз ўйинлари, ҳажвлар ишлатиб бадиий нутқни ривожлантирди ва, айни вақтда, ўз ғояларини халққа содда ва тушунарли қилиб етказди. Бир сўз билан айтганда: «Ҳамза аста-секин эски тил традициясини, услугуб таз-йиқларини бартараф қилиб, давр талаби даражасидаги янги тил нормаларини яратиш ва тарғиб қилиш учун курғаш олиб борди»<sup>1</sup>.

Маълумки, Ҳамзанинг ҳаёти, кўп қиррали ижодий фаолияти, педагогик, фалсафий ва эстетик қарашлари ҳақида С. Ҳусайн, Ю. Султонов, Л. Қаюмов, А. Бобохонов, Ҳ. Абдусаматов, У. Бозоров, Ф. Мўминов, Ф. Жалолов, Б. Гуломов, М. Аминоваларнинг бир қатор мақола ва монографиялари нашр этилган<sup>2</sup>.

Шунингдек, Ҳамза асарларининг тил ҳусусиятларини ўрганиш билан олимларимиз қарийб ярим асрдан буён шуғулланиб келмоқдалар. Жумладан, 1944 йили Ҳ. Назарова «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий асарларининг тили ҳақида» номли кандидатлик диссертациясини ёқлаган эди. Бу ишда Ҳамза асарлари тилининг халқчиллиги, персонажлар нутқида учрайдиган халқ мақоллари ва бошқа лексик-грамматик ҳусусиятлари ҳақида фикр юритилган. 1981 йилда Б. Турдиалиевнинг «Ҳамза ва ўзбек адабий тили» номли монографияси нашр этилди. Бу иш икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда автор Ҳамза ижодининг ўзбек адабий тили тараққиётидаги ролини ва Ҳамза асарлари тилидаги диалектизмлар, варваризмлар, русча-интернационал сўзлар, жуфт ва такрор сўзларни таҳлил қилган

<sup>1</sup> Абдуллаев Ф. Ҳамза ва ўзбек адабий тилининг ривожланиши масалалари//Ҳамза ижоди ҳақида (тадқиқотлар). Тошкент; 1981. 89—90-бетлар.

<sup>2</sup> Республикаизда сўнгги ўн йилликларда ҳамзашунослик махсус фан тармоғи сифатида шаклланди. Унинг тарихи ва йўналишлари ҳақида қаранг: Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. Икки томли. 2-том. Тошкент. 1987. 293—297-бетлар.

<sup>3</sup> Абдуллаев Ф. Ҳамза ва ўзбек адабий тили//Ўзбек тили ва адабиёти. 1967. № 6. 8—12-бетлар; Шуватор. Ҳамза ва ўзбек адабий тилининг ривожланиши масалалари//Ҳамза ижоди ҳақида (тадқиқотлар). Тошкент. 1981. 87—96-бетлар.

<sup>4</sup> Шомақсудов А. Ўзбек адабий тилининг ривожланишида Ҳамза ижодининг аҳамияти//Шарқ юлдози. 1954. З-сон. 78—87-бетлар.

<sup>5</sup> Камол Ф. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг ташкил топиши ва ривожида Ҳамзанинг роли//Ҳамза ҳақида мақолалар. Тошкент. 1960. 13—24-бетлар.

<sup>6</sup> Алиев А. Ҳамза ва ўзбек адабий тили//Ўзбек тилида сўз ясалиши. ТошДУ-асарлари. № 608. Тошкент. 1979. 66—72-бетлар.

бўлса, кейинги қисмда Ҳамза асарлари тилининг морфологик хусусиятларини традицион формада (ҳар бир сўз туркуми аспектидаги) ўрганади.

Ҳамза асарлари тилини тадқиқ этишга Ф. Абдулаев<sup>3</sup>, А. Шомақсудов<sup>4</sup>, Ф. Қамол<sup>5</sup>, А. Алиев<sup>6</sup>, Х. До ниёров<sup>7</sup>, У. Турсунов ва Б. Ўринбоев<sup>8</sup>, Б. Турдиалиев<sup>9</sup>лар ҳам сезиларли ҳисса қўшдилар. 1982 йилда ёш олим Ш. Махматмуродов Ҳамза «Девони»нинг тилига оид кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Лекин юқорида қайд қилинган илмий ишлар Ҳамза асарлари тилини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилишга дебоча, холос. Чунки ҳанузгача Ҳамза асарлари тилининг мукаммал луғати яратилмаган, биз шоир асарларида қўлланган сўз ва иборалар миқдори, унинг адабий тилдаги шундай бирикмалар билан муносабати ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмасмиз. Ҳамза асарлари тилини бирор аспектда чуқур таҳлил қилувчи монографик иш ҳам юзага келганича йўқ.

Сўнгги пайтда А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг илмий ходимлари «Ҳамза қомуси»ни яратишдек масъулиятли ишга қўл урдилар. Бу эса, ўз навбатида, Ҳамза ижодини қардош халқлар ҳамда хорижий мамлакатлар адабиёти билан ўзаро адабий алоқа ва адабий таъсирлар контекстида янада изчил текшириш имкониятини яратади. Шундан келиб чиқиб тилшунос олимларимиз ҳам Ҳамза асарлари тилини янгича планда чуқур таҳлил қилишга киришишлари лозим. Бунинг учун эса биринчи навбатда Ҳамза асарлари тилининг изоҳли луғати яратилиши зарур. Ана шундан сўнг Ҳамзанинг ўзбек адабий тили лексикаси, морфологияси, функционал-стилистик системаси тараққиётига қўшган улушини ҳозирги кун талаблари даражасида илмий жиҳатдан конкрет ёритиш имконияти вужудга келади.

\* \* \*

Ҳамзанинг асарлари халқа тушунарлигини бўлиб

<sup>7</sup> Дониёров Ҳ. Ҳамза ва ўзбек тили//Ўзбекистон маданияти. 1974. 8 март; Шу автор. Ҳамзанинг ўзбек адабий тили ва бадий нутқни ривожлантириш соҳасидаги хизматларини ўрганишга доир//Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти масалалари. Сарманд. 1982. 16—20-бетлар.

<sup>8</sup> Турсунов У., Ўрибоев Б. Ўзбек адабий тили тарихи. Тошкент, 1982. 156—161-бетлар.

<sup>9</sup> Турдиалиев Б. Ўзбек адабий тилининг шаклланишида Ҳамза ижодининг роли//Ўзбек тили ва адабиёти. 1979. 3-сон. 21—25 бетлар ва ҳоказо.

қолмасдан, эзилган халқнинг юрагидаги ўй-хаёлларини, орзу-истакларини ва энг нозик ҳисларини бевосита халқ тилининг имкониятлари орқали усталик билан ифодаловчи минбар сифатида майдонга чиқди ва эски адабий тилни халқ тилига мослаб ишлашнинг мустаҳкам пойдеворини қўя бошлади.

Масалан, Ҳамзанинг «Мевалар можароси» (1914) номли ҳажвий-юмористик шеърларидағи<sup>10</sup> қуйидаги сатрларга диққат қиласайлик:

*Гилос хаддан ошиқуб,  
Хафаликдан тошиқуб,  
Келди ўрук бошига,  
Мушт кўтаруб шошиқуб:  
«Эй ўрук, сан сўзлама,  
Маҳтанмоқни кўзлама!  
Ёнбошингга бир тепай,  
Боғга ҳаргиз юзлама  
Гурранг қурсун, кеч битар,  
Еган киши ич кетар...»<sup>11</sup>.*

Гарчи шоир бу мисраларга ҳали чуқур ижтимоий-сиёсий ғоялар юклай олмаган бўлса-да, улар содда, равон, ширали халқ тилида ёзилганлиги билан ўша даврда катта прогрессив аҳамиятга эга эди. Шоирнинг «Софиниб» (1916) асари эса кейинчалик жонли ва реалистик тилда катта ғоявий мазмунни ифодалашнинг ёрқин намунасига айланди, чунки Ҳамза бу шеърида эзилган, ватандан ажралиб, қайфуга тушган ўзбек йигитининг ҳис-туйғуларини халқнинг аввалдан куйлаб юрган «Қора сочим» куйи асосида халқ тили билан ифодалайди. Ҳамза ўз асарларининг мазмуни ва тилинигина эмас, вазни ва куйини ҳам халқа тушунарли, халққа яқин қилишга интилди. Шу маънода у фольклордан кенг мақсадда унумли фойдаланди.

Академик ёзувчи Ойбек ҳаққоний таъкидлаганидек, Ҳамзанинг «тили халқ тилининг ўзи, услуби қиличининг тифидай ўткир. Шеърлари чақмоқдай ва момақалдироқдай қудратли. Бу рус инқилобий поэзиясига, Маяковский поэзиясига ўхшайди. Үнинг ҳар бир сўзи— бир шиор, ҳар бир шеъри давр ҳайқириғи<sup>12</sup> саналарди.

<sup>10</sup> Айрим ишларда бу шеър мунозара жанрига мансуб деб юритилади. Муборак мактублар. Тошкент. 1987. 247-бет.

<sup>11</sup> Ҳамза. Муқаммал асарлар тўлами. Тўрт томлик. 2-том, Тошкент. 1980. 30-бет.

<sup>12</sup> Ойбек. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик, XIV том. Тошкент. 1979. 329-бет.

Дарҳақиқат, Ҳамза асарлари тил жиҳатидан жонли халқ тилининг деярли айнан ўзи бўлганидек, мазмун жиҳатдан ҳам эзилган меҳнаткашларнинг юрагидаги гапларнинг айнан ифодасидан иборатdir. Ҳамза стилининг ўзига хос томонларидан яна бири шунда кўри надики, у биринчилардан бўлиб, халқ ижодини ўз стили ва замона нафаси билан ҳамоҳанг қилиб қайтадан ишлаб чиқди. Шунинг учун ҳам биз унинг шеърларини ўқир эканмиз, бир томондан кўз олдимизда шу шеър ёзилган давр акс этиб турса, иккинчи томондан халқ достонларининг куйлари ва халқ қаҳрамонларининг сўзлари, қисқаси, жонли халқ тили ва халқ иборалари қулогимизда жаранглаб эшитилгандек бўлади:

Чиқиб эрклик қуёши  
Тинди мазлум кўз ёши  
Кул бўлди тожу тахтлар,  
Етим бўлди эл боши.  
Ленин бизнинг отамиз,  
Энди кимдан қўрқамиз!  
У берган қурол билан  
Душманларни отамиз<sup>13</sup>.

Шундай қилиб, Ҳамза ўз асарларини халққа тушучарли қилиш учун курашар экан, халқ ибораларидан халқ ҳикматлари ва, умуман, халқ тилидан фойдалана ниш билан бирга, биринчи навбатда, ўз асарлари мазмунининг халқ кўнглига яқин ва халқ ҳис-туйғуларини ифодалай оладиган бўлиши учун интилди. Шунинг учун ҳам Ҳамзанинг тил учун кураши замонавий адабий тил учун ҳам, тил мазмундорлиги учун ҳам ве асар бадиий қимматининг юксаклиги учун ҳам курашдан иборат бўлиб чиқди.

«Ҳамзанинг асарларининг,— деган эди машҳур ўзбек совет ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор,— халққа бу қадар яқин ва суюмли бўлишига асосий сабаб унинг замон билан ҳамнафас ва халқ дилининг таржимони бўлганлигидир. Шу сабаб унинг тилини халққа ниҳоятда яқин қилди»<sup>14</sup>.

Кўринадики, Ҳамзанинг асар тили халқчиллиг учун кураши асар тили ва мазмунининг халқчиллиг учун олиб борган кураши сифатида намоён бўлди. Б

<sup>13</sup> Ҳамза. Муқаммал асарлар тўплами. Тўрт томлик. З-том

ҳол эса, айниқса, унинг революцион шеърларида очиқ-ойдин ифодаланади. Чунки бу революцион шеърлар ўзбек адабий тилида бадиий нутқининг бутунлай янги формаси сифатида майдонга келди. Шунинг учун ҳам Ҳамзанинг революцион шеърлари ҳалқни чоризм колонизаторлари ва маҳаллий бойларга қарши курашга чақириқ каби жаранглайди.

Ҳамзанинг революцион шеърлари каби унинг революцион ашулалари ҳам ҳалққа тушунарли тил билан—халқ тили билан ёзилган бўлиб, улар меҳнаткаш ҳалқнинг революцион онгини ўстиришда, уларни эскилик дунёси билан шиддатли жангга чақириб, озод ҳаёт учун курашга даъват этишда муҳим роль ўйнайди. Шуниси характерлики, Ҳамзанинг революцион шеър ва қўшиқлари содда тилда, жонли ҳалқ тили асосида бўлиши билан бирга, уларнинг ҳар бир мисраси революцион мазмун ва ўткир мантиқ билан таъминланган. Шунинг учун ҳам биз уларни бадиий нутқининг янги формаси деб атаемиз. Шу сабабларга кўра, Ҳамзанинг бундай ажойиб ишлари ўз даврида кўпгина буржуа зиёлиларига ёқмади. Улар аслида Ҳамзанинг асарларидаги адабий стиль ва бадиий нутқининг янги, экспрессив кўринишидан иборат бўлган, бойларга, руҳонийларга ва буржуа зиёлиларига қаттиқ тегувчи жоҳил, хоин, малъун каби сўзларни ва, шунингдек, баъзи сиёсий сўзларни, яъни янги мазмун ва янги ғояни ифодаловчи сўзларни чиқариб ташлашни Ҳамзадан талаб қилдилар.

Ҳамзанинг ўз асарларида ҳалқчил тил ва революцион ғоя учун олиб борган курашини эса, улар «адабиётдан хабарсизлик» деб айбладилар. Ҳамза бунга қарши уларга: «Бу адабиётдан хабарсизлик эмас: қора элимизнинг тушунувига ўнғай бўлиши учун бўлса керак. Ҳақиқатда ўзбек тилида экан, биз ўзбек тилига яқинлаштироқдамиз» (II том, 68-бет),— деб ёзади ва ўз асарларининг тилини жонли ҳалқ тилига янада яқинроқ қилиб ёзишни давом эттиради.

Ҳамзанинг «Шаҳрисабз маҳаллали Азимхўжа эшон бинни Тошхўжа эшоннинг оғиз боғлашлари» деган шеъри ҳам ўзбек адабий тилини ва бадиий нутқни ўз даврида янги бир стиль билан бойитиш бўлиб, унда автор руҳоний, эшонларнинг кирдикорларини уларнинг ўз тили орқали фош этади:

Рўза тутдим хатм учун,  
Қорига мен хасм учун,

Түшганидан хастияк  
Тортеб олмоқ расм учун,  
Рўза тутдим, фитр учун,  
Ҳам йигишга ушр учун,  
Бор закотин олмоққа  
Камбағалга хитр учун (II том, 71-бет).

Шунингдек, Ҳамзанинг асарлари халқа яқин бўлган ва халқ тилидан олинган қуруқ сўз қулоққа ёқмас (IV том, 93-бет), бермаснинг оши пишмас (IV том, 101-бет), тайёр ошга баковул бўлмоқ (IV том, 104-бет), суюнган кўзга султон кўринмас (IV том, 106-бет), доно сўзини, нодон кўзини тергайди (IV том, 158-бет), чигирткадан қўрққан буғдои экадими? (IV том, 164-бет), санамасдан саккиз деманг (III том, 109-бет), сураймон ўлиб, девлар қутулибди (III том, 113-бет), арпангни хом ўрдимми? (III том, 119-бет), ўйчи ўйига еткунча, таваккалчи ўйига етибди (IV том, 164-бет), бой бойга боқар, сув сойга оқар (III том, 132-бет), ўйнашмагин арбоб билан, арбоб ураг ҳар боб билан (III том, 140-бет), пичоқни аввაл ўзингга ур, оғримаса бирорвга ур (III том, 141-бет) каби асосан бой ва руҳонийларнинг кирдикорларини фош қилувчи, меҳнаткаш халқа мадад берувчи халқ мақоллари ва мазмундор афоризмлари билан ҳам қондириб сугорилган.

Бундан ташқари, Ҳамзанинг асарларида салбий маъноларни ифодалаш учун қўлланувчи жуда кўп бошқа хил халқ сўзлари, халқ ҳажвларидан олинган иборалар, фразеологизмлар билан бир қаторда ижобий маъноларни ташувчи, халқ қизиқчилигини акс эттирувчи, халқнинг ҳис-туйғуларини ифодаловчи сўзлар ҳам ишлатилганки, улар Ҳамза асарлари лексикасининг асосий томонини ташкил этади. Шунинг учун ҳам бу масалалар алоҳида илмий кузатишнинг ва маҳсус илмий ишнинг объекти бўлмоғи лозим.

Биз ушбу ўринда фақат шуни қайд қилиб ўтмоқчимизки, Ҳамза ўз даврининг илгор революционер шоири, замонасиинг энг муҳим масалаларини куйлаган халқ фарзанди ва халқ куйчиси сифатида ўзбек миллий адабий тилини ривожлантирувчиларнинг илфорлари сафида туриб кураш олиб борди, ўзбек адабий тилини ва бадиий нутқни замонавий сўзлар ва формалар, неологизмлар билан тўлдириб борди ва шу орқали адабий тилни янги забардаст замонга мос равишда ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди. Шунинг учун ҳам Ҳамза асарларида рус тилидан олинган большевик, 8 март,

губком, совет, комсомол, ячейка, шуро каби совет — интернационал сўзлари билан бир қаторда, қизил астарлар, хизматчилар, меҳнатчилар каби янги маъно ифодаловчи сўз ва бирикмалар учрайди:

Яна истар хоинлар  
Қилмоқ қонхўрлик.  
Битсун энди истибдод  
Бирла к ўн т р л и к!  
И ш ч и эрлар гулишани  
Яшинасун турлик! (III том, 34-бет);  
Биз агар и ш ч и, дөхқон ҳам қизил аспар  
Биргалашибасак, фирмә бўлиб раҳбар,  
Тўкамиз тутдак дунёдан шаҳаншохлик, сарватни,  
Тузамиз янги турмушини замон ичра,  
Абадий сўнгра яшармиз жаҳон ичра (III том,  
39-бет)

Буларнинг ҳаммаси Ҳамзанинг ўзбек совет адабиётини янги замонавий мазмун ва революцион руҳ билан бойитиб, ўзбек совет адабиётига асос солишдек улуғ ишни бажариш билан бир қаторда, унинг эски ўзбек адабий тилини қайта ишлаш, уни жонли халқ тилига яқинлаштириб, ҳозирги ўзбек адабий тилини шакллантиришдаги роли ҳам беқиёс эканлигини кўрсатади, шоирнинг ўзбек адабий тилини функционал-стилистик жиҳатдан ривожлантиришда ҳам муҳим роль ўйнаганидан далолат беради.

Ўрни келганда, ҳар замонда учраб қолаётган бир фикрга муносабат билдиromoқчи эдик. Айрим илмий ишларда Ҳамзани ҳозирги ўзбек миллий адабий тилининг асосчиси сифатида баҳолайдилар. Масалан, проф. Ф. Абдуллаев қўйидагиларни ёзган эди: «...Алишер Навоийни ўзбек классик адабиётининг асосчиси, отаси деб ҳукм чиқарганимиз, бинобарин, у ўзбек классик адабий тилининг асосчиси деб ҳам аталишга бус-бутун ҳақлидир. Чунки она адабиёти учун кураш Алишер Навоий тушунчасича она тили учун курашнинг таркибий қисмидир. Шу нуқтаи назардан Ҳамза Ҳакимзода Ниёсийга нисбатан ўзбек совет адабиётининг асосчиси деган баҳо қанчалик тўғри ва адолатли бўлса, у ўзбек миллий адабий тилининг асосчиси деган баҳони олишга ҳам шунчалик ҳақлидир»<sup>15</sup>.

<sup>15</sup> Абдуллаев Ф. Ҳамза ва ўзбек адабий тили//Ўзбек тили ва адабиёти. 1967. № 6. 12-бет.

Бу фикр кейинги вақтларда айрим ёш тадқиқотчилар томонидан ҳам такрорланмоқда: «Алишер Навоий эски ўзбек адабий тилининг асосчиси бўлса, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳозирги ўзбек миллий адабий тилининг асосчиси ҳисобланади»<sup>16</sup>.

Бизнингча, Ҳамзанинг ўзбек совет адабиётини, адабий тилни ривожлантиришдаги хизматларини эътиборга олган ҳолда юқоридаги фикрларга қўйидаги сабабларга кўра қўшилиб бўлмайди.

Биринчидан, марксизм-ленинизм таълимотига кўра, миллий тилнинг асосчиси бўлмайди, унинг асосчиси шутини яратган ва шу тилнинг эгаси бўлган ҳалқ ҳисобланади. Демак, миллий адабий тил, унинг асосчиси ҳақида ҳам шу фикрни айтиш лозим бўлади.

Иккинчидан, адабий тилнинг асосчиси деб айрим шахсларнинг тан олиниши фақат феодализм даврига (ундан олдинги даврга ҳам) ва жуда борса илк капитализм давригагина хос ҳодисадир, лекин бу ҳодиса социализм даврига хос эмас.

Капитализмдан кейин, хусусан социализм даврида саводхонларнинг қўпайғанлиги билан бир қаторда китоб, журнал ва газета чиқарувчи, адабий тил билан иш қўрувчи муассасалар ва техник воситалар ҳам жадаллик билан кўпая боради (мактаблар, театрлар, матбуот органлари, радио, телевидение сингари жуда кўп оммавий ахборот воситалари ва маданий-оқартув муассасалари). Бу даврда адабий тилни қайта ишлашни бирор шахснинг тўлиқ амалга ошириши қийин, адабий тилни қайта ишлаш билан ўнлаб муассасалар ва юзлаб шахслар (жумладан, ёзувчилар, шоирлар, маданият ходимлари, олимлар, таржимонлар ва бошқалар) шуғулланадилар. Шунинг учун ҳам бу даврдаги адабий тил миллий адабий тил деб аталади.

Учинчидан, бу даврда адабий тилнинг формаси бутунлай янгидан яратилмайди, балки адабий тил, унинг айрим нормалари қайта ишланади, холос (А. М. Горькийнинг адабий тилни қайта ишланган тил, деб атаганига алоҳида эътибор беринг). Демак, эски адабий тилнинг нормаларини, материалларини бутунлай йўқотман деган киши Дон Кихотлар ҳолатига тушиб қолиши мумкин.

Тўртинчидан, Ҳамзани ҳозирги ўзбек адабий тилининг асосчиси деб атай бошлаган баъзи кишилар Ҳам-

<sup>16</sup> Махматмурадов Ш. Язык «Дивана» Хамзы Ҳакимзаде Ниязи. Автореф. дис. канд. филол. наук. Ташкент. 1982. С. 20.

занинг ўзбек совет адабиётини асослаш соҳасидаги хизмати билан ўзбек адабий тили соҳасидаги хизматларини тенг қўйиб баҳоламоқдалар, лекин бу иккала ижтимоий ҳодисанинг (адабиёт ва тилнинг) характери, хизмати ва такомиллашувининг фарқига бормаслик оқибатидир. Чунки адабиёт устқурма категориясига мансуб, шунинг учун ҳам социализм даврида ижтимоий базис, синфлар ўзгариши билан, идеология, сиёсат ва дунёқарашибининг ўзгариши билан боғлиқ равиша янги дунёқарашибининг байроқдори бўлган бадиий адабиёт ҳам албатта тубдан ўзгаради, эски адабиёт ёрнида янги адабиёт юзага келади. Лекин ижтимоий тузумнинг, сиёсатнинг ёки идеологик қараашларнинг ўзгариши тилни, жумладан, адабий тилни бутунлай ёки тубдан ўзгартиришга олиб келмайди. Қолаверса, ҳаётдаги янги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган тилдаги янги ўзгаришлар, ҳатто сифат ўзгаришлари ҳам устқурма категориясига кирувчи ижтимоий ҳодисалар сингари эскини инкор қилиш йўли билан ҳосил бўлмайди, балки эскини тўлдириш ва мукаммаллаштириш йўли билан, аста-секин янги сифатга ўтиш, билан юзага чиқа бошлайди.

Шуларга кўра рус олимлари ҳам, жаҳон олимлари ҳам ҳозирги вақтда ҳеч бир кишини миллий адабий тилнинг асосчиси деб байроқ қилиб кўтараётгандарни йўқ. Масалан, А. М. Горький рус совет адабиётининг, умуман, социалистик реализм адабиётининг асосчиси бўлгани ҳолда ҳозирги рус миллий адабий тилининг асосчиси деб ҳисобланмайди. Ёки С. Айний тожик совет адабиётининг асосчиси деб ҳисоблангани ҳолда, ҳозирги тожик миллий адабий тилининг асосчиси деб ҳисобланмайди ва ҳоказо.

Демак, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ўзбек миллий адабий тилини ривожлантириш соҳасидаги ҳамма хизматларини тўлиқ тан олганимиз ҳолда, уни ҳозирги ўзбек миллий адабий тилининг асосчиси деб аташимиз илмий ҳақиқатга тўғри келмайди. Бу ерда Ҳамзанинг ҳозирги ўзбек миллий адабий тилини ривожлантириш соҳасидаги хизматлари ва бу соҳага қўшган катта ҳиссаси ҳақида ҳар қанча гапирса арзиди (Абдулла Қодирий, Ойбек,Faфур Гулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир ва бошқа атоқли сўз санъаткорларининг ҳам ҳар бирининг ҳозирги адабий тил тараққиётида ўзига хос улушки ва ҳиссаси бор). Шунга кўра, Ҳамзани эски ўзбек адабий тили билан ҳозирги ўзбек миллий адабий тилини боғловчи ўзига хос кўп-

рик деб аташ тўғрироқ бўлади. Ҳамзанинг бундай хизматларини синчиклаб ўрганиш эса барча филолог олимларнинг энг муҳим ва энг зарур вазифаларидан биридир.

### «ЎТГАН КУНЛАР» РОМАНИНИНГ ТИЛИ ҲАҚИДА

Атоқли ёзувчи Абдулла Қодирий (Жулқунбой) нинг «Ўтган кунлар» номли тарихий романи китобхонни мафтун қиласиган қимматли асарлардан биридир. Бу асарнинг ўзбек совет адабиётида алоҳида ўрни ва алоҳида қиммати бор<sup>1</sup>. «Ўтган кунлар» романи ўзбек совет прозасининг классик намунаси бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам машҳур совет шарқшунос олими Е. Э. Бертельс «Дунёда бешта, яъни француз, рус, инглиз, немис ва ҳинд романчилиги мактаблари бор эди. Энди олтинчисини, яъни ўзбек романчилик мактабини Абдулла Қодирий яратиб берди»<sup>2</sup>, — деган эди.

Инсонпарварлик, ижтимоий адолат, ростгўйлик, қаҳрамонлик, вафодорлик туйғулари билан, золимларга чексиз нафрат, меҳнаткаш халққа муҳаббат руҳи билан суғорилган бу романда ўзбек халқининг XIX аср ўрталаридағи ҳаётининг тўлиқ бадиий картинаси берилиган. Унда ўзбек савдогарлари илгор қисмининг ҳаёти, орзу-истаклари халқ ҳаёти фонида анча кенг тасвирланган. Романда хон ва феодал беклар ўртасидаги ўзаро бемаъни тарафкашлик урушлари қаттиқ қораланади. Автор қорачопонниклар билан қипчоқлар ўртасидаги ўзаро қирғинларни, Қўйон хонлиги билан Тошкент беклиги ўртасидаги тарафкашлик жангларини тасвирлар экан, бу қирғинлардан фақат фитначи беклар, «дарҳол 15 ёшдан то 70 ёшгacha бўлган қипчоқ эр зотини қиличдан кечиргайлар», тарзидағи фармонлар чиқарган. Мусулмонкул, 'Худоёрхон, Азизбек каби золим хонлар ўз

<sup>1</sup> Абдулла Қодирийнинг ҳаёти ва ижоди, хусусан, «Ўтган кунлар» романи таҳлилига бағишланган кўплаб тадқиқотлар яратилган. Булар орасида Ойбек С. Ҳусайн, И. Султон, М. Қўшжонов, Ҳ. Ёқубов, И. Мирзаев, Э. Каримов, Ф. Насриддинов каби олимларнинг асарлари алоҳида ўрин тутади. Ойбек Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли/Ойбек Мукаммал асарлар тўплами. 14-том. Тошкент. 1979. 113—179-бетлар; Султон И. Абдулла Қодирий/Султон И. Асарлар. 2-том Тошкент. 1972, 333—393-бетлар; Мирзаев И. Абдулла Қодирийнинг ижодий эволюцияси. Тошкент. 1977 ва ҳоказо.

<sup>2</sup> Қодирий Ҳабибулла. Отам ҳақида. Тошкент. 1983. 55-бет.

қора ниятларини амалга ошириш учун фойдаланганликларини кўрсатиб беради. Бу жиҳатдан асарнинг айниқса «Тошкент қамалда», «Тошкент устида қора булутлар», «Азизбек», «Мусулмонқул», «Қирғин» каби боблари характерлидир. Чунки бу бобларда ўзаро қирғинларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳам, уларнинг мамлакат ҳаётини издан чиқариб, халқа етказган зарар-кулфатлари ҳам ҳаққоний тасвирланган.

Асарда эксплуататорлик тузумининг, жумладан, чириган феодализмнинг инсонни шахс эркинлигидан таомомила маҳрум этиб, турли жабру ситамларга мубтало қилишини кўрсатишга, эски урф-одатларнинг яроқсизлигини фош қилишга катта ўрин берилган ва бу масалалар ҳам автор томонидан зўр маҳорат билан тасвирланган. Ёзувчининг усталиги аввало шундаки, у воқеаларни четдан туриб қуруққина баён этиб қўяқолмайди. Аксинча, ўтмишнинг ёрқин картиналарини яратиш орқали китобхонни тасвирланаётган ўша ҳаёт ичига олиб кириб, кишини-киши томонидан эзишга асосланган эксплуататорлик жамиятининг жуда кўп жирканч томонларини ўқувчи кўз ўнгидаги очиқ-оидин гавдалантириб беради.

Тошкентлик Отабек исмли савдогар йигит билан марғилонлик Кумушбиби номли оқила қиз ўртасидаги севги саргузашти роман сюжетининг асосини ташкил қиласди. Бироқ ёзувчи бу севги саргузаштини тўлиқ тасвирлаш билан кифояланиб қолмайди. Шуниси характерлики, автор икки ёшнинг севгисини тасвирлаш фонида (кўп ҳолларда автор ижтимоий ҳаёт тасвирини роман воқеасининг биринчи планига ўтказади), ўша даврнинг ижтимоий характеристикасини бериб, ўша давр халқ ҳаётининг тугал бадиий эпопеясини яратади. Автор Отабекнинг Марғилонга бориб, Кумушбига уйланишини, бу икки ёшнинг бир-бирига бўлган самимий муҳаббатини, уларнинг эски урф-одатлар ва қора ниятли кишилар қаршилигига дуч келиб, руҳан эзилишларини, ҳижрон ўтида ёнишларини, кундошлар ўртасидаги можароларни ва шу каби воқеаларни ўша давр ижтимоий ҳаёти билан, хонлик ва бекликларнинг ўзаро тарафкашлиги натижасида халқ бошига етказилган бешад кулфатлар, сарой фитналари сингари воқеалар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тасвирлайди. Асар гоясини ёзувчи табиий равишда романнинг умумий руҳидан келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам романнаги ҳар бир персонаж ва ҳар бир деталь асар механизмининг органик бир қисмини ташкил қиласди. Уларнинг ҳар бири асар сю-

жети ва архитектоникаси тараққиётида ўз вазифаси ва ўз ўрнига эга.

Романдаги характерларнинг ҳаммаси ҳам пишиқ ва ёрқин ишланган. Шунинг учун ҳам ундағи Отабек, Кумушбиби, Юсуфбек ҳожи, Зайнаб, Ўзбек ойим, Ҳасанали, Офтоб ойим, Мирзакарим қутидор, Ҳомид каби асосий образларгина эмас, Хушрўйбиби, Тўйбека, Ойбодоқ, Жаннат кампир, Саодат, уста Олим, Нусратбек сингари иккинчи даражали персонажлар ҳам китобхон ёдида узоқ сақланади. Автор асардаги образлар характерини усталик билан индивидуаллаштирган. Шунинг учун ҳам образларнинг маънавий қиёфаси, ҳар қайсисининг ҳар хил усулда ҳаракат этиши, хулқатвор ва ташқи кўриши жиҳатидан бир-биридан фарқ қилиши кўзга яққол ташланиб туради.

Романнинг бош қаҳрамони Отабек образида ёзувчи ўша даврнинг прогрессив гояларини мужассамлантирган. Абдулла Қодирий Отабек образи орқали «Россиянинг Шарққа нисбатан ўйнаган прогрессив ролини»<sup>3</sup>, қаҳрамон дунёқарашидаги ўзгаришни кўрсатишга алоҳида аҳамият беради. Отабек хонлик тузумини қоралаб «ўруспининг идора тартибини дастуриламал этиш»— руслардан ўрнак олиш керак, деган гояни олға суради. Бу Отабекнинг «Мен ўруспининг идора ишларини кўриб, ўз идорамизни худди бир ўйинчоқ билдим» сингари сўзларидан ҳам очиқ англашилади.

Отабек ўз ватанини севади ва унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан тараққий этишини истайди. Шу нуқтаи назардан у феодал ва беклар ўртасидаги ўзаро тарафкашлик урушларини қоралайди. Отабек ўша даврда ҳукмрон бўлган феодал урф-одатлари билан ҳам келишолмайди. У шахснинг эркин, севгининг озод бўлишини хоҳлади. Шунинг учун ҳам Отабек факат севгилиси Кумушбиби билан биргаликда ўзини баҳтиёр ҳис этади. «Ота-она орзуси» бўлган Зайнаб олдида эса ўзини жонсиз ҳайкалдек сезади ва шу билан ҳам ўзининг кучли иродасини, Кумушбибига бўлган самимий муҳаббатини ва ҳурматини намойиш қиласиди. Ёзувчи Отабек билан Кумуш, Отабек билан Зайнаб, Кумуш билан Зайнаб ўртасидаги муносабатларни тасвирлаш орқали бурч ва ҳиссиятга, севги ва ҳавасга доир чуқур фалсафий холосалар чиқаради.

Отабек ота-онасининг қистови билан Кумушнинг устига кундош қилиб, Зайнабни олишга мажбур бўлади.

<sup>3</sup> Маркс К., Энгельс Ф. Собрание сочинений. Т. XXI. С. 211.

Бироқ кундошлик туфайли севишган оиланинг тутувлиги бузилади. Кумушни заҳар бериб ўлдирган Зайнаб охир-оқибатда жинни бўлиб, дайдиб юради. Шундай қилиб, Отабек ҳам, Кумуш ҳам, Зайнаб ҳам ўз муроду мақсадларига ета олмайдилар. Адолатсиз ижтимоий тузумнинг айби билан уларнинг ҳаёти фожиали равища тугайди. Шуниси яхшики, асардаги бош қаҳрамонлар ҳаёти бевақт ўлим билан якунланса-да, романда пессимистик руҳ кўринмайди. Зотан, Отабек билан Кумушнинг ўлими — оддий ўлим эмас. Аксинча, ўтмиш ижтимоий тузумини ва феодал урф-одатларини қораловчи ўткир айномадир.

Романдаги иккинчи ва учинчи даражали образлар ҳам ниҳоятда пухта ўйланиб танланган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос бир оламни ташкил этади ва ҳеч қачон бир-бирини тақрорламайди. Аммо бир-бирини тўлдириб, асарда умумий бир бутунликни ҳосил қиласди. Масалан, Юсуфбек ҳожи образида тадбирли, инсонпарвар, адолатпарвар, шу билан бирга, маълум дараҷада келажакни кўра билувчи, ўз халқи ва юртининг тақдиди учун қайғиравчи ва уларнинг манфаатини улуғловчи амалдор, ўз ниятлари пучга чиққанда ҳам тушкунликка берилмаган иродали маслаҳатгўй, меҳрибон ота қиёфаси намоён бўлса, Мусулмонқул ва Азизбек образларида инсонлик қиёфасини бутунлай йўқотган, Ватан ва халқ тақдидини ўйламайдиган, уни ўз шахсий манфаати йўлида поймол қиласиган худбин, золим ва қонхўр беклар қиёфаси фош этилади.

Юсуфбек ҳожи умрининг асосий қисмини «бўлмаганларга бўлишиб» ўтказган тадбирли киши. У аввал Азизбекка ўхшаш амалдорларга умид кўзи билан қарайди. Уларга садоқат билан хизмат қиласди, уларни адолатга ундейди. Лекин улардан яхшилик чиқмагач, алданган, «тақдир киноясига» йўлиққан Юсуфбек ҳожи адолат ўрнатишнинг янги йўлини ахтариб, эски, адолатсиз ҳоким Азизбекнинг ўрнига, янги «адолатли» ҳоким қўйишга ва шу йўл билан юртда адолат ўрнатишга интилади. Бироқ Азизбек ўрнига Нормуҳаммад каби ҳокимларнинг келиши билан ҳам аҳвол ўзгармайди. Ёзувчи бу ўринда адолатли хонлик тарафдори бўлган Юсуфбек каби прогрессив давлат арбобларининг типик образларини яратиш билан бирга, бир ҳоким кетиб иккинчи ҳоким келиши билан халқ ҳаётининг тубдан ўзгармаслигини ҳам кўрсатиб ўтади.

Романдаги «Тахт устига қўндирилган жонли ҳайкал Худоёрхон», халқ қонини сув қилиб ичган Мусулмонқул

за Абисек се расмидида ўз қори интиларни тақи и ошириш учун халқигина эмас, балки бир-бировларини ҳам алдашдан қайтмайдиган, халққа ва ҳатто ўз шерикларига тез-тез хиёнат қилиб турадиган фитначи, амалпараст, золим бек ва хонлар берилган. Масалан, Мусулмонқул ўз куёви ва жияни Худоёрхонга қарши ҳаракат қилишдан ҳам қайтмайди. Бу соҳада у жосуслардан, жаллодлардан, Ҳомидга ўхшаш пасткашлардан кенг фойдаланади. Хон Худоёрхон эса авваллари тоғаси ва қайнотаси Мусулмонқулга қарши ҳаракат қилишдан қўрқади. Лекин пайт келиши билан уни афдариб ташлайди. Азизбек ҳам ана шундай хиёнатчи амалдорлар тоифасидан бўлиб, у вақти келганда халққа ялинибadolat ваъда қиласи ва ўз позициясини «мустаҳкамлаб» олгач, халққа ўринсиз оғир солиқ солади.

Отабек билан Кумушбиби ўртасидаги соғ ва мусаффо севигига ғов бўлишга интилган, инсон бурчи ва қадр-қимматини оёқости қилувчи қора юрак Ҳомид жаҳон адабиётida машҳур бўлган Яго типидаги шахсларнинг умумлашма образидир. У кишилар орасида авваллари «Ҳомид хотинбоз» деб «шуҳратланади». Автор тили билан айтганда, «кишилар Ҳомид орқасидан сўзлашганда унинг отида тақалган лақабини қўшиб айтмасалар. ёлғиз «Ҳомидбой» дейиш ила уни танита олмайдилар» (8-бет)<sup>4</sup>. Лекин Ҳомиднинг хотинбозлиқдаги «шуҳрати» унинг хотин-қизларни ҳурмат қилишида эмас, аксинча, хотин-қизларга шахсий мол сифатида ўз ҳайвоний ҳирсини қондиришдаги бир қурол сифатида қарашида ва уларга нисбатан ҳадсиз зулм ўtkазишидадир. Унинг хотинларини бошқариш «системаси» асосида қўйидаги «фалсафа» ётади: «Қамчинингдан қон томса, юзта хотин орасида ҳам роҳатланиб тириклик қила оласан. Мен бу кунгача икки хотин ўртасида туриб жанжалга тўйганимча йўқ, аммо хотинни учта қилишга ҳам ўйим йўқ эмас» (12-бет). Мана шу одамгарчилик қиёфасини йўқотган Ҳомид Отабек ва Кумушбибиларнинг соғ муҳаббат ва инсоний туйғу асосида қурилган оиласига ҳасад кўзи билан қараб, уларнинг турмушига суиқасд уюштиради. У ўзининг қабиҳ ниятига эришиш учун ҳар қандай пасткашликдан қайтмайди. Аввал қушбеги Ўтаббойга бегуноҳ Отабек, Мирзакарим қутидор ва унинг одамлари устидан «бир ватанпарвар» сифатида арз қиласи. Сўнгра сири фош

<sup>4</sup> Қодирий А. Утган кунлар. Тошкент: F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973 (кейинги мисоллар ҳам асарнинг шу нашридан олинади).

бўлиб, ўзи қазиган чуқурга ўзи йиқиладиган бўлгач, хонга бориб ўзини «бир ғариби бечора» сифатида танитади ва адолатли қушбегини ҳам Отабекларнинг шериги деб чақади. Бу «ҳунари» ҳам иш бермагач, Ҳомид жамиятнинг энг паст қўйқалари—Содик, Мутал, Жаннат кампир каби ўғри ва ялмоғизларни ишга солиб, ўз қора ниятига етмоқчи бўлади. Шунинг учун ҳам ундан ҳамма нафратланади. Ўз хотинлари ҳам ундан жирканадилар ва унга ўлим тилайдилар. Ҳомиднинг ўз хотинлари билан муносабати романда қўйидагича тасвиранади: «Унинг Кўқондан қайтиши иккала хотин учун ҳам улуғ бир фалокат бўлди. Чунки арзимаган бир сабаб билан иккаласи ҳам яхшигина таёқ еб олди. Шунинг учун икки кундош унинг олдига киришдан қўрқиб, яна тўғриси, унинг совуқ афтини кўришдан жирканиб, ҳовлида юрарлар, икки кундош бил иттифоқ унга (Ҳомидга — Ҳ. Д., Б. И.) ўлим сўрарлар: Кўқонда ўлса, ўлигини итлар еса, биз ачинарми эдик, деярлар эди» (64-бет).

Роман меҳнаткаш халқ вакилларига чуқур ҳурмат руҳи билан сугорилган. Бинобарин асардаги меҳнаткаш эрлар образи ҳам, меҳнаткаш хотин-қизлар образи ҳам алоҳида қунт билан тасвиirlаниб, улар романда муҳим ўрин эгаллайдилар. Ҳасанали ва уста Олим каби меҳнаткаш эрлар, Тўйбека, Ойбодоқ сингари чўрилар, Саодат ва унинг онаси сингари меҳнаткаш хотин-қизлар образларининг зўр муҳаббат билан яратилиши фикримизнинг исботи бўла олади.

Романдаги Ҳасанали образи уддабурон, тадбирли, садоқатли, ақлли, меҳнаткаш, соғ виждонли, меҳрибон, умуман, оддий инсонга хос энг яҳши фазилатларни ўзида мужассамлантирган киши образи сифатида китобхон ҳурматига сазовордир. Асардаги уста Олим образи орқали автор ўша вақтдаги гоҳ синиб, гоҳ ўзини ўнглаб тирикчилик ўтказган, қўли гул бўлса ҳам баҳт тоға олмаган, лекин жамият тараққиётига ва ишлаб чиқаришнинг такомиллашувига ҳисса қўшган соғ виждонли ҳунарманд косиблар реал тасвиранган.

Романда хотин-қизлар образлари ҳам ўрин эгаллайди. Автор ўзбек хотин-қизларининг хилма-хил характерларини яратган. Кумушбиби, Ўзбекойим, Офтобойим, Саодат, Ойбодоқ, Тўйбека, Зайнаб, Хушрўйиби каби ўнлаб хотин-қизлар образлари шулар жумласидандир. Кумушбиби вафодорлик, гўзаллик ва самимиyлик тимсоли бўлса, Хушрўйиби ичи қоралик ва шумликнинг, баттоллик ва ёмонликнинг, беҳаёлик ва урушқоқлик-

нинг, ўжарлик ва худбинликнинг тимсолидир. Хушрўйбиби ўз типиклиги ва оригиналлиги жиҳатидан жаҳон адабиётида машҳур бўлишга моликдир. У ота-она хурматини ҳам, аждодлар анъанасини ҳам ва умуман одамлар орасида одоб тусиға кириб қолган қоидаларни ҳам чақа пулга олмайди. У ҳамма нарсадан ўзини, фақат ўзининг шахсини устун қўяди. У истаса эрга тегади, истаса қундошини боласи билан ҳовлидан кўчага ҳайдайди ва истаса одамни титратган эри Нусратбекни ҳам бир зумда гум қилади. У яхшилик, дўстлик, қариндошлик каби муносабат ва ҳислатларни тан олмайди ва кези келганда уларга тупуришдан ҳам қайтмайди. Бу соҳада унинг ўз «фалсафаси» бор. Бу фалсафани синглиси Зайнабга қўйидагича тушунтиради: «Мен йиғлашни билмайман, кишилар йиғлаганда менинг кулгим қистайди... Душман ўзи нима деган сўз? Мен сенга боя ҳам айтдим: кишининг дунёда дўсти йўқ, магар нафсиға ўзи дўст; кишининг дунёда душмани йўқ, магар нафсиға ўзи душман. Масалан, сен ўзинг: отангга, онангга дўстим деб ишондинг. Аммо улардан нима яхшилик кўрдинг?» (368—369-бетлар).

Хушрўйбиби ўз «яаш системасини» синглиси Зайнабга ҳам ўргатади ва уни ўзи каби бўлишга ундайди. Бироқ одамгарчилик қиёфасини бутунлай йўқотмаган Зайнаб ўз опасининг изидан охиригача бора олмасдан, ора йўлда майиб бўлади. Шундай қилиб, Зайнаб адолатсиз тузумнинг, феодал урф-одатларнинг қурбони бўлади. Биринчи қарашда Зайнаб романдаги ҳамма кўнгилсиз воқеаларнинг, фожиаларнинг сабабчисидек кўринади, Зайнаб Кумушбибини ўлдиради, унинг чақалоги Ёдгорбекни етим қолдириб, Отабекнинг тотув оиласини бузади. Аслида бундай эмас. Зайнаб ашаддий, ёмон ниятли салбий образ эмас, балки Отабек, Кумуш ва Зайнаблар яшаган ўша адолатсиз тузумнинг қурбонидир. Зайнаб қундошлик азобига маълум даражада чидаган, эски урф-одатлар бўйинтуругини улоқтириб ташлай олмаган, яхшилик йўлини топа олмаган, бутунлай ёмонлик йўлини ҳам ҳазм қилиб олмаган баҳтсиз ва бечора жувон. Шунинг учун у китобхонга ҳам ачинарли, ҳам нафратланарли бўлиб қолади.

Жаннат кампир образи ҳам салбий типлар ичida алоҳида ўрин тутади. Айниқса бу образ авторнинг класик адабиётимиздан ва ҳалқ оғзаки ижодидан усталик билан ижобий фойдаланганлигининг далилидир. Жаннат кампир образи Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Ёсумон кампирни эслатади. Жаннат

кампир ҳам ёсумонлик қилиб Кумушга ўзини холис хизмат қилувчи киши сифатида кўрсатади ва уни алдаб, зўр қайғуга солади, бундан ўзи роҳатланиб кулади: «Кумушбиби Жаннат кампир келтирган мактубни ўзининг сўнг томчи кучи билан ўқиб тамом қилди-да, жонсиз бир товуш ила «уятсиз!» деб қичқирди ва ерга йиқилиб ўзидан кетди... йиқилишда қўлидан чиққан қоғоз парчasi шамол билан учиб бориб боши ёнига тушди. Йўлак панасидан мудҳиш башара (Ёсумон—Жаннат кампир—Х. Д., Б. И.) чиқиб, бир-икки қайта унга кулиб қарагач, йўқолди...» (166-бет).

Жаннат кампир ўқувчига Ёсумон кампирни ҳар қанча эслатмасин, барибир у ўзбек реалистик адабиётида оригинал бир тип сифатида ўз ўрнига эга.

Отабекнинг онаси Узбекойим образи ҳам ўзига хос мураккаб бир характерни ташкил этади. У меҳрибон, содда она, унча-мунчани ҳисоб қилмайдиган бойвучча, эри Юсуфбек ҳожини ўз айтганига кўндира оловчи ҳоким, ҳам баъзи нозик ҳаракатларининг оқибатини ўйлаб кўрмайдиган калтабин аёл. Шунинг учун ҳам у ўғли Отабекни қаттиқ севишига қарамай, уни ва эри Юсуфбекни ўз иродасига бўйсундиради, оқибатини ўйламасдан, иккинчи келинни—Зайнабни мажбуран олиб беради ва Кумушни кўриб, уни ёқтиргач, Зайнабни бутунлай менсимай қўяди.

Кумушнинг онаси Офтобойим эса мулоҳазали ва муҳокамали аёл бўлса-да, аксарият ҳолда у эрининг кўнглига қараб иш кўради, ўзининг иболилиги, андишалилиги, вазмин табиати билан ажralиб туради.

Хуллас, асаддаги образларнинг ҳаммаси ҳам такрорланмас даражада индивидуаллаштирилган, тўлақонли типлар ҳисобланадилар.

Автор характерлар яратишда психологик таҳлилдан унумли фойдаланади, образнинг ички кечинмаларини тиниқ бўёқларда аниқ қилиб очиб беради. Буни айниқса асарнинг бош қаҳрамонлари Отабек ва Кумуш образларида очиқ кўриш мумкин. Отабекнинг иккинчи хотин олишга мажбур қилиниши, қайнатаси Мирзакарим қутидор томонидан ноҳақ қувилиши, кундошлар ўртасидаги келишмовчиликлардан руҳан азобланиши, Кумушбибининг ўлими туфайли юз берган картиналар, ёки Кумушбибининг тўй, ҳижрон ва кундошлиқ, ҳомиладорлик давридаги ички кечинмалари тасвири психологик анализнинг намунасидир.

«Ўтган кунлар» романининг ишонтириш қуввати ниҳоятда кучли эканлигини ҳам алоҳида кўрсатиб ўт-

моқ лозим. Абдулла Қодирий асарнинг ишонтириш қувватини, асар реализмини таъминлаш учун турли приёмлардан, тарихий факт ва шахслар образларидан ҳам унумли фойдаланган. Масалан, романда бадиий тўқима образлар билан бир қаторда Худоёрхон, Мусулмон-қул сингари тарихий шахслар образлари ҳам берилган. Абдулла Қодирийнинг ўзи ҳам романнинг З66-бетида «Мен — ёзувчи, «Ўтган кунлар» ҳикояларини отам мархумдан неча қайталаб эшитсан ҳам зерикмас эдим», — дейиш билан романда тарихий фактлардан ҳам фойдаланганилигига ишора қиласди. Лекин ёзувчининг тарихий фактлардан фойдаланганлиги бу асарнинг ва ундаги образларнинг катта бадиий умумлашма характерга эга эканлигини инкор этмайди. Шунинг учун асарнинг ишонтириш қуввати асосан тарихий фактлар ва тарихий шахсларнинг ишлатилишида бўлмасдан, балки романдаги ҳар бир деталнинг, ҳар бир характернинг, ҳар бир хатти-ҳаракатнинг пухта ишлаб чиқилганилигидан ҳамда ўз ўрнида тасвирланганлигидадир. Зотан, ёзувчи Абдулла Қодирий ҳар бир персонажнинг ўз характерига, ўз психикасига хос бўлган шундай қилиқ ва ҳаракатларни ишлатадики, булар шу вазиятга бутунлай мос тушади. Уларни ўқиган киши ушбу персонажларнинг ушбу шароитда бошқача бир хил ҳаракат қилишини хаёлига ҳам келтиролмайди.

Романдаги юқорида кўриб ўтилган жуда катта ижтимоий фикрлар ва жуда кўп проблемалар кучли мантиқ билан берилган. Авторнинг шундай катта масалаларни юқори бадиий дид билан ифодалай олганлиги, романни самимий лиризм билан суфора олганлигига киши беихтиёр қайта-қайта таҳсинлар ўқийди. Романнинг лирик чекинишларга ва қаҳрамонлар руҳий ҳолатларини фақат лирик йўл билан ифодалашга бағишлиланган алоҳида боблари ва саҳифалари ҳам кўп. «Тўй», «Қизлар мажлиси», «Унутмайсизми», «Кувланиш», «Унута олмаса нима қилсин», «Наво куйи», «Ҳасан алиниңг ҳийласи», «Кумушнинг сўз ўйини», «Ой куни яқин эди» каби боблар шулар жумласидандир.

Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар» романининг яна бир фазилати шундаки, бу асар бошдан-оёқ миллий колорит билан суфорилган. Буни образларнинг ички ва ташқи қиёфасида ҳам, пейзаж ва сюжет тасвирида ҳам персонажлар нутқида ҳам — ҳамма жойда кўрамиз. Романдаги бу миллий колорит роман реализмини куҷайтириш билан бирга, халқимизнинг этнографиясига,

меҳмон кутиш, қиз узатиш, совчи юбориш, тўй, келин туширишга оид маълумотлар беради.

«Ўтган қунлар» романи сюжети ва композицион қурилиши жиҳатидан ҳам пухта ишланган. Романдаги воқеалар занжири бир-бири билан шундай мустаҳкам боғланганки, асарнинг дастлабки бобини ўқиб чиқсан киши унинг ҳамма бобларини ўқиб чиқмасдан тинчмайди. Чунки уни ўқий борган воқеа давомини ва ечи мини орзиқиб кутади. Шуниси характерлики, автор сюжетнинг, қаҳрамонлар саргузаштининг ялтироқлигига, «қизиқарлигига» берилиб кетмайди. Қаҳрамонлар характерини асар сюжетининг соясида қолдирмайди. Аксинча, сюжет тўқишини характер яратиш билан диалектик бирликда олиб боради ва сюжетни характер яратиш ишига бутунлай бўйсундиради.

«Ўтган қунлар» романи чуқур мантиқли, мазмунли ва чиройли жумлаларга, оригинал ва хилма-хил тасвирий воситаларга бой бўлиб, ўзбек тилининг нақадар бой ва ранг-баранглигини ўзида очиқ ифода этади.

Академик ёзувчи Ойбек «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» асарида ҳаққоний таъкидлаганидек, «Ўтган қунлар» романида ёзувчи (Абдулла Қодирий—Х.Д.Б.И.) тил устида катта маҳорат кўрсатади. Романинг тили ҳақиқатан бой, бўёқли, содда, ифода кучи зўр, оммага англашиларли бир тилдир. Ўзбек адабий тилининг шаклланишида бу асарнинг роли, шубҳасиз, фоят каттадир»<sup>5</sup>.

Дарҳақиқат, «Ўтган қунлар» романини кўздан кечирап эканмиз, Абдулла Қодирийнинг она тилимиз хазинасидан асар воқеасини ифодалаш ва образлар характерини очиш учун танлаб олган сўzlари табиий, уларни ишлатиш усули, ёзувчининг стили эса равонлигига тўла ишонч ҳосил қиласиз. Абдулла Қодирий персонажлар тилини ҳам автор нутқини ҳам моҳирлик билан ишлаган. Тилни индивидуаллаштириш приёмини оригинал тарзда қўллаб, бу соҳада диалектизм ва архаизмлардан, ҳалқ мақол ва ибораларидан, сўз ўйинлари ва фразеологизмлардан баракали фойдаланган. Оригинал ўхшатишлар, янги-янги сифатлашлар, сермазмун мублагалар ва шу сингари хилма-хил тасвирий воситалар билан асар тилини безаган<sup>6</sup>.

<sup>5</sup> Ойбек. Муқаммал асарлар тўплами. Иигирма томлик. XIV том. Тошкент: Фан. 1979. 143-бет.

<sup>6</sup> Бу романнинг тил хўсусиятлари Ф. Насриддинов томонидан маҳсус ўрганилган: Насриддинов Ф. Адабнинг йўли (Абдулла

Абдулла Қодирий тилида айрим грамматик формаларнинг ўзига хос тарзда ишлатилиш ҳоллари ҳам кўринади. Масалан, романда буйруқ феъли иккинчи шахс кўплик формасининг ва ўзбек феъли даражасининг ҳозирги тилимиздагига нисбатан бошқачароқ формада ишлатилиши кўзга ташланади (борингиз, буюргиз, тўхтатмангиз, тинчсизландик, хаёлланиб, кучланиб, жавобланди кабилар). Шунингдек, романда қаратқич ва тушум келишикларининг тез-тез алмаштирилиши ҳам сезилади. Масалан, «Гапни (гапнинг) очилишига кўзи етиб» (130-бет), «дushmanни (нг) ишини битирдим» (259-бет), «Иттифоқни (нг) нима эканини билмаган» (290-бет) ва ҳоказо. Лекин бу ҳолларни роман тилининг камчилиги деб эмас, балки авторнинг ижодий изланиши деб тушунмоқ керак. Чунки, маълум бўлганидек, «Ўтган кунлар» романи ёзилаётган вақтда (20-йилларда) янги ўзбек адабий тили шаклланиш процессини ўз бошидан кечираётган эди. Бу даврда ёзувчи Абдулла Қодирий ҳам эски ўзбек адабий тилини жонли халқ тили асосида қайтадан ишлаб чиқиш соҳасида хизмат қилиб, жонли халқ тилининг айрим формаларини адабий тилга киргизишга интилмоқда эди.

Асарда айрим нуқсонлар ҳам бор. Масалан, унда меҳнаткаш халқнинг хон ва бекларга бўлган муносабатларини, уларга қарши олиб борган курашларини атрофлича тасвирлашга, синфий антагонистик курашни кўрсатишга етарли аҳамият берилмаган. Шунга қарамай, ўтмиш ҳаётнинг жуда кўп томонларини реал таєвирловчи бу романнинг тарбиявий-эстетик аҳамияти катта. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи ўзбек совет адабиёти тарихида биринчи реалистик роман сифатида салмоқли ўринни эгаллайди. Абдулла Қодирий ўзининг ушбу романни билан ўзбек совет прозасида ўзига ўчмас бадиий хайкал қўйди, деб бемалол айтиш мумкин.

### ШОИР АСАРЛАРИНИНГ ТИЛИ ВА СТИЛИ ҲАҚИДА

Ҳамид Олимжон ўзбек совет адабиётининг улғайишига муҳим ҳисса қўшган ва совет адабиётида мустаҳкам ўрин эгаллаган новатор, оригинал шоир бўлиб, улиризм билан сугорилган ўйноқи ва равон мисралари

Қодирий маҳорати). Тошкент. 1971. 58—92-бетлар. Ёш олима Ҳавохон Қаҳҳорова «Абдулла Қодирий фразеологияси» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлади (1985).

билан халқ орасида кенг таисилган севимли санъаткордир. Ҳамид Олимжоннинг бундай даражага эришуви нинг муҳим сабабларидан бири шундаки, у халқ тилининг бойлигини алоҳида сезгирилик ва эҳтиёткорлик билан ўрганди ҳамда ундан ўз асарларида усталик билан фойдаланди. Ҳамид Олимжоннинг тинимсиз ижодий изланишлари, ўз асарларининг тили устида қунт билан ишлаб, халқ тили бойлигидан керакли дурдоналарни танлай олиши — унинг асарларининг тақрорланмас оригинал хусусиятга эга бўлишига олиб келди. Бу эса Ҳамид Олимжоннинг ўзига хос овоз эгаси бўлишини, унинг индивидуал стилини таъминлади.

Маълумки, ҳар бир ёзувчи ва шоирнинг, хусусан ўз овозига ва ўз ўрнига эга бўлган шоирнинг ўзига хос тили бўлади. Санъаткорнинг бундай ўзига хос тили унинг ҳар хил приёмларни, бадиий-тасвирий воситаларни, айниқса, тил материалларини қандай ишлатишида, уларни қандай танлай билишида ва улар орқали ўзи айтмоқчи бўлган фикрни, ўз фоясини ўқувчилар оммагига қай даражада образли, аниқ ва равшан қилиб етказа билишида кўринади.

Масалага шу нуқтаи назардан қараганда ёзувчи ёки шоирнинг тили ва стилини ўрганиш, умуман, уларнинг бадиий маҳоратини ўрганиш билан чирмашиб кетади ва бадиий маҳоратни ўрганишнинг калитини ташкил қиласиди.

Ишнинг мазкур қисмида Ҳ. Олимжоннинг новатор шоир сифатида бадиий тил воситаларидан қандай фойдаланиши, вазн ўлчови, қофиялаштириш маҳорати, тақрорлаш приёмидан, халқ иборалари ва фразеологизмлардан фойдаланиш йўллари каби баъзи масалаларга доир айrim муроҷазалар айтиб ўтилади, холос.

\* \* \*

Ҳамид Олимжон асарларининг тили фоят жозибадор, фоят чиройли, фоят ёқимли тилдир. Уни ўқир эканмиз, у бизни ўзига тортади, ҳаяконлантиради, бадиий завқ беради. Ҳ. Олимжон ўз асарларида турли бадиий приёmlардан моҳирона фойдаланади.

Маълумки, Ҳ. Олимжоннинг «Россия» шеъри (1943) шоирнинг минбарбоп, мазмундор ва лирик асарларидан бўлиб, у шоирни иттифоқ миқёсида танитган ва унинг катта санъаткор эканлигини намойиш қилиб, Ҳамид Олимжонга совет ўқувчиларининг қалбидан ўчмас ҳурмат ва абадий ўрин олиб берган шеърлардан биридир. Бу шеърни шунчалик оммабоп ва шунчалик таъсирли

қылган нарса фақат ундағи күтарики руҳда ифодаланған гоявий мазмунгина әмас (гарчи бу биринчи ўринда тұрса ҳам), балки, шу билан бирга, шоирнинг бу асар тири устида қуңт билан ишлаб, оригинал муболағалар, гүзәл ўхшатишлиар яратылғаның қамда авторнинг күтарики руҳын яраша күтарики ва мазмундор ифодалар топа билғанлигидә ҳамдир. Дарҳақиқат, «Россия» шеърини ўқып әканмиз, биринчи навбатда, авторнинг шеър мазмунига бутунлай мос бўлган, унинг таъсирини кучайтирган оригинал муболағалар ва гүзәл ўхшатишлиар топиб ишлатганига қойил қоламиз. Шоир Ҳамид Олимжон бу шеърни:

*Россия, Россия, азamat ўлка!  
Эй, осмон сингари бепоён Ватан!  
Тўлдирган чогда ҳам жаҳонни нурга  
Қуёш құча олмас сени дафъатан<sup>1</sup>,—*

деган тўлқинлантирувчи ва ҳаяжонлантирувчи мазмундор мисралар билан бошлаган.

Шуниси характерлики, шоир юқоридаги тўрт мисрала да она-Ватан — Россияга мурожаат қиласи, ҳам оригинал муболаға яратиб, унинг таърифини беради, ҳатто бутун оламни ёритувчи қуёш ҳам Россияни дафъатан құча олмаслигини кўрсатиш билан шоир Россиянинг нақадар кенг, улуғвор ва қудратли мамлакат сифатидаги образини юқори даражадаги бадиий йўл билан ифодалайди:

*Узун дарёлар ҳам камар бўлолмас,  
Қўшилиб чулғанса сенинг белингга,  
Дунёда ҳеч бир халқ тўғри келолмас,  
Менинг билишимча, сенинг элингга (I, 288-бет).*

Бу мисраларда ҳам шоир оригинал тасвирий воситалар ишлатиб, узун дарёлар қўшилиб ўралганда ҳам Россиянинг белига камар бўлолмаслигини образли тарзда ифодалайди.

Кўйидаги тўртликда эса автор Россиянинг таърифи ни образли бадиий-тасвирий воситалар ёрдамида оча бориб, ажойиб бадиий ўхшатиши яратади:

*Қаноти толиқмас лочинларинг ҳам,  
Неча бор қўнарлар сенда учганда,*

<sup>1</sup> Ҳамид Олимжон. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн томли. 1-том, Тошкент. 1970. 288-бет (Бундан кейинги қисмларда ҳам шоир асарларидан мисоллар шу нашрдан олинади ва қавс ичидаги асар томи ҳамда саҳифаси кўрсатилади).

*Гўёки бир ёниб яна ўчган шам —  
Сени қучолмайди яшин кўчганда* (I, 288-бет).

Шундай қилиб, Ҳамид Олимжон ўзининг шу шеърида аввал Россиянинг улуғвор образини оригинал муболагалар ва гўзал ўхшатишлар ёрдамида ўқувчи кўз ўнгига тўлиқ гавдалантиргандан кейингина асосий мақсадни айтишга, Россиянинг енгилмаслигини ва қудратли мамлакат эканлигини, унга қарши қўл кўтарган ёвнинг Россиянинг муқаддас қаҳрига тоб беролмасдан, унинг тупроғи остида чиришини айтади. Бу ерда ҳам автор чуқур мазмунни шу мазмунга яраша тил ва бошқа бадиий-тасвирий воситалар ёрдамида бера боришини давом эттиради:

*Мехринг қаршисида муздир офтоб,  
Лекин офтобингда қорлар эрийди,  
Муқаддас қаҳрингга беролмасдан тоб  
Тупроғинг остида фашист чирийди.  
Оғир қурол билан солған овозанг  
Ларзага келтирап арзу самони.  
Сен дарё бўйида олиб борган жанг  
Тамом ўзгартирап обу ҳавони* (I, 289-бет).

Шундан кейин шоир Россияга яна қайта мурожаат қиласиди ва Россиянинг фарзанди сифатида ўзининг Россия учун қурбон бўлишга тайёр эканлигини юқори кўтаринкилик, бадиийлик ҳам самимийлик ва соддалик билан изҳор қиласиди:

*Россия, Россия, менинг Ватаним,  
Мен сенинге ўғлингеман, эмасман меҳмон.  
Сенинг тупроғингда улғайди таним,  
Хозирман сен учун бўлмоққа қурбон* (I, 289-бет).

Ҳ. Олимжоннинг шеърларини гўзал ва ифодали, таъсирчан ва ёқимли қилган нарса — шоирнинг чуқур foявий мазмун ва кўтаринки руҳга яраша бадиий тил воситаларини топа билганлиги ва ўз асарларининг тилини уларнинг дилига (мазмунига) мослаб бера билганлигидир.

\* \* \*

Ҳамид Олимжон ўз асарларининг тилини уларнинг мазмунига мос ҳолда таъсирли ва ифодали қилиб бериш, гўзал бадиий тасвирий воситалар яратиш билан бирга, турли хил бошқа приёмлардан ҳам ўринли фой-

даланади. Ҳамид Олимжоннинг ўз асарларида тез-тез мурожаат қилувчи приёмлардан бири—такрор приёми-дир. Шоир ўз асарларида бу приёмдан умуман унумли фойдаланади. Ҳ. Олимжон такрор приёмига мурожаат қиласр экан, уни усталик билан қўллайди ва ҳар бир такрорнинг ўзини бир-бирига ўхшамайдиган, янгича эшитилиб, янгича жаранглайдиган қилиб яратади.

Мисол учун шоирнинг такрорга энг бой бўлиб, ўзи-нинг турли хил такрорлари билан янада гўзаллашиб эшитилувчи ва оригинал мусиқий куй касб этувчи «Бахтлар водийси» (1932) шеърини олиб қарайлик. Ҳ. Олимжон ўзининг биргина мана шу шеърида бадиий такрорлаш йўли билан асар таъсирини кучайтиришнинг бир неча хил намуналарини берган. Асар:

*Кўм кўк,  
кўм-кўк,  
кўм-кўк...  
Кўклам қуёшидан  
кўкарган қирлар,  
Пўлат яғринларни  
Кўтарган ерлар  
кўм-кўк! — (I, 151-бет)*

деб бошланади.

Кўриниб турибдики, Ҳ. Олимжон биргина шу парчанинг ўзида такрорлашнинг — бадиий тактнинг уч хил намунасини берган. Масалан, шу парчадаги биринчи уч кўм-кўк сўзи бир хilda ритм билан ўсиб бориб такрорланса,

*Кўклам қуёшидан  
кўкарган қирлар,  
Пўлат яғринларни  
Кўтарган ерлар —*

мисралари бошқача тект билан такрорланади, охирги кўм-кўк сўзи эса алоҳида оҳанг билан талаффуз этилиб, ушбу парчани якунловчи хулоса сифатида жаранглайди.

Умуман олганда, шеъринг ҳар бир банди, ҳар бир парчаси ўз мусиқий хулосасига, ўзининг жарангдор хотимасига, шу билан бирга, ҳар бир банд ўз ритм ва интонациясига эга. Бу ритм, бу интонация асар мазмуни билан лирик қаҳрамоннинг тобора кўтарилиб борувчи руҳи ва лирик ҳолати билан боғлиқ ҳолда ривожланади.

Юқоридаги мисраларда кўрингани каби, ўз ғоясини ҳар бандда ҳар хил йўллар билан ифодалаб, шеърнинг ўқилишини жуда оз санъаткорларгагина насиб бўлувчи ўйноқилик ва мусиқийлик билан таъминлай олган. Шоир ўз шеърий симфониясининг ўрталарига келиб ўқувчининг кўз ўнгига мадҳ қилинаётган образни тўлиқ гавдалантирганига ишонч ҳосил қилгач, уни (ўқувчини) тасвирланаётган воқеанинг иштирокчисига айлантириб, асарнинг поэтик руҳини бевосита ҳис қилдиради:

*Эй, Фаргона  
мушикул кунлар боласини  
тишида тишлаб,  
Ювиб,  
тараб,  
севиб,  
ўпиб,  
қучиб,  
опичлаб,  
Эй баҳтларни балоғатга етказган она!* (I, 155-бет).

Кўринадики, шоир ўқувчининг юрагини ўз руҳига мослаштириб, мафтун этади. Унинг ўзи эса ўзи яратган шеърига маҳлиё бўлиб қолмайди, янги бандга янгича ўзига хос ўйноқилик, янгича ритм, янгича интонация ва янгича ритмик погоналар танлади.

Энди бу бандда охирги жарангловчи хулоса биз кўнишиб қолган «Кўм-кўк» тарзида айрим такт сифатида эшитилмайди, балки:

*Эй, баҳтларни балоғатга  
етказган она*

каби уч тактни бирлаштирувчи бир бутун интонацион бирлик сифатида эшитилади.

Лекин бу X. Олимжон шеърнинг шу ерига келиб «Кўм-кўк» тактидан бутунлай воз кечибди, шеърни янги оҳанг билан давом эттирибди, деган сўз эмас. Аксинча, у шеърнинг бошида ўзи танлаган кўм-кўкни янгича ритм билан, такт эътибори билан қулоққа чалиниб, ўсиб борувчи ритм билан эмас, балки уйғунлик билан бир хилда тақрорланувчи ва интонацион бирликни эслатувчи ритм билан тақрорлайди. Шу билан бирга, шоир онда-сонда тақрорланиб якунловчи кўм-кўк сўзини ҳам шеърнинг бошланишидагига нисбатан бошқача тақрор-

ланувчи, яъни банднинг охирида эмас, балки банднинг иккинчи қисмидаги мисралар охирида тақрорланиб, бу мисраларга уларнинг ўзига хос колорит ҳадя қилувчи жарангдор ва ўйғун тект билан ишлатади.

Шундай қилиб, шоир ўзининг бу гўзал шеърий (поэтик) симфониясида маълум тактлар ва интонацион бирликларни ҳам бир хил қилиб, ҳам бошқача қилиб тақрорлайди.

Бизнингча, Ҳ. Олимжоннинг поэтик стилидаги алоҳида бўёқни таъминловчи ўзига хос ранг ва овозлар диалектикаси ҳам ана шундадир.

Шуниси характерлики, шоир бу бадий лавҳада ўз мақсадини, асарнинг асосий ғоясини шеърнинг охирига қадар ўқувчидан атайлаб яширади. У асарнинг энг охирларига келгунча «баҳтлар водийси»ни, меҳнат — шараф ва шон бўлган водийни улуғлаб, унга мадҳ ўқийди, унинг гўзаллигини поэтик маҳоратнинг қудратигина бера оладиган турли йўллар билан мақтайди-ю, фақат асарнинг охирига келгандан кейингина шоир бадий тасвирий воситанинг янги турини қўллаб, кўм-кўк водийга — баҳтлар водийсига қилган мурожаатини — унинг эгаларига, шу водийнинг большевикларига, «ўлқани электрик дарёларига ёш боладек чўмилтироқчи бўлган фидокор, болага тоза куйлаклар кийгизувчи ўртоқ пахтакорларга» усталик билан қаратади, уларни бу водийни кўз қорачиғидай асрашга даъват этади:

Эй, ўлкан  
электрик дарёларига  
Ёши боладек чўмилтироқчи  
бўлган фидокор!  
Эй, болага тоза куйлаклар  
Кийгизувчи ўртоқ пахтакор!  
Кўм-кўк водийларни  
кўз қорасидай  
асра  
Баргларига  
гард ҳам юқтирмай! (I, 156-бет).

Бу ўринда шоирнинг маҳорати шундаки, у асарнинг энг сўнггиға келиб, ўз мурожаат обьектини ўзгартган вақтда ҳам шеърнинг бошида танланган тактлардан, ритмлардан ва интонацион бирликлардан воз кечмайди, балки уни асар мазмуни ва руҳига мослаб яна бир янгича қўринишда давом эттиради.

Шоир маҳоратининг асар сўнггидаги белгиси шундан

иборатки, у биз юқорида банднинг якунловчи хулосаси сифатида кўнишиб қолган *кўм-кўйк* сўзини, аввало бошқа сўз билан, шу банднинг энг асосий сўзи бўлган *асра* сўзи билан алмаштириб, бу сўзга шу банднинг ҳам маъносини, ҳам урғусини юклайди. Лекин *асра* сўзини *кўм-кўйк* сўзининг одатдаги ўрида, яъни банднинг охирида бермайди, балки охирги мисрадан олдин келтиради, охирги мисра эса шоир томонидан моҳирлик билан тўқилади<sup>2</sup>.

Ҳ. Олимжон такрорлаш приёмидан ўзининг бошқа поэтик асарларида ҳам тез-тез фойдаланади, лекин уларнинг ҳар қайсисида такрорлашни ўз асарининг руҳига, услуб кўтаринкилигига, вазн ўлчовига ва ғоясига мос ҳолда турлича формаларда қўллайди. Масалан, шоир ўзининг «Бўл омон» (1941) номли шеърида:

*Бор ўғил, бор жангга боргил,  
Сен йигитлар боши бўл.  
От қўйиб майдонга киргил,  
Мардлар йўлдоши бўл.* (I, 265-бет), —

деб биринчи мисранинг ўзидаёқ шеърдаги асосий урғуни ўз устига олган «бор» сўзини икки марта такрорласа, «Қўлинга қурол ол» (1941) деган бошқа бир шеърида асарнинг асосий урғусини ўзига қабул қилган мисрани, яъни «Қўлинга қурол ол» мисрасини ҳар тўртликдан кейин такрорлайди (I, 256-бет). «Она» балладасида эса онага мадҳ ўқиб, она сўзини атайлаб уч миранинг бошида такрорлайди ва шу билан асарнинг таъсир кучини оширгани сингари, ундаги мусиқийликни ҳам юқори даражада қилиб таъминлайди:

*Она армонлари кетмади увол,  
Она тилаклари бўлмади поймол.  
Она чеккан озор, она қилган зор,  
Ҳақиқир бир дунёда бошлади баҳор.*

Шоир ўзининг баъзи асарларида такрорни *она* сўзи каби биринчи, иккинчи ва учинчи мисраларда эмас, балки биринчи, иккинчи ва тўртинчи мисраларда қайтаради. Бунга «Розимасман» деб бошланувчи шеъри (1937)-нинг биринчи тўртлиги мисол бўла олади:

<sup>2</sup> Яқинда ёш тадқиқотчи С. Мелиев бу шеърни контекстуалистик анализ методи асосида ўрганди. Қаранг: Милиев С. Художественная функция слова в стихотворном контексте (на материале узбекской советской поэзии). Автореф. дисс. канд. филол. наук. Ташкент. 1985, С. 11—14.

*Розимасман бир ёш томса кўзимдан,  
Розимасман сал ранг кетса юзимдан.  
Йўл очсан-у, сал яшаидан адашсан,  
Розимасман унда тамом ўзимдан* (I, 228-бет).

Шоир Ҳамид Олимжон асарларида учровчи такрорлаш приёмининг ўзига хос бир формаси унинг «Тарих кўрганми» (1931) шеърида берилган бўлса, яна бошқа бир формаси «Россия» шеърида берилгандир.

Қисқаси, уста сўз санъаткори бўлган Ҳ. Олимжон ўз асарларида такрорлаш приёмидан уларнинг мазмунига қараб, маҳорат билан фойдаланади ва шу орқали юқори бадиийликни таъминлайди. Бироқ Ҳ. Олимжон асарларида такрорлашнинг ўзига хос яна бир тури борки, шоир унга ўз ижодиётида тез-тез мурожаат қилиб турди. Ҳ. Олимжон ижодига хос бўлган такрорлашнинг бу тури унинг «Ўрик гуллаганда» (1937) шеърида учрайди. Автор ўзининг шу шеърида:

*Деразамнинг олдида бир туп<sup>3</sup>  
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...* (I, 212-бет), —

деб бошланадиган байтни фақат шу шеърнинг энг охирiga келиб яна бир марта лирик тарзда такрорлайди. Бу билан шоир, биринчидан, асарнинг ғоявий мазмунини бўрттириб ифодаласа, иккинчидан, унинг эмоционал қимматини оширишга ҳаракат қиласи, учинчидан, ўқувчини асар руҳига олиб киради. Ҳар учала ўринда ҳам асарнинг таъсир кучи ва бадиий қиммати ютиб чиқади. Шунинг учун бўлса керак, Ҳ. Олимжон ўз асарларида (масалан, «Ўзбекистон», «1924 йилнинг 22 январида Самарқанд» шеърларидаги каби) бу приёмга тез-тез мурожаат қилиб турди.

\* \* \*

Ҳамид Олимжон ўз ижодиётида турли хил бадиий-тасвирий приёмлардан моҳирлик билан фойдаланиш билан бирга у мисраларни қофиялаштиришда ва уларнинг ўлчовини тенглаштиришда ҳам сўз санъаткорларига хос бўлган усталик кўрсатган. У бу соҳада ҳам халқ тили бойлигига, ўзбек тилининг турли хил формаларига мурожаат қилиб, улардан ўринли фойдаланади. Масалан, шоир ўзининг «Ойгул билан Бахтиёр» достонида танлаган вазининг бир хил равон кетиши учун ва мисралар тўлиқ чиқиши учун тилемизнинг турли грамматик

<sup>3</sup> Негадир шоирнинг «Мукаммал асарлари тўплами»да бу шеърнинг биринчи сўзи «Теразамнинг» деб берилган.

формаларидан маҳорат билан фойдаланиб, бир жойда бўйлиб феълининг (равишдошининг) тўлиқ формасини ишлатса, бошқа бир жойда унинг халқ жонли тилига хос бўлган қисқарган формасини қўллади:

*Бахтиёр билан Ойгул*

*Қиз бўйлиб очилган гул* (II том, 106-бет),

байтида биз бу феълининг тўлиқ формасини учратсак,

*Сўйлагувчи деволлар,*

*Бола бўйни қолган чоллар* (II том, 106-бет).

байтида эса қисқарган, лекин ҳамма учун тушунарли бўлган диалектал формани кўрамиз. Шунинг учун ҳам бу ўринда шоир шеър мазмунини тўлиқ сақлаб қолгани ҳолда, асар тилининг равонлиги, вазннинг мусиқийлиги ва ўлчовнинг аниқлигига эришган.

*Бир зўр оташи, бир зўр аланга,*

*Икки қалбга тутишгани рос.*

*Бир севгиким жон берур танга*

*Ҳам Зайнабу Омонларга хос* (II том, 131-бет)

тўртлигида эса, автор иккинчи мисранинг охирида адабий тилдаги рост сўзини атайлаб халқ жонли тилида диэреза (товуш тушиб қолиши) ҳодисасига учраган *ros* формаси билан беради ва шу орқали бу сўзни тўртинчи мисранинг охиридаги хос сўзига тўлиқ қофиялаштиради.

Ҳамид Олимжон ўз асарларида вазн ўлчовини тенглаштириш учун баъзан эски ўзбек адабий тили ва классик адабиётимиз талаффуз нормаларига ҳам муружаат қиласди:

*Зилол сувнинг оинасида*

*Иккисининг акси жонланар.*

Бу ерда шоир ҳозирги адабий тилимиз ва жонли халқ тилидаги *оина* сўзининг эски адабий тилимиздаги *оина* формасини ишлатиш билан шеърнинг мазмунини бузмагани ҳолда, вазн равонлигига эриша олган.

*Наҳот одамизоддан*

*Уни шунча яширансан?*

мисолида ҳам шоир *одамизод* сўзининг *одамизод* формасидан маълум мақсадда ўринли фойдаланган.

*Оҳ, Роксана, бағрингга*

*Нимадир ул босганинг?*

*Не мушкул иш бошингга*

*Яна ёғилди санинг?* (II том, 27-бет.)

тўртлигига шоир иккинчи мисранинг охиридаги *босганинг* сўзига тўлиқ қофия қилиш учун адабий тилимиздаги *сан* сўзининг оғзаки сўзлашув тилидаги *сан* формасидан атайлаб фойдаланади.

*Электрик дарёларига  
Ёш боладек чўмилтмоқчи,—*

деган байтдаги мисралар вазнини тенглаштириш учун эса шоир иккинчи мисра *чўмилтирмоқчи* феълининг қисқарган *чўмилтмоқчи* формасини ишлатиб, шеър вазнини бир бўғинга камайтирган ва биринчи мисрага бир бўғин қўшган (чунки адабий-орфографик жиҳатдан «электрик дарёлари» эмас, «электр дарёлари» дейилса тўғрироқ бўлар эди). Лекин Ҳамид Олимжоннинг усталиги шундаки, у бундай ҳолларда ҳам шеърнинг содда ва равон бўлишини, унинг халққа тушунарли бўлишини таъминлай олади.

Шоир ўз поэтик асарларининг тилини таъсирили қилиб беришда тилдаги икки-уч компонентли (составли) синонимларнинг имкониятидан ҳам кенг фойдаланган.. Масалан, у:

*Тўшаб баҳмал, кимхоб гиламлар,  
Безатаркан кўксини кўклам,—*

деб баҳор тасвирини берар экан, *баҳмал, кимхоб, гилам* каби синоним сўzlардан бир маънонинг турли оттенкаларини очиб беришда усталик билан фойдаланади. Шуниси характерлики, автор синонимлардан тўлиқ қофиялар яратиш ва мисраларнинг вазн ўлчовини (ҳижолар сонини) тўла қилиб беришда фойдаланганидек улардан, хусусан асар мазмунини кучайтириш, асар тилининг таъсирчанлигини ошириш мақсадида ҳам фойдаланади:

*Мулкободда энг қари одам,  
Хеч роҳат кўрмаган битта бечора  
Чоракор, мардикор, етим қул, чўпон...*

Бу парчанинг охирги мисрасидаги беш сўзининг ҳаммаси Мулкободдаги чолнинг аянчли ўтмишини кўрсатувчи синоним сўzlардан дейиш мумкин.

Шоир синоним сўzlарнинг бири орқасидан иккинчиини шу шеърнинг стилига хос руҳ ва оҳанг билан тиза бориб, ўқувчи диққатини шу асар воқеасига мусиқий йўл билан бутунлай жалб қиласди. Синоним сўzlарнинг бундай бирин-кетин ишлатилиши, шеърда ифодаланаётган мазмунни ҳар хил шаклларда ва ҳар хил оттенка-

ларда таъсирли қилиб беришга хизмат қилган.

Шоир кўп ҳолларда бир-бирлари билан маънодош бўлмаган сўзларни ҳам асарнинг умумий руҳига ва контекстнинг талабларига қараб синоним сўзларга айлантириб алоҳида маҳорат кўрсатади, шу йўл билан ҳам асар стилининг бўёқдорлигини, асар мазмуининг тўлалигини таъминлайди:

*Эҳтиёж, машаққат, уқубат ва қон..  
Мана турмуш йўли,  
бари кўргани,  
Барча кечиргани, роҳати, кайфи...*

Бу мисралардаги *машаққат* сўзи билан *уқубат* сўзи, *роҳат* сўзи билан *кайф* сўзи, *кўргани* сўзи билан *кечиргани* сўзи синоним сўзлардан иборат бўлса ҳам, эҳтиёж, қон сўzlарини алоҳида олиб қараган вақтда бир-бирлари билан ва юқоридаги сўзлар билан маънодош сўзлар, синонимлар деб бўлмайди. Ҳамид Олимжоннинг усталиги шунда кўринадики, у юқоридаги сўзларнинг деярли ҳаммасини бир умумий маъно атрофига уюштириб, уларни ушбу ўринда контекстуал синоним сўзларга айлантириб юборган, шу йўл билан ўзи айтмоқчи бўлган фикрнинг ўқувчи қулогига янада мустаҳкамроқ қуилиши, унинг онгига янада аниқроқ бўлиб сингдирилишига муваффақ бўлган.

*Гўзал табиатли Шоҳимардонни,  
Ваҳимга, ўлимга, қоронғуликка,  
Ўргимчак уйига чирмаб ташлаган,—*

парчасида ҳам шоир ўз стилининг таъсирчанлигини ошириш учун сўзлардан фойдаланишда юқоридаги каби принцип асосида иш кўрган.

Шуни ҳам қайд қилиш лозимки, Ҳамид Олимжон стилига хос бўлган бу хусусият ҳам, у севган ва кўп ишлатган такрорлаш приёмининг синонимлардан фойдаланиш йўли билан вужудга келган бўлиб, шоирнинг такрорлаш приёмидан фойдаланиш билан синоним сўзлардан фойдаланиши орасида бевосита боғлиқлик бор. Лекин шоир стилининг айрим хусусиятлари ўртасидаги бу ўхшашлиқ ва умумийликлар уларнинг ҳар бирининг ҳалқ тилига хос бўлган бошқа-бошқа материаллар асосида юзага келганлигини инкор қилмайди. Аксинча, бу хусусиятлардаги ўхшашлиқ ва ранг-барангликлар Ҳамид Олимжон стилига хос бўлган бир умумийликни

ташкил этади ва фақат унинг стилига хос бўлган индивидуалликни таъминлайди.

\* \* \*

Ҳамид Олимжон ўз поэтик асарлари тилининг равон ва мазмундор бўлиши учун, қофияларнинг тўқ ва мисраларнинг тенг бўлиши учун курашар экан, бაъзан турғун бирикмалар — фразеологизмларни ҳам асосий маъносини бузмагани ҳолда шаклан ё кенгайтириб, ёки қисқартириб беради. Фразеологизмларнинг формасини қисман ўзгартириб бериш билан шоир ўз асарлари тилининг равонлиги ва ифодалилигига эришади. Масалан, шоир «Тайёр трактор» шеърида:

*Тракторнинг  
мурватларин  
Кўздан кечирсанг,  
Тўхтаб қолган  
темирларга  
ҳаёт ичирсанг! (I, 128-бет)*

деб ёзар экан, мисралардаги чуқур мазмунни образли қилиб бериш учун адабий тилдаги винт сўзи ўрнида халқ тилидаги ҳозир қўлланиши бироз архаиклашган мурват сўзини<sup>4</sup>, ҳаёт сувини ичирсанг турғун бирикмаси ўрнига ҳаёт ичирсанг формасини ишлатади.

Лекин шоир шу шеърнинг ўзида эскирган мурват сўзини ортиқча такрорлашдан сақланиш учун ҳамда вазн талаби билан ўша сўзниг синоними бўлган винт<sup>5</sup>ни икки ўринда қўллайди:

*Тракторнинг  
ҳар в и н т и н и  
бил,  
эҳтиёт қил!*

*Тракторнинг  
ҳар в и н т и н и  
бир чопар от қил! (I, 132-бет).*

Шоир қўйидаги мисраларда эса халқда машҳур бўлган бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда фразеологизмини асарнинг вазнига мослаштириб, бир оёқ қўйилган гўрга тарзида, шеърда фақат унинг бир компонентидангина фойдаланади:

<sup>4</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луфати. 1-том. 481-бет.

<sup>5</sup> Ўша асар. Ўша том. 178-бет.

*Умр ўткан дейдир, афсус, дейдир чол,  
Афсуски, бир оёқ қўйилган гўрга.*

Мисоллардан кўринадики, Ҳамид Олимжон ўз асарлари тилини ширали ва равон қилиш учун халқ тилидан фойдаланаар экан, халқ тилига эҳтиёткорлик ва ҳурмат билан ёндошади. Айрим ҳолларда эса, у вазн ўлчовини сақлаш ва тўлиқ қофиялар яратиш учун халқ тилининг турли формаларидан ҳамда эски ўзбек адабий тилининг айрим формаларидан ҳам унумли фойдаланади. Баъзи ҳолларда эса турғун фразеологик бирикмаларни ҳам мисралар ўлчовига мослаштириш учун уларнинг мазмунини сақлагани ҳолда, формасини ўзгартириб қўллайди, халқ тили ҳазинасидан фойдаланишда новаторлик кўрсатади.

Ҳамид Олимжоннинг умумхалқ тили имкониятларидан фойдаланишдаги, хусусан, халқ фразеологизмларидан фойдаланиш соҳасидаги новаторлиги, биринчи навбатда, шоирнинг фразеологизмларни ўз асарлари мазмунига яраша қайта ишлаб силлиқлаштиришида ва ихчамлаштиришида кўринади.

Дарҳақиқат, сўз санъаткорларининг адабий тилни тараққий эттирищдаги хизмати ҳам, умуман олганда, уларнинг «янги сўзлар» яратишлари билан белгиланмайди (чунки бундай сўз ижод қилиш, умуман олганда, жуда ҳам кам учрайдиган ҳодисадир), балки, биринчи навбатда, уларнинг халқ тили бойлигидан қандай фойдаланишлари, жонли халқ тили ҳазинасидан олинган сўз ва ибораларни қайта ишлаб, қандай силлиқлаштиришлари билан унинг қандай янги стилистик қирраларини очишлари ва ишга солишлари билан белгиланади. Зотан, сўз усталари, янги бирикмалар яратганда ҳам халқ тилидаги мавжуд лексик қатламларни янгича муносабатга киритадилар; холос.

\* Ҳ. Олимжоннинг поэтик асарлари тилидаги новаторликнинг асосини худди ана шу хусусият ташкил этади. Чунки Ҳ. Олимжон ўз поэтик асарларини яратиш жараённида ҳалқ тилининг чексиз бой имкониятларидан, хусусан, халқ ибораларидан усталик билан фойдаланган ўзбек тилидаги жуда кўп турғун бирикмаларни қайтадан ишлаган, уларнинг айрим компонентларини ўзгартириш орқали маъноларини ё ўзгартирган, ёки кенгайтирган.

Кўпгина ҳолларда эса шоир ўзбек тилидаги мавжуд сўзлардан фойдаланиб, янги турғун бирикмалар ҳам яратадики, бу бирикмалар Ҳ. Олимжоннинг тилимизни

янги-янги ибора ва ифодалар билан бойитишга интилганлигидан далолат беради. Фактларга мурожаат қиляйлик. Шоир «Ўзбекистон» (1929) шеърида:

*Фабрика — улуғ бир қалб...*

*Ҳамма бир оғиз, бир лаб* (I, 99-бет), —

деб ёзади, яъни ҳамма бир оғиз, бир лаб бирикмасини яратади.

Маълумки, жонли ўзбек тилида ҳамма бир оғиз деган турғун бирикма бор бўлса-да, ҳамма бир оғиз, бир лаб деган фразеологик бирикма йўқ эди. Шоир эса халқ тилидаги ҳамма бир оғиз бирикмасига унинг мантиқий-ритмик давомидан иборат бўлган бир лаб иборасини қўшиш билан, бу бирикманинг маъносини кучайтиришга муваффақ бўлган, айни вақтда асар вазнининг тўлиқлигига эришган. Ҳудди шунингдек, шоир «Комсомол келади» шеърида:

*Курашнинг у олов юзлари*

*Дилларда янги соз чалдилар,—*

деб ёзади. Бу мисолда автор жонли халқ тилидаги иссиқ юз бирикмаси ўрнида олов юз бирикмасини ишлатиб, шеърнинг руҳига мос бўлган янги маъно англатувчи янги турғун бирикма яратади, асар тилининг экспрессивлигини кучайтиради. Ҳамид Олимжон «Мустақиллик бизга берилган» шеърида:

*Ҳар моторни*

*асраган,*

*тишида тишлаган,—*

деяр экан, жонли халқ тилидаги авайлаб парвариш қилмоқ маъносида қўлланувчи тишида тишлаб асрамоқ ёки тишининг кавагида асрамоқ тарзидаги турғун бирикмаларга асосланган ҳолда бу бирикманинг янги маъно берувчи янгича вариантини яратадики, бу ҳам новаторликдир. Бу новаторликнинг мақсади эса шеър мазмунини кучайтиришга, вазн ва қофиялар талабини тўлиқ қондиришга интилишдадир.

Шоир, юқорида қайд қилганимиздек, халқ тилидаги фразеологизмларни қайта ишлаш билан бирга, ўзи ҳам юқори савиядаги янги бирикмалар тўқийди. Мисоллар:

*Ҳайда тезроқ,*

*тупроқларнинг боши айлансин.*

Ёки:

*Миясининг милтиғини  
пўстларда ўқлаб.*

Яна:

*Огоҳ,  
сергак,  
ҳушиёр турган  
қаҳрамон аскар.*

Кўринадики, шоир ҳаёт мазмунини беришда шу мазмунни ифодалашга қодир бўлган тупроқларнинг бошини айлантиromoқ, миясинг милтиғини пўстларда ўқламоқ каби образли ва янги турғун бирикмалар яратган.

Умуман олганда, Ҳамид Олимжон асарларида бундай афористик характердаги янги маънони ифодаловчи турғун бирикмалар, ҳикматли сўзлар ва халқ мақоллари савиясига қадар кўтарилган мазмундор жумлалар тез-тез учраб туради.

Ҳамид Олимжон ўз асарлари тили устида қунт билан ишлаб, уни жозибадор қилишда халқ тили имкониятларидан усталик билан фойдаланганлиги сабабли, унинг асарларининг деярли ҳар бир мисраси, ҳар байти ва ҳар бир тўртлигида образли ибораларни, турғун бирикмалар ва афористик фикрларни учратиш мумкин. Бунга қўйидаги тўртликлар ҳам ёрқин мисол бўла олади:

*Хўжум чоги чекилма ҳеч,  
Тулкини шер бўлиб бос.  
Тирноқ билан бағрини йирт,  
Кўлингни дор қилиб ос.*

Ёки:

*Шубҳа оташида ёнар тафаккур,  
Дүнё бир ғамхона, доимо зиндан.  
Йўқдир юракларни ёритгали нур  
Қафасдадир севги, зиндан дадир жон.*

Хулоса қилиб айтганда. Ҳамид Олимжон ўзининг поэтик асарларида турли хил бадиий приёмлардан, тил воситаларидан, хусусан жонли халқ тили имкониятларидан кенг фойдаланган. Шу билан бирга, турғун бирикмалар устида ишлаш, вазн ва қофияларнинг тўлалиги учун курашиб каби машаққатли, лекин шарафли вазифани ўташ соҳасида ҳам зўр муваффақиятларга эришган. Адабий тилимизни жонли халқ тилига яқин-

лаштириш ва уній бойитиш ишига ҳисса қўшди. Шунинг учун ҳам Ҳамид Олимжон асарларининг тили ва услуби поэтик маҳоратни ўрганиш жиҳатидангина эмас, балки шоирнинг ўзбек адабий тилини бойитиш, ўзбек жонли халқ тили хазинасидаги айрим сўз ва ибораларни қайта ишлаб бериш, шоирнинг тилимиз грамматик структурасини силлиқлаштириш ишига қўшган ҳиссасини аниқлаш жиҳатидан ҳам алоҳида ўрганишга арзилидир<sup>6</sup>.

### «ҚЎШЧИНОР ЧИРОҚЛАРИ» РОМАНИНИГ ТИЛИ ВА СТИЛИГА ДОЙР БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Маълумки, ҳар бир бадиий асарда тилнинг аниқ, равон, пишиқ бўлиши сўзларнинг тежаб-тергаб ўз ўрнида ишлатилишини, тилнинг грамматик қоидаларига аниқ риоя қилинишини талаб этади. Чунки бадиий асар тили қанчалик пишиқ, равон, аниқ, равшан бўлса, ёзувчи олға сурган ғоя, фикр китобхонларга шунчалик тез етиб боради. Буни машҳур сўз санъаткори Абдулла Қаҳҳорнинг «Қўшчинор чироқлари» романининг тили ва стили таҳлили мисолида ҳам кўриб ўтиш мумкин<sup>1</sup>.

Абдулла Қаҳҳор улкан сўз устаси. Унинг роман, повесть ҳикоя ва комедиялари халқ иборалари, мақоллар, ўхшатишларга бойлиги билан ажralиб туради, унинг жуда кўп жумлалари халқ иборалари даражасига кўтарилган. Абдулла Қаҳҳор умумхалқ тили элементларидан фойдаланаар экан, уларга бефарқ қарамайди, уларни палапартиш қўлламайди. Балки халқ тили элеменларини маъносига қараф, турли ўринларда у ёки бу характер — образни тўлиқроқ, ёрқинроқ очиб бериш, у ёки бу ғояни бўрттириб кўрсатиш учун бўйсундиради.

<sup>6</sup> Кейинги йилларда Р. Қўнғуров Ҳамид Олимжон асарлари тилини ўрганиш ишига анча ҳисса қўшди. У ҳозирги кунда Ҳамид Олимжон асарлари тиличинг лугатини яратиш устида иш олиб бормоқда. С. Бобоева эса шоир асарлари тилининг лексик-стилистик хусусиятларини ўрганиш бўйича кандидатлик диссертацияси ёзмоқда: Қўнғуров Р. Ҳамид Олимжон асарлари тилини ўрганиш бўйича материаллар//Ўзбек тили грамматик қурилиши ва диалектологияси масалалари. Самарқанд, 1972, 22—41-бетлар; Бобоева С. Улкан адаб поэзиясининг лексик хусусиятлари//Совет мактаби. 1987. № 1. 22—24-бетлар.

<sup>1</sup> Бу романнинг ўзига хос яратилиш тарихи бор. Дастлаб Абдулла Қаҳҳор 1939 йилда «Қўшчинор» роман устида иш бошлаб, уни 1946 йилда якунлаган. Кейинчалик роман қайта ишланни «Қўшчинор чироқлари» номи билан 1951 йилда нашр этилган. Шарифиддинов О. «Қўшчинор» романнинг яратилиши//Ўзбек тили ва адабиёти. 1987. З-сон. 65-69-бетлар; 4-сон. 13—19-бетлар.

А. Қаҳҳор ўз қаҳрамонларини ўзларига ҳос тилда гапиртиради. Масалан, автор Зуннунхўжа ва унинг хотинини гапиртирас экан, улар тилидан ғалчани иззат қилсанг, чориғи билан тўрга чиқади (3-бет), Қазисан, қартасан, ахири аслингга тортасан (4-бет), Итга берсанг ошингни, итлар ғажир бошингни (4-бет) каби реакцион маънодаги мақолларни ишлатадики, булар Зуннунхўжа ва унинг кампири характерини тўлароқ очиб беришга хизмат қиласди<sup>2</sup>.

Шунга ўхшаш, ижобий қаҳрамонларни гапиртирганда ҳам автор уларнинг ҳам ўз характерига мос мақолларни ишлатади. Масалан: Айрилганни бўри ер (Сидиқжон сўзи), Элдан қолгунча, эрдан қолган яхшироқ (Хадича хола сўзи), Бетга айтганнинг заҳри йўқ (Болтабой сўзи), Кўндан қуён қутилмайди (Рўзимат сўзи) ва хоказо.

Шуниси муҳимки, А. Қаҳҳор ҳалқ мақолларини айнан, ўзгаришсиз бериш билан бирга, баъзан бу мақолларни персонажлар сўзи билан боғлаб, ўзgartирилган формада ҳам беради. Бу эса персонажлар томонидан айтилаётган гапнинг ҳаққонийлиги, табиийлиги тўғрисидаги шубҳага заррача ҳам ўрин қолдирмайди, ўқувчида унга бўлган ишончни кучайтиришга хизмат қиласди, шу билан бирга, ёзувчининг ҳалқ тили элементларидан моҳирона фойдаланиши, уларни қайта ишлаб, адабий тилни бойитиш соҳасида қилган хизматларини ҳам кўрсатади: Тайёр ишга баковул бўламан десанг, ҳамманинг кўзига хунук кўринасан (Хадича хола сўзи), Кўнглингга келмасин-ку, Бўтабой, ақл ёшида эмас, бошда, деган одам билиб айтган (Қамбарали aka сўзи) ва хоказо.

А. Қаҳҳор ўз романида ҳалқ ибораларини ҳам персонажларнинг характерига мослаб қўллай олган. Шу сабабли, «Қўшчинор чироқлари» романидаги ҳар бир персонажнинг кимлиги, унинг характери, феъл-автори у айтган дастлабки жумладаноқ билинади. Асарнинг ижобий ва салбий қаҳрамонлари нутқидан олинган қўйидаги ҳалқ иборалари фикримизнинг далили бўла олади. Үрмонжон аччиқ устида Сидиқжонни койир экан, тубандаги ҳалқ ибораларини ишлатади: Бой бўлиб болтанг йўқ, гадой бўлиб халтанг йўқ... нега куласан, ўзингдан кулаётисанми?... Агар ўзингдан кулаётган бўлсанг, аввал Зуннунхўжа сандигида ётиб, ақлинг могорлаб

<sup>2</sup> Қаҳҳор. А. Асарлар. Беш жилдлик. 2-жилд. Тошкент: Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1987. 3—246-бетлар. Мисоллар шу нашрдан олинди.

*кетганидан кулгин. Ҳа, нега бақраясан? Ақлинг мөғор босмаганими бу?... Нега сен ўз түпингдан айрилиб қолдин? Айрилганни бўри ер эдди-ку* (8-бет). Бу сўзлардан оғир ҳолга тушиб қолган Сидиқжоннинг аҳволига ачи-ниб, у учун чин юракдан қайфурувчи дўстнинг характеристи рўйи рост кўриниб турибди.

Суяги хушомадгўйлик ва айёрги билан қотган Абдусамад қори эса: *Айтсам тилим қуяди — айтмасан дилим, жон ака* (191, 207-бетлар) каби ялтироқ ибораларни ишлатса ҳам, унинг бундай қалбакилиги китобхонларга шу замониёқ аён бўлиб қолади. Чунки романда тасвиirlанганидек, усти ялтироқ, ичи қалтироқ ибораларни аямасдан ишлатиш Абдусамад қори характеристига мос тушади. Шунинг учун ҳам Ўрмонжоннинг хотини олдида *Қўшичинорни Қўшичинор қилаётган Ўрмонжон бўлса, Ўрмонжонни Ўрмонжон қилган унинг хотини* (115—116-бетлар) деб хулоса чиқарувчи Абдусамад қорининг Ўрмонжоннинг хотини орқасидан унга қарата ҳар хил фисқу фасод тошларини отишидан ўқувчи ажабланмайди; балки буни табиий бир ҳол деб қабул қиласди. Чунки кўзбўямачилик ва иккюзламачилик Абдусамад қори характеристининг қон-қонига сингиб кетган.

Қўйидаги ҳалқ иборалари эса хушчақчा�қ табиатли, очиқ ва тўғри сўзли, меҳнатсевар Сафаров ва Рўзимат каби оддий совет кишиларининг ҳарактерига мос бўлиб тушган: *Мажлисда катта-кичик деган гап бўлмайди, қофияси келганда отангни ҳам аяма — деди Сафаров* (60-бет).

— Гапирсам шуки,— деди Рўзимат кулимсираб.— Бўтабой акамнинг лабига учук тошмаганига ҳайронман. Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр... Бизга бош бўлиб турган одам шунақа деб ўтиrsa, бошқалардан нима деб ўпкалаймиз! (60-бет).

Абдулла Қаҳҳор асарда баъзан афоризм ва ҳалқ иборалари даражасига кўтарилган чуқур мазмунли, ўткир кинояли иборалар тўқийди. Бу ибораларни кўп ҳолларда ҳалқ ибораларидан ажратиш қийиндир. Шунинг учун ҳам романда автор нутқи ҳам, персонажлар нутқи ҳам, ижобий ҳарактерлар ва салбий ҳарактерларнинг ҳам нутқи образли ва ранг-барангдир. Асарда персонажларнинг индивидуал ҳарактерларигина эмас, балки қайси шахс билан муносабатда эканлиги ҳам равshan очила боради. Масалан, Зуннунхўжанинг хотини ўз куёви Сидиқжонга қарата: Энди жир битди-да, битта кўйлак иккита бўлди. Увада, ислиқи тўн, чилвир белбоғнинг хумориси тутгандир (4-бет) дейди.

Абдулла Қаҳдор ўз қаҳрамонларининг характери ва ички ҳолатларини, уларнинг психологиясини беришда тилдан усталик билан фойдаланиши кўзга яққол кўринади. Ҳақиқатан ҳам, «жиғибийрони» чиққан зиқна кампирнинг ҳолатини тасвирлаш учун бундан аниқроқ сўз ва ибора танлаш қийин.

«Қўшчинор чироқлари» романидаги бошқа персонажларнинг (Ўрмонжон, Сидиқжон, Қурбон ота, Рўзимат, Зиёдахон, Сафаров, Аҳмедов кабиларнинг) нутқи ҳам бой ва образлидир. Ўрмонжон «Қўшчинор» колхози эндиғина оёққа босаётган бир вақтда колхозга киришга майл билдирган Сидиқжонга ҳозирча колхозда қийинчиликлар кўй эканлигини киноя билан шундай билдиради: *Бизнинг колхозчилар бунақа этик киядиган бўлгунча, бир-иқки қовун пишиғи ўтади. «Қўшчинор»да иш кўп, ош оз. Сен катта охурдан ем еб ўргангансан, чидай олмайсан* (33—34-бетлар).

Одам дунёга чўчқадай семиришу битдай болалаш учун келмайди (12-бет). Дўстининг бу дағал қинояси сўнгроқ Сидиқжонга ўз ҳаракатининг мантиқий тўғри эканлигини Зуннунхўжа олдида исбот қилиш учун катта ёрдам беради. Зуннунхўжа томонидан ит деб ҳақоратланган Сидиқжон унинг қизи Шарофат билан ажралганлигини шундай кинояли ва образли сўзлар билан билдиради: *Қуллуқ!... Биз ит бўлсак бўйнимиздаги тилла занжирингиз ўзингизга: янгичасига айтганда, мен қизингизни хоҳламайман, эскичасига керак бўлса учталоқ қўйдим!* (14-бет).

Сидиқжоннинг Зуннунхўжа билан бўлган диалогида қўлланилган қўйидаги иборалар ҳам образлилик жиҳатидан юқоридағилардан қолишмайди:

— ...*Биз одам деб юрар эдик, эсимиз йўқ экан-да?*

— *Сизда бор эс ҳеч кимда йўқ. Эшакни яйдоқ миниб бўлмайди,— ииқилади киши. Сизнинг одамсан деганингиз менга тўқим урганингиз.*

Зуннунхўжа ёлғондан қаттиқ кўлди...

— *Ер сизники деганимиз сизга тўқим урганими из бўладими ҳали?*

— *Йўқ, тўқим уриб қўйиб, тўқим сеники десанги из бўлади* (12—13-бетлар).

Кўринадики, мазкур диалогда фикрлар кураши, Сидиқжоннинг ўз ҳақ-ҳуқуқи учун интилиши тўқим урмоқ эркин бирикмасининг ўз ва кўчма маъноларини ёнма-ён келтириш асосига қурилган. Чунки бу турғун бирикма кўчма маънода «бошқа бирор йўл билан ўзига тобе, қа-

рам қилиб олмоқ» маъноларини билдиради<sup>3</sup>. Шу бирикма юқорида келтирилган диалогда уч марта тақрорлаҳади ва ҳар сафар ғояни кучайтириш, бўрттириб ифодалаш учун хизмат қиласиди. Диалог ўртасида Сидиқжоннинг бу гапларига уччалик эътибор бермай ёлғондан қаттиқ кулган Зуннунхўжа энди не машаққат билан илжайшишга ва ниҳоят нима дейишини билмай, бошқа йўлга ўтишга мажбур бўлади.

Энди Зуннунхўжа Сидиқжонни колхозга кириш аҳдидан қайтариш учун, тилини узил-кесил боғлаш учун — *Болангиз бор!* — деган сабаб кўрсатади. Лекин бу ҳам Сидиқжонни ўз аҳдидан қайтара олмайди.

Диалогнинг шундан кейинги қисми жуда ҳам кескин тус олади, Сидиқжонни аҳдидан қайтариб бўлмаслиги га кўзи етган Зуннунхўжа унга бақиришга, уни сенсирашга мажбур бўлади:

- Яна нима керак?...
- Яна нимам бор?
- Кирмайс и з колхозга!
- Кираман!
- Кирмайс а н!
- Кираман!
- Аҳмоқ!

— Аҳмоқ бўлмаганимда шу аҳволга тушармидим! (13-бет). Тоқати тоқ бўлган Зуннунхўжа *Галчани иззат қилсанг, чориги билан тўрга чиқади дейиш билан ўз хизматларини, уй, кийим-бош берганини Сидиқжонга писандга қилмоқчи бўлади. Сидиқжон *ғалча сўзидан яна ўз мақсадини амалга оширишда усталик билан фойдаланади, ғалча бўлмасам, тўпимдан айрилармидим*, дейди.*

Ўткир коллизияга, драматизмга асосланган бу диалог асарнинг бош қаҳрамони Сидиқжон характеристидаги ўсиш-ўзгариш унинг нутқи, у қўллайдиган образли бирималар орқали ҳам ёрқин ифода этилганлигидан гувоҳлик беради. Масалан, ўз ниятига эришган, колхозга кириб фидокорона меҳнат қилаётган Сидиқжон энди ўз ўртоқларига, колхознинг дастлабки қийинчиликлари келажакдаги роҳат учун асос бўлишини қўйидаги халқ мақоли ёрдамида тушуниради: *Турган гапки, йиғлаб-йиғлаб марза олсанг, кулиб-кулиб сугорасан*.

Абдулла Қаҳҳор Сидиқжон нутқи составида бундай мақол ва ибораларни қўллар экан, уларни мантикий жиҳатдан асослашшга интилади, яъни Сидиқжон бу ма-

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-том. М., 1981. 257-бет.

қол ва бирикмаларни дастлаб Үрмонжон, Сатторқул, Курбон ота, Сафаровнинг оғзидан эшитган, уларнинг ҳаётий ҳақиқат эканлигини ўз турмушида синааб кўрган. Жумладан, юқорида келтирилган *йиғлаб-йиғлаб марза олсанг, кулиб-кулиб сугорасан* мақолини Сидикжон дастлаб Курбон отадан эшитган эди:

— Рост, ўғлим! Жуда катта бир нарсадан умиди бўлмаган одам бу хилда меҳнат қилмайди. Яхши, *йиғлаб-йиғлаб марза олсанг, кулиб-кулиб сугорасан* (34-бет).

«Кўшчинор чироқлари» романидаги салбий қаҳрамонларнинг нутқи ҳам уларнинг характерини, феъл-атворини янада тўлиқроқ очиб беришга хизмат қиласди. Буни қўйидаги мисолларда очиқ кўриш мумкин. Кўй терисига ўралган бўри — синфий душман, тили бошқа, дили бошқа бўлган қулоқ Мирҳомиднинг эксплуатацияга асосланган текинхўр хўжалигини тугатиш учун келган колхозчиларга қараб, у (Мирҳомид) шундай дейди: *Шундоқми?... Ҳай-ҳай, кўп яхши, кўп яхши. Бурунгилар «юрганники эмас, буюрганники» дейишган.* Биз елдик, югурдик, уй-жой, рўзгор қилдик; бизга насиб қилмаган экан, буюрганга насиб қилсин. Кўп яхши. Сўзимиз шу... Нима десаларинг, нима қилсаларинг қуллуқ қиламиш. Муштумзўр десаларинг ҳам қуллуқ, ҳайдаймиз, десаларинг ҳам қуллуқ. Биз шу вақтгача ҳукуматдан фақат адолат кўрдик (47-бет). Мирҳомидхўжанинг бу қалбаки таҳсинлари ва ёлғон эҳтироми ишли-дехқон вакилларини ғафлатда қолдириш учун хизмат қилиши асарда яхши очиб берилган.

Маълумки, синфий душманлар Совет ҳукуматига, колхоз тузумига қарши курашда ҳар хил усусларни қўллаган эдилар. Шундай усуслардан бири, Совет ҳукумати вакилларини алдаш, ғафлатда қолдиришга уриниш эди. Демак, романдаги Мирҳомидхўжанинг юқоридаги сўзларида синфий душманнинг типик куаш усусларидан бири ўз аксини топган. Чунки унинг сўзларӣ ўзининг кимлигини ёрқин кўрсатади.

Камбағал ичкуёв Сидикжонга бой, руҳоний Зуннунхўжа томонидан бунчалик эътибор берилишига унинг хотини тушуна олмайди. Шунда Зуннунхўжанинг хотинига қаратса айтган қўйидаги сўзлари Мирҳомидхўжа «фалсафа»сининг давомидан иборат бўлиб чиқади: *Сидикжон безот, Сидикжон гадобачча...* Тўғри, лекин замон шуларники бўлса, нўма дейсан. Булар кеча оёғинегни босган эди, бугун кўкрагингга оёқ босиб турибди. Эртага бўғизингга оёқ қўяди... Жон керакми? Жон ке-

рак бўлса, ўлимга чап берши пайида бўл, замон сенга боқмаса, сен замонга боқ!» (6-бет). Шу «фалсафа»ни маҳкам ушлаб, уни ўз амалий фаолиятига асос қилиб олган Зуннунхўжанинг уйини Сидиқжон ташлаб кетгач, Зуннунхўжанинг Сидиқжон орқасидан келиб Ўйимга ўт қўяман! Ўзимни осаман! Ўғлим, жон ўғлим, мен сизни шу умид билан ўғлим деганимдим? (20-бет),— деб иккиюзламачилик қилишлари, ёлворишлари, ўз синфий рақиби олдида тиз чўкишлари ҳам бежиз эмас.

Асл моҳияти бир бўлган бу икки «фалсафа»нинг фарқи шундаки, Мирҳомидхўжа «бўғзига оёқ қўйилган» вақтда ишчи-дехқон вакилларини ғафлатда қолдириш учун ўз фикрини ёпиқ формада изҳор қиласа, Зуннунхўжа ўзининг асл мақсадини Сидиқжондан яширса ҳам, ўз хотини олдида уни очиқ формада изҳор қиласди.

«Қўшчинор чироқлари» романида персонажлар нутқини индивидуаллаштириш устида автор ниҳоятда қунт билан ишлаганилиги, романда номи тилга олинмаган, ялт этиб бир кўриниб ўтувчи айrim эпизодик персонажларнинг бир-икки луқмаларидан ҳам кўринади. Масалан, асарда диққатни ўзига тортувчи шундай бир эпизодча бор. Колхоз душманларининг думи бўлган Нишонбойнинг халқ орасида колхознинг обрўсини тушириш учун атайлаб берган сохта саволи мажлис иштирокчилари томонидан жуда усталик билан шундай фош қилинади. *Нишонбой, бу саволинг палағда чиқди, бориб Оқилхон тўрадан бошқа савол олиб келгин!* — деди кимдир қичқириб.

Кези келганда шуни ҳам қайд қилиш керакки, романнинг дастлабки нашрида (42-бет) ялт этиб бир кўриниб ўтувчи эпизодик персонаж нутқи составида берилган юқоридаги образли жумла А. Қаҳҳорнинг 1956 йили нашр этилган «Танланган асарлар» З-томида (41-бет), кейинги нашрда (39-бет) асарнинг асосий қаҳрамонларидан бири бўлган Бўтабой тилидан берилган. Биргина шу мисолнинг ўзидан ҳам кўринадики, автор романни «Танланган асарлар»нинг З-томлигига тайёрлаган вақтида, адабий танқидчиликнинг бу асар ҳақидаги фикрларини ҳисобга олиб, уни ижодий равиша қайтадан қараб чиқсан, унинг айrim ўринларига кичик бўлса-да, бошқачароқ тузатиш ва ўзгаришлар киритган. Чунки аввалги нашрда номаълум шахс тилидан айтилган ўткир образли иборанинг Бўтабой тилидан берилиши, бўлажак колхоз раиси Бўтабой образини кучайтиришга, уни ўқувчилар кўз олдида синфий курашларда

чиниқа борган жонли образ қилиб күрсатишга имкон берган<sup>4</sup>.

Романнинг 1951 йилги нашрида йўл қўйилган тилга оид камчилик ва хатоларнинг кўпчилиги, асарнинг янги нашрларида тузатилган. Шунинг учун ҳам «Қўшчинор чироқлари»нинг кейинги нашри аввалгисига нисбатан анча пишиқроқ чиққан.

Автор асарда идиоматик сўзлар, фразеологик бирикмаларни ҳам ўринли, мантиқан тўғри ишлатади<sup>5</sup>. Бу ерда автор тилидаги шундай халқ иборалари, идиоматик сўзлар ва фразеологик бирикмалардан бир нечтасини изоҳсиз мисол келтириш билан чекланамиз.

Унинг тили қисиқ бўлишига сабаб бўлган гуноҳи шундай содир бўлган эди. Бу хусусда отасининг қамчисидан қон томар эди. Бир қамчи йўргаси бормикин деб ҳам қўйди. У айтган катта толлар қулаяпти. Самандаров кун тиф тортганда Ўрмонжон билан хайрлашиб чиқиб кетди.

А. Қаҳҳор у ёки бу образнинг характерини очиб беришда сўз танлар экан, сўзларни маъносига, эмоционал-экспрессив хусусиятига қараб ажратади. Салбий характерларни очиб бериш учун салбий маъноларни ташувчи сўз ва ибораларни атайлаб ажратиб олиб ишлатса, ижобий образларни характерлаш учун эса шу қаҳрамонга нисбатан ўз симпатиясини билдирувчи сўз ва ибораларни қўллайди. Масалан, Сидиқжоннинг қайнанасининг аччиқланганлигини ифодалашда ёзувчи тасвирланаётган характерга нисбатан авторнинг антипатиясини билдиришга хизмат қилувчи сўзларни танлаб ишлатади. Кампирнинг жигибийрони чиқди: омбордан олиб чиққан бир садаф пахтаси билан чиғириғини кўтариб, вайсаганича уйига кириб кетди (4-бет).

Абдулла Қаҳҳор салбий типларнинг характерини очишда ўхшатишдан ҳам ўринли фойдаланади ва оригинал ўхшатишларни кўплаб қўллайди. Бу эса, ўқувчидан шу салбий типларга нисбатан кучли нафрат туйғуси-

<sup>4</sup> Ёзувчи А. Қаҳҳорнинг ўз асарлари тилини қайта ишлаш маҳорати қўйидаги ишларда кенг ёритилган. Қаранг: Қўчқо ртоев И. Бадиий нутқ стилистикаси. Тошкент, 1975. 77—94-бетлар. Кучкартаев Р. Работа А. Қаҳҳара над языком своих произведений. Автореф. дис. канд. филолог. наук. Ташкент, 1980 г.

<sup>5</sup> Ёзувчиларнинг бу соҳадаги маҳорати қўйидаги ишларда кенг таҳлил қилинган: Кучкартаев И. Фразеологическое новаторство А. Қаҳҳара. Автореф. дисс. канд. филол. наук. Т., 1965; Абдуллаева А. Эмоционально-экспрессивная лексика в современном узбекском языке (по роману А. Қаҳҳара «Огни Кошчинара»). Автореф. дисс. канд. филол наук. Самарканд. 1968.

ни алангалатади. Масалан, автор Абдусамад қорининг кулишини ағдарилган шишанинг оғзидан чиққан товушга ўхшатади: *Қори кафтини оғзига қўйиб худди ағдарилган шиша дай қулқиллаб кулади.* Қулоқларнинг думи Нишонбой ва қулоқ Оқилхон тўраларга нисбатан автор қўйидаги ўхшатишларни ишлатади: *Ҳаммадан кейин ҳозиргина онасини эмган бузоқдай лабининг икки бурчи оқариб турган, юзи шишинқираган, заҳил бир йигит худди дон тиқилган товуқдай бир товуши чиқариб, қўлини кўттарди.* *Йўғон киши чалқанча йиқилди ва сўйилган товуқдай питирлаб, суяқ тиқилган итдай хириллай бошлади* (45-бет).

Автор томонидан ижобий образлар характерини очиш учун ишлатилган ўхшатишлар салбий образларга нисбатан ишлатилган ўхшатишлардан тубдан фарқ қиласди. Мисоллар:

*Вужудини қақшатиб турган тиши оғриғи бирдан тўхтагандай Сидикжоннинг кўзин ялт этиб очилиб кетди. Ўрмонжон хўп, ҳам тўлиб-тошиб юрган экан, юрагини роса бўшатди. Сидикжон бошини қуий солиб, ергакириб кетгудаи бўлиб, чурқ этмасдан ўтироди* (9-бет).

Шундай қилиб, автор ўз асарида олға сурган ғояни образли сўзлар ва кучли иборалар орқали акс эттирган. Дарҳақиқат, сўз ва ибораларсиз бадиий нутқ стилида образ ва бадиий приёмлар яратиб бўлмаганидек, яхши образлар ва бадиий приёмларсиз юксак ғояларни ҳам гўзал қилиб бериш мумкин эмас.

Асар тилида ўхшатишлар, эпитетлар, киноялар, муболага ва жонлантириш қанчалик хилма-хил ва ўринли ишлатилган бўлса, унинг стили қанчалик равшан ва индивидуал бўлса, асардан кўзда тутилган мақсад ҳам шунчалик тез рўёбга чиқади, яъни асарда олға сурилган ғоя, шу образ ва бадиий приёмлар воситасида ўқувчиларға тез ва осонлик билан етиб боради. М. Горький ўзининг «Тил тўғрисида» деган мақоласида шундай деган эди: «Тилнинг тозалиги, маъно аниқлиги, ўткирлиги учун кураш — маданият қуроли учун курашдир. Бу қурол қанчалик ўткир бўлса, қанчалик кўпроқ аниқ йўналтирилган бўлса, у шунчалик ғалаба қозонувчан бўлади»<sup>6</sup>.

М. Горький қўйган ана шу талабга, тил аниқлигига тўлиғича жавоб берувчи тил фактлари «Қўшчинор чироқлари» романида, умуман олганда, жуда кўп. Бу эса

<sup>6</sup> Горький М.. О литературе//Советский писатель. 1958. С. 667.

асарда қўлланилган қўйидаги каби ўхшатишлар мисолида ҳам аниқ кўринади. Роман автори гуноҳкор қизнинг ота ҳукмини кутиш ҳолатини қўйидаги таъсири ўхшатиш орқали кўрсатган. «*Қиз кечгача болохонадаги қоронғи қазноқда тешикдан мўралаб, д о р ёғочи остида жаллодинг сиртмоқ солинишини кутган маҳкумдай, тақдирга-тан бериб, отасини кутди*» (6-бет).

Романда ноўрин такрорланган ёки озгина ўзгартиш билан қайта такрорланган ўхшатишлар ҳам борки, буни нормал ҳол деб бўлмайди. Масалан, асарнинг 162-бетидаги, нақд ўлим хавфида қолган мушукдай, ўнг келиши билан ҳамла қилишга тайёр бўлиб чиқди, деган ўхшатишни 181-бетдаги ўлим хавфи остида қолган мушукдай кўзлари чақнаб, тикка унинг юзига чанг соладиган бир важоҳатда ўтирас эди ўхшатишнинг айнан такрори дейиш мумкин. Шунингдек, романда баъзи бир мақолларнинг ҳам такрорланиши кўзга чалинади: «*Ақл ёшида эмас, бошда*» деган одам билиб айтган (61-бет). Ақл ёшида эмас, бошда деган-ку, ахир (224-б.).

Ноўрин такрорлаш ҳолларини Абдулла Қаҳҳорнинг бошқа асарларида ҳам учратамиз. Чунончи, «*Янги ер*» («Шоҳи сўзана») пьесасида Мавлон aka мени занглаган михга ўхшатди деб аразлаб юрса, «*Қўшчинор чироқлари*» романининг персонажларидан бири *Наинки* бутун бошлиқ одамнинг қадр-қиммати битта занглаган михча бўлса, дейди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бизнинг фикримиздан такрорлаш умуман ёмон нарса деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Аксинча, агар автор асар қимматини оширишга хизмат қиласиган ўринли такрорлашларни атайлаб ишлатар экан, бундай такрорлашга автор томонидан атайлаб кўп қўлланилган фойдали бадий приёмларнинг бири сифатида тегишли баҳо берилиши керак. Ўрмонжон томонидан айтилган *Зуннунхўжсанинг сандигида ётиб, ақлинг могорлаб кетганидан кулгин*, деган образли жумла автор тилидан: *Ҳақиқатан, нега қишилоқда бўлиб ўтган ва бўлаётган шиларга кўзини каттароқ очиб қарамабди? Ақлинни могор босгани шудир-да деган формада, Қурбон ота оғзидан эса шу чоқ-қача қайси бурчакда могор босиб ётган эдингиз?* деган шаклда такрорланади. Бу такрорланишлар ўринли. Чунки бу такрорларнинг ҳар учаласи ҳам бир ип билан боғланган бўлиб, булар ўқувчининг диққатини автор томонидан бир марказга жалб этиши учун хизмат қиласиди.

Ёки, занглаган мих иборасининг ўзини олиб қарайлик. А. Қаҳҳор «Янги ер» комедиясида занглаган мих иборасини атайлаб қайта-қайта қўллаш билан яхши иш қилган эди. Чунки бу ўриндаги такрорлашлар Мавлон aka ҳарактерини бўрттириш ва асар юморизмини кучайтириш учун хизмат қилган. Биз юқорида А. Қаҳҳорни «занглаган мих» иборасини ўринсиз такрорлашда айблар-экансиз, уни шу оригинал иборани бир асарда ва бир ўринда қайта-қайта ишлатиб, ҳарактернинг бирор томонини бўрттириб кўрсатгани ва юморизмни кучайтиргани учун эмас, балки бу муваффақиятли иборанинг ўзини бошқа бир асарида, янги бир деталь топиш лозим бўлган жойда ишлатгани учун айблаймиз. Чунки яхши танланган бир бадиий тасвирий воситани икки асарда бир маънода ва бир вазифани бажариш учун ишлатиш бадиий асар тиличи камбағаллаштириш билан бирга, ўша муваффақиятли чиққан иборанинг таъсир кучини ҳам камайтиради.

«Кўшчинор чироқлари» романида ишлатилган мажоз, пейзаж каби тасвирий воситалар ҳақида гапирганда аввало шуни қайд қилиш керакки, автор томонидан бирон нарса ёки ҳарактернинг у ёки бу томонини тўлароқ очиб бериш учун ўхшатиш ва муболағалар атайлаб ишлатилган каби мажоз, жонлантириш ва пейзажлар ҳам шу мақсадда қўлланилган. Асарда ишлатилган қўйидаги кучли ва оригинал мажозлар ўқувчининг ёдидга узоқ вақт сақланиб қолади:

*Худо ургани йўқки, бир ҳовлида туриб, у кўзини сузмаса-ю, бу ипини узмаса... Бу жувон ўлгур кўзини сузган... Ўрмонжон бу нарсаларнинг ҳаммасига бўлажак лаборатория, бўлажак клуб, кутубхона, дам олиш уйи, радио, телефон—умуман янги қишлоқнинг куртаги деб қарап ва бу куртакларнинг япроқ отишига катта аҳамият берар эди.*

«Кўшчинор чироқлари» романида автор жонлантириш приёмидан ҳам фойдаланади. Бу эса қаҳрамоннинг ички кечинмасини очиб бёришда ва уни ўқувчига ифодали қилиб етказишида катта роль ўйнаган. Масалан, романда Сидиқжоннинг бечора онаси совға қилиб келтирган беҳиларни Зуннунхўжанинг оиласидагилар назарга илмайдилар ва уларга қўл ҳам урмайдилар. Бу нарса Сидиқжонга қаттиқ таъсир қиласиди. Автор Сидиқжоннинг бу ҳолатини қўйидаги жонлантириш орқали бўрттириб ва таъсирли қилиб беради: *Сидиқжон уни (онаси-ни) кузатиб қайтиб келганда, ток остидаги эски сўрида сочилиб ётган беҳиларга кўзи тушди. Беҳи унга мунға-*

йиб қараб турғандай туюлди. Сидикжон ҳаммасини иштириб олди-да, айвоннинг токчасига элтиб қўйди. Беҳи бу ерда унга ғарифона назар ташлаб «Мени бу ерга нега ҳам олиб келди, нега ташлаб кетди, мени бу ерда ким ҳам қўлга олар эди» деб турғандай туюлар эди (7-бет).

Абдулла Қаҳҳор, табиат манзаралари — пейзажни чизишга ҳам моҳир. Унинг чизган пейзажлари қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатини, ҳодиса ва воқеаларнинг моҳиятини очиб беришга хизмат қилади, персонажларнинг ички кечинмаларига мослашган бўлади. Масалан, «Москвадан районга колхоз керак эмас деб газет келибди, «Колхоз синибди» — деган мишиш гапдан қаттиқ хафа бўлиб, боши қотган ва кечаси районга бориш учун йўлга чиққан колхоз раиси Бўтабой аканинг руҳий ҳолатига мослаб ёзувчи қуидагича пейзаж чизади: «*Кўр ойдин. Бўтабой бирорнинг кўзига кўриниб яна бирон мишишга сабаб бўлмаслик мақсадида қишлоқни четлаб, тўқайнинг этагидаги сўқмоқдан юрди, лекин бир оз юриб Кўшчинорнинг тепасига келганида бу йўлдан юрганига пушаймон бўлди: тўқай томон ниҳоятда коронғи, ваҳимали — ҳар бир дараҳт, ҳар бир бута остида бирор писиб ётгандай туюлар эди...*» (65-бет).

«Кўшчинор чироқлари» романининг лексикаси рангбаранг, унда ўринли ишлатилган совет-интернационал терминлар, янги маъно ташувчи сўзлар кўп учраши табиий. Чунки Улуғ Ватан урушидан кейинги тинч қурилиш йилларида кун сайин ўсиб борган моддий ва маънавий турмушмиздаги ҳамма ўзгаришларни ва рус тилининг баракали таъсири туфайли, кун сайин ўз луғат составини бойитиб бораётган тилимиздаги неологизмлар ҳар бир ўзбек совет ёзувчисининг асарида озми-кўпми ўз аксини топмай қолмаган эди.

Романда муваффақиятли қўлланган кўпгина совет-интернационал сўзларини учратиш мумкинки, булар, бир томондан, жамият тараққиётининг асан воқеаси бўлиб ўтган даврдаги аҳволини тўғри акс эттиришга ёрдам берса, иккинчи томондан, ўша даврдаги тилимизнинг луғат составида содир бўлган ўзгаришларни ҳаётдаги ўзгаришлар билан боғлаб ўрганиш учун ҳам аҳамиятлидир.

Буни романда айрим сўз ва иборалар маънолари нинг ўзгаририб ишлатилганлиги ҳам тасдиқлайди. Бинобарин, романда, умуман, маъноси ўзгарган ёки персонажлар томонидан маъноси ўзгаририб қўлланилдиган сўз ва иборалар ҳам учрайди.

Бригада, звено, ферма, сельсовет каби сўзлар асардаги персонажлар томонидан бригада бошлиғи, звено бошлиғи, ферма мудири, сельсовет раиси маъноларида қўлланадики, бу лексик бирималар персонажлар нутқини индивидуаллаштиришда катта роль ўйнаган. Чунки бу лексик воситалар колхозчиларнинг жонли сўзлашув тилига хосдир. Шунинг учун ҳам романдаги *Кимсаной бўлганда*, ҳозир бригадир бўлар эди. Канизак звено бўлармиши, Ўрмонжон ака ферма бўлганларидан бери, молларнинг ранг-рўйи кириб қолди каби жумлалар табиий бўлиб чиққан.

Абдулла Қаҳҳорнинг персонажлар нутқини индивидуаллаштириб табелчи сўзини такбирчи формасида ва олиб қочиб сўзини обқочиб шаклида ишлатиши ҳам ўринлидир. Бироқ «Қўшчинор чироқлари» романда адабий тилимиздаги *шундай, ундай, бундай, ўшандай* олмошлари автор нутқида ҳам, персонажлар нутқида ҳам кўпинча қандоқ, шундоқ, мундоқ, ундоқ, ўшандоқ формаларида қўлланади. Мисоллар: *Шундоқ бўлса ҳам Сидиқжоннинг кўкрагига, сўнгра юзига қараб илжайди* (автор нутқидан). *Шундоқ бўлса сизларнинг колхозларингиздаги хотин-қизларнинг тоза шўри қуруғон экан* (97-бет, Зиёдахон нутқидан).

— *Шундоқми? — деди Болтабой, — жуда соз бўлти-да* (100-бет). Бу ерда ёзувчининг ўз тилида ҳам *шундоқ*, персонажлар нутқида ҳам *шундоқ* формасини ишлатиши унчалик маъқул эмас.

Шу билан бир қаторда автор нутқида баъзи бир ёзувчининг услубига хос ишлатилган архаик сўз ва бирималар ҳам кўзга ташланади. Асада автор нутқида қўлланилган истиҳола қилиб, камоли суюнганидан, дилсиёҳлик, калима каби сўзлар шулар жумласига киради. Масалан: *Сидиқжон аравани гижирлатиб ўтиши билан гапга ҳалал бериш, ундан ҳам кўра шунча одамнинг ичидан ўтишдан истиҳола қилиб* (андеша қилиб) нарироқда тўхтади (108-бет)... Канизак ўзи билган бутун рус калималарини (сўзларини) эслаб ва ишлатиб, билмаганинц Новиковадан имо-ишора билан сўраб, танг келганда, ўзбекча калималарини (сўзларини) ҳам қистириб жумла туза бошлади (234-бет).

Улуғ ҳикоянавис А. П. Чехов «майдада ҳикоялар ёзганда, сўзни ортиқча исроф қилгандан кўра, кераклиларини ҳам мумкин қадар озроқ ишлатиш керак», деган эди. Абдулла Қаҳҳор ўзининг деярли ҳамма асарларида, айниқса ҳикояларида Чехов ўгитларини амалда муваффақият билан татбиқ қилганлигини ҳамма билади.

Бу ўринда яна бир мисол келтирамиз. Маълумки, янги турмуш бирикмаси бирор халқ, социал ғруппага хос ҳаёт тарзи, урф-одатлар, расм-таомиллар мажмуи маъносини билдиради<sup>7</sup>. «Қўшчинор чироқлари» романнида бу бирикма эски, коллективлаштиришгача бўлган ҳаёт билан колхоз ҳаётини муқояса қилиши, коллектив хўжалик афзалликларини таъкидлаш мақсадида қайта-қайта қўлланган. Масалан, Зиёдахон Сидиқжонга социалистик ҳаёт туфайли хотин-қизлар онгидга юз берган ўзгаришни, уларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқли эканини таъкидлаш учун «эски турмуш» ва «янги турмуш»ни муқояса қилади:

— Майли, ҳар кимдан ҳам бир хатолик ўтади. Айб сизда ҳам эмас, эски турмушда хотинлар ҳар қанақа эркакдан тортинади... МТСда рус эркаклар, рус хотинлар бор. Шуларнинг юриши-туришини кўриб кишининг бирам ҳаваси келади... Бориб-бориб янги турмушда биз ҳам шунақа бўлармиз (98-бет).

Романда бу бирикманинг маъноси анча кенгайган. Жумладан, Сидиқжоннинг онаси Хадича хола оқлатилган, дарчанинг ўрнига дераза қурилган уйни «янги турмуш уйи» деб тушунади:

— Ҳа, болам... Сатторқул аканг уйини янги турмуш қилди... Янги турмуш уйни ким ҳавас қилмайди...» (18-бет).

Роман сўнгига Ханифа (Қанизак) билан Сидиқжоннинг тўйига тайёргарлик кўраётган Хадича хола билан Анзират хола эса «қўуни-қўшниларни хашарга чақириб яқин ўн беш кунни шитоб билан кўрпа қоплаш, куёвкелин ва лозим бўлган бошқа одамларга сарпо тиктириш, «янги турмуш уйи»ни «янги турмушасига» ясатиш... билан (244-бет) ўтказишиади.

Хулоса қилиб айтганда, «Қўшчинор чироқлари» романнинг тили умуман бой, жозибали ва ранг-барангандир. Унда сўзлар, афоризмлар, халқ мақоллари, фразеологизмлар ўринли ишлатилган. Романдаги қаҳрамонларнинг ҳар бири ўз характеристига мос бўлган индивидуал нутқига эга. Романда воқеа-ҳодисалар ва характеристларнинг ўсиши, ўзгариши, бир-бирлари билан узвий муносабатда, динамик тараққиёт процессида берилган. Бу роман ёзувчининг ўзбек совет романчилиги тараққиётигагина эмас, балки ҳозирги ўзбек адабий тили ривожига ҳам қўшган муносаби улушкидир. «Қўшчинор чироқлари» романни ҳозирги кунда ҳам Абдулла Қаҳҳор-

<sup>7</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-том. 228-бет.

нинг ҳикоялари ва бошқа асарлари сингари халқимизнинг севимли асарига айланиб қолган, ёш ёзувчилар учун эса бадиий маҳоратнинг, тилдан фойдаланишнинг юксак намунаси сифатида хизмат қилиб келмоқда. Буни ёш ёзувчиларнинг ўзлари ҳам алоҳида таъкидламоқдалар. Жумладан, истеъодди ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг фикрича, «Абдулла Қаҳҳор асарлари ҳозирги кун адиллари, хусусан, ҳикоянавислари учун том маънода бир мактаб — миллий мактабдир. Унда биз тилга оладиган барча компонентларни — асар-сюжети, композициясими... деталлаштиришми, тугун ва ечимни дейсизми, хуллас, ҳамма нарсани ўрганса бўлади.

Айниқса, буларнинг ҳаммасини ижро этган қурол — тилни ўрганиш керак...»<sup>8</sup>.

### «МАШЪАЛ» РОМАНИНИГ ТИЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАҚИДА

Ўзбек совет адабиётининг тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган истеъодди ёзувчилардан бири Ҳамид Фуломдир. У ўз ижодини шеъриятдан бошлаган.

Ёзувчи 50-йилларнинг бошида «Машъал» романини яратди. Бу асар икки китобдан иборат бўлиб, унинг биринчи китобини 1954—1957 йилларда ёзган бўлса, иккинчи китобини 1958—1961 йилларда ёзиб тугаллаган. Ёзувчи асарнинг биринчи китоби учун 1959 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг конкурс мукофотига сазовор бўлган. Ёзувчи «Тошкентликлар» романи учун 1974 йилда Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига сазовор бўлди, 1981 йилда унга «Мангулик» романи учун СССР Давлат мукофоти берилди.

Биз қўйида «Машъал»нинг тил хусусиятлари ҳақида мулоҳаза юритмоқчимиз.

Маълумки, бадиий асар тили ёзувчининг ўқувчи билан алоқа қилишида, ўз ғоясини, ўз мақсадини кишиларга, китобхонларга етказиша бирдан-бир, бошқа ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайдиган қуролдир. Бадиий асарнинг тили қанчалик пишиқ ишланган бўлса, асарнинг ғоявий-бадиий қиммати шунчалик юқори бўлади, автор мақсади ўқувчига тўлиқ етиб боради.

Бадиий асар тилининг ранг-баранглиги ва пухталиги бадиий асарда тил ва стилистик воситаларидан ёзувчининг қандай фойдаланганлигига боғлик.

<sup>8</sup> Ёшлиқ. 1987. 3-сон. 69-бет.

Шу нуқтаи назардан Ҳамид Ғуломнинг «Машъал»<sup>2</sup> романининг тили ва стили масаласига ёндашсак, унинг тили, умуман, анча ширали ва образли бўлиб, турли хил тасвирий воситаларга бой эканини кўрамиз. Романда автор нутқи ҳам, персонажлар нутқи ҳам асосан ўзига хос рангдор бўёқ билан берилган. Қаҳрамонларнинг тили индивидуаллаштирилар экан, у кўп ҳолларда персонажларнинг ички ва ташқи қиёфаларига, характеристига ва тушунчасига, уларнинг руҳий ҳолатига, ёшига ва касб-корига мос қилиб ишланади.

Масалан, ёзувчи пантуркизм руҳида тарбияланган миллатчи Зиёдулла бойваччани гапиртирас экан, унинг лексиконига атайлаб туркча сўзларни, ватан, миллат, турон, мусулмонлар истиқболи ҳақидаги дабдабали сафсалаларни қўшади. Ҳатто ўзбекча мақолни ҳам атайлаб усмонли турк тилининг қоидаларига мослаб айттиради:

— Сиз билан биз — Ватан ўғлонларимиз, Исмоил ўғли,— деди Зиёдулла,— бизнинг ҳар қачон Ватан хизматида бўлмоғимиз шоёндир. Мен ҳам, маълумингиз, Бўронбек сингари «оқ падар» бўлдим. Майлига, «Замон сана бохмаса, сан замоная бўх!» — дейдилар (68-бет).

Ботирилининг нутқидан эса камтаринлик, очиқлик, самимийлик, принципиаллик, қатъиятлилик бўртиб туради: Мен инқилобнинг оддий солдатиман, Зиёдулла афанди,— деди у,— қалбаки гапни билмайман. Агар хизмат қилмоқчи бўлсангиз, марҳамат иш берамиз. Агар бошни оғритмоқчи бўлсангиз катта кўча: тўрт томонингиз қиблла... (68-бет).

Ботирили революция душманларига қарши қатъият билан курашади. Масалан, Ботирили мол-мулки мусодара қилиниб, бойлик қўлдан кетгач, аламига чидолмай «бетоб» бўлиб қолган Абдураҳмонбой билан сўзлашганда хотиржам ва дадил ҳаракат қиласди:

— Бой! — деди Ботирили,— Ўзингизга маълумки, бизлар Шўронинг, яъни камбағаллар ҳукуматининг вакилларимиз. Сиз билан биз бир-биримизни яхши била-миз. Биз сизга ташвиқот қилгани келганимиз йўқ. Очиқ гаплашишга келдик. Хўш, гаплашасизми, йўқми?

Бўронбек эса Ботирилининг акси. У номигагина «большевик» бўлиб, зимдан советларга қарши кураша-

<sup>2</sup> Ҳамид Ғулом. Машъал. Тошкент. 1979. (Мисоллар шу нашрдан олинади ва қавс ичидаги асар саҳифаси кўрсатилади).

ди. Буни унинг Мавлон акага совет сиёсатини «тушунтириб» айтган гапларидан уларнинг грамматик қонунқоидалари жиҳатидан ва мантиқан тӯғри чизилганига қарамай, бу гапларнинг тагида сохталик ва сунъийлик яшириниб ётганлигидан ҳам сезиш мумкин:

Мавлон ака,— деди Бўронбек, қўрани тинтиб чиққанидан кейин.— Ўзингизга маълумки, биз хуррият, тенглик замонида яшаётирмиз. Бунинг маъноси шуки, ҳамма тенг бўлиши керак. Деҳқонлар ҳам бир хил яшаши лозим. Бироқ амалда шундай бўлцб чиқмаётир. Мен волость ижроқўмининг раиси бўлганим учун, албатта, меҳнаткашлар менга арз қилишади. Чунончи, камбағалларнинг бир аризасида сизнинг бойиб кетганингиз айтилган. Мана келиб текширишига мажбур бўлдим. Ҳақиқатда уларнинг арзи ўринли бўлиб чиқди. Шу сабабдан мен сизнинг шолингизни олиб, уларга бўлиб бершига мажбурман... Ахир, тенглик замони эмасми? (79—80-бетлар).

Шунингдек, асарда қурумсоқ Абдураҳмонбой тилидан унинг ҳасислиги, фитначилиги сезилиб турса, Раҳим домла тилидан унинг қўрқоқлиги, таъмагирлиги, ўзини дин пешволаридан бири қилиб қўрсашиб юришига қарамай, аслида нафс, пул бандаси эканлиги англашилади. Масалан, Ботирали ўлгандан кейин Раҳим домланинг югуриб-елиши билан кексаларнинг жаназа ўқиши учун рухсат олинади. Шу вақтда Раҳим домла Фани отанинг қўйидан судраб, уни тўдадан четга олиб чиқади-да, сўрайди:

- Ганивой, домла пулини ким тўлайди?
- Мен тўлайман, тақсир, хотиржам бўлинг.
- Баракалло! (195-бет).

Мисолдан кўриниб турибдики, Раҳим домла мусулмончилик қоидасини ўрнига қўйиш учун эмас, балки жаназа пули олиш учун жон куйдирган, демак у «отнинг ўлими — итнинг тўйи» қабилида ҳаракат қилган.

Бундан ташқари, романда ёзувчи Умурзоқ ота, Фани ота, Жўрабой ота, Мавлон ака, Ўтап ака, Эъзозхон, Қумрихон, Лаълихон ва Тозагулларнинг нутқларини ҳам яхши ишлаган ва индивидуаллаштирган.

Автор персонажларнинг нутқини индивидуаллаштиришда диалектизмлардан, рус тили, қозоқ тили, турк тили лексиконларидан, шунингдек, ёш бола тилининг ўзига хос ҳусусиятларидан ҳам яхши фойдаланган. Масалан, туюкаш Умарқул тилидан қозоқ тили элементларининг берилиши, соқчи солдатнинг рус тилида гапиртирилиши, Саид афанди ва Талъат афандиларнинг турк

тилида сўзлашиши, ёш Тўлқиннинг болаларга хос нутқи фикримизнинг далилидир.

Ҳамид Ғулом персонажлар нутқини индивидуаллаштиришда диалектизмлардан, Тошкент шевасига хос бўлган танча (*сандал*), ойи (*она*), ада (*ота*), кеннойи (*янга*), тўп (*пешин*) каби сўзлардан, желашгаң диалект ёки қозоқ тилига оид бўлган сов (*соғ*), қиган (*қилган*), оға (*ака*), саған (*сенга*) сингари сўзлардан ўринли фойдаланган. Чунки булар ёрдамида романдаги нутқида диалектизм элементлари қўшиб берилган персонажларнинг кимлиги, халқимизнинг қайси уруғи ва тоифасига тегишли эканлиги уларнинг нутқидаги шевачилик хусусиятлари орқали очиқ маълум бўлади.

Демак, ёзувчи бу ерда диалектизмлардан ўринли фойдаланиш билан фақат персонажларнинг нутқини индивидуаллаштириб қолмаган. Шу билан бирга, образ ҳақида ўқувчига баъзи бир маълумотлар беришга (билими, саводи, қишлоқ ёки шаҳарлик эканлиги, диндорлиги ҳақида) ҳам муваффақ бўлган.

Шундай қилиб, бадий асарда диалектизмлардан фойдаланишнинг бадий қиммати катта. Бироқ бадий асар тилини диалектизмлар билан ҳаддан ташқари тўлдириб юбориш ҳам ярамайди. Чунки бадий асар ўқувчига адабий тилимиз нормаларини ўргатувчи ва тарғиб қилувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бадий асарда шевачиликка кенг йўл қўйиб берилиши эса, ўқувчининг адабий тилни ўрганиш ишини, унинг нормаларини ўзлаштириб олишни оғирлаштиради, адабий тилни эса етарли ишланмаган диалектал сўзларнинг кўпайишига олиб келади. А. М. Горький адабий тилни диалектизм элементлари билан тўлдириб юборишга қарши гапирганда худди шуни назарда тутган эди.

Шунинг учун ҳам «Машъал» романидаги, хусусан, ёзувчининг айрим ўринларда автор нутқидан ҳам қарашди ўрнига боқишиди (73-бет), тарелка ўрнига талинка (106-бет) каби диалектизмларни ишлатиши ноўриндир. Чунки бу ҳол адабий тил нормасини қисман бўлса-да, бузилишига олиб келади.

Қисқаси диалектизмларнинг персонажлар нутқини индивидуаллаштириш ва адабий тилимизни бойитиш учун ишлатилиши ўринли, аммо унинг меъёрдан чиқариб юборилиши ва автор нутқи составида ҳам ишлатилиши адабий тилимиз учун заарлидир.

Диалектизмларни ишлатишда персонажлар нутқининг гапирилаётган шевага мумкин қадар мос бўлишига алоҳида аҳамият бериш керак. Акс ҳолда, персонаж-

лар нутқи индивидуаллашган эмас, балки бузилган бўлиб чиқиши ҳам мумкин. Шундай ҳолларга «Машъял» романида ҳам оз бўлса-да, йўл қўйилган. Автор романнинг 217-бетсида Умарқул тилидан туяга қаратада овзингдан кўпик соча берма, 261-бетда Адолат тилидан саган не бўлди, болам тобинг қочдими деб ёзади. Бу ерда нутқни шевага тўлиқ мослаштириш учун соча берма сўзини чоча берма тарзида ва қочдими сўзини қошима шаклида бериши лозим эди.

Ҳамид Ғулом «Машъял» романида халқ мақол ва ибораларидан, ўҳшатиш, сифатлаш, муболага ва шу сингари турли хил бадиий тасвирий воситалардан ҳам баракали фойдаланган. Романдаги меҳнат — меҳнатнинг таги роҳат» (72-бет), бузоқнинг югургани сомонхонагача (282-бет), болалик уй бозор (73-бет), бир күн туз ичган ерингга минг кун салом бер (273-бет) каби мақоллар контекст билан, тасвирланаётган воқеалар мантиқи билан боғлиқ ҳолда берилган. Масалан, автор Мавлон аканинг шовқин-суронли бўлса-да, бироқ тотув оиласини ҳавас билан тасвирлар экан, ўз фикрини хуллас болалик уй бозор,— деганлари дик, бу уйда бағ-буғ кўп бўлса ҳам, гийбат йўқ (73-бет) деб образли якунлайди. Шу сатрларнинг ўзидан ҳам авторнинг кўп болали меҳнаткаш халқ оиласига қанчалик меҳр-муҳаббат билан қараганлиги очиқ кўриниб турибди.

Романинг 273-бетида Раззоқ армиядан қайтгач, ўз командирининг насиҳатларини ва берган нон-тузини ҳеч қачон унутмаслигини отасига айтганида яхшиликка яхшилик қайтаришни ўзининг асосий фазилати қилиб олган Умурзоқ бобо ўғли Раззоққа қараб шундай дейди:

— Балли, Раззоқвой!

«Бир кўн туз ичган ерингга минг кун салом бер дейди, улуғлар».

Романинг 147-бетида Ботирали фожиасини атайлаб уюштирган Бўронбекнинг сунъий ҳаракатлари касал тузалгиси келса, табиб ўз оёғи билан келади мақоли воситасида бўртириб берилган. Асарнинг 284-бетида ёзувчи ўз тилидан Комил афанди ҳар галгидай ҳозирги таҳликали соатда ҳам ўз устозига тақлид қилди. Ўз гапни юқоридан «давон чархи»дан бошлиди-ю, «қуши қаноти билан учади, қўйруғи билан қўнади» дегандай дарров ҳовридан тушиб, бу ердан тезроқ қочии режасини тузга бошлиди — деб ёзади. Бу ерда автор нутқида ишлатилган ҳикматли сўз Комилнинг ҳолатини тасвирлаш ва характерини очиш учун анча усталик билан танланган. Чунки Комилнинг автор ушбу ўринда тасвирлаган ҳола-

тини бу афоризмсиз бир қанча сўзлар тизмасини ишлатганда ҳам бунчалик аниқ бериши қийин эди.

Кўриниб турибдики, ёзувчи мақол ва ҳикматли сўзларнинг асл маъноларидан қатъий назар, ўз мақсадига — контекст талабига мувофиқ уни ижобий қаҳрамонлар нутқида ҳам, салбий персонажлар нутқида ҳам, автор нутқида ҳам бирдай муваффақият билан ишлатган. Романдаги гўйиш суюксиз бўлмайди (109-бет), юзларига оёқ қўймоқ (95-бет), сабр, сабрнинг таги мурод» (110-бет), тарвузим қўлтиғимдан тушибди (112-бет), сувдан қуруқ, тегирмондан бутун чиқади (114-бет), бек жаноблари яқиндагини тишлаб, олисдагига тош отаётидилар (109-бет) каби образли сўзлар, фразеологизм ва мақоллар ҳам контекстда ўринли қўлланган.

Ҳамид Гуломнинг асар тилини ишлашдаги яна бир муваффақияти шундаки, у халқ мақол ва ибораларидан, афоризм ва фразеологизмларидан унумли фойдаланиш билан бирга, ўзи ҳам образлар жарактерини, асар ғоясини очишда муҳим роль ўйновчи кўпгина юқори бадиий савияли, мазмундор ибора ва ифодалар тўқийиди: ҳар қадамида бир оғат. Ер ёнаётиди. Осмон ғазабнок (118-бет).

«Машъал» романида қўлланилган кўпгина ўхшатиш, муболага ва сифатлашлар ҳам асарнинг бадиий савиасини оширишга, қаҳрамонлар жарактерини таққослаш ёки сифатлаш ўёли билан ёрқинроқ очишга хизмат қилган. Масалан, келини Лаълихоннинг нотўғри оёқ босишидан хафа бўлган ва бой оиласининг номига доғ туширган кишидан ўч олишга қатъий қасд қилиб, жаҳл оловида ёниб турган Зиёдулла бойваччада Бўронбек номини эшитиш билан содир бўлган кескин ўзгариш қўйидагича тасвирланган: Бўронбек. Шу номни эшитиш билан Зиёдулланинг тарвузи қўлтиғидан тушибди. Ҳозиргина тоғорадан тошиб-ошиб турган ҳамир бирдан совуб, тоғоранинг ярмидан ҳам пастроққа тушиб қолгандаи бўлди.— Демак, Лаъли Бўронбек билан ўйнашиб юрган экан-да? — Зиёдулла қаттиқ бир ижирғанди-ю... аламини ичига ютиб, пичоқни қўнжига сўқди. Кейин қўрани қоплаган зулматга муштини ўқталиб, тилсиз бўшлиқдаги аллакимга дағдаға қилди: Шошмай тур, номард. Бизга ҳам гал келар (123-бет).

Аввал ўч олишга онт ичган Зиёдулла Бўронбек номини эшитгач, бирдан совуган ҳамирга ўхшаб бўшашиб тушса-да, лекин у ўз асабларига бўлган қон кўпирини инерциясини бирданига тўхтата олмайди. Шунинг учун ҳам у қоронги зулматга қараб муштини ўқталади ва шу

йўл билан ўз асабларини бирмунча босиб олади. Бу эса Зиёдулла бойвачча важоҳатининг тил туфайли табий чиққан реал бадиий тасвиридир.

Романдаги Мавлон ака тилида Қамчига қаратса агар меҳнатингни аясанг, келгуси йилда шоли ўрнига похол оласан... Ўзоқнинг кулидан ўтиң қидирган одамга ўхшаб қоласан, иним. (76-бет), деб айтилган жумладаги ўхшатишда ўзоқнинг кулидан ўтиң қидирши биримаси шу қадар кучли чиққанки, унинг таъсир кучи бир неча гапнинг таъсир кучидан ҳам зиёдлик қиласди.

Шуниси характерлики, Ҳамид Ғулом ўхшатишларни ишлатар экан, уларни қаҳрамонларнинг характерига мослаштириш билан бирга, шу ўхшатиш, бадиий тасвирий воситаларни образларнинг ҳаётига, касбиға, тушунчаси ва руҳига яқин бўлган ҳодисалар ёрдамида тўқишига уринади. Масалан: романнинг 118-бетида автор Раҳим домла тилида унинг ҳаёти ва тушунчасига мос бўлган қўйидагича ўхшатишли жумлаларни беради: *Мен шу ўтиришида- ўзимни бамисоли Нуҳ алайҳиссаломнинг тўфон ичида қолган кемалари сезаёттирман. Шу тўфон мени ғарқ эттаётгандай...* Бу ўхшатиш гапирувчи персонажнинг конкрет вақтидаги руҳий ҳолатига мос бўлиш билан бирга, унинг руҳонийлар табақасига тегишли эканини ҳам кўрсатади. Мавлон ака, Ўтаплар тилидан берилган ўхшатишлар уларнинг ерни севувчи ва қадрловчи дәҳқонлар эканлигидан далолат беради.

Бироқ романда муваффақиятсиз чиққан ўхшатишлар ҳам йўқ эмас. Романнинг 62-бетида Эъзозхоннинг анордай юрагида кейинги 3 ҳафта ичида аллақанча ўзгаришлар бўлди, деб ёзилган. Маълумки, юрак одатдан анордан катта бўлмайди. Шунинг учун ҳам унинг кичиклигини анорга ўхшатиб бўрттириш тўғри эмас. Асарнинг 265-бетида автор айрилиқни зулукка ўхшатса бўлади, одамнинг қонини, дармонини сўриб, жуда бўшаштириб қўяди, деб ёзган. Бу ерда айрилиқнинг зулукка ўхшатилиши унчалик муваффақиятли чиқмаган. Айрилиқ билан зулук ҳар хил тушунчадир. Бири жонсиз, мавҳум тушунчадир. Бизнингча, ушбу ўринда автор айрилиқни Эъзозхоннинг тасаввурнида жонлантириб зулукка айлантирганда эди, ажойиб мажозли жонлантириш приёмини ҳосил қилган бўлар эди.

Романда ишонилиши қийин бўлган муболағалар ва муболағали тасвиrlар ҳам учрайди. Ботиалининг озгина вақт ичида ити Лочинни шошириб, қўйиб, қоп-қоп қирғовулларни отиб олиши (111—112-бетлар) ёки асар-

нинг 51-бетида 15 яшар боланинг пудратчи томонидан 10 пудлик (160 кг) тойни кўтаришга мажбур қилиниши (5 пудлик той бўлганда ҳам бошқа гап эди) шулар жумласидандир.

«Машъал» романида қарама-қарши фикрлар, ишонилиши қийин бўлган гаплар, чалкаш жумлалар, ноаниқ ибора ва ифодалар ҳам учрайди. Романнинг 46- ва 47-бетларида Ботиралининг оёғига босмачилар томонидан пичоқ суқиб ярадор қилингани айтилади-ю, бироқ эртасига отряд йўлга тушганда Ботирали соппа-соғ кишилардек отдан тушиб, ўз отини Жўрабой отага беради ва ўзи ҳеч гап бўлмагандек пиёда кетади (52-бет). 61, 62-бетларда эса Ботиралининг яна бир жангда қўлидан ўқ еганлиги, «унинг оқ дока билан боғланган чап қўли бўйнига осиб қўйилганлиги» айтилади-ю, эртасига унинг ариқ бўйида теша билан уячалар ковлаб атире гул ниҳоллари ўтқазиб (63-бет) юрганлиги гапирилади. Демак, ҳар икки мисолда ҳам автор Ботиралининг ярадор бўлишини айтади-ю, лекин бу ҳодисани дарров эсдан чиқаради. Бу эса, ўз навбатида, асарнинг ишонтириш қувватини камайтириб, унинг бадийлигига путур етказган.

286-, 296-бетларда автор Комилнинг режасини ҳамма ёқни остин-устун қилиб юборадиган фавқулодда жиддий режа сифатида тасвирласа, 299-бетда уни *Комилнинг куракда турмайдиган режаси* деб атайдики, бу икки таъриф орасида катта қарама-қаршилик борлиги ҳеч қандай изоҳсиз ҳам осонликча англашилади. Шунингдек, 210-бетда Бурамасоч Умарқулнинг онаси сифатида таърифланган бўлса, 21-бетда у Умарқулнинг хотини бўлган Адолатнинг онаси сифатида кўрсатилади, 120-бетда ҳам ана шундай чалкашликка йўл қўйилади ва Комил тилидан *Бадриддин жанобларининг фикрича...* деб ёзилади. Ҳолбуки, Бадриддин Комилнинг акаси эмас, отаси бўлиб, унинг акаси Азмиддиндир.

Романнинг 21-бетида автор Умарқул сомон ёки ўтинни сотиб бўлгандан кейин Бурамасоч, Адолат ва Тозагулни етаклаб олиб, бозор-ўчар қиласарди, у онасига одми пешонабоғ, хотинига олма гуллик чит куйлак, қизига эса унинг ўзи истаган нарсасини олиб берар эди, деб ёзган. Ёзувчининг ушбу ўринда тил грамматикаси қонунларига эътиборсизлик билан қарагани натижасида мантиқий чалкашлик, яъни Умарқул ҳар сафар юқорида айтилган нарсаларни сотиб олар эди деган маъно келиб чиқкан. Ҳолбуки, Умарқулнинг шундай қилишга қурби етмас эди.

218-бетда дард азобида тўлғонган туя ҳақида гапира туриб, *Умарқулнинг уни арқонлашдан бошқа иложи қолмайди*, деб ёзилган. Ҳолбуки, Умарқул туяни сўйишга мажбур бўлган эди. Шунинг учун ҳам уни арқонлаган эмас, балки қулуқлаган, яъни унинг оёқларини чандиб боғлаган эди. Авторнинг қўтириш, қари туяни йилқи номи билан қирчанғи туя деб аташи (219-бет), тозини ов лайчаси деб юритиши (139-бет), шерози телпакни шерози қалпоқ дейиши (86-бет), *қўлини маҳкам олиб кўришиди* (287-бет) каби сунъий ибораларни қўллаши унинг айрим вақтларда бой тилимиз хазинасидан керакли сўз ва терминларни пухта танлаб олиш ўрнига тўғри келган сўз ва терминларни палапартиш ишлатганини кўрсатади.

«Машъал» романининг айрим бетларида баъзи келишик қўшимчаларининг нотўғри ишлатилиши ёки гап конструкциясининг нотўғри тузилганлиги натижасида жумла мазмунининг бузилиши, чалкашлик ёки бошқача маъноларнинг келиб чиқишига йўл қўйилганини кўриш мумкин. Романинг 226-бетида янги дунё қўришининг ўзи бўлмайди деб ёзилган. Кўриниб турибдики, ўқувчи бундан янги дунё қўришининг ўзи етарли эмас, деган маънени тушунади. Ҳолбуки, автор янги дунё қўриш ўз-ўзидан осонликча бўлмайди, бунинг учун кураш, қийинчиликларни енгиш керак демоқчи эди. Романда *калта пахтали чопон* (181, 198) каби бузук конструкцияли жумлалар борки, бундан «узун пахтали, калта пахтали чопонлар» бўлиши мумкин экан, деган англашмовчилик туғилади. Бу жумладаги *калта* билан *пахтали* сўзларининг ўринларини алмаштириб ёзилганда юқоридаги чалкашлик бўлмас эди. Бундан ташқари, романда «шаҳарда ғалаба қилган революцияни қишлоқда давом эттириш керак бўлади» (168-бет) каби таҳрир талаб жумлалар ҳам бор..

Ўрни келганда шу нарсани ҳам айтиб ўтиш керакки, ўзуви Ҳамид Фуломнинг «Машъал» романининг тилида учровчи юқоридаги сингари камчиликларнинг кўпчилиги танқидчилик томонидан ўз вақтида (60-йилларда) кўрсатиб ўтилган эди. Афсуски, автор ўз романининг тилини қайта ишлашга эътиборсизлик билан қараган. Натижада романнинг шу кунгача эълон қилинган уч нашрида ҳам шу камчиликлар ўша ҳолича тақрорланиб келмоқда. Ҳолбуки, бу камчиликларни тузатиш жуда катта куч ва вақт талаб қилмасди, фақат маълум даражада эътибор зарур эди, холос.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида кўрсатиб ўтилгани

каби камчилик ва нуқсонларидан қатъий назар, «Машъал» романининг тylesи ва стили умуман олганда бой ва ранг-бараңгидир. Хусусан авторнинг «Машъал» романида персонажлар тилини индивидуаллаштиришда диалектизмлардан унумли фойдаланганлиги ва тил материалларини образлар характери ва психикасига мослаб танлай билганлигини ёзувчи Ҳамид Ғуломнинг муваффақиятлари қаторида алоҳида қайд қилиб ўтишга түғри келади. Лекин ҳурматли ёзувчимиз Ҳамид Ғулом ўзининг бадиий тил устида ишлашини давом эттириб, уни мукаммал даражага етказиши лозим.

### «ЎҚИТУВЧИ» РОМАНИНИГ ТИЛИ ВА БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбек совет адабиётининг шаклланиши ва ривожланишида ёзувчи Парда Турсун (1909—1957)нинг ҳам ўзига хос ҳиссаси ва ўз ўрни бор. У ўзининг қарийб 30 йиллик ижоди давомида қирқдан ортиқ ҳикоя ва очерклар, ўндан кўпроқ адабий-танқидий мақола, икки повесть («Ҳақ йўл», «Ўқитувчининг йўли») ва бир роман («Ўқитувчи») яратди<sup>1-2</sup>.

Ёзувчи «Ўқитувчи» романини яратгунга қадар катта ижодий йўлни босиб ўтди. 30-йилларда Парда Турсун «Домла», «Зўрлик», «Очилаётган кўзлар», «Остонада» каби қатор ҳикоялар ёзди, бу асарлар кейинчалик адабининг «Ҳақ йўл» повести учун асос бўлди, повестнинг ўзи эса «Ўқитувчи» романининг таркибий қисмига айланди. Шундай қилиб, Парда Турсун «Ўқитувчи» романнида ўзининг ҳикоя, очерк ва повестларидағи турли-туман образлар галереясини қайта ишлаб, такомилга етказди, бу образларнинг кўпчилигини оддий персонаж, эпизодик образдан тўлақонли тип даражасига кўтарди.

«Ўқитувчи» романи Москвада 1951 йили ўтказилган ўзбек адабиёти ва санъати декадаси олдидан дастлаб рус тилида В. Смирнова таржимасида нашр этилди. Декада пайтида П. Турсуннинг бу романи жуда юқори баҳоланди. Жумладан, танқидчи Лев Никулин «Ўқитувчи» романини Совет Ўзбекистонида янги интеллигенциянинг ташкил топишини кўрсатувчи реалистик санъатнинг етук намунаси, деб атади. Шунингдек, бу романнинг фазилатлари, унинг ўзбек совет прозаси тараққи-

<sup>1-2</sup> Тўраев П., Парда Турсун. Ўзбек совет адабиёти тарихи. Уч томлик, З-том. 1-китоб. Тошкент. 1972. 317—351-бетлар; Икромов О. Ўзбек романларида ижобий қаҳрамон. Самарқанд. 1969. 50—77-бетлар.

ётида тутган ўрни К. Федин, В. Шкловский, К. Зелинский, З. Қедрина, Л. Бать сингари рус совет адиблари томонидан ҳам ҳаққоний кўрсатилган<sup>3</sup>. Шундан сўнг адабий жамоатчиликнинг «Ўқитувчи» романига бўлган қизиқиши яна ҳам ортди. Кўп ўтмай бу роман рус, украин, латиш, эстон, тожик, қирғиз, уйғур ва бошқа тилларга, шунингдек, чет эл халқлари тилларига таржима қилинди.

Роман 1910—1930 йиллар орасидаги ўзбек халқининг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётидаги муҳим ўзгаришлар жаараёнида янги ўзбек совет интеллигенциясининг шаклланиши ва унинг 20-йилларда республикализ ҳаётида ўйнаган муҳим ролини ёритиб беришга бағишиланади.

Романинг бош қаҳрамони совет ўқитувчиси Элмурод Дўсматовдир. Элмурод Октябрь социалистик революциясигача машаққатли ҳаёт мактабини ўтган, совет тузуми туфайли озодликка чиққан, совет мактабларида тарбияланган, халқ учун хизмат қилишга бутун вужуди билан берилган, ватан душманларига қарши шафқатсиз курашувчи, ўз ватанига содиқ янги ўсиб етишган совет интеллигенциясининг типик вакилидир. Элмурод ҳар бир ишда адолат ва ҳақиқат бўлишини истовчи принципиал киши. Шу билан бирга, Элмурод ўзининг совет ўқитувчиси бўлганлиги билан фахрланади. Миллатчи Тўқсонов ўз мансабидан фойдаланиб, колхозлаштириш ишини бузишга ҳаракат қилганида ва бу ишга тўсиқ бўлган Элмуродни вазифасидан четлатмоқчи бўлганида, Элмурод коммунистларга хос принципиаллик билан: *Партия ҳамма вақт халқни ишонтириши билан иши қилди. Сиз бўлсангиз зўрлик билан иши қилмоқчисиз!*<sup>4</sup> дейдики, унинг бу фикрлари ҳозир ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Элмурод ўқитувчилик ва ташқилотчилик фаолиятида Коммунистик партиянинг кўрсатмаларига суюнади. У партиянинг сиёсатини изчиллик билан амалга оширувчи, душманларнинг ҳийла-найрангларига алданмовчи, ҳушёр коммунист. Масалан, домланинг Элмуродни «йўлга солиши» учун «насиҳат қилиб»: *Тили бирнинг дили бир. Сиз билан биз мусулмон эканмиз, жонимиз ҳам, тили-*

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: Оғонёк. 1951. № 4; Октябрь. 1952. № 1; Новый мир. 1951. № 12; Литературная газета. 1951. 24 ноября.

<sup>4</sup> Парда Турсун. Ўқитувчи. Тошкент: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. 470-бет (ишда бундан кейинги мисоллар ҳам романнинг шу нашридан олинади ва қавс ичida асар саҳифаси кўрсатилади).

миз ҳам бир. Ҳа, буни билиб қўйинг, қарға-қарғанинг кўзини чўқимайди (436—437-бетлар), деб тил ва дин бирлиги ниқоби остида синфларга табақаланиши бекитиш ва ўз синфини ҳимоя қилиб, ёш Элмуродни ҳам ўз томонига оғдириб олиш учун уринишига қарши Элмурод: Қандай қилиб сиз билан менинг дилим бир бўлсин! Ҳеч қачон бир бўлолмайди. Аксинча, ўт билан сувдек зид. Мен олдинга қараб юраман, сиз орқага қараб юрасиз... Ҳа, тақсир, биз кўзимизни чўқиб келган қарғаларни энди яхши таниб олганмиз... (437-бет), деб жавоб беради.

Бу мисолдан кўриниб турибдики, автор бир-бирига қарама-қарши бўлган икки хил интеллигенциянинг ўша даврдаги курашини шу икки типик образ орқали бера олган ва келажак ёш совет интеллигенциясининг вакили Элмурод томонида эканини ўқувчига етказа олган. Элмурод образи романда келажакка ишонч кўзи билан қаровчи оптимист қилиб берилган. Масалан, Элмурод қишлоқ кишиларининг онгига ҳам келажакка ишонч руҳини сингдиришга интилади. Ү халққа қараб: *Биз ҳақиқий жаннатни ўз қўлимиз билан яратамиз* (438-бет), деб хитоб қилади.

Элмуроддаги келажакка бўлган бундай ишонч унинг мактабда ўқиб юрган давридаёқ, мактаб тарбияси билан бирга қон-қонига сингиб кетган эди. Масалан, мактабни тамом қилиш вақтида худбин Араббойнинг: *Отабобоси жинчироқ кўрмаган даشي биёбонга юборсанима дейсан?*, деб кибрлик билаң берган саволига Элмурод: *Яхши бўлади. Мен бориб чироқ ёқиб бераман* (251-бет), деб жавоб беради.

Элмуродда ўтмишга бўлган нафрат ҳам унинг болалик вақтларидаёқ уйғонади. Масалан, очлиқдан қийналиб, тиланчилик қилиб юрган ёш Элмурод Ҳазрати ойимнинг ўш боланинг оғзига туфлашини кўриб ундан нафратланади. Бу билан автор ўтмиш урф-одатларига қарши ўз антипатиясини ёш боланинг психологиясини очиш орқали бадиий бўёқларда беришга эришган.

Романда ёш боланинг психологиясини очиб бериш орқали катта сиёсий воқеаларга авторнинг муносабати ҳам тўғри кўрсатилган. Масалан, ёш Элмурод халқ қонини тўкиб урушаётган подшоларни эртакларда эшитган яъжужмаъжужларга ўхшатади. Ёш Элмуроднинг ҳаёт, турмуш ҳақидаги тушунчаси ҳам романда равшан акс этган. Мисол учун дадаси билан шаҳарга кириб келгач, расталарда қатор турган озиқ-овқат ва

меваларни кўриб: *Нима учун тўхтамайди отам, нега бу овқатлардан тўйиб еб олмаймиз. Ахир эгалари «Келинг, еб қолинг, мазза қиласиз, ёқмаса пулингиз чўнтағингизда!*» деб чақиришаётубдилар-ку! (14-бет) дея фикр юритади.

Элмуроднинг болалиги «Ўқитувчи» романида яхши тасвирланганлигига қарамай, автор бу ўринда айрим камчиликларга ҳам йўл қўйган. Масалан, асарнинг 24-бетида Элмурод онасига қараб: *Эсингиздами, буви... бир куни сиз билан сойдан сув олиб келаётган эдик. Олдимиздан, элликбошини турткилаб «тутун пули»ни қистайдиган милтиқли рус кишиси отда ўтиб қолди. Сиз дарров юзингизни тескари ўгирив, ичингизга туфладингиз-да, менга ҳам: «Қарама, тескари қараб тур, кўзинг туиса гуноҳкор бўласан», деб айтдингиз. Энди бўлса, кунига юзта рус билан юзма-юз келиб, ҳатто мана бундай яхшиликларини ҳам кўраётубмиз. Буни қаранг-а, деб таъна қиласиди. Албатта, бу мулоҳазалар тўққиз ёшли Элмуроднинг тушунчасига тўғри келмайди. Бундай тасвир боланинг образини сунъийлаштиради.*

Бундан ташқари, балоғатга етган Элмурод образини яратища ҳам автор бир қанча камчиликларга йўл қўйган. Масалан, Элмуроднинг жамоатчи ва ташкилотчи қилиб берилиши яхши, албатта. Аммо унинг ўқитувчилик фаолиятини равшан акс эттираслик романнинг муҳим камчиликларидан биридир.

Шунга қарамасдан, «Ўқитувчи» романида бош қаҳрамон Элмурод образи асосан муваффақиятли чиққан. Чунки автор Элмуродни ҳаётнинг муҳим воқеалари фонида ўсиш, ривожланиш ва улгайишда бера билган. Элмурод очликдан, қашшоқликдан Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси туфайли қутулади, янги ҳаёт қуришда илғор совет кишиларидан бирига айланади, халқ ташкилотчиси, актив пропагандист даражасига кўтарилади. Биз Элмуроднинг хатти-ҳаракатида ўздаврининг энг муҳим, актуал воқеалари мужассамлашганини кўрамиз.

Романдаги Давронов образи Октябрь революцияси арафасида рус революционерлари билан яқинлашиб ва улардан революцион сабоқ олиб, Ўзбекистондаги авангард кучларга бошчилик қилиш даражасига бориб етган ва ўзи курашган янги маданий ҳаётни қуришда бевосита қатнашган ўзбек революционерларининг типик вакилидир. Шуниси муҳимки, романда Давронов образи динамик тараққиётда берилган: авваллари у кўнка ҳайдовчи бўлиб юрганида руслар билан ҳамкасаба си-

фатида яқинлашади. Сўнгра революцион фаолияти учун Тошкентга сургун қилинган Колесовдан революция илмини ўргана бошлайди. Колесов унга Ҳақиқат осмонда эмас, Шермат, ҳақиқат ерда деб унинг кўзини очади. Колесов таъсирида Давронов депо ишчилари томонидан ўюштирилган маёвкага қатнашади. Полиция маёвка қатнашчиларини қамайди. Давронов ҳам бошқалар қаторида сургун қилинади. У сургунда ўқитувчи рус аёли билан танишиб, саводини чиқаради, марксистик таълимотни ўрганиш билан қизиқади. Сургундан қайтгач, меҳнаткашларга Ҳақиқат осмонда эмас, ҳақиқат ерда эканлигини ўргата бошлайди ва революция кунлари уларни ўз орқасидан бошлаб боради. Революция фалабасидан кейинги йилларда Давронов маориф соҳасида ишлайди ва раҳбарлик ишларига қўтарилади.

Давронов образи ҳам айrim камчиликлардан холи эмас. Романда Давроновнинг революцион фаолияти жула кам кўрсатилган. Масалан, автор Давроновнинг сургунда революцион таълимотини қандай эгаллагани ҳақида уч ойда савод чиқарib, ўша ердагиларга қўлмақ ўз етиб келадиган китобчаларни сўраб олиб, ўқийбошладим, дейиш билан тугатиб қўя қолади.

Парда Турсун Совет Ўзбекистонини социалистик асосда қуришда қишлоқдаги партия раҳбарлигини Абдурасул образида кўрсатишга уринади ва бу соҳада муайян муваффақиятларга эришиди.

Абдурасул ота-боболари билан Октябрь революциясигача Олахўжа каби бойларнинг эшигига хизмат қилиб келган, қорни нонга, эгни кийимга ёлчимаган, устиди ямоқ тўн, оёғида чориғи тушибмаган (296-бет), бойлар дастидан ўз юритидан бегона бўлиб, кўп кулфатлар тортган (297-бет), фақат Коммунистик партия ва Октябрь социалистик революцияси туфайли бойлар зулмидан, дарбадарликдан, бечораликдан, эзилишдан қуттилган киши. У Советлар даврида янги ҳаёт қуриш учун курашган, Коммунистик партия сафига кирган қишлоқ кишиси образидир.

Абдурасул қишлоқ партия ячейкасининг бошлиғи сифатида колхоз тузиш ва ёш колхозни оёққа бостириш ишида актив қатнашиши билан бирга, янги келган ўқитувчи Элмурод ва унинг мактаб ишларига ҳам маслаҳатлар бериб ёрдамлашади. Масалан, қишлоқ халқини саводхон қилиш, қишлоққа маданият келтириш масаласида янги мактаб қуриш ғоясини биринчи бўлиб олға суради.

Абдурасул ички душманларга қарши курашда ҳам

энг олдинги позицияда туради, бошқаларни ҳам ҳуш-  
ұрлика чақиради. Масалан, қишлоққа биринчи күн кел-  
ган Элмуродни душманлар ўз тузогига илинтириш уми-  
дидә Олахўжаниңг уйига олиб борганда, Абдурасул бу  
воқеадан уни огох қиласы.

Парда Турсун Гулсум ва Ойимхон образлари орқа-  
ли неча асрлардан бери азоб-уқубат чекиб, түрт девор  
ичида әзилиб, эксплуататорлар томонидан сочи узун,  
ақли қисқа деб камситилган ўзбек хотин-қизларининг  
совет давридагина озодликка әришгани, социалистик  
қурилишнинг актив иштирокчилариға айланғанлигини  
тасвирлаб берган.

Элмурод қишлоққа янги келганды оқ күнгил ва сод-  
да қишлоқ қизи бўлиб кўринган Ойимхон воқеалар да-  
вомида ўсиб, ташкилотчи ва халқ раҳбари даражасига  
кўтарилади. Масалан, романда Ойимхоннинг колхоз  
мажлисидаги ҳолати қўйидагича тасвирланади: Элму-  
род Ойимхоннинг маънодор, текширувчи саволларидан  
завқланиб кетди. Беихтиёр аёлга қаради. Унинг наза-  
рида Ойимхон одатдаги соддадил Ойимхон эмас, балки  
ниҳоятда зўр бир арбобга ўхшаб кетди. Унинг мажлиси-  
ни усталик билан олиб боршидан қойил қолди. У ваз-  
мин ҳаракатлари, ақлли ва салмоқдор сўзлари билан  
зални тўлдирган жамоатни идора қилар ва ўзи ҳам на-  
фас сайн ўсаётганга ўхшар эди (511—512-бетлар).

Гулсум совет ҳукумати берган имтиёзлардан тўлиқ  
фойдаланишга уринган, илм олиб, ўз илмини ўзбек хотин-қизларига ҳам берган ақли расо, қобилиятли, ҳар  
бир ишга жон-дили билан киришадиган, принципиал, ўз  
ҳуқуқини тушунган, ғайратли қиз.

Автор асарга Мелиполвон, Давлатёр, Юсуфали тоға  
каби персонажларни киритиш билан асарнинг ғоясини,  
бош қаҳрамонларнинг характер ва фаолиятларини бўрт-  
тириб кўрсатиш учун хизмат қилдирган.

Парда Турсун партия ва ҳукуматимизнинг миллый  
республикаларга ёрдами ва ғамхўрлигини, улуг рус хал-  
қининг оғаларча ёрдамини «Ўқитувчи» романидаги Алексей  
Михайлов образи орқали беради. Романда А. Михай-  
лов образи рус халқининг ўзбек халқига кўрсатаётган  
кундалик ёрдамининг чинакам символи сифатида берил-  
ган. Автор романда бу ғояни ишонарли сатрларда қўйи-  
дагича беради: Алексей бошини баланд кўтариб ўти-  
рар, ўткир кўзлари гапирувчилар ва савол берувчиларга  
диққат билан тикилар, одамларнинг кўп сўзларини ту-  
шуна олмаса ҳам, уларнинг нима деяётганларини би-  
либ тургандаи эди (486-бет).

Асардаги салбий қаҳрамонлар галереяси ҳам анча яхши ишланган. Парда Турсун романда йигирманчи йиллардаги синфий душманларни ўзларига хос индивидуал бўёқларда бера билган.

Романда тасвириланган Убайдуллахўжа эшон образи ана шундай салбий персонажлардан биридир. Убайдуллахўжа эшон—руҳоний, эксплуататорлар табақаси-нинг типик вакили. У халқда диний эътиқодлар уйғотиши ва авом кишиларнинг онгини дин билан заҳарлашга уринади. Убайдуллахўжа эшон халқдан жирканади. У ўз фароғати авом халқни авраш, товлаш орқасидан ўтаётганини яхши билади. Шунинг учун ҳам у халқка маърифат тарқатишинг ашаддий душманидир. Революциядан сўнг Убайдуллахўжа эшон осонликча таслим бўлмайди. У ўзининг шогирдлари ва эътиқодли муридларини тўплаб, Совет ҳукуматига қарши сўнгги нафаси қолгунча курашади.

Автор Убайдуллахўжа эшоннинг майший аҳволи ва оила сирлари устида ҳам батафсил тўхтаган. Унинг барча кирдикорлари романда охиригача фош қилинади. У бир томондан, шаҳардаги буржуазия интеллигенцияси-нинг вакиллари—қўй терисига яширинган бўриларни ишга солса, иккинчи томондан, қишлоқдаги синфий душманларни Совет ҳокимиятига қарши қайрайди. У Совет ҳокимияти ашаддий душманларининг типик вакилидир.

Романда тасвириланган яна бир ашаддий душман—Олахўжабойнинг Совет ҳокимиятига қарши курашдаги асосий методи унинг иккюзламачилигидир. У ўзини қишлоқ активи қилиб кўрсатишдан ҳам, халқпарвар қилиб кўрсатишдан ҳам тоймайди. Шу билан бирга, у Совет ҳокимияти ва колхоз тузумига қарши ўзи, қонхўр Мадамин, оғмачи Тожибой, бойларнинг югурдаги Бозорбойлар орқали ҳам курашади.

Мадамин, романда ўзи эътироф қилганидек, оғзи меҳнаткаш халқ қонига бўялиб келган бўри, э́ксплуататор синфнинг бошқа бир типик вакили. У Совет ҳокимиятига қарши жон-жаҳди билан курашади. Мадамин босмачиларнинг тор-мор бўлиши муқаррар эканини сезгач, босмачи Раҳмонқулни тутиб бериш эвазига ўз жонини сақлаб қолади. Аммо Мадамин Совет ҳокимияти билан узоқ чиқиша олмайди. У ўз ерининг колхоз ихтиёрига ўтишини билиб, мол-мулки учун ўч олишга киришади. Мадамин характеристи учун йиртқичлик хос. У *Мен энди бўриман—ҳаммангни битта-битта ейман* (477-бет), дейди.

Романда Сотоволди каби актив колхозчи ва Худой-қул каби пок вижданли совет кишиларини битта-битта ея бошлаган қонхўр бўри Мадаминнинг шармандали тақдири колхоз тузуми ва бошқа прогрессив янгиликларнинг душманлари тақдирининг умумлашмаси сифатида берилган.

Тожибой—камбағал табақадан чиққан, лекин ўзининг узоқни кўра олмаслиги, принципсизлиги ва худбинлиги орқасида бойларнинг ноғорасига ўйнаб, уларнинг думига айланниб қолган киши образидир. Тожибой—мақтанчоқ, амалпараст, худбин майшатни яхши кўрадиган киши. У ўзининг барча ҳаракатларида кўпроқ эски амалдорлардан ўрнак олади ва қишлоқ бойларига сажда қиласи. У янгиликларни кўра олмайди. Шунинг учун ҳам ҳали душманларининг тузогига тез илинади. Тожибой образи реал ва кишини ишонтиарли қилиб анча пўхта ишланган.

Тўқсонов—Совет ҳокимиятининг дастлабки даврларида давлат аппаратига суқилиб кириб олган синфий душман образидир. Автор Тўқсонов образини яратишда бир қанча қарама-қаршиликларга йўл қўйган. Масалан, автор Тўқсоновни қўйидагича тасвирлайди: *Тулки телпак остидан кўринган кенг ва ялтироқ пешона, ясама чимирилган қош, чуқур қовоқлар тагидан ҳўшёёр қаровчи қўй кўзлар ва маҳкам юмилган юпқа лаблар бу одамнинг ўз ишига пухта, ўзгаларнинг ақл ва фаросатига муҳтож эмаслигидан нишона бериб турарди* (457-бет). Бу сатрларни ўқиган киши аввало. Тўқсоновни ижобий образ деб ўйлайди. Аммо салбий кишилар орасида ҳам ташқи кўриниши билан кишида ишонч ўйфотувчи ва ўз ишига пухта бўлган кишиларнинг ҳаётда анчагина учрашини ҳам ҳеч ким инкор қилмайди. Аммо биз авторнинг Тўқсоновга шундай баҳо бергани ҳолда уни қишлоққа киритгач, ўтакетган лақма, амалпараст ва эҳтиёткорликни бутунлай билмайдиган қилиб берганлигига қўшила олмаймиз.

Дарҳақиқат, Тўқсоновга ўхшаган ҳар жойдан тўқсон таёқ еб чиққан яширин душман ҳеч вақт қишлоққа келиб, тўсатдан очиқасига гапириб колхозни буза олмайди. Колхоз тузувчиларни дўқ билан қўрқитиб, қўлида браунинг (тўппонча) билан чопиб юрмайди, балки совет тузумига сиртдан, яширинча зарба беришга ҳаракат қиласи.

«Ўқитувчи» романидаги персонажлар нутқини инди-видуаллаштиришда ёзувчи Парда Турсун анча муваффақиятларга эришганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Чунки романдағи деярли барча персонажларнинг нутқлари уларнинг ўз мавқеларига мослашган бўлиб, уларнинг ички дунёсини, тушунчасини, фикрлаш доирасини очиб бериш учун хизмат қилади. Бу нарса романдағи ҳам салбий образларнинг деярли ҳаммасига хосдир. Масалан, романда автор келажакка ишонч кўзи билан қараш, юксак оптимизм ва совет кишиларига хос бўлган инсоний фуурур Элмуродлар учун характерли дегани ғояни бадиий жиҳатдан асосли кўрсатади. Бу гоя Элмуроднинг индивидуал нутқи орқали ўқувчига қайта-қайта етказилади. Масалан, асарнинг 331-бетида Элмурод Совет ҳукуматига номигагина дўст бўлиб юрган Мадаминнинг кирдикорларини фош қиласкан: *Ҳақли одамни ҳеч ким чалолмайди. Ҳақлининг тили ҳам узун, обрўйи ҳам баланд*,—деса, асарнинг 438-бетида эса Зарчакўз домланинг *худонинг қудратига шак келтирманг* деган гапларига қаратади: ...*халқнинг кўзи очилиб ҳақиқатни кўрди. Ҳақ йўлни топди. Бундан кейин ҳеч ким зулматда тутқун бўлишини истамайди. Шунинг учун ҳам колхоз тузиб, жаҳолат ва ваҳшийликнинг томирини қирқиб ташлаётиди. Коммунизмга йўл солаётиди. Биз ҳақиқий жаннатни ўз қўлимиз билан яратамиз*,—дейди.

Элмуроднинг ўзига хос нутқи асарнинг «Етимлик», «Бахт» бобларида ҳам яхши берилган. Айниқса, ана шу бобларда Элмуроднинг болаларга хос психологияси унинг ўзига хос нутқи орқали жуда яхши акс этган.

Асарда Абдурасул, Давлатёр, Юсвали, Мелиполвон каби персонажларнинг нутқлари ҳам ранг-баранг бўлиб, халқ мақол ва ибораларига бой. Масалан, *Мен энди бўриман. Ҳамманги битта-битта ейман!* деган Мадаминга қарши Абдурасул: *Ҳа, хали шундайми? Ундаидай бўлса бўрини ҳам тўнғиз ўқ билан отадилар. Яхшиликча эгардан тушу, қўлингни кўтар* (477-бет), деб хитоб қиласади.

Абдурасулнинг бу сўзларидан унинг жасоратли эканлиги, душман билан тилида гаплаша олиш қобилияти англашилиб турса, қочиб кетишга уринаётган қулоқларга қарши айтган қуйидаги сўзлари унинг душманларни фош қилишда халқ иборалари ва мажозлардан усталик билан фойдалана оладиган, сезгир ва тажрибакор эканлигидан далолат беради: *Ҳа,—деди Абдурасул,— олақарғанинг мияси қайнайдиган жазава бошланди-да, ахир... Ҳаммаси бирин-кетин тоққа қараб учаверади энди...* Шунинг учун тезроқ қанот-қўйруғини юлиб қўйши масаласини шу мажлисга қўймоқчимиз (529—530-бетлар).

Автор қишлоқ оқсоқоли Тожибойнинг ички ва ташқи қиёфасини, унинг турли шароитдаги аҳволини шундай очади. Тожибойнинг Гулсумга қаратат: *Ростини айт, муаллим болани яхши кўрасанми?... Сен шу боладан умидвор бўлсанг, сиёсий хато қиласан* (365-бет) деган сўзлари орқали Тожибойнинг савияси, яъни унинг са-водсизлиги—сиёсий хато нималигини билмаслигини кўрсатиш билан бирга, унинг ўша вақтдаги психологик ҳолатининг характерли томони ҳам очиб бўрилган, яъни автор Тожибойнинг ўзи доим сиёсий хато қилиб қўйишдан қўрқиб юришини усталик билан кўрсатиб берган.

Агар Абдурасул хотин-қизларнинг колхоздаги роли тўғрисида *Аҳолининг ярми хотинлар*. Кўплашиб пуфлашса, булар ҳам шамол турғизишади (421-бет) деб янги совет кишисига хос соғлом фикр юритса, Тожибой хотин ғеғандада ақл борми деб нотўғри, реакцион характерда фикр юритади. Тожибойнинг қишлоққа янги келган Алексей Михайловни Элмуродга кўрсатиб, *Қани, бу билан бир ғужурлашиб кўринг-чи!* Ким экан, қаердан келибди бу?! (483-бет), деган сўзлари унинг Алексей Михайловга нисбатан совуқ ва дағал муносабатини, шунингдек, рус тилини билмаслигини ҳам кўрсатади.

Парда Турсун персонажлар нутқини индивидуаллаштиришда уларнинг ҳар бирини ўз характерига, ўз ички дунёсига мослаб гапиртиришга ҳаракат қилган. Юқорида биз Тожибойнинг сўзларида унинг характерига мос бўлган палапартиш фикрлашини учратган бўлсак, хулиқ-автори ва кураш методи бошқача бўлган муштумзўр Олахўжабойнинг тилида ҳам унинг киши қўли билан иш кўрувчи айёр синфий душман ва уста тескари ташвиқотчи эканлигини кўрамиз. Масалан, Олахўжабой коллективлаштириш соҳасидаги айrim камчиликлар ва ўрта ҳол деҳқонлар орасидаги қатъиятсизлиқдан фойдаланиб, ўрта ҳол деҳқонларни Совет ҳокимиятига ва Қамишкападаги коллективлаштириш бошлиқларига қарши *Гандан хабаринг борми?...* Пешонангда битта қимираган молинг бўлса бўлди, қутулмайсан... Абдурасул гўрингни тайёrlаб қўйибди. *Молингни олиб, ўзингни очиқ мозорга ҳайдар эмиш...* (456-бет) деб қайраса, Совет ҳокимиятининг енгилмаслигига кўзи етгач, иккюзламачилик қилиб мол-дунёси ҳамда ўз жонини сақлаб қолиш мақсадида юрган Мадаминга *Буларнинг қитиғига тегма...* Шаштини қайтар. Агар газетага суробингни тортса, фир этиб терговчи этиб келади. Ана унда кўр томошани (331-бет), деб маслаҳат беради. Хушиомадгўйлик ва кишиларни сотиб олишга интилиш одади.

ти суяк-суягиға сингиб кетган Олахўжа ундан масла-ҳат олиш учун келган Тожибойга Алексей Михайловни ўз томонига ағдариб олиш кераклигига ишора қилиб, *Хумпарниг оғиз-бурнини мойлаб қўлга олиб бўлмасмикин?* Доридан ичар... (499-бет), дейди.

Бу ўринда Парда Турсун персонажлар нутқини индивидуаллаштириш учун социал-жаргонлардан ҳам ўринли фойдалана олган. У спиртли ичимлик—ароқ маъносини ифодалаш учун *дори сўзининг оғзаки сўзлашув тилига* хос бўлган кўчма маъносидан<sup>5</sup> фойдаланган, *оғиз-бурнини мойламоқ* иборасини салбий персонаж Олахўжанинг характерини кенгроқ очиш учун ўринли ишлатган.

Автор баъзи персонажлар характерини бошқа бир қаҳрамон сўзи орқали ҳам очади. Масалан, Мели половон ери қўлдан кетиб, талвасага тушиб қолган Олахўжа ҳақида шундай дейди: *Туппа-тузук одамнинг жиннилигини қаранглар!*... *Ўзимни ўлдирсанг ҳам эчкимни қўй деб шуни айтадилар-да* (442-бет). Ичи қалтироқ, усти ялтироқ Турдивой халфа эса Элмуродга: *Кўп яхши бўпти. Бу тирранчаларни ўқитиб мулла қилмасангиз, кўча чангитишдан бошқани билмайди* (285-бет), дейди. Бу сўзлардан Турдивой халфанинг хушомадгўйлиги очиқ кўриниб туради.

Шундай характерли сўзлар, иборалар Эшон нутқида ҳам учраб туради: *Шариатнинг йўли шуки, фалокатдан қутулмоқ* учун ҳар бир тадбирни кўрмоқ, чунончи, лозим бўлса, қўй терисига кириб қўй бўлмоқ, лозим бўлса, бўри терисига кириб бўри бўлмоқ...

 (115-бет),— деган сўзлари Эшоннинг советларга қарши фаолиятида шариатни рўкач қилиб фойдаланишини кўрсатса, *Эшакнинг юки енгил бўлса, харомзодалик қиласди* (64-бет), дейиши ва Отинойининг *Етим бола асрасанг, оғзи-бурнинг қон этар, етим қўзи асрасанг, оғзи-бурнинг ёғ этар* (100-бет), дейиши уларнинг реакцион ўй-хаёлларини, кирдикорларини фош этишга хизмат қиласди.

Бу ерда автор реакцион мазмунли халқ мақолларини салбий образлар тилидан бериб, уларнинг характерларини очиш учун жуда ўринли фойдаланган. Шунга ўхшашиб ўринли қўлланган мақол ва фразеологизмлар романда тез-тез кўзга ташланиб туради: *Сўнгги пушай-*

<sup>5</sup> Узбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик. 1-том, М., 1981. С. 234.

мон, ўзингга душман (Муса тилидан, 246-бет), *Хўқизнинг шохига урсанг туёғи, туёғига урса шохи зирқирайди* кабилар.

Парда Турсун «Ўқитувчи» романида баъзи бир мақолларга ижодий ёндашади. Масалан, халқдаги *Кўр хассасини бир марта йўқотади* деган мақол<sup>6</sup>ни романнинг 242-бетида *Девона ҳам хуржунини бир марта йўқотади* деган формада қўллайди.

Шу билан бирга, кузатишлардан маълум бўладики, автор баъзи халқ мақолларини романда ноўрин қўлланган. Масалан, эндиғина совет мактабини тугатади Муса қизларга характеристика берар экан, уларни *Югурган қолиб, буюрган илиб кетаберади* (216-бет), *Хўп деса, ишинг битиб, эшагинг лойдан ўтгани, йўқ деса сен ҳам «зорим бору зўрим йўқ» дейсану, кўнгилни узуб, қўлни ювиб қўлтиққа артиб кетаберасан* (219-бет), деб баҳолайди.

Муса нутқи составида қўлланган иши битиб, эшаги лойдан ўтди ибораси унинг севги масаласига жуда паст назар билан қарашини кўрсатадики, бу ҳам асар foясига заар келтиради. Чунки ёзувчи Мусани салбий образ эмас, ижобий образ қилиб, уни совет ўқувчиларининг намунаси сифатида талқин қиласади.

П. Турсун образларнинг характерларини тўлиқроқ очиб бериш учун улар нутқи составида диалектал сўзлардан ҳам фойдаланади. Тиллабой: *Отни опчиқ, чиротим* (86-бет), деб ўз шевасида гапирса, *Отинбиби Ke, бўлақол, бузовни ушлаб тур* (64-бет) деб ўз шевасида сўзлайди. Қори нутқида қаратқич келишиги ўрнига тушум келишиги формаси қўлланган: *Эшон поччангни уришганлари—таълим* (76-бет) кабилар.

Бадий асарда қаҳрамонларнинг нутқини индивидуаллаштириш, унинг характерини очиш учун диалектизмлардан фойдаланиш мумкин<sup>7</sup>. Бироқ автор нутқи составида ҳам шева элементларини ишлатиш унчалик маъқул эмас. П. Турсун романда ана шу хилдаги камчиликларга ҳам баъзи ўринларда йўл қўйган. Масалан, *подио* сўзининг ассимиляцияга учраган, диалектал

<sup>6</sup> Узбек халқ мақоллари. Тошкент. 1984. 160-бет; Бердиёров Х., Расулов Р. Узбек тилининг паремиологик лугати. Тошкент. 1984. 137-бет.

<sup>7</sup> Бу ҳақда қаранг: Файзуллаев Б. Диалектизм в языке художественных произведений. Автореф. дис..., канд. филол. наук. Ташкент. 1979.

формаси *пошио*<sup>8</sup> персонажлар нутқи составида ўринли фойдаланилган (10-, 15-бетлар), аммо худди шу диалектал формадаги сўзнинг автор нутқида ҳам берилишини (11-бет) оқлаб бўлмайди. Худди шунингдек, бир танга сўзининг диалектал формаси биттана га автор нутқи составида қўлланиши ҳам маъқул эмас (17-бет).

П. Турсун «Ўқитувчи» романида ранг-баранг фразеологизмлардан ҳам кенг фойдаланган. Романда автор нутқида ҳам, персонажлар нутқида ҳам мазмундор халқ иборалари кенг қўлланилган. Бу ҳол асар тилининг муҳим ютуқларидан биридир.

Романда автор нутқи составида бўтадай бўзлаб (39-бет), сувдан ҳам арzon бўлган одам кучи (14-бет), мой тўқилса, ялагудек (151-бет) каби фразеологизмлар мавжуд. Персонажлар нутқи составида эса э, чучварани хом санаган генерал (107-бет), энди борса-келмасга кетдим (142-бет), бу от савдоси эмас, умр савдоси (203-бет) сингари ўринли қўлланган иборалар оз эмас. Бундай иборалар асар тилининг ширали бўлишини таъминлаган, халқ ибораларининг аста-секинлик билан адабий тил бойлигига ўта бориши учун йўл очган.

Асарда неологизмлар, рус тили орқали тилимизга кириб келиб, уни бойитаётган совет-интернацонал сўзлари ҳам ўринли ишлатилган. Масалан, *революция қурбонлари, ер ислоҳати, форма, йигирма беш мингчи, колективлаштириш, оммавий иш, конкрет, электростанция*, каби сўз ва бирикмалар шулар жумласидандир.

«Ўқитувчи» романида архаизм ва историзм сўзлар ҳам бор. Булардан *котиб, тилмоҳ, понсад, элликбоши, ямин* каби сўзлар автор ва персонажлар нутқида ўринли қўлланган бўлса, *мушоҳида, истифода, эгачи* каби сўзлар эса асарда ноўрин ишлатилган, деб ўйлаймиз.

П. Турсун образларнинг характерларини очища уларнинг ташқи қиёфасини, портретларини чизиш орқали ўзининг шу образларга бўлган муносабатини ҳам билдиради. Шу йўл билан ёзувчи ўзи чизаётган образга нисбатан ўқувчидаги симпатия ёки антипатия ўйғотади.

Романда бу ҳол айниқса салбий персонажлар портретида яққол кўзга ташланиб туради. Масалан, Ҳожининг портретини олайлик. Ҳожи қузғунга ўхшаши қонқора, узун бўйли (85-бет) бир одамдир. Унинг усти-бoshi ҳам қонқора бўлиб, агар узун бурни сариқ ранг билан бўялса, баҳайбат бир қузғун яратилган бўларди (78-бет). Бу портрет ёзувчининг бирорнинг тузини ишиб,

<sup>8</sup> Узбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик. I-том, 601-бет.

тузлигини булғатишдан тоймайдиган шум одам (85-бет) бўлган киши образини ўқувчига етказиш учун замин тайёрлаётганидан ва портретни сиёсий карикатура даражасига айлантира олганлигидан далолат беради.

Отинои портрети. Отинои юзлари ушук урган олмадай сўлий бошлигар, кўзлари юввош қўйининг кўзидаи йилтираган паканагина бир аёл (50-бет) бўлиб, у йўрғалаб юради, гапирганда мушук кўрган шум хаккадай қақшайди (50-, 56-бетлар) ва аза тутган аёлдай вайсаб, ииғлаб ғазал ўқийди (30-бет).

Олахўжа портрети. Йўғон бир одам Элмурод олдида йиқилиб тушгидай бўлиб, эгилиб кўришиди (253-бет), бу семиз, бақалоқ, лунжлари сайраётган қурбақадай шишиган (257-бет). Олахўжа эди. У Абдурасул таърифи билан айтганда, кўринишда шундай мўмин, бузоқнинг ҳақи бор деб, сигирнинг сутини ичмайди. Аслини суриштирсангиз ювош қашқирдир (175—276-бетлар).

Бу мисоллар «Ўқитувчи» романида салбий портретлар галереяси давр характери билан боғлиқ ҳолда анча яхши ишланганлигидан ва сатирик тип даражасига етганлигидан дарак беради.

Аммо шунга қарамай, романда салбий образлардан баъзиларининг ташқи портрети етарли ишланмаган. Мисол учун Убайдуллахўжа эшон портретини олиб кўрайлик. Тўғри, автор эшоннинг ёмонлиги тўғрисида кўп гапиради. Автор эшонни афтидан шу қадар ёмон кўрадикӣ, ҳатто уни ер юзидағи ҳайвонларнинг ҳаммаси билан тенглаштиради: уни от қилиб кишнатади (105-бет), кўппак қилиб иррилатади (124-бет), ит қилиб вовуллатади (93-бет), илон қилиб вишиллатади (105-бет), мушук қилиб миёвлатади (264-бет). Булар билан қаноатланмай, эшонни яна дўриллатади (447-бет), пишқиртиради (402-бет), пишиллатади, хириллатади (124-бет), бақиртиради ва ҳоказолар.

Афсуски, авторнинг шу хилдаги уринишларига қарамай, эшоннинг тўлиқ ва ёрқин портрети асарда кўринмайди. Аксинча, турли кўйга туша бериб, тутуриқсизланган эшон портрети асарнинг бадиий қимматига зарар етказган ва автор нутқини ҳам маълум даражада вульгарлаштиришга олиб келган.

Романда ижобий образларнинг портретларини чишида ҳам авторнинг баъзи бир ютуқларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Масалан, новча бўйли, қарчиғайдай келишиган чиройли йигит Сотволди билан узоқ меҳнат туфайли офтобда ғўзапўчоқдай қоврилган Юсвали чолни бошлиб келди (292-бет). Бу ўринда автор икки ки-

шининг портретини қисқароқ бўлса-да, асосан бера билган. Аммо П. Турсун ижобий қаҳрамонларнинг портретини яратишда унчалик катта муваффақиятга эриша олмаган. Масалан, бизга асарнинг бош қаҳрамони Элмуроднинг портретидан *унинг қотма,чуваккина юзлари, бурун ва қулоқлари...*, кенг пешонаси... (251-бет) ва қора шапка билан пальто кийиб юришидан бошқа ҳеч нарса маълум эмас. Шунингдек, асарнинг кўзга кўринган қаҳрамонларидан бири бўлган Абдурасул ҳам китобхон кўз ўнгидага фақат узун бўйи, мўйлови ва қўй кўзлари билан намоён бўлади, холос.

Эҳтимол, П. Турсун ижобий қаҳрамонлар портретини тўла чизиши ортиқча деб ўйлагандир. У ўз диққатини кўпроқ бу образларнинг ички дунёсини ва хатти-ҳаракатларини очиб беришга қаратиб, уларнинг ташқи кўринишини чизиб беришни ҳисобга олмагандир?

Бизнингча, салбий портретларни чизиш устида қунт билан ишлаб, катта муваффақиятларга эришган ёзувчи ижобий портретлар устида ҳам янада каттароқ ҳафсала билан ишлаши керак эди. Чунки совет адабиётида ижобий қаҳрамон яратиш проблемаси асосий масалалардан бири ҳисобланади. Шундай экан, ижобий қаҳрамонларнинг ички дунёсини, унинг социал қиёфасини кенг очиб беришда, шубҳасиз, қаҳрамоннинг портретини чизиш ҳам катта роль ўйнайди.

П. Турсун «Ўқитувчи» романидага ўхшатишлар воситаси билан образларнинг характерини очиш приёмидан ҳам яхши фойдаланади. Автор воқеа, образ ёки киши характерларини ҳаётдаги бошқа бирор нарсага ўхшатиш орқали шу воқеа ёки образларни киши кўзи олдида бадиий равишда гавдалантира олган ва унинг моҳиятини тўлароқ очиб берган. Масалан, якка хўжаликнинг ерини П. Турсун чопонга тушган ямоқга ўхшатади (396-бет). Бу ўхшатиш янги, социалистик турмуш ғоясини олға суришга хизмат қиласди.

Ёзувчи тўхтаётган вагон филдиракларини суви тортилган тегирмон тошининг айланишига ўхшатади (510-бет), шов-шув қилаётган халойиқни эса шамол оралаган маккажўхорининг шувуллашига қиёслайди (415-бет), романда Зарчакўз домланинг бошидаги кирсалла лайлакнинг уясига ўхшатилади (159-бет), боланинг бошидаги ниёз қилинган соч каламушнинг думига қиёсланади (71-бет).

Кўринадики, ёзувчи ўхшатишларни асосан табиатнинг ўзидан, аниқроғи, қишлоқ манзарасидан яратади. Бу билан П. Турсун, бир томондан, ўзининг қишлоқ

ҳаётини яхши билганлигини намойиш қилса, иккинчи томондан, асосан қишлоқ ҳаётига бағишлиланган воқеалар билан бадий воситаларнинг ҳамоҳанглигини кучайтиради.

Дарҳақиқат, романда асар ғоясини ана шундай кучайтиришга ва бадий қимматини оширишга хизмат қиласидиган юқоридагидай ўхшатишлар анчагина учрайди.

«Ўқитувчи» романида чиройлик муболағалар ҳам бор. Масалан, ҳалқ Тошкентнинг кўчаларидан дарёдарё бўлиб оқар, бир-бирига қўшилиб, янги шаҳарга томон зўр денгиздек бўлиб борарди (189-бет), Чўпон қарши томондаги тогнинг осмонга тегай деб турған чўққисини кўрсатди (187-бет), кўзларидан сел-сел ёш тўйди (21-бет).

Автор образларнинг ички ва ташқи қиёфаларини ҳам томонлама очиб беришда кичрайтириш (литота) приёмидан ҳам фойдаланган. Масалан, унинг эс-ҳушини чумчук қорнидай қорнини бир тўйдирини фикри чулғаган эди (15-бет), ўзи кичкинагина, ёш боланинг мушибидек ҳам келмайди. Наъмаю-нашъаси оламга етади (197-бет). Биринчи мисолда ёзувчи ўқувчининг фикрини ёш Элмурод учун бош масала нимада эканлигига торта билган бўлса, кейингисида кичкинагина булбул билан унинг зўр овози орасидаги катта контрастни ўқувчига етказишга муваффақ бўлган.

«Ўқитувчи» романида табиат тасвири — пейзаж ҳам қаҳрамонларнинг характерларини очишга хизмат қилдирилган. Масалан: Улар қишлоқдан, сўнгра баланд тоғлардан узоқлаша бордилар. Элмурод дам-бадам орқасига қайрилиб қарап ва назарида юксак тоғлар тобора пасайиб, осмон баландлашаётганга ўхшар эди (132-бет). Бу парчада ёш Элмуроднинг табиат ҳақидаги ибтидоий тушунчаси реалистик акс эттирилган.

П. Турсун ўзи яратा�ётган образларнинг ички қиёфасини уларнинг тили, ташқи портрети орқалигина эмас, автор нутқи орқали ҳам очиб беради. Масалан, романнинг 477-бетида автор эшоннинг йўғон товуш билан гапирганини ўқувчига билдиromoқчи бўлиб, эшон дўриллади деб ёзади. Шунга ўхшаш Отинойининг жон куйдириб гапирганини тасвиirlаб *Отинойи қақшади*, (105-бет) дейди.

Романнинг бальзи бир ўринларида П. Турсун автор нутқи ва персонажлар нутқида турли мажозларни ишлатиб, асарнинг бадий қиммати ошишига ва ундаги ибораларнинг ранг-баранг, гўзал ва таъсирили чиқиши-

га муваффақ бўлган. Масалан, *Кекса эшон эса ўз таж-рибасидан чиқарган лўнда хуносани анқов* Отинойига чайнаб бермоқда (123-бет), *Оғилдаги тилсиз ва беозор дўстлари олдига югурди* (109-бет), *Бойларнинг пало-вини еб олиб, сайрагани-сайраган эди* (107-бет). Бу мисоллардан кўриниб турибдики, автор халқ мажозла-ридан ва ўзи яратган янги мажозлардан жуда ўринли фойдаланган.

Маълумки, асар композицияси унинг бадий қимма-тини оширишда ҳам катта роль ўйнади. «Ўқитувчи» романининг композицияси асосида хронологик принцип ётади. Воқеалар асосан йилма-йил ўсиб боради. Аммо асар композициясидаги бу хронологик тартиб баъзан ўта жўнлаштириб юборилади. Масалан, Гулсумнинг Элмурод олдига Тожибой устидан арзга келиш воқеа-сини олайлик (334—340-бетлар). Гулсум Элмурод билан дарвоза олдида учрашади. Тожибойни кўриб ҳов-лига кириб кетади. Сўнгра Тожибой Гулсум олдига йир-лаб киради. Уларнинг устига Тожибой бостириб кела-ди. Кўриниб турибдики, воқеаларнинг бу тартибда берилиши натижасида романда Элмурод Гулсумнинг аҳволини тушунолмасдан бош қотиришига қарамай, ўқувчи бу воқеани совуққонлик билан қабул қиласади, чунки асарнинг бошқа бир ўрнида ўқувчи воқеадан бошдан-оёқ воқиф эди.

Романдаги яна бир камчилик шундан иборатки, П. Турсун асарнинг бош қисмида Улуғ Октябрь со-циалистик революцияси арафасида қашшоқлашган кенг меҳнаткаш деҳқон оммасининг пролетарлашиш процессини яхши, ишонтиарли қилиб бергану, лекин чор Туркистонида ўша даврда янгидан пайдо бўлиб келаётган капиталистик муносабатларни кўрсатиб беришни эътибордан четда қолдирган.

Романда таҳминан 1927—1930 йилларда Элмурод-нинг болаларни ва катталарни ўқитгани тўғрисида гап боради. Бу даврда эски араб алифбесидан «Шарқда революция» хисобланган лотин алифбесига ўтишдек улкан маданий революциянинг амалга оширилиши ва уни амалга оширишда Элмуроднинг иштироки тўғрисида, халқ душманларининг лотин алифбесига қарши олиб борган реакцион кураши ҳақидаги объектив та-рихий ҳақиқат ўзининг конкрет бадий инъикосини топган. «Ўқитувчи»дек интеллигенциянинг шакллани-шига бағишланган бир романда бундай муҳим сиёсий-маданий воқеаларнинг кўрсатилиши лозим эди.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, П. Турсун «Ўқитувчи» романни устида ўз умрининг асосий қисми давомида ишлади ва шу вақт мобайнида уни бир неча марта қайта ишлаб, тузатди. Натижада роман ҳам шу қилинган меҳнатга яраша ўзбек совет адабиёти тараққиётига маълум даражада ҳисса бўлиб қўшилди, унинг тарихида муайян из қолдирди.

Чамаси, авторнинг романни устида яна ишлаш иштиёқи бўлган. Аммо шу нуқтаи назардан қараганда романнинг сўнгги нашрида авторнинг асосий образ Холмуроднинг номини Элмуродга айлантириб, бу номнинг экспрессивлик хусусиятини оширганлиги алоҳида аҳамиятга эга. Буни ёзувчи П. Турсуннинг редакция ходими Шукур Саъдуллага ёзган хати ҳам яққол исботлайди: «Салом Шукуржон!»

Китоб тўғрисидаги ғамхўрлигингиз учун раҳмат! Бу ғамхўрлик «Холмурод» номини «Элмурод» қилишга ҳам қарши келмайди, шунингдек, асарнинг ўтган ўзбекча ва русча нашрларига ҳам қарши келмайди... Бу ўзгаришнинг аҳамияти катта. «Элмурод» деганимизда қандайдир пафос бор. «Холмурод» деганимизда бир оз нозикроқ. «Элмурод» — элнинг муроди. Бу ном менга жуда ёқади...»<sup>9</sup>.

Лекин авторнинг эртароқ хасталаниб қолиши (юқорида келтирилаётган хат 1957 йил июнь ойида ёзилган, П. Турсун 1957 йил 28 сентябрда вафот этган) ва ҳаётдан бевақт кўз юмиши унинг романни устида қайта ишлаш ниятларини тўла амалга оширишга имкон бермади. Шу сабабли романнинг сўнгги нашрида (1972) ги ўзгаришлар ҳам автор ниятларининг чала қолганлигидан далолат бериб турибди. Масалан, Холмурод номининг Элмуродга тўғри айлантирилганлиги ва унга яхши изоҳ берилганига қарамай, номларни «гапиртириш принципи» романда охирига етказилмаган. Салбий персонажларга заҳчакўз домла, Олахўжа деб ифодали лақаб-номлар берилганлигига қарамасдан, автор нима учундир аввалги нашрда мавжуд бўлган «гапиравчи» ижобий қаҳрамон Жўра номини Мусага айлантирган. Партиячайканинг секретари Абдурасулнинг номи эса образ характерига гапиравчи ном сифатида унчалик мос бўлмагани ҳолда, яна ўз ҳолича қолдирилган.

Хулоса қилиб айтганда, П. Турсуннинг «Ўқитувчи» романни ўзининг ўзбек совет адабиётида актуал темани биринчи бўлиб юксак бадиий формада ёритиб бериши, фоясининг актуаллиги билан, яъни унда қамраб олин-

<sup>9</sup> Узбекистон адабиёти ва санъати. 1987. 6 ноябрь.

ган асосий проблемаларни типик тарихий шароитда, конкрет ва реал материаллар асосида, ёрқин бадиий бўёқларда акс эттириб бериш эътибори билан ўзбек совет адабиёти тарихида катта воқеадир. Проф. С. Мирвалиев ҳаққоний таъкидлаганидек, «П. Турсун ўзбек совет йирик прозасига янги ижобий қаҳрамон — ўқитувчи интеллигентнинг эпик образини олиб кирди. У ўзбек совет адабиётини янги материал, янги тема билан бойитиб, прозада ўзига хос ижодий услуб яратди. Элмурод образи воситасида қаҳрамоннинг маълум даражада бўлса-да, фикрловчи ва курашчан характерини яратиб берди»<sup>10</sup>.

Автор ўз олдига қўйған катта вазифани бадиий тил, образлар, характерлар ва бадиий воситалар ёрдамида асосан мувafferакиятли бажаришга эришган. Шунинг учун ҳам бу роман ўзбек совет адабиётининг тараққиётида ўз ўрни ва ўз қимматига эга бўлиб қолди.

### САИД АҲМАД АСАРЛАРИДА ПЕРСОНАЖ НУТҚИНИ ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ ВОСИТАЛАРИ

Сайд Аҳмад адабиётимизга 30-йилларнинг охирида ҳикоянавис сифатида кириб келди. Унинг ҳикояларида яратган қаҳрамонлари маънавий дунёси кенг ва кўп қирралилиги билан, ҳайтийлиги, оддийлиги ва юксак инсоний сифатлари билан китобхонда чуқур таассурот қолдиради<sup>1</sup>. Сайд Аҳмад қарийб ярим асрдан бўён настрий асарлар яратиш йўлида ҳизмат қилиб келмоқда. Унинг жуда кўплаб лирик юмористик ҳикоялари, «Қадр-дон далалар», «Суд», «Хукм», «Фидирак» повестлари, «Уфқ» трилогияси,Faфур Ғулом ва Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги «Назм чорраҳасида», «Устоз чироғи» номли ҳужжатли мемуар асарлари, телеминиатюралари, «Келинлар қўзғолони», «Куёв» комедиялари китобхонларга, томошибинларга жуда яхши таниш.

Истеъдодли адабиётшунос Иброҳим Faфуров ҳаққоний таъкидлаганидек: «Сайд Аҳмад прозаси одамни ҳам кулдиради, ҳам йиғлатади, шу билан бирга, юракларга эзгулик нашъасини олиб киради, яъни ҳам севишига, ҳам нафратланишга ўргатади, шу билан бирга, шу проза бошдан-оёқ инсонга шафқат ва муруват билади».

<sup>10</sup> Мирвалиев С. Ўзбек романни. Тошкент. 1969. 270-бет.

<sup>1</sup> Владимиро в Н. Мастерство Саида Ахмада. Ташкент. 1973; Пирматов К. Мастерство Саида Ахмада — новеллиста. АКД. Ташкент. 1973 ва бошқалар.

лан суғорилган бўлиб, у ўз ибрати билан одамни ҳам олижаноб, ҳам инсонга меҳрли бўлишга чақиради»<sup>2</sup>.

Сайд Аҳмад асарларининг бундай фазилатлари, шубҳасиз, унинг бадий тил соҳасидаги маҳорати билан ҳам боғлиқ. Сайд Аҳмад ҳозирги ўзбек совет ёзувчилари орасида бадий тил маҳоратини эгаллаган ЭНГ пешқадам ижодкорлардан биридир<sup>3</sup>. Бу жиҳатдан у кейинги йилларда устоз Абдулла Қаҳҳор анъаналарини изчил давом эттиришга интилмоқда. Бунга биз биргина Сайд Аҳмад асарларида персонажлар нутқини индивидуаллаштириш воситаларини кўздан кечириш орқали ҳам тўла ишонч ҳосил қилишимиз мумкин.

Маълумки, қаҳрамон нутқини индивидуаллаштириш орқали характер яратишнинг муҳим воситаларидан бири диалог, монолог ва полилог формаларидир.

Лингвист олимларнинг тадқиқотларида кўрсатилишича, барча тилларда бўлгани сингари ўзбек тилида ҳам диалог гап формаларининг тўлиқ бўлмаслиги, сўзларнинг тушиб қолиши, бир сўз формасигача қисқариб келиши, яъни инверсия, эллипсис ҳолатининг кучлилиги билан ва асосан, оғзаки сўзлашув нутқида қўлланиши билан характерланади<sup>4</sup>. Диалогнинг бундай хусусиятлари бадий нутқда, сўз санъаткорлари қўлида муҳим стилистик восита бўлиб хизмат қилиши табий.

Дарвоҷе, бадий нутқда, жумладан, прозаик асарларда диалог ёзувчининг санъаткорлигини, истеъодини белгиловчи асосий компонентлардан бири ҳисобланди. «Шу маънода диалог маҳорати ёзувчи талантининг, унинг ҳётни қай даражада чуқур билиши ва инсон табиатини зукколик билан ҳис қилишини очиб кўрсатувчи заргарлик калитидир»<sup>5</sup>.

Образ яратишнинг бу усулидан улуғ сўз санъаткорлари М. Горький, М. Шолохов, А. Фадеев, А. Қодирий, А. Қаҳҳорлар зўр маҳорат билан унумли фойдаланганлар, шу билан бирга, бадий маҳоратнинг бу

<sup>2</sup> Ғафуров И. Прозанинг шоири. Тошкент. 1981. 12-бет.

<sup>3</sup> Юлдашев Б. Язык и стиль произведений Саида Ахмада. АКД. Ташкент. 1979.

<sup>4</sup> Ҳазраткулов А. Диалогическая речь в узбекском языке. АКД. Самарканд. 1965; Халдарова С. М. Семантико-структурные особенности и диалогической речи в узбекском языке. АКД. Ташкент. 1974.; Үринбоев Б. Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксисининг баъзи масалалари. Тошкент. 1974.

<sup>5</sup> Ғафуров И. Гўзалликнинг олмос қирралари (адабий ўйлар). Тошкент. 1964. 141-бет.

муҳим приёми ҳақида қимматли фикрлар ҳам баён этганлар.

«Диалог,— деган әди моҳир рус совет ёзувчиси А. С. Макаренко,— прозанинг энғ қийин бўлакларидан биридир. Ҳаётдаги диалогни яхши билмоқ керак. Қизиқ диалогни ўйлаб чиқариб бўлмайди...»

Диалог жўшқин бўлиши, кишининг руҳий кечинмасини кўрсатибгина қолмай, характерини ҳам очиб бериши лозим. Диалог ҳеч қачон сафсатага, оддий майнавозчиликка айланмаслиги, ҳеч қачон автор текстининг ўринини босмаслиги лозим...»<sup>6</sup>.

Адабиёт практикаси шундан далолат берадики, санъаткор ёзувчилар ҳажман қисқа, мазмунан бой диалоглар орқали персонажлар характеридаги индивидуал хислатларни бўрттириб кўрсатадилар, ўз қаҳрамонларининг интеллектуал дунёси бойлигини, ички кечинмаларини ёрқин намойиш қиласидилар.

Маълумки, диалог ҳаётий бўлса ҳамда характерлар мантиқидан келиб чиқсагина, ўзига юклangan ғоявий-эстетик нагрузкани тўла адо этиши мумкин<sup>7</sup>. Масалан, Саид Аҳмаднинг «Алла» ҳикоясидаги Муроджон ва Озода диалогини олиб кўрайлик. Бу диалог ҳикоянинг кульминацион нуқтаси бўлиб, диалог — баҳс формасидадир.

Модага, танцага, зебу зийнатга ҳавас қўйган гўзал Озода учун ҳомиладорлик, фарзанд «оёқнинг кишани» бўлиб кўринади. Эр-хотин ўртасидаги ўзаро тўқнашув, баҳсга худди ана шу воқеа сабаб бўлади:

— Йўқ! — деди Озода, истамайман. Ҳали ёшман, ҳалитдан болани бошимга ураманми?.. (I том, 172-бет)<sup>8</sup>.

Муроджон эса уни бу ниятидан қайтаришга интилади:

— Озода, дурустроқ ўйлаб кўр.

<sup>6</sup> Макаренко А. С. Сочинения. Т. VII. М.: Изд-во АПН. РСФСР. 1951. С. 165.

<sup>7</sup> Шаройко О. Структура диалогической речи в произведениях советской прозы. Одесса. 1969; Гельгардт Р. Р. Рассуждение о диалогах и монологах (к общей теории высказывания) // Сборник докладов и сообщений лингвистического общества. Т. II. Вып. первый. Калинин. 1971. С. 197—215.

<sup>8</sup> Саид Аҳмад. Танланган асарлар. Уч томлик. Биринчи том. Ҳикоялар. Тошкент, 1971.; Иккинчи том. Қелинлар қўзғолони (пoвeсть ва ҳажвиялар). Тошкент. 1972; Учинчи том. Уфқ (роман). Тошкент. 1970 (Саид Аҳмад асарларидан олинган мисоллар шу нашрдан келтирилди ва қавс ичидаги асар томи ҳамда саҳифаси кўрсатилади).

— Ўйлаб қарадим, олдириб ташлайман.

— Нима?!

— Ҳа.

— Биринчи бола. Мумкин эмас. Умрбод майиб бўлиб қоласан-а.

— Майли... Нима бўлса бўлсин.

— Шундайми?! (I том, 172—173-бетлар).

Ҳаётни енгил тушунадиган Озода эрига тик гапиришга, унга ўз сўзини, ўз ҳукмини ўтказишга ҳаракат қиласди. Эр эса уни инсофга чақиради. Биринчи бола. Мумкин эмас, умрбод майиб бўлиб қоласан-а, деб унга аччиқ ҳақиқатни ётиғи билан айтади. Лекин ўжар Озодага бу гаплар ҳам заррача таъсир қилмайди, унинг учун Майли, нима бўлса бўлсин.

Ҳаётий аргументни тўғри тушунмаган ва устма-уст гап қайтараверган Озоданинг хатти-ҳаракати Муроджонни Шундайми?! деб ғазабдан қичқиришга, сапчиб туриб мушт билан стол қирғоfiga уришга мажбур қиласди.

Бу диалогдан Муроджоннинг олижаноблиги, оила тинч-тотувлигини сақлашга интилиши сезилиб турибди. Унинг ҳарактеридаги бу хусусият эр-хотин баҳси давомида янада очиқроқ кўзга ташланади:

— Озода, ундаи қилма. Нима қилсанг қил, фақат бу ишни қилма. Умрбод оёғинг остида судралиб юришга розиман, бундай қила кўрма.

Бу гаплардан олдин автор нутқида Мурод хотинининг қаршиисига келиб тиз чўкди деб таъкидланиши олижаноб қалб эгаси бўлган Муроднинг нақадар кучли илтижо билан ялиниб-ёлворганини бўрттириб ифодалашга хизмат қиласди. Аммо ўжар Озода барибир ўз сўзидан қайтмайди:

— Гап битта. Ёш умримни бола боқииш билан ўтказмайман.

— Ҳали шундайми?! Муроднинг кўзларида ўт чақнаб кетди. Ҳали шундайми?! Ундаи бўлса... У гапини тугатолмади. Озода унинг кўзларига дадил қаради.

— Гап шу. Хоҳласангиз шу. Бўлмаса кетаман.

— Кейин пушаймон бўласан, Озода.

Озода бош чайқади.

— Ундаи бўлса сен билан...

— Яшай олмайман, демокчимисиз, шундайми?

— Ахир, ўзинг ўйла (I том, 173-бет).

Мурод ўз мантиқига кўра, хотинини уриб-сўкиши сен билан яшай олмайман деб очиқ айтиши мумкин эмас эди, чунки унинг интеллектуал дунёси бой, қалби

пок, шунинг учун у хотинига фақат *Aхир*, ўзинг ўйла, дэя олади.

Орадан беш йил ўтгач, Муроднинг уйи ёнидан ўтажтиб, бу уйдан чиқаётган алла овозини эшишиб тўхтаган Озода ўзининг ўша пайтда нақадар катта гуноҳ қилганини чуқур ҳис этади:

— *Тиз чўкиб ёлворган эди-я. Умрбод майиб бўлиб қоласан, деган эди-я. Мана энди... Ўзимни баҳтдан олиб қочдим... Мени ҳеч ким кечирмайди. Ўзимни ўзим ҳам кечирмайман* (I том, 174-бет).

Ўткир ҳаётий диалог асосига қурилган бу ҳикоя ёзувчининг эндигина ижодий камолотга етажтган пайтида (1956 йилда) ёзилган. Шунга кўра, унда айrim ортиқча тафсилотлар ҳам учрайди. Жумладан, асар фоясининг асосан Озоданинг ички нутқи орқали яланғоч ҳолда баён этилиши ҳикояга қусур бўлиб тушган.

Сайд Аҳмад 60—80-йилларда яратган ҳикояларида, «Хукм» повестида, «Фидирак» юмористик қиссасида, айниқса «Уфқ» трилогиясида бундай нуқсонлардан қутулиб, диалог санъатини мукаммал эгаллаган ижодкор эканлигини амалда намойиш этди.

Бу даврларда яратилган асарларда Сайд Аҳмад диалог воситасида воқеани ривожлантиради, асар драматизмини кучайтиради, шу билан бирга, образнинг ўзига хос характеристини очиб беради.

Диалог ёзувчининг 60-йиллардан кейинги ижодида қаҳрамонларнинг психологик ҳолатини кенгроқ очишга қаратилганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Диалогда, диалоглар системасида инсон характеристи ўзининг барча қирралари билан намоён бўлади. Чунки Сайд Аҳмад асарларида диалог инсон ақл-зақовати, активлиги, ҳис-туйғусини, ахлоқий ва гуманистик томонларини синашнинг энг яхши мезони эканлигини намойиш этган.

Масалан, ёзувчи «Уфқ» трилогиясида Икромжон ва Низомжон характерларини тўлароқ очиб бериш учун уларни хилма-хил тоифадаги кишилар билан тўқнаштиради. Бу жиҳатдан Икромжон ва Жаннат холанинг ягона фарзандлари — Турсунбой билан диалоглари характерлидир. Чунки бу диалогларда қочоқ Турсунбойнинг кирдикорларидан руҳан эзилган ота ва онанинг ички кечинмалари, руҳий ҳолати, қалб драмаси фоят аниқ ифодаланган.

Икромжон ҳам, Жаннат хола ҳам, бир томондан, ўз фарзандлари — Турсунбойни аяйдилар, иккинчи томондан, унинг қилмишидан ғазабга келиб, ички түғён

ўтида ёнадилар. Ана шу ҳолат Икромжон ва Турсунбой, Жаннат хола ва Турсунбой ўртасидаги диалогларда ўзининг яққол ифодасини топган.

— Асарда Турсунбой дастлаб онаси билан тўқнашади:

— *Вой, болажонгинам, болажонгинам, бормисан?*  
Қаёқларда қолиб кетдинг? Ёмонлар ўлсин, ёмонларни қора ер ютсин! Не-не гапларни тарқатишмади. Бор экансан, омон экансан...

— Секин, секин ая, бирор эшишиб қолади.

— Эшийтсин, билсин! Не-не гапларни қилишимади. Эрталаб бошимга тумонатни ийғаман. Дадагинанг бечора бошини кўтара олмай қолди.

— *Бўлди, бўлди!* (III том, 118-бет).

Она-бала ўртасидаги бу диалогни шартли равишда тўрт қисмга бўлиш мумкин. Ҳар бир тўқнашув, фикр олишув тугаши билан ёзувчи уларнинг хатти-ҳаракатини, ички кечинмаларини ҳам йўл-йўлакай қайд қилиб, баҳолаб боради. Юқорида келтирилган парчада она ўзининг ёлғиз фарзандини жуда соғингани, ўғлини тирик ва покиза қалб эгаси сифатида кўришни хоҳлаётгани яққол сезилиб турибди. Турсунбойнинг қисқа-қисқа гапларида эса унинг қўрқаётганини, ҳадиксирәётганини сезиш қийин эмас. Она Турсунбойнинг ҳадиксираб турганини бирдан пайқамайди, у бор вужуди билан қувонади, бор овози билан гапиргиси, элни тўплагиси, хурсандчилигидан «тумонатни бошига йиққиси» келади. Натижада она ва ўғилнинг интонацияси бир пардага уйғуллашмайди, балки икки парда орқали акс эттирилади. Бу ҳол ўша диалогнинг янги босқичга кўтарилиши ва бутунлай қарама-қарши пардага (оҳангга) ўтиши учун хизмат қиласди.

Шу диалогнинг иккинчи қисмida Турсунбойнинг қочоқ эканлигига (фронтдан қочганлигига) она тўлашонч ҳосил қиласди:

— Келганимни бирор билмасин!

— Қочганинг ростми?

Турсунбой дарров жавоб бермади. Лабларини анча вақтгача ялаб туриб деди:

— Поезддан қолиб кетдим.

— Қочганинг рост экан-да?

— Ҳа. Гап тамом! (III том, 119-бет).

Она ўғлининг ўз оғзидан бу гапни эшишиб билан титраб, вужуди қалтираб кетди. Жаннат холанинг ниҳоятда изтироб, алам оташида қоврилаётгани унинг Турсунбойга қаратса айтган қуйидаги сўзларида ҳам очиқ кўринади:

— Күч-қувватдан қолған отанг ҳам қўлига милтиқ олиб урушга борди-я! Бир оёгини урушга ташлаб келди-я! Сен, шу гавданг, шу кучинг билан қочдингми? Отангни тирикрай ўлдирдинг-ку, мени адойи тамом қилдинг-ку! Эртага юртнинг кўзига қандай қарайман? Даданг қандай қилиб кўчага чиқади Шуни ўйламадингми (III том, 119-бет).

Маълумки, диалог ўзининг ҳақиқий эмоционал-экспрессив йўналишини фақат муайян контекстда намоён қиласди. Айрим ҳолларда диалог составидаги сўзлар ўз лексик маъносидан ташқари маънони, унга зид бўлган маъно оттенкасини ифодалашга хизмат қиласди, чунки шу пайтда персонажлар хаёли бутунлай бошқа нарса билан банд бўлади. Адабиётшуносликда ва лингвистикада бундай ҳодиса подтекст номи билан юритилади<sup>9</sup>.

Ҳозирги замон прозасининг асосий хусусиятларидан бири унинг чуқур подтекстга эга эканлигидир<sup>10</sup>. Прозаик асарларда подтекст персонаж фикри, хаёли билан автор нуқтаи назари ўртасидаги алоқанинг маҳсул бўлиб, у диалоглар составида репликаларнинг ўзаро таъсири ва диалогнинг автор баёни билан бўлган хилма-хил муносабати орқали майдонга келади.

Масалан, Дилдор билан Иноят оқсоқол ўртасида бўлиб ўтган қўйидаги диалогда подтекст мавжуд:

— ...Қудам кўринмайдилар?

Дилдор маъюс жавоб берди:

— Утған куни касалхонага обориб қўйдик. Сал оғирлашиб қолдилар.

Оқсоқол, аттанг, аттанг деб бошини сарак-сарак қилди (III т. 161-б.).

Шундан кейин автор ўз нутқида (ремаркасида) Иноят оқсоқол сўзларининг чуқур подтекстга эга эканлигига ишора қиласди: у аттанг, деярди-ю, ичида бу тапнинг аксини ўйларди (III том, 161-бет). Чунки Иноят оқсоқол қудаси Ҳалим бобонинг тузалишини эмас, тезроқ дунёдан ўтишини хоҳлар ва ундан манфаатдор эди.

<sup>9</sup> Сильман Т. И. Подтекст как лингвистическое явление//Научные доклады высшей школы. Филологические науки. 1969; № 1; Сильман Т. И. Подтекст — это глубина текста//Вопросы литературы. 1969. № 1; Старков А. Н. О подтексте романа Л. Леонова «Русский лес»//Научные доклады высшей школы. Филологические науки. 1963. № 3.

<sup>10</sup> Жанрово-стилевые исследования современной советской прозы М.: Наука. 1971; Идейное единство и художественное многообразие советской прозы. М.: Мысль. 1974.

Ёзувчи қўллаётган диалоглар характерни очишдан ташқари, авторнинг ўз қаҳрамонларига муносабатини, эстетик баҳосини ҳам ифодалаб келади. Жумладан, Сайд Аҳмад ўз қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатига бўлган ироник, кинояли муносабатини ўша қаҳрамон нутқидан олинган айрим сўзларни ўз нутқи (рёмаркаси)да такрорлаш ёки таъкидлаш орқали ҳам ифодайди.

Масалан, Рисолат билан Дилдор диалогидан кейинги автор баёни ҳам диалогик характердадир:

— Бўлмаса кета қолай. Хотиржам бўлинг, тез-тез келиб ҳолингиздан хабар олиб тураман. Янги бўшанган нарсасиз. Оғир иш қилманг. Кир-чирларингизга ўзим қараб тураман.

Рисолат эрга тегиб уч болали бўлганда ҳам кирларини бир бўйча қилиб онасиникига келтириб ташларди. Ўзи қўлини совуқ сувга урмай, пардоздан бўшамасди...

— Шу хотин келиб Дилдорнинг кирини ювиб берадими? (III том, 172-бет).

Бу ўринда персонаж сўзларининг асл маъноси автор томонидан «фош этилади». Бошқача қилиб айтганда, бу диалогда Рисолатнинг фикри шу образнинг мөҳияти, асл мақсади автор нутқи орқали «демаскировка» қилинади.

Авторнинг персонаж хатти-ҳаракатига кесатиқ, ироник муносабатини ифодалашда ўша персонаж нутқидаги айрим сўзларни автор ўз нутқида такрор қўллаши мухим роль ўйнайди. Жумладан, асар давомида Рисолатнинг пулга, мол-дунёга ўчлиги, отаси сингари бисот тўплаш учун ҳатто чайқовчиликдан ҳам қайтмаслиги таъкидлаб борилади. Рисолат отаси Иноят оқсоқолнинг буйруғи билан Низомжонни кўргани Найман чўлига йўл олади. Йўл кирани кўтарар, деган ниятда у йўлга бир-икки пақир ўрик ҳам олади. Мана Рисолатнинг Низомжонни чўлда кўриб айтган сўзлари:

— Шунақасан-да. Жигар жигарни қўмсайди. Сендан бошка кимим бор. Дадам қарив ҳассага таяниб қолган. Кечалари тушимга кирасан, бираам кўргим келади. Ош есам, ҳам сенга илинаман, сув ичсан ҳам... (III том, 185-бет).

Ана шундай «мехрибон», «тилидан бол томадиган» опа Низомжон етиб келгунча ўрикларни бир неча баравар ортиқ нархда пуллайди. Буни автор Рисолатнинг юқорида келтирилган нутқидан бир қисмини қайта такрорлаш орқали аччиқ киноя билан алоҳида таъкид-

лайди: *Сув исса ҳам илинадиган опаси ўрикларни сотиб бўлган экан. Низомжон тамишаниб танглайига йигилган сувни қулт этиб ютиб қўйди* (III том, 185-бет).

Шундай ҳолатни Иноят оқсоқол билан Дилдор орасида бўлган диалогда ҳам сезиш мумкин. Низомжондан уйга, Дилдор номига хат келади. Бу хат Иноят оқсоқолни бир оз хурсанд қилади, чунки унинг катта ўғли «марҳум» Аъзамжоннинг хотини Дилдорни қўлдан чиқариб юбормаслик, келини Дилдор мол-мулкига эга бўлишдек разил нияти амалга ошяпти-да. У тезда хатни олиб келини Дилдорнинг уйига боради:

— *Неварагинамни бир кўрай деб келдим. Болагинамдан қолган туёқни бир кўрай деб келдим...* (III том, 161-бет).

Оқсоқол хатни бериб, қудаси Ҳалим бобонинг ка-салхонада эканини эшитгач, яна ҳам хурсанд бўлади ва охирида келини билан хайрлашиб чиқиб кетади. Шундан кейин автор нутқида Иноят оқсоқолнинг юқорида айтган гаплари такрорланади:

Оқсоқол боя, неварагинамни, болагинамдан қолган туёқни кўргани келдим, деган эди. У беланчакда ётган неварасига қарамади ҳам. Бува бўлиб неварасининг юзини ҳам кўрмаган (III том, 162-бет).

Автор нутқида қўлланган ажратилган тўлдирувчи (болагинамдан қолган туёқни) Иноят оқсоқолнинг сўзларига, хатти-ҳаракатларига нисбатан бўлган аччиқ кинояни алоҳида таъкидлашга хизмат қилади.

Диалоглар орқали ифодаланадиган бундай иронияларни тасодифий ва иккинчи даражали деб бўлмайди, чунки ирония, кесатиш авторни персонажларга яқинлаштиради, уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, сўзига нисбатан автор муносабатини ифодалашга хизмат қилади, иккинчи томондан, авторнинг персонажлардан маълум масофада узоқда туришга ҳам ёрдам беради.

Сайд Аҳмад диалог воситасида персонажлар нутқини индивидуаллаштиради экан, унинг бу соҳадаги ўзига хос хусусияти ҳам кўзга ташланади.

Сайд Аҳмаднинг диалогдан фойдаланишдаги ўзига хослиги шундаки, у диалогларни чўзмайди, ўз асарларида қисқа-қисқа диалоглар беради ва бу диалогларга образнинг ички дунёсини бевосита очишга хизмат қилувчи энг асосий фикрни сингдириб юборади. Шу билан бирга, ўрни-ўрнида асарнинг гоявий мазмунига мос равишда юмористик диалоглар ҳам беради, юқорида кўриб ўтганимиздек, диалог яратишда сўз

ўйинларидан, киноя, ирония элементларидан ўринли фойдаланади.

Масалан, «Қирқ беш кун» асаридаги Белявский билан Илимилиқ чол лақаблы мироб ўртасида юз берган қуидаги диалогни юмористик диалог дейиш мумкин:

Белявскийга бир чол яхна чой тутди. У пиёлани қўлига оларкан, чолга ҳазил қилди:

— Илимилиқ чол, тирик экансан-да, а? Мен сени ўлиб кетган, деб юрадим. Ўлмай яхши қиссан. Манавинаقا ишларни қўриб, кейин ўлсанг армонда кетмайсан.

Чол тишилиз оғзини очиб кулди.

— Атайн тўғон битишини кўрай деб ўлмай турибман. Битган күннинг эртасига ўлишига қарор қилдим.

Белявский пиёлани қайтариб бераркан, яна ҳазил қилди:

— Бу ишинг ҳам дуруст. Ўлсанг ўзим канал газетасига ўраб қўмиб қўяман («Қирқ беш кун», 50-бет).

Шундай қилиб, Сайд Аҳмад турли форма ва аспектдаги диалоглардан фойдаланаар экан, уларни ҳамиша образ ва персонажларнинг характеристини очиш, асар воқеасини ва композициясининг ўзаро диалектик бирлигини таъминлаш ва услубнинг ранг-барамгилиги ҳамда таъсиранлигига эришишни ўзига мақсад қилиб қўяди. Буларнинг ҳаммаси ёзувчининг проза соҳасидаги маҳоратини кўрсатиш билан бирга, ёзган асарларининг бадиий-эстетик қимматини оширишга хизмат қилади.

Кейинги йилларда ички монологик нутқ проблемаси психологларни, физиолог, адабиётшунос ва лингвистларни тобора кўпроқ ўзига жалб этмоқда.

А. Н. Соколов ўзининг «Ички нутқ ва тафаккур» номли монографиясида қайд қилганидек, психологияда «ички нутқ» термини одатда овозсиз, фикрий нутқни билдиради. Бу нутқ биз бирор нарса ҳақида ўйлаётган, онгимизда бирор масалани ечаётган ёки қандайдир планлар тузгаётган пайтимизда, ўқиган ва эшитган китобимизни, сухбатимизни эслаётганда, жимгина ёзаётган ва мутолаа қилаётган вақтимизда вужудга келади. Биз ҳар доим сўз символлари воситасида ўз-ўзимиз билан овозсиз гаплашамиз, ўйлаймиз ва эслаймиз... ички нутқ инсон ақлий фаолияти ва онгининг ёнг муҳим ва универсал механизмидир<sup>11</sup>.

<sup>11</sup> Соколов А. Н. Внутренняя речь и мышление. М., 1968. С. 3.

Б. Г. Ананьев «Психологияда ички нутқ назариясига доир» номли ишида ички нутқнинг қуидаги ўзига хос хусусиятларини санаб кўрсатади: а) овозисиз характерда бўлиш; б) қисқартирилган (эллиптик) ҳолда бўлиш; в) фрагменталлик- г) ташқи нутққа нисбатан иккиламчилик, яъни ички нутқ ташқи нутқдан ҳосил бўлади; д) ички нутқнинг ташқи нутққа ўтишда процесдул ва фазовий характерда бўлиши<sup>12</sup> ва ички монологлар ички нутқнинг ташқи нутққа айланишида охирги, якунловчи босқич ҳисобланади, улар максимал даражада ёйик бўлиб, ўз структурасига кўра ташқи нутққа яқин туради.

Агар ички нутқ проблемаси лингвистик планда Ф. Ф. Фортунатов, А. А. Шахматов, А. М. Смирницкий, А. А. Леонтьев каби бир қанча олимлар томонидан ўрганилган бўлса, ички монологлар адабиётшунослик нуқтаи назаридан рус адабиёти ва қисман ўзбек совет адабиёти материаллари асосида тадқиқ қилинган.

Энди ёзувчи Сайд Аҳмаднинг персонаж ички монологи (нутқи)га муносабати, бу нутқдан персонаж ички кечинмаларини, руҳий оламини очишдаги маҳорати масаласини кўздан кечирайлик.

Сайд Аҳмаднинг эстетик принципларидан бири шундан иборатки, ««ёзувчи фақат қаҳрамоннинг тилидагини ёзмай, уни ичидан ҳам гапиртира билиши керак. Чунки ичидан гапиртирилгандагина, қаҳрамоннинг ички олами очилади...»»<sup>13</sup>.

Ёзувчи ўзининг ана шу эстетик принципига доимо амал қилмоқда. Бунинг учун ўз асарларида персонажларнинг ички ва ташқи монологлари, ўзиники бўлмаган нутқ воситаларидан кенг фойдаланмоқда. Кузатишлар шуни кўрсатдики, «Инсон руҳий дунёсини энг нозик томонлари билан очиб берадиган ўткир психолог... даражасига кўтарилилган Сайд Аҳмад»<sup>14</sup> ички ва ташқи монолог приёмига асосан персонажларнинг қалб диалектикасини, руҳий оламини таъсирлаш жараёнда мурожаат қиласи.

Шуниси характерлики, бу монологлар узун эмас, қисқа ва лўнда, иккинчидан, персонаж руҳий ҳолатига ва характерига мос. Автор ижобий образнинг ўзига

<sup>12</sup> Ананьев Б. Г. Психология чувственного познания. М., 1960. С. 348—370.

<sup>13</sup> Сайд Аҳмад, Владимирова Н. Ҳикоянавислик санъати//Ўзбек тили ва адабиёти. 1973. 59-бет.

<sup>14</sup> Камиль Яшен. Годы, судьбы, книги (статьи, очерки выступления). Ташкент. 1973. С. 322.

хос монологини бериш билан бирга, салбий образнинг ҳам ички ва ташқи дунёсига мос монологини яратади. Бу монологлар персонажнинг руҳий, психологик ҳолатини ифодалашга бевосита хизмат қиласди, чунки бу монологларда персонажларнинг ички кечинмалари, фикрлар кураши ўзининг ёрқин ифодасини топади. Учинчидан, Сайд Аҳмад яратган монологлар образлилиги, ёқимлилиги, ўқимишлилиги ва жозибадорлиги билан ўқувчига бадиий завқ беради.

Ички нутқ (монолог)нинг аҳамияти персонаж характерини тўлароқ ёритиш билан белгиланаади. Ички нутқ шу персонажнинг характеридаги айрим ҳолатларни ойдинлаштиради, китобхоннинг бу образ ҳақидаги тушунчасини кенгайтиришга ёрдам беради. «Уфқ» трилогиясида «Хукм», «Суд» қиссаларида, «Жимжитлик», «Турналар», «Сувлар оқиб кетди» сингари драматизмга бой бўлган ҳикояларида персонажларнинг овоз чиқариб айтиб бўлмайдиган фикрлари бемалол ички нутқ орқали берилади. Бошқача қилиб айтганда, Сайд Аҳмад қаҳрамонлари ўз ички нутқларида ўзларини жуда эркин ҳис қиласдилар, кўнгилларига келган, лекин мантиқий жиҳатдан асосли гапни очиқ-ойдин айтадилар. Бу эса, ўз навбатида, китобхонга бу қаҳрамонларнинг ниҳоят нозик ҳисларини, фикрларини билib олишга имкон беради.

Дилдор Найман чўлига келиб, Холматжонни севиб қолади. Атрофдаги кишилар икки марта севгидан адашган Дилдорга буни таъна қилмасалар ҳам, болали аёлнинг тинчлиги бузилади. Чунки Дилдор дастлаб Низомжонни яхши кўради, кейинчалик армиядан отпускага Аъзамжон келиб қолади. Қизнинг кўнглиға хушбичим, соchlари жингалак, ҳарбий формадаги йигит ёқиб қолади ва шу онда кўзига Низомжон ёш бола, гўдакдек кўриниб кетади, ўша лаҳзадаёқ қиз ўз ихтиёрини йигит қўлига топширади. Лекин Аъзамжон унга бевафолик қиласди: уни чўлда ёлғиз ташлаб кетади. Холматжон эса унга бегона жойда кўз-қулоқ бўлиб туради. Узоқ ўйлаб бўлгач, Дилдор:

— Каердасан? Кела қолсанг-чи! Аҳволимни қара! Хўрламайсанми? Йиглатмайсанми? Ранжитмайсанми? Сендан бошқа кимим бор. Хўп. Нима десанг ҳаммасига, хўп. Чизган чизигингдан чиқмайман. Холматжон! — дейди (III том, 366-бет).

Ёзувчининг бу фикрларни Дилдорнинг ички монологи орқали бериши тасодифий эмас. Чунки Дилдор Шарқ одатини, анъанасини поймол этиб, йигитга шу

тапларни очиқ айта олмас эди. Ички монолог бу ўринда Дилдорнинг энг нозик туйгуларини тасвирашда ёзувчига ана шундай қулайлик вужудга келтириди. Бу ички монолог бир составли содда гаплардан иборат бўлиб, ёзувчи эмоционалликни кучайтириш мақсадида сўроқ сўзлардан ва қатор сўроқ юкламаларидан фойдаланади, натижада персонаж фикри, ҳис-туйғусйининг лаконик (қисқа) муҳтасар тасвири юзага келади.

Юқорида таъкидланганидек, Сайд Аҳмад асарларида, айниқса, «Уфқ» трилогиясида диалоглар катта фоявий эмоционал кучга эга, улар қаҳрамон хатти-ҳаракатини, ички кечинмаларини ёритишда муҳим роль ўйнайди. Аммо диалоглар миқдор жиҳатдан кўп эмас. Трилогияда қаҳрамонларнинг руҳий өлами, ўй-хаёли билан боғлиқ бўлган ўринларда ички нутқлар (монологлар) кўп учрайди. Айниқса Икромжон, Низомжон, Азизхон, Дилдор образларини яратишида Сайд Аҳмад ички нутқ приёмидан кенг фойдаланган. Бу образлар асарда ўзаро гаплашишдан кўра, кўпроқ фикр-мулоҳаза юритадилар, ўйлайдилар, бир-бирларини хавф-хатардан аяшга, озор бермасликка интиладилар. Шунинг учун ҳам уларнинг ички нутқларига трилогияда ниҳоят хилма-хил фоявий-эстетик вазифалар юклатилтан, яъни ички монологнинг бу образларни тўлақонли қилиб яратишдаги роллари турличадир.

Масалан, Икромжон фронтда мардонавор жанг қиласи ва бир оёғидан ажралиб, Зирилламага қайтади. Аммо унинг ёлғиз ўғли Турсунбой — қочоқ. Буни эшитган отанинг изтироблари, қайғу-аламлари шу қадар кучлики, ҳатто Икромжон боласи билан беихтиёр хаёлан гаплашади. Шуниси муҳимки, бу ўринда Икромжоннинг ички монологи ўзиники бўлмаган нутқ<sup>15</sup> билан қўшилган, аралашган ҳолда берилади, яъни персонажнинг ички монологи билан автор нутқи вобаста формада берилади:

Мана ёр-дўстларининг юзига қаролмай қолди. Ўй остонасидан хатлаб кўчага чиқолмай қолди. Нега, нима учун?

Сен учун, сен учун, ярамас бола! Сен жувонмаргни болалигиндан акаларинг қатори дард олиб кетса бўлмасмиди! Қандоқ қиласи, қандоқ қиласи. Энди қандоқ

<sup>15</sup> Нутқнинг бу формаси ҳақида қаранг: Йўл дошев Б. Узинчики бўлманган нутқнинг айрим стилистик хусусиятларига доир (С. Аҳмаднинг «Уфқ» романи асосида)//СамДУ асарлари, янги серия. № 305; Ўзбек тиљшунослиги ва умумий тиљшунослик масалалари. 1. Самарқанд. 1976. 67—75-бетлар.

*яшайди. Сен жувонмаргни яхши яшасин, деб уруш кўчаларига бир оёгини ташлаб келди!... (III том, 67-бет).*

Бу ўринда психологияк ҳолат жуда кескин, шу сабабли ота ўз аламини босиш учун очиқ ҳаракат қиласди: Турсунбойнинг лой чаплаганидаги панжа изларини девордан сидириб ташлашга интилади, ўғлининг сандал устида турган суратини ёғоч оёгининг тиззасига уриб синдиради, суратга қараб ҳўнг-ҳўнг йиглайди.

Шуни ҳам айтиш керакки, Сайд Аҳмад асарларидаги персонажлар монологи баъзи ўринларда персонаж нутқидан кўра автор нутқига яқинроқ турари, ҳатто айрим ҳолларда автор нутқи билан бирлашиб кетади. Бу хусусият, умуман олганда, Сайд Аҳмад услугуга хосdir.

Масалан, «Ўфқ» трилогиясидан олинган қуийдаги парча Дилдор монологидир. Лекин бу монолог ўз ривожида автор нутқи билан қўшилиб кетади. Бу қўшилишда ҳам образлилик, персонажларнинг ички кечинмалари тасвири биринчи планда туради:

*Бечора дадаси тўй қилсан, ичкуёв бўлса бағрим бутун, уйим обод бўлиб қоларди деб ният қиларди. Бўлмади. Наинки ичкуёв нураб қолган уйнинг шикаст рехталарига қаради. Бутун оила бошига кулфат солди. Мана ҳозир келин бўлиб бир нафас келинлик роҳатини кўрмаган Дилдор боласини бағрига босиб чироқ ёқилмаган ноганиш уйда ғам-андуҳ ичida ўртаниб қолди. Кишлоқда дадаси қангиллаб ётган катта ҳовлида қариганда ўзи кирини ювиб, ўзи томоқ пишириб ўтирибди.*

*Шу ишларни қилган, кўлфатларни бошига солган Аъзамжоннинг ўзи қаёқда? (III том, 333-бет).*

Монологик нутқ мураккаб формага эга бўлиб, индивидуал характер касб этади. Маиший ҳаётда, оғзаки сўзлашув нутқида монолог диалогга нисбатан кам қўлланади, лекин шундай бўлса ҳам, монологнинг оғзаки сўзлашув нутқида ва бадиий нутқда ўзига хос структурал типлари мавжуд.

Сайд Аҳмад асарларида бундай монолог типларидан, айниқса драматик ва лирик монолог кўпроқ учрайди. Бунинг асосий сабаби ёзувчи асарларидаги монологларга юкланган ғоявий-эстетик нагрузка билан боғлиқ. Сайд Аҳмад монологлари асосан психологик функцияни адо этади, яъни унинг қаҳрамонлари ўз хаёлларини, ўй-фирклари, ички дунёсини кўпроқ ўз монологлари орқали китобхонга етказадилар.

Ёзувчининг айрим лирик ҳикояларидаги қаҳрамонлар «Хукм»даги Бўтабой. Низомиддинов, «Уфқ» трилогиясидаги Низомжон, Икромжон, Дилдор, Азизхон, Жаннат хола сингари қаҳрамонларнинг ҳар бири асар давомида тўрт-беш мартадан монолог формасида (асосан, ички монолог формасида) гапиртирилади. Бу жиҳатдан, айниқса, Икромжон, Дилдор, Низомжон, Азизхон монологлари характерлидир.

Масалан, яккаю ягона фарзанди Турсунбой қочоқ бўлганидан куйиб ёнган, ҳатто «бу дунёда яшашдан нима фойда бор», деб ўйлаган Икромжон кейинчалик ўзининг оптимистик ўй-фикрларини монолог формасида қўйидагича баён этади:

— Йўқ, ҳали билагимда кўчим бор. Юрагимда ўт сўнгани йўқ. Бу аламларни, бу хўрликларни оёқ остига олиб топтамагчумча яшашим шарт. Яшайман! Бoshимга туганмас савдолар соглан уруш олови ўчганини ўз кўзим билан кўришим шарт. Шу ерда туриб немисга ўқ отаман. Ўқим қолмаса қўлтиқтаёғим билан бошини янчаман. Ўлиш йўқ. Ўлиш номардлик. Номард бўлиб ўлишини истамайман, истамайман! (III том, 211-бет).

Совет кишиси характерининг бош хусусияти ҳисобланган юксак ижтимоий онглилик Ватанга, ҳалқа садоқатни тақозо этади. Икромжон ҳам ана шу муаммо асосида давр синовидан ўтади. Агар «Уфқ»ни бир бино десак, Икромжон, Низомжон ва Азизхон образлари унинг уч мустаҳкам устунидир. Икромжон, Низомжон ва Азизхоннинг ички монологлари уларнинг покиза қалбини, ҳаётий муддаоларини китобхон кўз олдига намоён қиласди. Икромжон образининг бадиий пафоси унинг ўз идеалига садоқатида, идеалининг мустаҳкамлигидадир. Трилогиянинг «Уфқ» деб номланиши ҳам биринчи навбатда Икромжон образининг ҳаётий йўлига, идеалига рамзий ишорадир. Бу фикрни асар охирида Икромжоннинг Низомжонга айтган қўйидаги сўзлари ҳам яққол тасдиқлайди:

— Йўқ, болам, мен дардга чалинмайман. Мен ўлмайман. Тик бўлсан юриб, ийқилсан эмаклаб, ётиб колсан сурилиб ху ўша уфққа бораман. Уфқдан туриб Ёзёвонимга бир қайрилиб қарайман. Уфққа бормай ўлишим мумкин эмас... (III том, 435-бет).

Ёзувчи асарларида кўпгина ички монологлар уйқуга кетаётган, ярадор ёки жон берадётган кишининг мулоҳазаларини, касал кишининг алаҳлашини ўзида жонлантиради. Бундай ички монологлар авторнинг персонажнинг қалб диалектикасига чуқурроқ кириб борган-

лиги билан алоҳида ажралиб турди. Акасининг бева хотини Дилдорга уйланишга рози бўлмагани учун оқ қилинган Низомжоннинг касал пайтидаги ички монологи бунга мисол бўла олади:

— *Дилдор, Дилдор! Қандай чиройлисан! Касофат Дилдор! Сен бизни хонавайрон қилдинг! Ака, ана Дилдор! Дадамга айтинг, ака, дадамни йўлга солинг. Опамни уришиб қўйинг. Айтинг, Дилдор кўнмасин! Дилдор, Дилдор... Оқнадар! Ким оқнадар? Кет, кет, оланар! Кет, кет, Оланар! Қайт уйга, сен оқнадармассан! ..Қайт! Йўлимни тўсма, Дилдор... (III том, 55-бет).*

«Уфқ»да марказий қаҳрамонларгина эмас, эпизодик образлар ҳам психологияк жиҳатдан ёрқин ва ишонарли чизилган.. Бироқ реализм ҳамма нарсани ипидан-игнасиғача муфассал кўрсатишни эмас, энг муҳимларини саралаб, китобхон ўй-мулоҳазаларига ҳам бир оз ўрин қолдиришни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан ёзувчининг айрим ҳикояларида бўлгани сингари, трилогияда ҳам баъзи ортиқча тафсилотлар, чўзиқлик ва эзмалик ҳоллари бор.

Масалан, Асроранинг хатти-ҳаракатлари, Иноят оқсоқол кирдикорлари, Азизхоннинг ёшликтаги эртакнамо саргузаштлари тасвирига кенгроқ ўрин берилган, айрим ички монологлар эса ҳаддан ташқари чўзилиб кетган. Ана шуларни назарда тутиб бўлса керак танқидчи Н. Худойберганов: «Сайд Аҳмад ҳаёт лавҳалари, инсон нафас оладиган муҳитни зўр маҳорат билан тасвирлайди, аммо қаҳрамонлар қалб диалектикасини, ички кечинмаларини шу муҳитга, шарт-шароитларга мос ҳолда таҳлил қилишда бир оз оқсайди»<sup>16</sup>, — деб хулоса чиқариши мумкин эмас. Масалага ана шу нуқтаи назардан қараганда биз адабиётшунос олим И. Фафуровнинг қуидаги фикрларига қўшиламиз.

«Трилогияда, ўзбек миллий прозаси тасвир усуллари синтезлашди. Жуда чуқур лиризм билан сугорилган бу асар эпик тасвир билан замонавий илфор психологик таҳлилнинг бирлашган намуналарини беради.

Ёзувчининг трилогияда кўрсатган маҳорати шу қадар салмоқли ва шу қадар кенг бир ҳодисаки, у маҳсус йирик тадқиқотлар яратишни талаб қилмоқда»<sup>17</sup>.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, Сайд Аҳмад монологлари синтактик—стилистик жиҳатдан ҳам ўзига хос

<sup>16</sup> Худойберганов Н. Эҳтирос тўлқинлари. Тошкент. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1970. 236-бет.

<sup>17</sup> Фафуров И. Прозанинг шоири. Тошкент. 1981. 149-бет.

хусусиятларга эгадир. Бу монологларда ундов ва сўроқ гаплар, буйруқ гап, шахси умумлашган содда гаплар, нотиқликка хос ифода воситалари, ўткир афористик иборалар кўп учрайди. Баъзан монолог ўз-ўзидан ички диалогга айланади. Дилдорнинг ўз-ўзини сўроқ-қа тутиши (III том, 362-бет), Назирқулнинг ёшлиги билан телба Назирқулнинг ўзаро диалоги (II том, 131—132-бетлар) бунинг ёрқин далилидир.

Монологларнинг бундай синтактик-стилистик хусусиятлари авторнинг индивидуал услуби, проза соҳасидаги бадиий маҳорати ва ниҳоят персонажларнинг психологияси. ва нутқий характеристикаси билан чамбарчас боғлиқ ҳолда берилган.

Полилог — бадиий асарда коллективнинг, ҳалқ омасининг умумий нутқини беришдир. Ёзувчи асарларда қўлланган полилоглар составидаги репликалар мазмунидан омманинг руҳий ҳолати, қўйилган масалага муносабатида умумийлик акс этади, шу билан бир қаторда, бу репликаларда индивидуаллик, яъни нутқ эгасининг ўзига хос хусусиятлари англашилиб тўради. Масалан, Азизхон ўзидан бир неча ёш катта Ёғоч полвон билан кураш тушишга мажбур бўлади. Шунда томошабинлар нутқи полилог формасида берилган:

— Ҳой, Ёғоч, тенгинг билан туш. Кунинг ёш болага қолдими?

— Эсиз шундоқ гавда. Қўй-e!

— Кенжек ўғлинг тенги бола билан беллашгани уялмайсанми?... (Қирқ беш кун, 69-бет). Гарчи бу нутқ эгалари образ сифатида яширинган бўлса ҳам, буларнинг қарияларга хос нутқ эканлигини сезиш қийин эмас.

Лекин қўйида келтириладиган полилог кимларга тегишли эканини аниқлаш мушкул:

Ҳали ёш экан-ку, Эшни ииқитганига одамнинг ишонгиси келмайди, Усмон ота ёнига ўтқазди-я!, Худо кучдан берган экан. Э, гап кучдамас, омадда, омадинг келса нимжон бўлсанг ҳам, полвон қаторига ўтаверасан... (Қирқ беш кун, 165-бет).

Ёзувчининг бу полилогни келтиришдан мақсади Азизхон онгига бундай гапларнинг таъсирини кўрсашибдан иборат. Шунинг учун автор ўз нутқида Азизхон бу гаплардан маст эди. Қулогига ўзининг номи аралашмаган гап кирмасди,— деб алоҳида қайд қилади. Демак, бу ўринда ёзувчи коллектив нутқи — полилогнинг Азизхон онгига таъсирини бериш орқали об-

разнинг ички кечинмалари, ўй-хаёlinи тўлароқ ёритишига эришган.

Сайд Аҳмад услубини белгиловчи энг муҳим йўналишлардан бири — тасвирда ҳаётбахш юмор барча стилистик воситаларни қамраб олади. Шу сабабли унинг асарларида юмористик диалоглар, монологлар бўлганидек, юмористик полилоглар ҳам тез-тез кўзга ташланади. Масалан, Шаҳло («Баҳор қизлари») «Янгиобод» колхозининг механизация бўйича раис муовини бўлишига бағишлиб мажлис чақирилади. Қизнинг кийиниши, ҳурпайган соchlари қишлоқда тамоман янгилик эди. Шунинг учун мажлис аҳли:

— Ишларимиз «Баҳор» ансамбли-ку?  
— Колхозимизга ҳам халқ артисти ярашади.  
— Кундузи колхозда ишлаб, кечқурун телевизорда дикторлик қилса-я!

— Балет тўғарагининг раҳбарими? — деб ғала-ғовур кўтарадилар. (I том, 27-бет).

Лекин ҳикоя давомида Шаҳло бу ғала-ғовурнинг юмористик полилогнинг тамоман акси бўлиб чиқади, яъни қиз техника сирларини мукаммал билиши билан раисни, механизаторларни фафлат уйқусидан уйғотади ҳамда янги мода, кийиниш маданиятини қишлоқ қизлари орасига ёйиб, уларни чинакам баҳор қизларига айлантиради.

Шундай қилиб, истеъододли прозаик Сайд Аҳмад нутқнинг диалог, монолог ва полилог формаларидан тўлақонли характерлар яратиш, уларнинг хатти-ҳаракатлари, индивидуал тили ва руҳий оламини кенгроқ очиш учун санъаткорлик билан унумли фойдаланмоқда. Унинг бу соҳадаги маҳоратидан ёш прозаиклар ҳар қанча ўрганса арзийди.

## МУНДАРИЖА

3  
5

Сўз боши . . . . .	3
Адабий тил ва бадиий стилнинг назарий масалалари . . . . .	5
Миллий тил, адабий тил ва маҳаллий диалектларнинг ўзаро муносабати . . . . .	16
Адабий тилимизнинг ҳаётбахш манбалари . . . . .	30
Адабий тилимизнинг шу кунги муаммолари . . . . .	56
Ўзбек адабий тилининг стиллари ҳақида . . . . .	70
Фонетик стилистикани ўрганишнинг айрим масалалари . . . . .	78
Адабий тил ва бадиий маҳорат . . . . .	78
Бадиий асар тилини ўрганиш масаласига доир . . . . .	92
Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили . . . . .	112
Ҳамзанинг ўзбек адабий тилини ривожлантириш соҳасидаги хизматлари ҳақида . . . . .	123
«Утган кунлар» романининг тили ҳақида . . . . .	133
Шоир асарларининг тили ва стили ҳақида . . . . .	149
«Қўшчинор чироқлари» романининг тили ва стилига доир баъзи мулоҳазалар . . . . .	163
«Машъал» романининг тил хусусиятлари ҳақида . . . . .	172
«Ўқитувчи» романининг тили ва бадиий хусусиятлари . . . . .	190
Сайд Аҳмад асарларида персонаж нутқини индивидуаллаштириш воситалари . . . . .	190

**Худайберди Данияров,  
Бекмурад Юлдашев**

## ЛИТЕРАТУРНЫЙ ЯЗЫК И ХУДОЖЕСТВЕННЫЙ СТИЛЬ

*На узбекском языке*

Ташкент, «Фан»

*Алишер Навоий номидаги Мечнат Қизил Байроқ орденли Самарқанд Давлат университетининг илмий совети, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта маҳсус таълим министрлигининг илмий-методик совети томонидан нашрига тасдиқланган.*

Муҳаррир *M. Алиева*  
Рассом *O. Жаринова*  
Техмуҳаррир *H. Абдураҳмонова*  
Корректор *M. Содикова*

ИБ № 4435

Теришга берилди 1.09.88. Босишга руҳсат этилди 19.09.88. Р14804. Формат 84×108<sup>1/32</sup>. Босмахона қозоги № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма Шартли босма л. 10,92. Ҳисоб-нашиёт л. 11,5. Тираж 1000. Заказ 206 Баҳоси 2 с. 40 т.

ЎзССР «Фан» нашриёти: 700047. Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.  
ЎзССР «Фан» нашриётининг босмахонаси: Тошкент, М. Горький проспекти, 79